

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Е. ИСҲОҚОВ

НАВОЙЙ
ПОЭТИКАСИ
(«ХАЗОЙИНУЛ МАОНИЙ» АСОСИДА)

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
1983

Ушбу асар Алишер Навоий бой лирик меросининг актуал проблемаси — унинг поэтикасини тадқиқ қилишга багишланган.

Китобда лирика поэтикасининг икки мұхым жиҳати — жанрлар поэтикаси ҳамда бадний тасвир поэтикасига хос етакчи тенденциялар атрофлича таҳлил қилинади.

Китоб адабиётшunosлар, олий ўқув юртларининг филология факультетлари студентларига, аспирантлар, шунингдек, тарихий поэтика ҳамда Навоий ижоди билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мүлжалланган.

Масъул муҳаррир
филология фанлари доктори
проф. А. ҲАЙИТМЕТОВ

Тақризчилар:

филология фанлари докторлари А. РУСТАМОВ, С. ЭРКИНОВ,
филология фанлари кандидати И. ҲАҚҚУЛОВ

И 4603010000—2345
М 355(04) — 8 89—83

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1983 й.

КИРИШ

Алишер Навоийнинг лирик мероси ўзбек лирикасининг милллий ҳамда қардош адабиётларнинг энг илфор анъаналарини ўзида мужассам этган янги ва юқори босқичи ҳисобланади.

Навоий лирикасининг туб моҳияти — фалсафий, ижтимоий ва этик қарапшларнинг юксак поэтик шаклдаги ифодаси бўлганлиги билан характерланади.

Биз, биринчи марта, Навоий ижодиётида лириканинг даврнинг етакчи фалсафий, ижтимоий оқимлари билан бевосита алоқасини кўрамиз.

Лириканинг ижтимоий муҳит билан муносабати, асосан, чуқур норозиликка асосланган оппозиция, илфор бир мутафаккир — ижодкор оппозицияси сифатида кўринади.

Бу оппозиция уни рад этиш ва кескин танқид тарзда намоён бўлади. Навоийнинг лирик қаҳрамони — бой маънавий-ахлоқий сифатлар соҳиби бўлган мураккаб бир тип. Унинг руҳий олами, характеристига хос муҳим қирралар ҳаётга ва ўз замонасига бўлган актив муносабати орқали кўз олдимиизда ёрқин намоён бўлади.

У — ҳаёт томирларидағи ички ҳаракатни, давр юрагидаги мураккаб ритмни чуқур ҳис эта оладиган зукко олим ва сиёсий арбоб. Айни замонда ишқнинг қувонч ва аламлари, бекаслик ва мусофирикнинг оғир руҳий изтиробларидан ҳам маҳрум эмас. Бинобарин, бир ўринда у ана шу инсоний туйғулар гирдобида туриб оху нола қиласа, иккинчи бир ўринда осмону фалакни ларзага соладиган дараҷада наъра тортади. Бир қарасангиз, у олам ва одам наслидан ҳафсаласи пир бўлиб, улардан этак силтайди; бир қарасангиз, дин ва ҳокимият арбобларининг чиркин башарасига таъна тошларни уриб, подшоҳнинг гирибонидан маҳкам тутган ҳолда, унинг юзига бор ҳақиқатни кескин бир шаклда тўкиб солади.

Шоир шахсида ёшлик давридаёқ кўрина бошлаган мавжуд муҳитга таңқидий муносабатда бўлиш ҳисси даврлар ўтиши билан, унинг ҳаётий тажрибаси билан боғлиқ ҳолда, тобора кучайиб борди ва ниҳоят у хилма-хил шаклдаги чуқур муҳокамалардан кейин «оламни одам манфаатларига мос қилиб ва у билан бирга одамни ҳам қайтадан яратиш керак» деган буюк хулосага келди.

Шунинг учун ҳам мазмунан чуқур, ғоявий пафос жиҳатидан юксак ва бадиий баркамол бу шеърий дурдоналар шоир ҳаётлиги чоғидаёқ миллий ва географик чегараларни ёриб ўтиб, Хурросон, Мовароуннаҳр, Кичик Осиё ва Шарқий Туркистонда кенг шуҳрат қозонди.

Навоий лирик шеърларининг халқ орасига нақадар тез ёйилганлигини шундан ҳам билиш мумкинжи, шоир 24—25 ёшлик чоқларида унинг бир қанча шеърлари шеърият мухлислари томонидан тұпланиб, маҳсус дөвон ҳолига келтирілган.

Диққатга сазовор томони шундаки, Навоий лирикаси ҳақидаги дастлабки фикрлар унинг ҳаётлик пайтида баён қилинган ва уларда шоир лирик меросининг мөхияти ихчам, аммо мукаммал баҳоланған.

Навоийнинг «Оразин ёпқач» деб бошланувчи машхұр байти ҳақида Лутфий билдирган фикрни умуман шоир лирикаси ҳақида баён қилинган дастлабки баҳо деб айтиш мүмкін.

Абдураҳмон Жомий «Баҳористон»¹ асарида Алишернинг тенгсиз талантти, унинг ҳар икки тилда шеър ёзиши, бироқ майли туркел ёзишга күпроқ эканлигини таъкидлагач, «ба он забон беш аз вай ва беҳ аз вай касе шеър нагуфтааст ва гавҳари назм насуфта» (у тилда (яъни туркийда — Е. И.) ҳеч ким ундан күп ва ундан яхшироқ шеър айта олмаган ва назм дурларини теша олмаган) деб ёзади.

Ана шу бир жумлада Навоий адабий меросининг, жумладан, лирик меросининг энг муҳим жиҳатлари (ҳажм жиҳатидан ҳам, мазмун ва бадиий шакл нұқтай назаридан ҳам) ниҳоятда усталык билан күрсатиб берилған. Шу нарса диққатга сазоворки, Навоийнинг ёш замондошларидан бўлмиш Заҳириддин Бобирнинг Навоий шеърияти ҳақида «Бобирнома»да баён қилған

¹ Абдураҳмон Чомий. Баҳористон. Душанбе, 1966, саҳ. 110.

фикри ҳам Абдураҳмон Жомий фикри билан айнан мос келади.

Ҳакимшоҳ Қазвиний ҳам «Мажолисун-нафоис» таржимасининг илова қисмida Алишер Навоийнинг ҳам туркий, ҳам форсий тилда юксак маҳорат билан шеърлар ёзганлигини баён этиб, ўз фикрини қуидагича хulosалайди: «Ҳеч ким туркий шеърни ундан яхшироқ айта олмаган ва назм дурларини ундан яхшироқ соча олмаган».

Умуман, XVI—XIX асрларда Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Туркия ва Ўрта Осиёда тузилган ва Алишер Навоий номи киритилган тазкираларда Навоий ижоди, жумладан, унинг лирикаси ҳақида баён қилинган фикрларни шундай умумлаштириш мумкин: Алишер Навоий ҳар икки тилда (ўзбек ва форс тилларида) маҳорат билан шеърлар битган. Бироқ унинг таъби туркий шеърга кўпроқ мойил бўлган. Туркий тилда ҳеч бир киши ундан кўпроқ ва ундан кўра яхшироқ шеър яратган эмас.

Совет ҳокимияти йилларида Навоий лирикасини ўрганиш борасидаги ишлар, асосан, икки йўналишда олиб борилди: биринчи йўл текстологик тадқиқ қилиш ёки тўлиқ нашрини яратишгacha бўлган босқичлардан иборат. Ана шу соҳада амалга оширилган ишларни шундай умумлаштириш мумкин: а) Навоий шеърларининг тўплам, хрестоматия ва антологиялар таркибида берилиши, б) алоҳида мажмуа ёхуд танланган асарлар тарзидаги нашрлари, в) академик нашри.

Навоий лирик меросининг қарийб қирқ йил давомида юзага келган турли нашрлари ўз характерига кўра ютуқ ва камчиликларга эга, албатта. Бироқ муҳими шундаки, ана шу илмий тадқиқотлар Навоий лирикасининг илмий-танқидий текстини яратиш учун асосий замин бўла олади.

Алишер Навоий лирикасини текширишнинг иккинчи йўли эса назарий характердадир. Бу соҳадаги тадқиқот ишлари, асосан, 40-йилларда бошланган бўлиб, шоирнинг лирик мероси турли аспектдаги тадқиқотлар манбай бўлиб келмоқда.

Аввало, Навоийнинг лирик мероси шоир ижодининг бир қатор назарий масалаларига бағишлиланган асарлар таркибида у ёки бу масала билан баглиқ ҳолда тадқиқ этилган. Навоийнинг фалсафий-ижтимоий қарашлари, унинг сатираси, ижодий методи ҳамда маҳорати маса-

лаларига бағишланган монографик тадқиқотлар² ана шулар жумласидандир.

Бир қатор тадқиқотлар бевосита шоир лирик меросини турли аспектларда текширишга бағишланган³.

Шунингдек, М. Юнусов, Э. Рустамов, О. Носиров, И. Ҳаққулов, Р. Орзивеквларнинг ўзбек классик поэзиясининг баъзи жанрлари бағишланган мақола ва рисолаларида ҳам Навоий лирикасига катта ўрин берилган (булар ҳақида ҳар бир жанр муносабати билан тўхталиб ўтамиз).

* * *

Ҳ. Т. Зарифов «Рубоий» номли мақоласида Навоий рубоийларининг ғоявий-бадиӣ моҳиятини таҳлил этибгина қолмай, айни замонда рубоий жанрининг специфик хусусиятлари, унинг ўзбек адабиётида вужудга келиши ва ривожланиши учун замин бўлган миллий адабий факторлар ҳақида ҳам оригинал мулоҳазалар юритади. «Лутфий ва Навоий» деб аталган катта ҳажмли мақоласида эса ўзбек поэзияси анъаналари нинг Навоий шеърияти тараққиётида тутган ўрни, хусусан, Навоийгача бўлган ўзбек лирик поэзиясининг юқори чўққиси бўлмиш Лутфий ғазалиётининг Навоий ижодига таъсирни хусусида жиддий фикрлар баён қиласди, бу таъсирнинг муҳим кўринишларини муайян тарзда белгилашга ҳаракат қиласди.

² Зоҳидов В. Улуг шоир ижодининг қалби. Тошкент, 1970; Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. Тошкент, 1963; Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. Тошкент, 1972; Рустамов А. Навоийнинг бадиӣ маҳорати. Тошкент, 1979.

³ Ҳ. Зариф. Рубаи. В сб.: Родонаучальник узбекской литературы. Ташкент, 1940, с. 78—84; Уйгун. «Чар диван» Навои. В сб.: Родонаучальник узбекской литературы, с. 65—77; Бертельс Е. Э. Навои. М.—Л., 1948, с. 82—104; Ҳ. Зариф. Лутфий ва Навоий.—Улуг ўзбек шоирни. Тошкент, 1948, 159—197-бетлар; М. Шайхзода. Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида.—Улуг ўзбек шоирни. Тошкент, 1948, 131—158-бетлар; Узбек адабиёти масалалари. Тошкент, 1959, 238—254-бетлар; «Шарқ юлдузи», 1965, 10-сон; 1966, 5, 7-сонлар; Олим Шарифиддинов. Алишер Навоий поэтикасининг баъзи масалалари.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1968, 4-сон; Ойбек Навоий газалиётни.—«Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1961, 1—2-сонлар; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1960; Маллаев Н. Узбек адабиётида газал ва унинг ривожида Навоийнинг роли.—«Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1961, 3-сон; Навоий лирикаси.—Ўзбек адабиёти тарихи, 1-том, Тошкент, 1963; Исҳоқов Е. Алишер Навоийнинг ilk лирикаси. Тошкент, 1965; Навоий лирикасидаги бир усул ҳақида. Ленинобод ДПИ илмий ишлари, 1968; Навоий ва соқиннома жанри.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1965, 1-сон.

Үйғуннинг «Хазойинул-маоний» ҳақидағи мақоласи обзор характерида бўлиб, кенг ўқувчилар оммасида Навоининг улкан лирик мероси ва унинг моҳияти ҳақида маълум тасаввур пайдо қиласди. Мақола муаллифи Навоий ғазаллари, руబоийлари, шуннингдек, шоир шеъриятининг гуманистик моҳияти, унинг ахлоқий-ижтимоий қарашлари ҳақида мулоҳаза юритганда кўпроқ қитъаларга мурожаат қиласди.

Атоқли адабиётшунос Олим Шарафиддинов ҳам 40-йиллардаёқ Навоий поэтикасини ўрганиш масаласига маҳсус мақола бағишлаган эди.

Е. Э. Бертельс «Навоий» монографиясида Навоий девонларининг (жумладан, форсий девони) қўлләзмалари ҳақида маълумот беради, уларни муқояса қиласди. Шу билан бирга, Навоий туркий ғазалларининг ўзига хос мұхим томонлари (сюжетлилік, традицион образларни янгича талқин этиш, соддалик, ижтимоий мотивларнинг кириб келиши) ҳақида фикр юритиб, айрим ғазалларнинг муфассал таҳлилини беради, Навоий қитъаларининг моҳияти ҳақида ҳам маҳсус мулоҳазалар баён қиласди.

Алишер Навоий лирикасини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш соҳасида совет навоийшунослиги эришган дастлабки жиддий муваффақиятлардан бирин Мақсад Шайхзоданинг «Навоининг лирик қаҳрамони ҳақида» номли илмий ишидир.

Шайхзода мазкур ишига асосий обьект сифатида «Фаройибус-сигар» девонини асос қилиб олган бўлса ҳам, умуман Навоий лирик қаҳрамони ҳақида фикр юритади, шоир лирикасининг етакчи хусусиятларини кўрсатишга, унинг лирик қаҳрамонига хос барча мұхим хусусиятларни бутун мураккаблиги билан очиб беришга ҳаракат қиласди. Мазкур асар Навоий лирикасини марксистик методология асосида тадқиқ этиш ишининг дастлабки иирик маҳсул бўлиб, бу соҳада кейинги даврларда чиққан ва чиқаётган катта ҳажмдаги ишларнинг сермазмун дебочасидир.

М. Шайхзоданинг «Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуслари ҳақида» ҳамда «Устоднинг санъатхонасида» циклидаги мақолалари Навоий лирикасидаги бадиий тасвир поэтикасини ўрганишдек мұхим бир вазифани адо этиш борасидаги дастлабки ижобий натижалар деб айтиш мүмкун.

Ойбекнинг Навоий ғазалиёти ҳақидағи иккита мақоласи ҳам шоир лирикасининг асосий моҳиятини очиб беришга бағишиланган. Уларда Навоий ғазаллари шарқ

ғазалчилиги фонида олиб текширилади, бу ғазалларнинг ғоявий мазмунини ташкил этган муҳим моментлар ҳақида фикр юритилади.

А. Ҳайитметовнинг «Навоий лирикаси» монографиясида улкан санъаткорнинг бой лирик мероси батафсил таҳлил қилинди. Шоир лирикасининг асосий жанрлари, унинг ғоявий-тематик асослари, асосий образлари маҳсус бобларда изчил текширилди, Навоий лирик шеърларининг шарқона лирик традицияларга муносабати устида муҳим фикрлар баён қилинди.

Шу муаллифнинг Навоийнинг ижодий методига бағишиланган монографиясида⁴ ҳам маҳсус боб лирикага бағишиланган бўлиб, унда Навоий ижодий методининг лирик ижодиётида намоён бўлиши масалаларини тадқиқ этиш диққат марказида туради.

Н. М. Маллаев «Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожида Навоийнинг роли ҳақида» номли мақоласида Навоий ғазалиёти тараққиёти учун асос бўлган муҳим факторлар ҳамда Навоий ғазалдарининг бир қатор муҳим хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритган.

У «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигининг «Навоий лирикаси» бобида ҳам «Хазойинул-маоний»нинг тематик доираси ва ғоявий мотивлари, шоирнинг лирикадаги маҳоратини таҳлил этган.

Мазкур ишларнинг барчаси учун хос умумий хусусият шундан иборатки, уларда Навоий лирикасининг етук даври текширилган. Сўнгги даврларда эса улуғ шоир ижодий йўлининг айрим босқичлари ҳақида ҳам илмий-тадқиқот ишлари юзага чиқа бошлади. Ушбу асар муаллифининг «Алишер Навоийнинг ilk лирикаси» номли монографияси ана шу типдаги асар бўлиб, Навоий ilk шеърларининг ғоявий-бадиий даражасини белгилаш ҳамда бу шеърларнинг шоир ижодининг кейинги босқичлари билан алоқасини кўрсатиш унинг асосий моҳиятини ташкил этади.

А. Абдуғафуровнинг буюк адаб асарларидаги сатира ва юмор таҳлилига бағишиланган «Навоий ижодида сатира» номли монографиясида шоир шеърияти, хусусан, ғазал ва қитъалари тадқиқот доирасига кенг жалб этилган.

А. Рустамовнинг «Навоийнинг бадиий маҳорати» асарида шоир поэтикаси билан алоқадор баъзи маса-

⁴ Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. Тошкент, 1963, 125—162-бетлар.

лалар талқинида, «Хамса» билан бир қаторда, лирик шеърларга ҳам мурожаат қилинган.

Юқорида эслатилган асарларнинг баъзиларида Навоий поэтикаси билан алоқадор баъзи масалалар, хусусан, жанр поэтиканинг айрим қирралари у ёки бу даражада таҳлил этилган.

Устоз Шайхзоданинг Навоий лирикасидаги бадий тасвир поэтикасига бағишиланган катта кўламдаги асари эса тугалланмай қолди. Алишер Навоий поэтикасининг асосий қирралари ҳақида мунтазам тасаввур ҳосил қиласидиган маҳсус асарга бўлган эҳтиёж ҳозир ҳам кун тартибидан тушган эмас. Албатта, Навоий поэтикасининг барча масалаларини бир асар доирасида ҳал этиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам биз, биринчи галда, жанрлар ҳамда бадий тасвир поэтикаси хусусида мулоҳаза юритишни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйдик.

Маълумки, ўзбек лирик поэзиясининг жанр жиҳатидан бойиб, мукаммал ҳолга келиши бевосита Навоий номи билан боғланган. Навоий девонида биз, бир томондан, ўзбек поэзиясида ўзининг маълум анъаналарига эга бўлган лирик жанрларнинг моҳият эътибори билан янгича ривожини кўрсак, иккинчи томондан, форс адабиётидаги ўзининг қатъий қонуниятларига эга бўлган, аммо ўзбек адабиётидаги (ёки умуман туркий адабиётда) пайдо бўлмаган ёки у қадар ривож топмаган баъзи билан жаңрларнинг янги заминдаги ҳаётини кузатиш имкониятига эга бўламиз.

Бинобарин, асосий лирик жанрларни, адабий канон ва анъаналар билан муносабати нуқтаи назаридан системали таҳлил этиш асосида, уларнинг ички динамикаси ва адабий жараёндаги мавқенини белгилаш ҳамда шу асосда Навоийнинг лирик жанрларнинг тараққиёт тарихидаги ролини кўрсатиш бизнинг зинмамиздаги асосий вазифа хисобланади.

Навбатдаги вазифа эса, лирик шеърлардаги бадий тасвир воситалари ҳамда усувларни шарқ поэтикасининг традицион қонда ва қонуниятлари нуқтаи назаридан таҳлил этиш асосида Навоий бадий тасвир поэтикаси учун хос бўлган етакчи тенденцияларни очиб бериш, буюк шонир поэтик маҳоратининг айрим қирраларини намойиш этишдан иборат.

Биз имкониятимиз даражасида у ёки бу масалани Навоий ижодиётининг конкрет даврлари ва унинг ижодий эволюцияси билан боғлиқ ҳолда олиб қарашга ҳаракат қилдик.

Навоийнинг поэтика соҳасидаги новаторлигини унинг девон тузиш анъанасига бўлган ижодий муносабатиданоқ яққол сезиш мумкин.

Алишер Навоийнинг ўзи томонидан тузилган биринчи девон «Бадоевл-бидоя» деб аталади. 1469 йилдан кейин тузилган бу девон⁵ 12 жанрга мансуб 842 та шеърдан ташкил топган.

Алишер Навоийнинг ўзи тузган иккинчи девон «Наводиурн-ниҳоя» деб аталади. Бу девон 1480—1487 йиллар орасида тузилган.

Алишер Навоий 1492—1498 йиллар орасида ўзининг аввалги икки девонига киритган, шунингдек, кейинги даврларда яратилган ҳамда турли сабабларга кўра аввалги девонларига кирмай қолган барча жанрдаги шеърларини тўплаб, XV аср лирикасининг буюк қомуси бўлмиш «Хазойинул-маоний» девонини тузди. Бу девон улуғ шоирнинг бутун ҳаёти давомида яратган ва 16 хил лирик жанрга мансуб бўлган деярли барча ўзбекча шеърларини ўз ичига олган.

«Хазойинул-маоний» фақат ўз мундарижаси билангина эмас, балки структураси, номланиши жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

Алишер Навоий «Хазойинул-маоний» учун дебоча ҳам ёзган. Бу дебоча ҳар жиҳатдан пухта бир илмий рисола бўлиб, Навоий лирик ижодиётининг энг муҳим жиҳатларини тўғри тушунишга ёрдам беради. Ўнда муаллиф, ўз замондошларининг унинг шеърларига бўлган муносабати, мавжуд девонлари ва уларнинг юзага келиш сабаблари ҳамда ўзига хос хусусиятлари, ўзининг турли лирик жанрлар тараққиётига қўшган ҳиссаси, хуллас, бутун поэтик ижодининг муҳтасар ва ёрқин картинасини чизади.

Навоий мазкур девон дебочасида тўртала девоннинг номланиши масаласида шундай ёзади:

«...Аввалги девонниким, туфулият баҳори ғунчасининг ажиб гуллари ва сифар гулзори боғчасининг ғарид чечаклари била ороста бўлуб эрди, «Фаройibus-сифар» дейилди. Иккинчи девонниким, йигитлик ошуфталиф ва шабоб олуфталиф ёзи ва даштида юзланган нодир вақоеъ била пийроста бўлуб эрди, «Наводируш-шабоб» аталди. Ва учинчи девонниким, васатул-ҳаёт майхонасида ишқ била

⁵ Ҳ. Зарифнинг фикрича, бу девон 1471—72 йилларда тузилган. Қаранг: Фозиллар фазилати (Тўплам). Тошкент, 1969, 86—94-бетлар.

шавқ паймонасидин юзланган бадеъ нишотлар кайфиятин ёзилиб эрди, «Бадоевул-васат» от қўюлди. Ба тўртинчи девонниким, умринг охирларида юзланган ишқ дарду ранжи фойдалариким, жонсўз оҳ урмоқ ва жон топшурмоқдурким, онда сабт бўлубтур, «Фавойидул-кибар» лақаб берилди⁶.

Навоийнинг мазкур сўзларини, яъни девонларнинг номланишини шартли деб қабул қилиши керак. Чунки у шеърларни девонларга тақсимлаган пайтда, уларнинг ҳақиқий хронологиясини назарда тутмаган, балки ҳар бир шеърнинг руҳи, услубига кўпроқ эътибор қилган⁷. Натижада ёшлиқ чоғида ёзган кўпгина ғазаллари кейинги учта девонига кириб қолганидек, қариллик чоғида ёзган ғазалларининг бир қисми ҳам аввалги девонларида учрайди. Шунинг учун ҳам, Навоий ҳаётининг турли даврларида ёзилган ғазаллар сони бир-биридан тафовут қилишига қарамай, «Хазойинул-маоний» девонларидаги ғазаллар сони тенг (650 тадан).

Бу манзара илк девондаги 434 та шеърнинг «Хазойинул-маоний» девонларига бўлининши мисолида яққол кўзга ташланади:

1. «Фаройибус-сиғар»да — 156.
2. «Наводируш-шабоб»да — —
3. «Бадоевул-васат»да — 132
4. «Фавойидул-кибар»да — 146

Хуллас, «Хазойинул-маоний»да шеърларнинг девонларга тақсимланиши ва уларнинг номланиши шартли бўлиб, символик характерга эга.

Алишер Навоийнинг ўзбек тилидаги лирик шеърлари «Хазойинул-маоний»да мужассам бўлган. Лекин бу девоннинг охирги редакцияси 1498 йилга тўғри келади. Демак, Навоий ҳаётининг сўнгги икки йили давомида яратилган лирик шеърлар бу мажмууга кирмай қолган. Шунингдек, «Наводирун-ниҳоя»нинг дебочаси бор ҳақиқий варианти аниқланганича йўқ (мавжуд иккита қўл-

⁶ Фаройибус-сиғар, 14-бет.

⁷ Қўн йиллар давомида «Хазойинул-маоний» девонлари ҳақиқий хронологик тартибда жойлашган ва номланган деб талқин қилишган. Бу номланишининг шартли эканлиги, шеърларининг хронологиясига дахлп йўқлиги ҳақида биринчи марта М. Шайхзода фикр билдирган. Қаранг: М. Шайхзода. Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида.— Улуғ ўзбек шоири. Тошкент, 1948. 134-бет.

Кейинчалик Ҳамид Сулаймон тадқиқотлари натижасида «Хазойинул-маоний» девонларининг номланиши, шеърларнинг тақсимида, ҳақиқатан ҳам, хронологияга амал қилинмаганлиги исботланди. Қаранг: Х. Сулайман. Текстологическое исследование лирики А. Навои. АДД. Ташкент, 1961.

ёзмада ҳам дебоча йўқ ва шеърлар сони турлича). Бино-барин, Навоий девонларининг ҳозиргача номаълум бўлган қадимий нусхаларининг топилиши шоир лирик меросининг (ўзбек тилидаги) умумий ҳажми ҳамда асосий даврлари ҳақидаги мавжуд маълумотларга баъзи бир ўзгартишлар киритиши мумкин. Лекин «Хазойинул-маоний» асос эътибори билан Алишер Навоий лирик меросининг (ўзбек тилидаги) мукаммал мажмуаси бўлиб қолади.

Навоийнинг девон поэтикаси соҳасидаги мавжуд анъаналарга танқидий муносабати йигитлик даврида ёш шаклланган бўлиб, у ўзининг бу борадаги мулоҳазаларини биринчи тузган девони «Бадоевл-бидоя» дебочасида очиқ баён қилган.

Алишер Навоий мазкур дебочада: «Неча навъ ишким мунда маръи бўлубтурур, ўзга давовинда кўрулмайдур. Ул будурким»,—деб, ўз девонига хос тўртта оригинал хусусиятни санаб кўрсатади⁸. Бу хусусиятлар девоннинг структураси ҳамда унинг моҳияти, шеърларнинг тематик-фоявий асослари ҳамда услуби учун тааллуқли.

Аввало, мавжуд девонлар 28 та маҳсус араб ҳарфлари асосида тузилган бўлиб, шоирлар форс ва турк тиллари учун хос бўлган «тўрт ҳарфга тааруз қилмайдурурлар». «Бу жиҳатдан ул тўрт ҳарф жавҳаридин доди ўзга ҳуруф жавҳари силкига тортиб, ғазалиётни ўттуз икки ҳарф тартиби била мураттаб қилинди»⁹.

Иккинчидан, «ҳар ҳарф ғазалиётининг аввал битилган ғазал била ўзга ғазаллар орасида услуб хайсиятидин тафовут риоя қилмайдурурлар. Муқаррардурким, ҳар амрда бир лаҳза ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳамдидин ё расул алайҳиссалом наътидин, ё бу икки ишга далолат қилурдек бир амрдин ғофил бўлмоғлиқ ноқисдур... Бу навъ хаёл хотирға келган учун ҳар ҳарф ғазалиётининг аввалги ғазални ё тенгри таоло ҳамди била мувашшаҳ, ё расул алайҳиссалом наъти била муфаттаҳ, ё бир мавъиза билаким, бу икки иштин бирига дол бўлғай, мувассаҳ қилинди».

Демак, Навоий девонида ҳар бир ҳарф ҳамд ёки наът характеридаги ғазаллар билан бошланади ва бу

⁸ Қаранг: Фавойндул-кибар, 768—769-бетлар.

⁹ Устод С. Айний таъкидлашича, Навоий ч, ж, г ҳарфларига ҳам шеърлар битган ва Ү (лом алиф)ни маҳсус мураккаб ҳарф сифатида олиб, уни «ёй»дан олдин жойлаштирган, унга ҳам бир нечта шеър битган. Навоий замондошлиаридан фақат Жомийгинна бу ҳарфга бир нечта шеър багишлаган. Қаранг: С. Айний. Куллиёт. Чилди II. Китоби якум. Душанбе, 1963, саҳ. 360—361.

ҳол девон таркибидаги ҳар бир гуруҳ ғазалларга ўзига хос мустақиллик руҳини бағишлайды.

Навоий девонига хос учинчи хусусият бевосита унинг тематик доираси ва ғоявий асослари билан алоқадор. «...Бу девонда ҳамд ва наът ва мавъизадин бошқа ҳар шұрангез ғазалдинким, истимои маҳвашларға мужиби саркашлиқ ва ғамкашларға мужиби мушаввашиқ бўлғай, бирор-иккирор насиҳаторо ва мавъизатосо байт иртикоғ қилинди...». Бу ерда гап девондаги шеърларнинг тематик-ғоявий жиҳатдан кенглиги, фалсафий, дидактический ва ижтимоий жиҳатнинг кучли эканлиги устида бормоқда.

Шоир таъкидларининг тўртинчиси эса бевосита ғазалга тааллуқли бўлиб, унинг ғазалчилик традициясига бўлган тақиғидий қарашлари ҳамда новаторлигини аниқлашга имкон беради (биз жанрлар муносабати билан бу ҳақда маҳсус тўхталамиз).

Навоийнинг мазкур мулоҳазалари унинг биринчи девони «Бадоевл-бидоя» муносабати билан баён қилинган. «Хазойинул-маоний» эса ундан қарийб ўттиз йилча кейин тузилган. Бинобарин, Навоий лирик меросининг мукаммал мажмуаси ҳисобланган бу асарда унинг девон поэтикаси борасидаги барча режалари тўлиқ ифодасини топган бўлиши, шубҳасиз. Шунинг учун ҳам биз бу йиғма девонда Навоийнинг олдинги девонларида бўлмаган бир қатор хусусиятларни кўрамиз. Жумладан, «Хазойинул-маоний»да барча ҳарфларнинг бошланиш қисмига маҳсус сарлавҳалар қўйилган. Шунингдек, қитъалар ҳам уларнинг моҳиятини яхшироқ идрок этиш учун ёрдам берадиган, санъаткорона ёзилган маҳсус сарлавҳалар билан таъминланган.

Бу девон поэтикаси учун хос фазилатлардан яна бири унинг бутун структураси қатъий симметрия қонуни асосига қурилганлигидадир: девоннинг асосини ташкил этган ғазаллар ((2600 та) тўртала девонга бир хилда (650 тадан) тақсимланган; ҳар бир қофия ёки радиғфа барча девонларда шеър берилган (иложи борича тенг миқдорда ва бир хил ўринда). Шунингдек, радиғ сифатида келган сўзлар (хусусан, арабча сўзлар) бир ўзакка мансуб бўлса, уларнинг грамматик жиҳатдан ясалган тартиби ҳам назарда тутилган (масалан: тахсис — маҳсус).

Хуллас, девон тузиш тарихида ўзига хос ҳодиса ҳисобланган «Хазойинул-маоний» Навоий лирик меросининг ҳақиқиёт кўзгусигина эмас, балки ўзбек классик

шөъриятининг барча фазилатларини ўзида мужассам
этган поэтик энциклопедия бўлиб қолди.

* * *

Биз ўз тадқиқотимиз учун «Хазойинул-маоний»нинг
академик нашрини асос қилиб олдик. Лекин зарур ўрин-
ларда Навоий илк девонининг Ленинград нусхасига
(564 инвентарь номерли) ҳамда «Бадоевл-бидоя», «На-
водирун-ниҳоя» девонларининг қўллэзма нусхаларига
ҳам мурожаат қилинди. Нашрда йўл қўйилган имло
хатолари (сўзларнинг нотўғри ўқилиши ҳамда хато бо-
силиши ҳоллари) имкон борича, тузатиб берилди.

I б о б

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЛИРИК ЖАНРЛАР ПОЭТИКАСИ

Жанрлар бадиий тафаккурнинг конкрет намоён бўлиш шаклларидан иборат бўлиб, уларда адабиёт тарақ-қиётининг асосий қонуниятлари ўзининг бевосита ифодасини топади. Ҳар бир жанрнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ниҳоят таназзули тарихий-адабий муҳит билан қатъий боғлиқ бўлганидек, ҳар бир адабий жараёнга хос муҳим тенденциялар ҳам ўз ифодасини конкрет жанрлар шаклидагина топа олади. Жанрларда ягона процесснинг турли элементлари ўзига хос шаклда намоён бўлади.

Ҳар бир жанр ўзининг тарихий тараққиёти натижасида шаклланган қонуниятларига эга бўлиб, ўзига хос поэтик структураси билан ажралиб туради.

Аввало, ҳар бир жанрнинг (унинг доирасига кирган асарлар қанчалик ранг-бараг бўлмасин) ўз тасвир обьекти — ўз «материали» бўлиб, у ҳар бир жанрнинг ички имкониятлари билан чамбарчас боғланган. Фазалдаги мазмунни, мақсадни рубойй шаклида ифодалаб бўлмаганидек, қасиданинг мазмунини қитъа ёки бошқа бирор жанр доирасида тасаввур қилиш ҳам қийин.

Иккинчидан, ижодкорнинг дунёқараси, ижтимоий позицияси ҳар бир жанрда жанр қонуниятлари билан боғлиқ ҳолда, унинг имкониятлари даражасида ўз ифодасини топади. Учинчидан, ижодкорнинг шахси, унинг ўз образи ҳар бир жанрда жанрнинг қатъий қонуллари доирасида намоён бўлади.

Ўзбек классик лирикасида индивидуаллаштириш аломатлари ҳар бир конкрет асарда эмас, балки, асосан, жанрлар доирасида кўринади. Масалан, ғазал, қасида, соқийнома, мухаммасларда муаллиф образи, унинг номи кўрсатилгани ҳолда, маълум даражада конкретроқ кўринади. Рубоий ва қитъада эса у умумлашган характерга эга.

Тўртинчидан, ҳар бир жанр унинг ўзи учун характерли бўлган тасвир принциплари ва шунга мос тасвир

воситаларига эга (масалан, ғазал, қасида, қитъани эсланг).

Хар бир ижодкор услугуга хос индивидуал жиҳатлар ҳам ҳар бир жанрнинг қатъий талаблари — поэтик канон билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади.

Хуллас, ҳар бир жанр учун воқеа ва инсон кечинмаларининг муайян томонларини ўзига хос йўсинда ифодалаш мансуб. Шу жиҳатдан, жанрлар мавжуд адабий норманинг, бадиий мезон (канон)нинг бевосита ифодачиси ҳамдир. Лекин, юзаки қараганда, ўзгармас ва стабилдек кўринган жанрнинг ўз ичида ҳам бадиий тафаккурга хос характерли ҳолат — ўз-ўзини инкор воситасида традицион тасаввурлар доирасидан чиқишига итилиш — ички эволюция давом этади ва узоқ жараён тарзидаги ана шу миқдор ўзгариши маълум бир шартшароитлар таъсирида сифат ўзгаришига ўтиши мумкин.

Жанр — бу тарихий-конкрет категория. «Лекин муайян давр адабиёти структурасида жанрларнинг роли қанчалик мұхим бўлмасин, уларнинг шаклланиши ва ўзгариши ҳаммавақт у ёки бу даражада индивидуал услубларнинг тараққиёти билан алоқадор... Алоҳида сўз санъаткорларининг ҳаракат ва итилишларисиз, умуман, адабиётнинг жонланиши мумкин бўлмаганидек, жанрларнинг янги белгилари пайдо бўлиши ҳам мумкин эмас»¹.

Дарвоқе, ўзбек поэзияси тарихида лирик жанрлар ривожининг янги ва юқори босқичга кўтарилиши бевосита Навоий ижодиёти билан боғлиқ.

Навоий ижодий фаолияти санъат ва адабиёт соҳасида ўзига хос анъана ва қоида-қонунлар (канон) ҳукмронлик қилган Ўрта аср шаронтига тўғри келди. «Ўрта аср санъати учун эса, хусусан, канонийликка² мойиллик, яъни санъатнинг ўзи ва шунингдек, ижодий процессга хос принциплар, қоида ва усулларнинг шарти ва айни замонда, барқарор системасини яратишга итилиш тенденцияси характерли. Ўрта аср маданиятининг барча энг олий намуналарида канон мавжуд»³.

Бу ҳодиса Ўрта аср маданиятининг мұхим тармоғи бўлмиш бадиий адабиёт, жумладан, Навоий даври ада-

¹ Храпченко М. Б. Художественное творчество. Деятельность, человек. М., 1976, с. 349.

² «Канон» терминининг моҳиятини бера оладиган бирор сўз топа олмадик. Бинобарин, халқаро терминининг ўзини сақлаш, исетъемолга киритиш тарафдоримиз.

³ Фильшинский И. М. Арабская литература в средние века. М., 1977, с. 9—10.

биёти учун ҳам тааллуқли. Чунки «Ўрта асрларда ҳар бир халқда ўзининг бадиий ўлчовлари (нормативлари) шаклланган»⁴.

Навоий ўз ижодий фаолиятини бошлаган пайтда ўзбек адабиётида лириканинг газал, қасида, маснавий, туюқ, фард каби жанрларида муайян анъаналар шаклланиб етган ва ана шу традициялар канон даражасига кўтарилилган эди. Қитъа (мустақил ҳолда), рубоий каби жанрлар эса шаклланиш босқичида бўлган.

Кейинги пайтда Ҳиндистондан топилиб, нашр этилган Ҳофиз Хоразмий (XV асрнинг I ярми) девонида мухаммас, мустазод, таркиббанд, таржибанд, қитъа, рубоий каби жанр намуналари ҳам бўлса-да, бизнинг фикримизча, Навоий бу шоир меросидан бехабар бўлган.

Навоий ўз олдига ўзбек поэзиясини жанрлар жиҳатидан мукаммал бир ҳолга келтиришни мақсад қилиб қўйган экан, у аввало, туркий тилдаги адабиётнинг мавжуд тажрибаларига, қолаверса, форс-тожик поэзиясининг бой традицияларига суюниб иш кўрди. Лекин бой адабий анъаналар, юксак поэзия намуналари Навоий учун фақат идеал бир модел эмас, балки ижодий мусобақа ва мунозара обьекти бўлган.

Шунинг учун ҳам Навоийнинг жанрлар борасидаги ижодий изланишлари натижаси унинг форс-тожик ва туркий шеърнинда мавжуд адабий канонга ёхуд бадиий анъаналарга (агар канон даражасига кўтарилимаган бўлса) қандай муносабатда бўлишига боғлиқ эди.

Навоийнинг жанрнинг барқарор қонуниятларига муносабатини аниқлашда, шоир асарлари билан бир қаторда, унинг ўз изоҳлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар шонрнинг изоҳлари унинг у ёки бу масалага қарashi, ижодий ниятини англатса, асарларининг ўзи ана шу ниятнинг, назарий концепциянинг реал татбиқи қайдаражада амалга ошганлигини очиқ намойиш этади.

Навоийнинг «Бадоевл-бидоя» дебочасидаги тўртта изоҳидан иккитаси бевосита жанр характеристига дахлдор. У ёзади: «Яна бир буким, гўё баъзи эл ашъор таҳсилидин ва давовин такмилидин гараз мажозий ҳусн тавсифи ва мақсуди зоҳирий хатту хол таърифидан ўзга нима англамайдурлар. Девон топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағайким, анда мавъизатангез бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда захмат ва зоеъ машаққат тортилгон бўлғай. Ул

⁴ Ўша асар, 10-бет.

жиҳаттин бу девонда ҳамд ва наът ва мавъизадин бошқа ҳар шўрангез ғазалдинким, истимон маҳвашларға мужиби саркашлик ва ғамкашларға мужиби мушавашлиқ бўлғай, бирор-иккирор насиҳаторо ва мавъизатосо байт иртикоғ қилиндиким, аларнинг ламъаи рухсори иффат бурقاъидин кўп ташқари ломеъ бўлмағай, то буларнинг вужуди хирманни ул барқ эҳроқидин билкул зоеъ бўлмағай, йўқум, бу ғазаллар ғизолалари жилвагарлик соз, балки пардадарлик оғоз қилсалар, бу байтлар насиҳатсоз воизалари ва мавъизапардоз носиҳлари монеъ бўлғайлар...»⁵.

Маълум бўладики, Навоийнинг жанр анъаналарига танқидий муносабати, биринчи навбатда, уларнинг тематикаси, туб моҳияти билан алоқадор. Ўнлаб жанрлардан тузилган бутун бошлиқ девоннинг, асосан, ишқий мавзуга бағишиланиши, навқирон шоирни мутлақо қаноатлантиргмаган. Шунинг учун ҳам у, биринчи навбатда, девоннинг ғоявий-тематик асосларини кенгайтиришга жиддий аҳамият берган.

Навоий мазкур дебочада бевосита ғазал поэтикаси ҳақида тўхталиб, бу борадаги танқидий мулоҳазасини шундай баён қиласи: «Яна буким, сойир давовинда расмий ғазал услубидинким, шойиъ турур, тажовуз қилиб, маҳсус навъларда сўз арусининг жилвасига намойиш ва жамолига оройиш бермайдурурлар. Ва агар аҳёнан матлае маҳсус навъда воқиъ бўлса, ҳамул матлаъ услуби билан итмолмади ҳилъатин ва анжом кисватан кийдурмайдурурлар, балки тугагунча агар бир байт мазмуни висол баҳорида гулоройлиқ қиласа, яна бири фироқ ҳазонида хорнамойлиқ қилибдурур. Бу сурат доғи муносабатдин йироқ ва мулоҳаматдин қироқ кўрунди. Ул жиҳатдин саъй қилиндиким, ҳар мазмунда матлае воқеъ бўлса, аксар андоқ бўлғайким, мақтаъғача сурат хайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушгай»⁶.

Демак, Навоий нуқтаи назарича, ҳар бир ғазал (умуман, ҳар қандай шеър ҳам) мазмунан тутгал ва яхлит бўлиб, унинг структураси ҳам қатъий мантиқ асосида изчил қурилган бўлиши керак. Навоийнинг бу мулоҳазаси, шубҳасиз, унинг гўзаллик ва гармония борасидаги эстетик принциплари билан бевосита боғлиқ Шуни таъкидлаш керакки, Навоийнинг мазкур мулоҳазаси Аристотелнинг фабуланинг органик яхлитлиги ҳақидаги

⁵ Фавоидул-кибар, 769-бет.

⁶ Фавоидул-кибар, 769—770-бетлар.

нуқтаи назарини эслатади. Аристотель органик яхлит-ликини гўзалликнинг муҳим белгиси ҳисоблайди. Унингча, воқеанинг тақлиди бўлмиш фабула «яхлит бир воқеанинг (действие) ифодаси бўлиши керак ва воқеа бўлаклари (қисмлари) шундай тузилиши керакки, бирор бўлакни алмаштирган ёки олиб қўйган тақдирда, яхлит бутун ўзгарсин ва ҳаракатга келсин. Зотан, бору йўқлиги сезилмайдиган бўлак бутунинг органик қисми эмас»⁷.

Навоийнинг мазкур мулоҳазалари у лирик жанрларнинг моҳияти, поэтикаси борасидаги мавжуд қоида ва анъаналардан қаноат ҳосил қилмаганилиги, шу соҳада канон дарражасига етиб қолган традицияларга нисбатан танқидий ёндашганлигидан далолат қиласди.

Анъана ва маҳорат

Навоий ўз ижодини бошлиған даврда ўзбек ғазалчилиги анча бой тажриба ва ўзига хос анъаналарга эга эди. Бинобарин, бир қатор лирик жанрларнинг ўзбек адабиётига кириб келиши бевосита Навоий номи билан боғлиқ бўлса, баъзиларнинг кенг кўламдаги ривожи унинг ижодий фаолияти билан изоҳланади.

Лекин ўзбек адабиёти учун «янги» бўлган бир қатор жанрлар форсий адабиётда мавжуд бўлиб, ўзининг қатний канонига эга булган. Шунинг учун ҳам Навоий девонидаги бундай жанр намуналарига баҳо берганда биз форсий тилдаги жанр канонлари нуқтаи назаридан мулоҳаза юритишимиизга тўғри келади. Бошқа бир қатор жанрлар борасида эса туркий поэзиядаги анъаналар ва уларга муносабат масаласи шонир маҳоратининг ўзига хос қирраларини очиб беришнинг асосий воситаси ҳисобланади Айрим жанрлар поэтикасига хос муҳим хусусиятлар таҳлили асосида ана шу масалага маълум даражада аниқлик киритиш мумкин.

Маълумки, XV аср ва ундан кейинги даврлар ўзбек лирик шонрлари ижодида бўлганидек, ўн олтида жанрдан ташкил топган Навоий лирикаси доирасида ғазал етакчи ўрин тутади⁸. Навоий ғазаллари фақат сон жиҳатидан эмас, балки ғоявий-бадиий салмоғи жиҳатидан ҳам ўрта аср ғазалчилигининг юксак намуналаридан бўлиб қолди.

⁷ Аристотель. Об искусстве поэзии. М., 1957. с. 66.

⁸ «Хазойинул-маоний»даги 16 жанрга мансуб 3120 та шеърнинг 2600 таси газаллардан иборат.

Ўзбек адабиётидаги мавжуд ғазал намуналари XIV асрнинг бошларига мансуб.

Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асари таркибидаги «Баҳориёт» шеъри тавсифий характердаги ғазалнинг типик намунаси ҳисобланади. Бундан ташқари, шу асар таркибида яна 4 та 7 байтли, 1 та 10 байтли ва 1 та 14 байтли ғазал шаклидаги шеърлар мавжуд⁹. Уларнинг аксарияти сюжетли бўлиб, айримларида қасида характеристи кўзга ташланади.

Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си таркибида ҳам ўзбекча ва форсий бешта ғазал мавжуд.

Ўша асрнинг иккинчи ярмида эса ўзбек ғазалчилиги доираси яна ҳам кенгайганлигини кўрамиз (Сайфи Саройи ва унинг замондошлари ғазаллари).

XV асрнинг бошларига келиб, Лутфий, Атойи, Саккокий ва Гадойиларнинг кўплаб ғазаллари ўзбек тилидаги ғазалнинг етук намунаси сифатида кенг шуҳрат қозонди. Кейинги пайтларда топилган Ҳофиз Хоразмий девони ўзбек ғазалчилиги борасида анча самарали ижод қилинганлигидан далолат беради.

Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тилидаги ғазал намуналари XIV аср бошидаги ёдгорликларда учарар экан, бу ўзбек ғазалнавислиги ана шу даврдан бошланган деб хулоса чиқариш учун асос бўлмайди. Чунки X—XIII асрга мансуб кўпгина асарлар бизнинг давримизга қадар етиб келмаган ёки ҳозирча топилган эмас. Бунинг устига XIV аср ғазалларининг бадиий савияси ҳам ўзбек ғазалнавислигига анча бой тажриба тўпланганлигидан гувоҳлик беради.

XV аср бошларига эса ўзбек ғазали ўзининг муайян услуби, тематикаси ва бой тасвири воситаларига эга бўлган етакчи жанр сифатида машҳур бўлди. Ҳатто кўпгина ўзбек шоирлари ўз девонларини ҳам тузганлар (Лутфий, Атойи, Саккокий, Гадойи, Ҳофиз Хоразмий каби).

Алишер Навоий ўз она тилида ғазаллар яратишга киришар экан, бу соҳада вужудга келган бир неча асрли бой тажрибаларга суюнди. Шунинг учун ҳам у ўзига қадар ўзбек тилида ижод қилган адабиёт намояндalarини эҳтиром билан тилга олади, айни замонда улар ижодига талабчанлик билан ёндашиб, холисона баҳо беради; уларнинг ўзбек тили ва миллий адабиётни ри-

⁹ Ленинград. Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими. Инв. № С—45, 43 б, 74 а, 80 б, 153 б, 154 б варақлар.

вожлантиришда ўйнаган роли ва мавқенини белгилашга ҳаракат қиласиди¹⁰.

Алишер Навоийнинг буюк хизмати шундаки, у ўзбек лирикасини, жумладан ғазал жанрини юқори босқичга, юксак даражага кўтариш учун кураш жараёнида фақат миллӣ анъаналар билангина қаноатланиб қолмай, кўп асрлик тажрибага эга бўлган форс ғазалчилигининг катта ютуқларини ҳам қунт билан ўрганиб, унинг илфор традицияларини ўзбек шеърияти тараққиётига хизмат қилдириди.

Навоий ғазалиётининг юзага келишида ана шундай анъаналарнинг маълум роль ўйнаганлиги шубҳасиз, албатта¹¹. Лекин унинг кейинги тараққиётни новатор шоирнинг юксак маҳорати ва ўзига хос эстетик принциплари билан бевосита боғланган.

XV асрнинг иккинчи ярмидаги маданий муҳит ва адабий жараённинг юксак маҳсул ҳисобланган Навоий ғазалиёти мавжуд анъаналарга актив муносабатда бўлган оригинал даҳо қудратининг ёрқин тимсоли була олади. Шоир ғазалиёти поэтикасига хос энг муҳим жиҳатлар таҳлили асосида ана шу холосани маълум дарражада конкретлаштириш мумкин.

Навоийнинг «Бадоул-бидоя» дебочасида девон тузиш традициялари ҳақида билдирган танқидий мулоҳазалари унинг ғазал соҳасидаги новаторлигининг асосий қирраларини тўғри белгилашда муҳим роль ўйнайди. Мавжуд шеърий девонлар моҳияттан, асосан, ишқий кечинмалар тасвири ҳамда маъшуқа ҳуснининг тавсифидан иборат. Уларда маърифатомиз ва мавъизатангиз шеърлар учрамайди. Шунинг учун ҳам, унинг ўзи томонидан тузилган биринчи девонига «бирор-иккирор насиҳаторо ва мавъизатосо байт иртиқоб қилинди». Бу фикр девон структураси, барча жанрлар, жумладан, ғазал моҳияти учун ҳам тааллуқли (чунки ғазал девонда етакчи ўрин тутади). Лекин «насиҳаторо ва мавъизато-

¹⁰ Қаранг: Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Тошкент, 1965, 9—56-бетлар.

¹¹ Умуман ғазал, шунингдек, ўзбек ғазали тарихи масаласига доир фикрлар билан танишмоқ учун мурожаат қилинисин: Мирзазев А. М. Рудаки и развитие газели в X—XV вв. Сталинабад, 1958; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1960; Максуд Шайхзода. Ғазал мулкининг сultonни. Асарлар. IV том. Тошкент, 1972, 356—368-бетлар; Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Тошкент, 1965; Носиров О. Ўзбек адабиётинида ғазал. Тошкент, 1972; Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. Тошкент, 1976, 6—68-бетлар; Ўзбек адабиётни тарихи. II том. Тошкент, 1977.

со» атамасини тор маънода оддий дидактика деб тушун-маслик керак. Шонрининг «иасиҳат» ва ҳикматлари анча кенг маънода бўлиб, улар ўз доирасига оддий гадодан тортиб олий ҳукмдорга қадар бўлган турли табақа учун дахлдор мулоҳазаларни қамраб олган. Шу маънода Навоийнинг «ҳикмат ва мавъизалар»и қатор фалсафий-дидактик, ижтимоий-сиёсий масалалардан иборат. Бинобарин, Навоий ғазалиёти, биринчи навбатда, ўз тематикасининг ниҳоятда кенг қамровлилиги ва ғоявий оламининг бойлиги билан характерланади¹².

Ўзбек ғазалида биринчи марта, ишқий тематикадан ташқари, фалсафий дидактик ва социал проблемалар ҳам муҳим мавқени эгаллади, лирик қаҳрамон эса фикр ошиқ сифатида эмас, балки фалсафий, социал қиёфага эга бўлган мукаммал тип сифатида намоён бўлади.

Навоий ғазалиётида жуда кўп масалалар тилга олинган бўлса ҳам, уларни тематик жиҳатдан, шартли равишда, шундай тавсиф этиш мумкин: ишқий, фалсафий, дидактик ва ижтимоий-сиёсий. Лекин шу ўринда айрим масалаларга изоҳ бериш зарур: ишқий деганда биз фалсафий бўёқдан ҳоли бўлган ва конкрет ҳаётий тасвир руҳидаги ғазалларни назарда тутамиз. Тасаввуф руҳидаги ишқий шеърлар эса фалсафий шеърлар доирасига киради. Одатда, табиат тасвирига бағишлиланган ғазаллар алоҳида гуруҳланади. Лекин ҳақиқий ижодкор учун пейзаж тасвири моҳиятсиз ўз-ўзинча бир ҳодиса эмас, балки у фалсафий, дидактик ёки ижтимоий руҳидаги бирор ғоя, мақсадни ифода этиш учун ўзига хос болсита ролини ўйнайди. Пейзаж шоир тасаввурнида муайян ассоциация ҳосил қилиши ёки бирор фикрнинг юзага келишида туртки бўлиши билан маълум бир ижтимоий, поэтик моҳият касб этади (Навоийнинг «Тонг саҳоби уйғатур уйқулуғ әлни су(в) била, ким сабуҳий вақти бўлди фавту сен уйқу била» матлали ғазалини эсланг). Шуннинг учун ҳам у ишқий (кенг маънода), фалсафий, дидактик ёки ижтимоий гуруҳга мансуб бўлиши мумкин. Умуман, пейзаж характеристидаги ғазалларни шартли равишда алоҳида гуруҳга ажратиш мумкин. Сатирик ғазаллар эса ижтимоий характеристидаги ғазаллар гуруҳига мансуб.

Устод Шайхзода Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида шундай ёзган эди: «Фаройибус-сиғар»да ҳам лирик қаҳрамон Навоийнинг ўзиdir. Бу — мураккаб бир за-

¹² Навоий ғазалларининг тулиқ тематик тавсифи биринчи марта А. Ҳайитметовининг «Навоий лирикаси»да берилган (ишқий, тасаввуфий, май, сатирик, фалсафий, ватанпарварлик ва пейзаж).

монда яшаган, тушунувчи, ўйловчи, ҳассос ва олижаноб бир шахснинг бой, сероҳаңг, ранг-баранг, сермазмун, соф маънавий, ботиний дунёсини ўзида гавдалантирган бир қаҳрамондир. Бу сезгучи, дунё, жамият ва халқни ўйловчи бир инсондир. Унинг асосий фожиаси олижаноб шоир билан қўпол ва ноинсоф одатлар, қоидалар, тушунчалар ўртасидаги қарама-қаршиликдан келиб чиқади¹³.

Бу таъриф гарчи «Ғаройибус-сиғар» девони асосида берилган бўлса ҳам, умуман Навоий ғазалиётি марказида турган лирик қаҳрамон қиёфаси учун хос энг муҳим жиҳатларни қамраб олган.

Агар Навоий салафлари ғазалларида лирик қаҳрамоннинг муносабати «мен ва маъшуқа (ёки ёр)» тарзida қўйилган бўлса, Навоийда унинг муносабат объекти ниҳоятда кенг: мен ва ёр («ёр»нинг маъноси ҳам кенг), мен ва фалак, мен ва даврон, замон, мен ва замон аҳли. Замон аҳли эса кенг тушунча бўлиб, гадодан шоҳгача, фосиқдан доно мутафаккиргача бўлган барча табақани қамраб олади. Ана шундай муносабат асосида лирик қаҳрамон характеристига хос бой қирралар на-моён бўлади ва у кўз олдимиизда традицион ошиқ сифатида эмас, балки юксак эътиқодли вафодор ошиқ ва дўст, зукко файласуф ва мураббий, теран мулоҳазали арбоб ва сиёsatдан тарзида намоён бўлади. Энг муҳими, у парда ортида туриб мулоҳаза юритувчи мавҳум шахс эмас, балки конкрет муҳит ва замон билан бевосита боғланган ёрқин образ қиёфасига эга. Зотан, Навоий ғазалининг моҳияти унда гуманист санъаткорнинг абстракт масалаларга доир пардали мулоҳазалари эмас, балки унинг реал ҳаётга ҳамда ўз замонасига нисбатан реал фикр ва туйғуларининг ҳаққоний ифода топганлиги дидадир. Шу жиҳатдан лирик қаҳрамоннинг ҳаётга ва замонга муносабатини аниқлаш шоир ижодиётининг асосий моҳияти ҳақида муайян хulosага келиш учун имкон беради. Чунки реал ҳаётга муносабат ижодкорнинг борлиқ ҳақидаги фалсафий концепциясига боғлиқ бўлса, даврга, замонга муносабат унинг ижтимоий позицияси ва қарашлари билан бевосита алоқадор.

Навоийнинг ҳаётга ва замонга муносабати ғазалларда, уларнинг тематик йўналиши ва услуги билан боғлиқ ҳолда, турлича аспектда намоён бўлади. Баъзи шеърларда шоирнинг позицияси очиқ, тўғридан-тўғри кўринса, айримларида бирор мавзу билан алоқадор — билво-

¹³ Мақсад Шайхзода. Асарлар. 4-том, 161-бет.

сита юзага чиқади. Шунингдек, баъзи бир ғазалларда, мавзу эътибори билан, шоирнинг фалсафий концепцияси ёки ижтимоий позицияси биринчи планда кўринса-да, ана шу масалаларнинг иккинчи томони ҳам у ёки бу даражада (гарчи иккинчи планда бўлса ҳам) тажассум этиши мумкин.

Навоий ғазалиётида ишқ мавзуси етакчи ўрин тутиб, лирик қаҳрамон дастлаб ошиқ қиёфасида намоён бўлади, лекин ишқ мавзуси чуқур фалсафий ва ижтимоий моҳияти билан характерланади. Шунинг учун ҳам унда шоирнинг ҳаёт ҳақидаги оптимистик концепцияси ва ижтимоий позицияси турли аспектда намоён бўлади.

Навоийгача бўлган яқин ва Ўрта Шарқ поэзиясида етакчи ўрини тутган бу мавзуга Навоий ўз ижодиётининг барча босқичларида, деярли барча лирик жанрларда мурожаат қилган. Шу жиҳатдан шоирнинг қўйидаги эътирофини муболага деб айтиш қийин:

Эй Навоий, ишқ авторини ҳифз айлай деган
Барча ишни тарк этиб, қилсун бизинг девонни ҳифз¹⁴.

Характерли жиҳати шундаки, Навоий ўзининг ижтимоий-фалсафий характердаги фикр ва хулосаларининг айрим томонларини билвосита, яъни ишқ темасидаги шеърлар таркибида, ана шу масалага бирор жиҳатдан боғланган ҳолда изхор этган.

Навоийнинг ишқ масаласидаги қарашлари унинг умумий дунёқарashi, фалсафий-ижтимоий концепцияси билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги туфайли, бу мавзунинг талқини масаласини ҳам Навоийнинг тасаввуф фалсафасида тутган ўзига хос йўли билан боғлиқ ҳолда изоҳлаш мумкин¹⁵.

Навоийнинг фалсафий позицияси гуманистик характерга эга бўлиб, у проф. Е. Э. Бертельс тўғри таъкидлаганидек, ана шу фалсафанинг этик жиҳатига асосий эътиборни қаратган. Шу жиҳатдан шоирнинг бу масалага доир маҳсус қайдлари (алоҳида ғазал ёки қитъада) ниҳоятда характерли.

Тасаввуф эмас зуҳду, тақвию тоат,
Ки анда риё йўл топар бетавақкуф...¹⁶

¹⁴ Бадоевл-васат, 283-бет. Бундан бўён «БВ» тарзида берилади.

¹⁵ Биз бу масалани конкрет масала муносабати билангина эслатиб ўтамиз. Шоирнинг фалсафий, ижтимоий қарашлари ҳақида тўлиқ маълумот олини учун қаранг: Зоҳидов В. П. Улуг шоир ижодининг қалби. Тошкент, 1970.

¹⁶ Фавойидул-кибар, 311-бет. Бундан бўён «ФК» тарзида берилади.

Эй жамолинг жилваси миръоти инсу жон аро,
Лек ўлуб ул жилва комил мазҳари инсон аро (БВ, 4).

Навоийнинг бутун истеъоди ана шу «мазҳари комил»— инсонни улуғлашга, унинг гўзаллик оламини кўрсатишга, эзгу фикр-туйғуларини мадҳ этишга бағишланган. Навоий тасаввуф фалсафаси билан боғлиқ бўлган турли масалалар ва тушунчаларни талқин этиш, уларга амал қилиш борасида ҳам илғор ҳаётий позицияда турган. У бир қатор фалсафий мағҳумларни соғ назарий планда талқин этиб, инсон маънавий камолотининг муҳим шартларидан деб ҳисоблайди ва бу ҳолат кишининг амалий фаолияти учун, жамият ривожи учун фов бўлмаслиги лозим, деган гояни қатъий тарғиб этади.

Навоийнинг ишқ масаласидаги концепциясининг асосий моҳияти шундан иборатки, бир қатор мистик шоирларда бўлганидек, мажозий ишқ (инсонга, борлиққа бўлган реал севги) ҳақиқий ишқ (вужуди мутлаққа — ҳаққа бўлган муҳаббат)дан алоҳида олиниб, унга қарама-қарши қўйилмайди. Балки мажозний ишқ ишқи ҳақиқийнинг бир кўриниши ёки ҳақиқий ишқ йўлидаги ўзига хос босқич¹⁷ сифатида баҳоланади. Руҳан пок, маънавий комил инсон учун мажознинг ўзи айни ҳақиқатdir. Муҳими шундаки, Навоийнинг ўзи, масаланинг муҳимлигини ҳис этгани учун бўлса керак, ўз позициясини бир нечта қитъя ва ғазалларда маҳсус изоҳлайди. Масалан:

Гар Навоий йиғласа, ишқининг мажозийдур дема.
Ким назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз¹⁸.

Қитъя:

Кўрмаса ҳусни мажозий ичра жуз ҳақ сунъини
Ошиқем, бўлса ишқ атвори ичра покбоз.

Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқнинким,
Гар сеп идрок айласанг, айни ҳақиқатдур мажоз (ФК, 256).

Демак, Навоийнинг ишқининг моҳияти масаласидаги қарashi ишҳоятда барқарор бўлиб, пок инсоний муҳаббатни мадҳ этишга қаратилган.

Характерли жиҳати шундаки, ишқий шеърлар орасида ҳаётий муҳаббат ва кечинмалар тасвири асосий ўрин тутганлигини шоирнинг ўзи ҳам сезган ва бир қитъаси-

¹⁷ Навоий «Ҳамсатул-мутаҳаййирин»да «Ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқат» (мажоз ҳақиқатнинг кўприги) деган машҳур арабча иборани ҳам келтирган.

¹⁸ Наводируш-шабоб, 204-бет. Бундан буён «НШ» тарзida берилади.

да ўзига насиҳат қилгандек бўлиб, шу масалага ишо-
ра қилган:

Эй Навоий, кўп мажозий ишқ ила машъуфсан,
Ўткил андин дони ён ишқи ҳақиқий сори бот... (ФҚ, 737).

Умуман олганда, Навоийнинг ишқий лирикаси том
маънода инсоний гўзаллик, пок туйғулар мадҳидан ибо-
рат бўлиб, шу руҳ ва услубдаги шеърлар девоннинг
асосини ташкил этади.

Навоий лирикаси таркибида ишқнинг характеристигина
эмас, балки унинг муҳим қонуниятлари, ижтимоий ҳаёт-
да ҳамда шахснинг қамолоти жараёнида тутган ўрни ма-
салаларига доир назарий мулоҳазалар баёнига бағиш-
ланган байтлар ҳам анчагина учрайди. Ишқ борасида
баён қилинган фикрларни кўплаб келтириш мумкин.
Лекин Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб»да баён
қилган қўйидаги таърифи («Ишқ зикрида») ни инсон
қалбининг ажойиб мўъжизаси бўлмиш ана шу буюк
туйғу ҳақидаги мукаммал баҳо деб айтиш мумкин:

Ишқ ахтаредур — дурахшанда, башарият кўзи
нур ва сафоси андин
ва

гавҳаредур — ракшанда, инсоният тожининг
зеб ва баҳоси андин;

Меҳредур — толеъ, маҳзун хотирлар хористони
андин гулшан
ва

бадредур — ломеъ, тиїра кўнгуллар
шабистони андин равшан;

Баҳредур — васеъ, ҳар игрими юз ақлу
хуш кемасин чўмурғон
ва

тоғедур — рафеъ, ҳар тифи минг зуҳд ва
тақво бошини учургон;

Шуълаедур — сўзанда, хошоки кўп
жону кўнгул бўлғон
ва

барқедур — фурӯзанда, кўп жону кўнгул
ashiъасида кул бўлғон;

Аждаҳоедур — хунхор, оламни дами била
тортмоқ анга ком,

подшоҳедур — қаҳҳор, коми ҳар дам олам
аҳлиға қатли ом

ва

ҳар неча зулм қилғон сойи анга ўсонмоқ йүқ ва
ҳар неча қон қилғон сойи анга қонмоқ йүқ.
Соңқаедур — ақлу дин хирманин күйдургучи ва
сарсаредур — аларнинг кулин кўкка совурғучи¹⁹.

Ана шу мукаммал таърифга бирор нарса қўшиш қийин. Лекин Навоий ғазалларидағи поэтик образлар муносабати билан бир масалани алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Чунки мазкур таърифнинг охри ана шу масалага дахлдор бўлиб, ишқ ақл ва дин хирманини күйдирувчи чақмоқ сифатида тасвирланади. Ишқ билан ақлни бир-бирига зид қўйиб, ишқнинг устунлигини таъкидлаш ғазаллар таркибида ҳам учрайди. Жумладан, ўрта ёш даврига мансуб бир ғазалда ишқ оламсўз ҳамда қудратли арслонга, ақл эса тулкига ташбиҳ қилинади ва ақлга қўйидагича хитоб қилинади:

Ишқ оламсўз келди, қўй фусунинг, эй хирад;

Етти чун ер-кўни йиришиб арслон, эй тулку, қоч! (НШ, 100).

Навоий ғазалларида куйланган муҳаббат концепцияси учун хос энг муҳим хусусият — унинг демократик характерда эканлигидадир. Бинобарин худди шу билан боғлиқ икки муҳим масалани алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Навоий юксак гуманистик идеаллари билан бевосита алоқадор бўлган ана шу масалалардан бири лирик қаҳрамон — ошиқ, иккинчиси эса маъшуқа шахси, қиёфаси билан алоқадор. Навоийнинг диққат марказида турган ана шу проблемалардан биринчиси ишқда имтиёз масаласидир. Навоий ижодининг ilk давридан умрининг охирига қадар бу масалани эътибордан соқит қилган эмас.

Навоийнинг ilk ижодига мансуб ғазал таркибида ўқиймиз:

Ошиқ эрсанг, кўрмагил, эй шоҳ, гадоларни ҳақири:

Ким балолиғ ишқ фарқ этмас гадою шоҳини (БВ, 647).

Шоир фаолиятининг ўрта даврида яратилган «Ҳамса»да биз ана шу фикрни Фарҳод тилидан эшитамиз (Деди: ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш).

Хуллас, Навоий фикрича, ишқда ҳеч кимга имтиёз бўлиши мумкин эмас. Ошиқ, у хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ

¹⁹ Алишер Навоий. Асаллар. Ўн беш томлик. XIII том. Тошкент, 1966, 41-бет.

гадо, ишқ бобида бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Бу фикр Навоийнинг бутун ҳаёти давомида яратилган барча бадний асарлари замирига сингиб кетган. У «Маҳбу-бўл-қулуб»нинг «Ишқ зикрида» ҳам худди шу масала-га тўхталиб ўтади: «Иноди олдинда тенг ҳам подшоҳ, ҳам гадо; бедоди қошинда бир ҳам фосиқ, ҳам порсо».

Навоийнинг ишқий ғазалларидағи лирик қаҳрамон — ошиқ шоирнинг ишқ-муҳаббат борасидаги юксак иде-аллари тажассумидан иборат бўлган чинакам рицар сифатида гавдаланади. Унинг тимсолида биз самимий ошиққа хос камтарлик ва садоқат, ҳақиқий инсон учун зарур бўлган ғуур ва мардлик қўшилиб кетганлигининг шоҳиди бўламиз.

Ҳақиқий ошиқ ўз қалбининг чинакам софлигига эришмоғи лозим. Унинг қалбидан ўрин олишга лойиқ ягона тушунча — бу меҳр ва садоқат. Бу масалада унинг тили билан дили доимо мувофиқ бўлиши шарт.

Навоий ижодиётининг ўрта даврига мансуб бўлган «Хамса»да ана шу фикрнинг янада ривожланиб, ошиқ шахсияти ҳақидаги фалсафий формула даражасига етганлигини кўрамиз:

Ошиқ они билки, эрур дарднок,
Ҳам тилу, ҳам кўнглию ҳам кўзи пок.

Навоий лирик қаҳрамони учун хос ана шу муҳим фазилат барқарор бўлиб, шоир лирикасининг барча этапларида етакчи ўрин тутади.

Навоий ғазалиётидаги ишқ мавзуси билан боғлиқ иккничи муҳим масала маъшуқа шахси билан алоқадор бўлиб, шоир гуманизмининг муҳим бир қирраси — интернационализм ғоясига бевосита дахлдор. Бундай руҳдаги ғазалларда лирик қаҳрамон гуманист-интернационалист сифатида намоён бўлади ва бу фазилат уни, маънавий фазилатларининг муҳим бир қирраси сифатида традицион ошиқдан бир даражага юқори кўтаради. Агар миллатларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва дўстлиги ғояси «Хамса»да эпик планда намоён бўлса, лирик шеърларда лирик қаҳрамоннинг мулоҳазалари шаклида кўринади. Албатта, бу ғоя шоирнинг фалсафий позицияси ҳамда ижтимоий қараашларига асосланган гуманистик концепцияси билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам шоир бир ғазалида шундай изоҳ беради:

Ҳусн чу жилва қилур, оқу қарода йўқ фарқ:
Кишига келса бало — хоҳи хито, хоҳи ҳабаш.

Бироқ бу ғоя миллий маҳдудликка қарши қўйилган бўлиб, халқларнинг ирқий ҳамда диний тафовутлардан

қатъи назар, дүстлиги ва иттифоқлигини мустаҳкамлашга қаратилғанлығы билан диққатга сазовордир:

Агар хусн ўлса қотил, зор не дарвешу не султон;
Вагар ишқ ўлса комил, ёр не ҳинду, не ўзбак (НШ, 327).

Демак, ишқ олдида маъшуқа миллати ва наслу на-
сабининг мутлақо аҳамияти йўқ. Навоий ғазалларидаги
ошиқ маънавий қиёфасида бўртиб турган ана шу хусу-
сият уни (бошқа фазилатлари билан бирга) ўзбек
классик лирикаси тарихида ўзига хос бўлган янги қаҳ-
рамон даражасига кўтарган.

Навоийнинг ишқий ғазаллари (ва умуман ғазалла-
ри) учун хос бўлган яна икки муҳим хусусиятни — улар-
да биографик асоснинг кучлилиги ҳамда шу мавзуни
ифода этувчи айrim мағҳумларнинг анча кенг маънога
эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Навоий ишқий ғазалларини моҳият нуқтаи назаридан
икки гуруҳга ажратиш мумкин. Бир гуруҳ шеърларда
тасвирининг маълум даражада анъанавий характеристи,
услубнинг маълум маънода юқорилиги кўзга ташланади.
Бундай шеърларда традицион поэтик воситалар би-
лан шоирнинг ўз ихтиrolари чатишиб кетиб, ўзига хос
бир тасвирий манзара яратади.

Шу билан бир қаторда, Навоий девонида шундай
ғазаллар ҳам мавжудки, улар мазмуни ва услуби би-
лан юқоридаги шеърлардан ажralib туради. Агар жид-
дийроқ назар ташлансан, уларда шоирнинг «назарий»
мулоҳазалари ва хуолосалари эмас, балки унинг ҳаётий
дарду аламлари бевосита ифода топғаплантин сезиш
мумкин. Бошқача қилиб айтганда, улар маълум бир
ҳаётий воқеанинг фавқулодда таъсири остида юзага
келган бўлиб, шоир ҳаёт йўлининг айrim деталларини
акс эттирган. Бундай шеърларда биографик асоснинг
етакчилик роли кўзга ёрқин ташланиб туради. Маса-
лан, унинг ёшлик даврида ёзилган мана бу ғазалига
эътибор қиласайлик:

Чарх айрди тез этиб, поламни ҳам, оҳимни ҳам.
Мехрибон шоҳимни ҳам, номехрибон моҳимни ҳам.

Ҳар киши дилҳоҳу дилжўюм эди, солди йироқ.
Шоҳи дилжўюмни доги моҳи дилҳоҳимни ҳам...

Айтмон шоҳимни ё моҳимни еткур бошима,
Ҳам моҳи ғофилвашимни, шоҳи огоҳимни ҳам.

Жонда шоҳим ёди, кўнглум ичра моҳим фурқати,
Денг анга қуллуғ, бу бирга шайалиллоҳимни ҳам.

Эй фалак, шоҳу моҳим шамъи руҳидин ғам туни
Еритиб уй, йўлға келтур бахти гумроҳимни ҳам.

Эй Навоий, шоҳим айвони, моҳим ҳуснун кўруб,
Жон тарабгоҳимни топса, кўз назаргоҳимни ҳам²⁰.

Маълумки, ёш Навоий ижодига «дарвешифат шоҳ»
Муҳаммад Султон катта эътибор билан қарайди. Унинг
вафотидан кейин эса Алишер Абулқосим Бобир тарбия-
сида бўлиб, 1456 йилда у билан Машҳадга кетади.

Абулқосим Бобир вафот этгач (1457), Навоийнинг
мактабдош дўсти Ҳусайн Бойқаро ҳам таҳт орзусида
қўшин тўплаш учун Машҳаддан кетади. Ўз яқинлари-
дан узоқда яшаётган Навоий бутунлай ёлғиз қолади. У
Ҳиротга келгандан сўнг ҳам (1464) оғир қийинчилик-
ларга дуч келади ва 1465—66 йилларда Самарқандга
кетишга мажбур бўлади. Бинобарин, ана шундай давр-
ларда яратилган мазкур ғазал замирида ҳаётий ҳақи-
қат ётган бўлиши мумкин. Худди шу даврда ёзилган
мана бу ғазални кўздан кечирайлик:

Қилғон эрмиш нотавон сарви равонимни мараз,
Зор ўларменким, қилибтур зор жонимни мараз...

Садқаси айланг мени мардудни, эй дўстлар,
Ким заиф этмиш улустин танлағонимни мараз.

Дардлик кўнглум ҳалокин истарамким, кўйида
Инқмиш ул овораи бехонумонимни мараз...

То мараз ўлмини нигорим, қон тўқар гирён қўзум,
Эй Навоий, дей олурмен: тўқти қонимни мараз²¹.

Бу ғазал ишқий мавзудаги бошқа шеърлардан маз-
муни ва услуби билан ажralиб туради, «мараз» сўзи-
нинг радиф сифатида келиши уни традицион мавзудан
узоқлаштиради ва унинг замирида жиддий ҳаётий асос
борлигидан далолат беради. Шеърдаги тасвирнинг мо-
ҳияти эса бу тасаввурни мустаҳкамлайди: одатда, иш-
қий ғазалларда маъшуқа мағрур, гўзал, золим, шўх,
жафокор сифатида тасвирланганни ҳолда, бу шеърда
унинг аксини кўрамиз (у «овораи бехонумон»). Қола-
верса, шеър бошидан охирига қадар бетоб маъшуқанинг
оғир ҳолати ва ошиқнинг унга муносабатини тасвир-
лашдан иборат бўлиб, бирорта байтда асосий масала-
дан чекиниш сезилмайди. Шу девондан олинган мана
бу байт эса гўё мазкур ғазалда тасвирланган воқеанинг
давомини ифодалагандек туюлади:

²⁰ И nv. № 564, 110-варак.

²¹ И nv. № 564, 64a варақ.

Чу сенсиз тирик қолмишам, яхшироқ,
Бу янглиғ тирикликтин ўлмоқ манга²².

Биз юқорида эслатиб ўтганимиздек, мазкур шеърлар меҳрибон шоҳидан ва яқин дўсти Ҳусайн Бойқародан ажralиб, мусофиричиликда ёлғиз қолган ёш шоирнинг оғир кечинмалари ифодаси бўлиши мумкин. Лекин улар яқин кишиларидан бирортаси, жумладан ота-онаси вафоти муносабати билан ёзилган бўлиши ҳам мумкин. «Шоҳ» сўзи гарчи кўп ўринда ўз маъносига яқин бўлса ҳам, бир қатор ўринларда «моҳ» сўзи каби истиоравий маънода (яъни, яқин кишисига нисбатан) ишлатилганлиги ҳам яққол сезилиб туради. Масалан, Навоий «моҳ» сўзини истиоравий маънода кўп ишлатган. Ҳатто Жомийнинг ҳаж сафаридан қайтиши муносабати билан ёзилган форсий рубоийсида уни «моҳи жаҳонгарди ман» деб атаган («Хамсатул-мутаҳайирин»га қаралсин). Шунингдек, «моҳ» сўзини у ўз волидасига нисбатан (ёки бошқа бирор яқин кишисига нисбатан) ҳам ишлатган бўлиши мумкин. Бинобарин, биз «Алишер Навоийнинг ilk лирикаси»²³ номли китобчамида «Қародастор то чирмоди моҳим» деб бошланувчи ғазал ва юқоридаги ғазаллар асосида баён қилган фикримизнинг бир томонига, яъни уларда шоирнинг шахсий ҳаётини билан боғлиқ воқеа (севгилиси масаласи) акс этган деган холосамизга таҳрир киритиб, уни кенгроқ маънода тушуниш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки «шоҳ», «моҳ», «ёр» сўзларини кенгроқ маънода тушунишдан ташқари, XV аср кишисини севгилиси билан тасаввур қилиш давр колоритини (урф-одат, имконият) тўғри тушунмаслик ва шоир билан унинг севгилиси муносабатларни масаласини ҳозирги замон тушунчалари, шароити асосида ноғўти изоҳлашга олиб келади.

Навоийнинг кейинги девонларида ҳам қандайдир йўқотган яқин кишисини қўймасаш, уни алам билан эслаш каби туйғулар тасвирига бағишлиланган шеърлар учраб туради.

Навоий ғазалларида ишлатилган «ёр» мағҳумининг икки жиҳатини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки у ёки бу шеър замиридаги шоир гоясини тўғри талқин этиш ана шу жиҳатларни тўғри белгилаш билан бевосита алоқадор. Ана шулардан бири — унинг тор маъноси бўлиб, севгили, маъшуқа каби тушунчаларни ифода-

²² Изв. № 564, 7а варак.

²³ Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг ilk лирикаси. Тошкент, 1965, 71—72-бетлар.

лайди. Иккинчиси — унинг кенг маъноси бўлиб, дўст, ўртоқ, ҳамдам, биродар тушунчаларини қамраб олади. Маъшуқага нисбатан қўлланиладиган турли атамалар кўп бўлганлиги сабабли, «ёр» сўзи кўп ҳолларда кенг маънода ишлатилган. Бундай ҳол тасодифий бўлмай, балки муайян ғоянинг конкрет ифодасидир. Бинобарин, Навоий лирикасининг деярли барча даврлари учун характерли бўлган бу тенденция ўнлаб шеърларда турли аспектда намоён бўлади. Масалан, йигитлик даври лирикасида:

Фифонки, ёр вафо аҳлига ситам қиласадур,
Ниёзу ажз гуноҳига муттаҳам қиласадур...

Не ҳукм қилса вафо аҳли журмида, гам эмас,
Бу зулм эрурки, жафо аҳлини ҳакам қиласадур.

Ўз илги бирла гар ўлтурса, бок йўқ, ваҳким,
Рақиб оллида афтодаю дажам қиласадур...

Навоий ўлгай эди, бўлмаса умиди висол,
Бу қасдларки анга ҳажр дам-бадам қиласадур (ФК, 504).

Қарилик даврида:

Хароб эрдим агар ёри ситамкорим жафосидин,
Улармен бу замон ёри вафодорим азосидин.

Бири жаври қазодур жонима, бирга қазо етти;
Халос эрмас киши ҳар ҳол ила тенгри қазосидин...

Кишига бўлмасун бу навъ икки ёрким, ўлгай
Бирининг иштиёқидин, бирининг ибтидосидин... (БВ, 636).

Юқоридаги ғазалда шоир икки ёри ҳақида гапирган. Шу ўринда «ёр» сўзини тор (маъшуқ) маънода тушуниш Навоий бир вақтнинг ўзида икки кишини севган деган сохта хulosaga чиқаришга олиб келган бўлур эди ва ўз-ўзидан пок эътиқодли гуманист шоирнинг юксак идеалларига қарама-қарши келган бўлур эди. Худди шу даврга мансуб қўйидаги ғазал юқоридагининг давомидек бўлиб, бу ҳам ҳаётий ҳодиса таъсирида яратилгандай туюлади:

Бизга етмас эрди бир номеҳрибон дарду ғами,
Ким фузун ҳам бўлди ёри меҳрибоннинг мотами.

Икки ёр эрди манга: номеҳрибону меҳрибон,
Меҳрибон борди, қолиб номеҳрибон дарду ғами... (БВ, 636).

Бу шеърларнинг барчаси учун умумий хусусият — турмушнинг муайян масалалари борасидаги ҳаётий тассурот ва кечинмалар ишқ масаласи билан боғлиқ ҳол-

да ифода топганилигидадир. Бироқ уларнинг ҳар бири шонрнинг маълум даврдаги таассурот ва кечинмалари натижаси бўлиб, ўзининг индивидуал жиҳатларига, ўзига хос баён усулига эга. Жумладан, биринчи ғазалдаги «ёр» умумлашма характерга эга бўлса-да, кейинги байтларда у қаллоб душманларнинг таъсири остида ўз дўстларига алам келтирган ҳукмдор — шоҳ образига айланиб кетади.

Иккинчи ғазалда мазкур тушунча умумий тарздаги яхлит хулоса таркибида намоён бўлади. Охирги ғазаллар эса Навоийнинг яқин мусоҳиблари вафоти муносабати билан яратилган. Шонр ўз таассуротини бадиий умумлашма даражасига кўтарган бўлса ҳам, ғазаллардаги айрим деталлар («қазо етти», «ёри меҳрибоннинг мотами») уларнинг воқебанд характеридан дарак беради.

Умуман, «ёр» сўзининг кенг маъно касб этиши фазал ғазал эмас, балки умуман Навоий лирикасининг муҳим хусусиятларидан бири.

Хуллас, ғазал жанрида ишқий тематиканинг қўйиниши ва ҳал этилиши Навоийнинг фалсафий ва этик концепцияси билан узвий алоқадор бўлиб, реал инсоний муҳаббат ва фазилатларни улуғлашга қаратилган. Бинобарин, бу аспектда ҳам шонрнинг ҳаётний позицияси оптимилик характерга эга бўлиб, умуман Навоий ижодиёти учун хос бўлган юксак оптимизминиг муҳим қирраларидан бири сифатида намоён бўлади. Лекин муҳим томони шундаки, шонрнинг фалсафий концепциясига асосланган муҳаббат мавзуси тор интим масала доирасида қолиб кетмайди, балки унинг илфор ижтимоий қарашлари нури билан йўғрилган ҳолда, катта социал моҳият ва салмоқ касб этади.

Алишер Навоийнинг ҳаётний позицияси, унинг оптимилик характери ишқий темадаги ғазалларда билвосита намоён бўлса, бошқа гуруҳ шеърларда, хусусан, фалсафий-дидактик характердаги шеърлар ҳамда табиат тасвирига бағишланган ғазалларда анча очиқ — тўғридан-тўғри ифодаланган.

Табиат тасвири биринчи марта Навоий ғазалиётида кенг планда қўйилиб, муайян фалсафий-ижтимоий мөҳият касб этган. Бинобарин, унинг поэтикаси ҳам ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб туради.

Навоийнинг борлиққа, ҳаётга муносабати бир қатор ғазалларда узоқ кузатиш ва мулоҳазалар якуни бўлмиш қатъий хулоса ва шу хулоса асосидаги кескин ташвиқ, тарғибот сифатида кўринади. Бундай шеърлар-

да лирик қаҳрамон ҳаётнинг ҳақиқий ошиғи, ҳаёт лаззатларининг мафтуни сифатида намоён бўлади. Бироқ шундай тенгсиз гўзалликка хос баъзи бир зиддиятли қонуниятлар, ана шу муҳим бир ҳақиқатни идрок этмаслик уни чин қалбдан афсус-надомат чекишига мажбур этади.

Навоий ҳаётга, борлиққа нисбатан кўпинча «гулшан» ташбиҳини, «даҳр боғи», «даҳр бўстони», «навбаҳори даҳр», «умр гулшани» каби истиоравий ибораларни қўллайди:

Хуш гулшан эрур даҳр, будур айбким, анда
Пайваста хазон елидин озурдадур ашжор (FC, 200).

Ана шундай ноёб бўстон ҳуснидаги ягона қусур — унинг абадий эмаслиги. Навоий табиат, ҳаёт учун хос ана шундай ўзгарувчанликни унинг бевафолиги сифатида таърифлайди.

Характерли томони шундаки, «вафо» сўзи Навоийнинг бутун ижодиётида марказий ўрин тутган мафҳумлардан бири ҳисобланади. Шонр уни ҳаммавақт ва ҳамма ерда — табиатда ҳам, жамнитда ҳам қидиради, лекин ҳеч қаерда унга эриша олмайди.

Шонр табиатга хос ўзгарувчанлик ва бесаботликни асосан баҳор фасли билан боғлаб тасвирлайди. Табиатнинг мумтоз фасли баҳор—яшариш, гўзаллик, навқиронлик тимсоли. Бироқ ана шундай латофатининг умри узоқ эмас, у тез кунда инқирозга юз тутиб, ўз қиёфасини ўзгартиради. Бинобарини, инсон табиати учун характерли бўлган хусусият — бевафолик табнат учун ҳам хос.

Навоий ижодини кузатиш жараёнида биз характерли бир қонуниятни мушоҳада этамиз: шонр донмо табиат билан инсон ўртасида қандайдир умумийлик кўради ва кўпинча уларни бир-бирига тамсил тарзида тасвирлайди. Кўпгина ўринларда эса табиат учун хос сифат ва атамалар инсон билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни образли шаклда ифодалаш учун истиоравий восита ролини ўтайди.

Хуллас, «чун бу гулшанга вафо йўқ», бу гулшанинн турфа гуллар билан безатган боғбон унинг гулларини вафо (барқарорлик, абадийлик) атридан маҳрум этган. Зотан, баҳор фасли ва йигитлик айёми, ҳаёт ва инсон умри мувакқат ва ғанимат.

Бу дамини тут ғаниматким, келар дамдин асар йўқтур;
Не дамким ўтти, худ андин киши топмас асар ҳаргиз.

Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзунгии шод тут;
Елга етмак мумкин эрмастур чу суръат кўргузуб (НШ. 58).

Навоий «Муншаот»идаги мактубларидан бирида ҳам «каммо тириклик ғаниматдур» деб таъкидлайды²⁴.

Лекин Навоий ғазалларидаги «дам ғанимат, май ич», «йигитлик фасли айш даврони» каби фикрларни маиншатга тарғиб қилиш маъносинда эмас, балки шартли эмоционал тасвир сифатида қабул қилиб, умуман, ҳаётга актив муносабатда бўлмоқ деган маънода тушунимолимиз керак.

Шуниси дикқатга сазоворки, Навоий ҳаётнинг оғир ёки мушкул, ҳузурбахш ёки бадбин бўлининг ишоннинг ўзига, унинг позицияси ва иродасига боғлиқ деган хуносага келади:

Навоий, ўзин хуш тутким, кишига даҳр иши бордур:

Агар мушкул тутар — мушкул ва гар осон тутар — осон

(ФК. 454).

Навоий ғазаллари таркибида «даҳр бўстонига қўнгил қўйма, чунки унинг гулида ҳам, худрўй лоласинда ҳам вафо йўқ» тарзидағи байтлар ҳам учрайди. Бундай байтлар шоирнинг муайян пайтлардаги кайфияти билан алоқадор бўлиб, унинг, умуман ҳаётнинг муваққат ва ўткинчилиги қонунига ишсбатан исёнини ифодалайди. Қолаверса, «навбаҳори даҳр», «гули бўстон», «лолаи худрўй» каби иборалар истиоравий характерга эга бўлиб, конкрет боғ-бўстондан кўра кенгроқ ижтимоий мөҳиятга эга. Шунинг учун ҳам ана шундай байтларни Навоийнинг табиатга, ҳаётга нафрати ифодаси сифатида эмас, балки ҳаёт ва жамият характеридан қаноат ҳосил қилмаслиги ифодаси тарзида баҳолашимиз мумкин. Чунки улуғ гуманист Навоийнинг ҳаётга муносабати мутлақо оптимистик бўлиб, «Хамса»даги «хуштуур боғи коннот гули, барчадин яхшироқ ҳаёт гули» деган формула тарзидағи машҳур байти, умуман унинг бутун ижоди учун девиз ҳисобланади ва бу фикр лирик шеърларда ҳам турли шаклларда ифодаланаади.

* * *

Навоий ғазалиётининг жанр тарихида ва, умуман, поэзиямиз тарихидаги юксак мавқенини белгилаган асосий омиллардан бири унинг конкрет мұхит билан, шоир яшаган давр проблемалари билан бевосита боғлиқлиги ҳамда уларда илғор ижтимоий руҳнинг муайян дараражада акс этганилигидир.

Агар Навоийнинг ҳаётга (кенг маънода) муносабати

²⁴ Алишер Навоий. Асарлар. XIII том, 150-бет.

унинг фалсафий концепцияси билан изоҳланса, даврга, замонга муносабати бевосита ижтимоий позицияси билан алоқадор.

Навоийнинг ўз даври, замонаси ҳақидаги айрим байта яхлит ғазаллари мутафаккир шоир ва илғор сиёсий арбобнинг чуқур ҳаётний мулоҳазалари квантэссенциясидан иборат. Зотан, Навоий ғазаллари ўзининг социал моҳияти билан ўзбек классик лирикаси тараққиётининг бир неча асрлик тарихида алоҳида босқични ташкил этади. Шоир ҳаётининг турли даврларида яратилган ғазалларда барча проблемаларнинг қўйилиши ва ҳал этилиши йўллари ҳам турлича бўлган. Навоийнинг ўз даври ва замонасига муносабати «замон(а)», «даврон», «аҳли даврон» «аҳли замон», «абнои даврон» «замон аҳли», «давр эли», баъзи шеърларда кенгроқ тушунчани ифодаловчи «жаҳон», «дунё», «олам», «даҳр», «аҳли жаҳон», «олам эли», «даҳр эли» каби сўз ва иборалар во-ситасида ифодаланган.

«Даҳр золи», «дунё арўси» (золи маккора), «жаҳон шўхи» (зол, солита), «чарх золи» каби истиоравий характердаги ибораларда шоирнинг олам ҳақидаги баҳси ҳам мужассамланган.

Кўпинча барча кўнгилсизликларни келтириб чиқарувчи сифатида гардун (осмон, чарх, фалак, сипехр) қораланади ва у «дун» (пасткаш), «ситамкор» каби сифатлашлар қўлланган ҳолда кескин танқид қилинади. Лекин «гардун» маълум даражада истиоравий характерга эга бўлса ҳам, уни ҳеч қачон «яратувчи, оллоҳ» деган маънога яқин тушунмаслик керак. Чунки Навоий тангрига иисбатан «дун», «золим» каби ибораларни ишлатган дейиш ҳақиқатдан мутлақо узоқ ва кулгили бўлади. Баъзи байтларда мазкур тушунча анча конкретлаштирилган ҳолда (юлдузлари билан) тасвирланади.

Кўпгина ўринларда «чарх», «даврон» ва «даврон аҳли» бир хил хусусиятга эга бўлган, бир-бири билан алоқадор сифатида қораланади. Масалан, «Соқийнома»-да шундай мисралар мавжуд:

Чарх ёғдорди манга тийги ситам,
Балки даврон ҳаму даврон аҳли ҳам.

Навоийнинг ўз даврига муносабати унинг деярли барча мавзуларинда у ёки бу даражада ўз аксини топган. Лекин характерли жиҳати шундаки, шоирнинг ижтимоий-сиёсий характердаги ҳар қандай фикрларининг рўёбга чиқишида ишқ мавзун асосий фон бўлиб ҳизмат қилган.

Навоий лирикасида унинг ўз даврига бўлган муносабатини умумий тарзда ифода қилувчи воситалар ўз турмуши ва тақдирни ҳақида ёзилган ғазал ва бошқа жанрлардаги шеърлардан иборат. Шоирнинг муайян пайтдаги аҳволи ва руҳий ҳолати ифода қилинган бундай шеърларда унинг мавжуд тартибга муносабати ички порозилик тарзида намоён бўлади.

Шоир йигитлик даври шеъриятидаги ёрга қаратилган мурожаатида ўз шеъриятига хос ана шу хусусиятга ишора қиласди:

Чун Навоий назмининг ҳар ҳарфидур шарҳи ғаминг:
Деса бўлурким, эрур ҳар байти бир байтул-ҳазан (FC, 493).

Кексалик даврида мазкур фикр умумлашган баҳо тарзидаги ифодаланган:

Эй Навоий, байтул-аҳзан келди ҳар байтимки, бор
Назм этарда ҳам ўзум маҳзуну ҳам полам ҳазин (НШ, 455).

Навоийнинг ўз аҳволи ва кайфияти тасвирига бағишиланган шеърлари ижодий фаолиятининг деярли барча даврларига мансуб. Бироқ ҳар бир даврда яратилган шеърлар муайян муҳит билан боғлиқ ўз руҳи ва услубига эга.

Навоий илк ижодиётидаёқ ўз шеърларидаги баъзи бир мотив ва кайфиятларнинг юзага келиши сабабларини изоҳлар экан, уларнинг реал воқеликнинг бевосита ишъикоси эканлигига ишора қиласди.

Гар Навоий булбуле эрди хушилҳон, кўрки, ҳажр
Навҳа ранги кўргузур ҳар дам онинг илҳонидаги²⁵.

Навоий ижодининг дастлабки босқичида ҳижрондан шикоят мотивининг юзага келиши конкрет асосга эга бўлиб, ёш шоирнинг катта қийинчилклар билан ўтган Машҳаддаги ҳаётини билан чамбарчас боғланган. Бино-барин, илк девонга киритилган шу руҳдаги шеърларнинг асосий қисми ана шу даврда яратилган бўлиши, шубҳасиз (Навоийнинг «Ғурбатда ғарид шодмон бўлмас эмиш» деб бошланувчи машҳур рубониси ҳам илк даврга мансуб).

Илк девонда ҳижрон мотиви етакчи ўрин тутган ғазаллар анчагина учрайди. Муҳими, уларнинг услуби анъанавий руҳдаги шеърларда тубдан фарқ қиласди.

Навоийнинг илк ижодида мазкур мавзунинг моҳияти «ҳажр» (ҳижрон), «фироқ», «ғурбат» каби сўзлар воситасида изоҳланниб, кенг маънога эга: «ҳижрон»,

²⁵ Изв. № 564, 122а варақ.

«Фироқ» умуман ватандан, ўз яқинларидан жудоликни ифодалайди.

Навоийнинг йигитлик даври лирикасида ҳам шу мавзуга бағишланган ўилаб шеърлар мавжуд. Бу табиий ҳол. Чунки бу даврга мансуб шеърларнинг анчагина қисми Самарқандда яратилган бўлиб, ҳижрон азобларини бошидан кечирган шоир қалбининг энг поэзик туйғуларни инъикосидан иборат. Бироқ бу даврдаги шеърларда шоир услубининг яна ҳам сайқал топганилиги, умумлаштиришнинг кучайғанлиги сезилиб туради. «Ҳижрон», «Фироқ» каби сўзлар бу даврда ҳам асосий ифода воситаси бўлиб хизмат қиласа-да, улар билан боғлиқ тасвирида образлиликка, мазкур сўзларга урғу беришга интилиш кучли (радиф сифатида), шеърнинг бошланишиданоқ унинг эмоционал кучини оширишга жиiddий эътибор бериш (ундов сўзлар воситасида) кўзга ташланади.

Навоий ижодининг учнинчи босқинчида (ўрта ёш лирикасида) бу мавзуга бағишланган маҳсус ғазаллар бошқа даврларга нисбатан камроқ. Борларида эса шоирнинг муайян пайтдаги руҳий ҳолати ва кечинмалари тасвиридан кўра, унинг ҳижрон билан боғлиқ фикр ва мулоҳазаларининг умумий хулосалари кўпроқ ўрин олган. Бундай ҳолатининг юзага келиши объектив сабабларга эга. Ўрта ёш лирикасини ташкил этган шеърлар, асосан, Навоий ҳаётининг Ҳирот даврига мансуб бўлиб, уларнинг тематик доираси ва услуби ҳам шоир ҳаётининг ана шу даври билан чамбарчас боғланган.

Охирги — тўртинчи давр шеъриятида ҳижрон мотивлари яна кенгроқ ўрин олган. Балки бундай ҳол Навоийнинг Астрободдаги ҳаёти билан маълум дараражада алоқадордир. Шунингдек, охирги даврларда шоирнинг ўзи босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўлини мулоҳаза қилиши ҳам бир қатор ҳаётий мотивларнинг янгича аспектда юзага келиши учун туртки бўлганлиги ҳақиқатдан узоқ эмас. Бинобарин, бу даврда ҳижрондан шикоят тасвири гоҳ муҳаббат мавзун фонида, гоҳ даврон ҳақидаги мулоҳазалар, гоҳ ҳаётга бўлган умумий муносабат таркибида намоён бўлади.

* * *

Навоийнинг замонга муносабати бевосита шу мавзуга бағишланган ғазалларда ҳар жиҳатдан кенг ва очиқроқ акс этган. Бинобарин, шоирнинг замон ва за-

мөн кишилари ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини түғридан-түғри ифода этган шеърлар мөннит эътибори билан фақат Навоий ижодиётинда эмас, балки ўзбек поэзияси тарихида ҳам ижтимоий лириканинг дастлабки нодир намуналари ҳисобланади. Чунки ана шу руҳдаги шеърларда ижодкорининг давр ва давр аҳли ҳақидаги конкрет мулоҳаза ва хулосалари, қатъий ҳукми ва ижобий идеали (бильвосита, өлбатта) лирикамиз тарихида биринчи марта кенг планда ўз ифодасини топган. Конкрет ижтимоий муҳит билан маълум дараҷада боғланган янгила мазмун ва руҳ эса ўзига хос услубнинг шаклланиб етишини тақозо этган. Бундай услубнинг вужудга келиши Навоий ижодининг илк даврига түғри келади.

Бу даврда Навоийнинг замона ҳақидаги очиқ мулоҳазалари давр ва давр кишиларидан шикоят, улар учун хос бўлган ёмон хусусиятларни кескин қоралаш ҳамда қатъий танқид қилиш тарзида юзага чиқади.

Шоир ижодининг бу даврида ишлатилган «олам аҳли» (даҳр эли, абнойи даврон) тушучаси кенг маънога эга бўлиб, даврнинг турли гуруҳларини, ҳатто шоҳ ва унинг яқинларини ҳам ўз ичига олади.

Мана бу байт шоирнинг давр аҳли ҳақидаги қатъий хулосасидир:

Эй Навоий, олам аҳли жавр этарда тенгдурур;
Хоҳ шоҳи ҷарҳадрӯро хоҳ мөҳи сарвқад²⁶.

Алишер Навоийнинг илк ижодидаги давр ва давр аҳлидан шикоят ҳамда уларни қоралаш мотиви шоир ижодининг кейинги даврларида тобора ривож топиб, яна ҳам чуқурроқ илдиз отган.

Ингитлик даври лирикасида замон ва замон аҳлини танқид ўзига хос шаклда намоён бўлади. Шоир мулоҳазаларининг асосий обьекти, асосан, «замон аҳли», «даҳр аҳли», «жаҳон аҳли», «улус», «халойиқ», «эл», «жаҳон», «даҳр» каби сўз ва иборалар орқали ифодаланган бўлиб, унга бўлган муносабат ҳам турли шаклларда баён қилинган. Жўмладан, бир қатор ғазалларда замон ва замон кишилари ҳақидаги фикр шеърининг бошлангич қисмида эмас, балки охиригина байтлардан бирида (кўпинча охиригидан олдиниги байтда) баён қилинади. Бошқа мавзудаги ғазал таркибинда бирдан ана шундай мазмундаги байтнинг пайдо бўлиши лирик чекиниш характеристида бўлиб, дастлабки қарашда бошқа

²⁶ Изв. № 564, 415 варақ.

байтлар билан боғланмагандай туюлади. Бироқ бундай ҳолат Навоий ғазалларида изчил хусусиятлардан бири бўлиб, шоир худди шундай руҳдаги байтии олиб кириш учун дастлабки байтларда руҳий замин ҳозирлайди (ҳолат ёхуд воқеалар тасвири орқали). Бу типдаги шеърларда шонрининг мақсади яхлит хulosалар тарзида юзага чиқади.

Бу давр лирикасида Навоийнинг даврга муносабати баёнига бағишиланган махсус ғазаллар ҳам мавжуд. Бундай шеърларда шонрининг тақиидий қарашлари түғридан-тўғри, кескин шаклда намоён бўлади. Бу типдаги шеърлар асосий фикрнинг хulosса тарзида ифодаланиши жиҳатидан юқоридаги (лирик чекиниш тарзидағи) байтларга ўхшаб кетса-да, бироқ масаланинг кеңг планда қўйилиши ва изчиллиги жиҳатидан улардан фарқ қиласди, ғазалнинг бошиданоқ ўқувчининг дикқати асосий масалага жалб этилади ва байтма-байт давом этган тасвир шонрни замон ва унинг вакиллари ҳақида муайян хulosага келиш учун фикран тайёрлайди. Шунинг учун ҳам авторнинг хulosалари (лирик чекинишда бўлганидек) кутилмаган ҳодиса бўлиб туюлмайди. Мана ана шу руҳдаги ғазалнинг айрим байтлари:

Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми жам тутай,
Ўз қатиқ ҳолимга ўлмастии бурун мотам тутай.

Пинглабон бошимга оҳим дудидан чирмаб қаро,
Мотамим эл сўнгра тутқунича, ўзум бу дам тутай.

Олам аҳлиға исча қилдим вафо, курдум жафо,
Эй кўнгул, кел-келки, тарки жумлан олам тутай...

Чун жаҳон бирла жаҳон аҳлига йўқ эрмиш вафо,
Эй Навоий, мен вафо сарриштасин мақкам тутай (FC, 636).

Еки:

Бу кун аҳли жаҳондин хаста хотирман, жаҳондин ҳам;

Дема аҳли жаҳон бирла жаҳон, биллаҳки, жондин ҳам

(ПШ, 402).

Шу мавзудаги шеърлар орасида юксак услубда ёзилган умумлашма характеристидагилари ҳам мавжуд. Бундай ғазалларда шонрининг давр ҳақидаги қарашлари узоқ кузатиш ва мушоҳадалар натижасида ҳосил бўлган хulosалар тарзида берилган бўлиб, давр ва давр кишилари учун хос бўлган умумий нуқсонларни йўқотиш борасидаги баъзи бир мулоҳазалари ҳам маълум даражада ўз аксини топган. Худди ана шу гуруҳга мансуб қўйидаги ғазалнинг асосий хulosаси Хайём фикри билан ҳамоҳангдир:

Топмадим аҳли Замон ичра бир андоқ ҳамдаме,
Ким Замон осибидин бир-бирга айтишсоқ ғаме...

Гар будур олам, кишига мүмкін эрмас анда ком;
Хақ магарким, ком учун боштін ёратқай оламе.

Пік вафо жинси бани одамда, бұл навміндіким,
Сен вафо күрмак учун халқ үлгесін йүқ одаме.

Нұкта нозук бұлды асру, бұлгай әрди кошки.
Шаммае бу рамздан зохир қылтурға маҳраме... (НШ, 580).

Алишер Навоийнинг бу мавзудаги шеърлари орасида түғридан-түғри халққа, үқувчига мурожаат тарзіда ёзилған ғазаллар, айниқса, диққатға сазовор. Бундай шеърлар, юқорида күрганимиздек, шоирнинг замон ва замондошлари ҳақидағи мулоҳаза ва холосаларининг бадиій тасвириданғина иборат бўлмай, айни пайтда, унинг давр ва давр аҳлига нисбатан нафрати, кескин танқидини ҳам ёрқин ифода этган. Энг муҳими — даврни фош этиш ва уни рад этиш оммага қаратилған оташин мурожаат сифатида амалга оширилған. Хуллас, бундай шеърлар моҳият әътибори билан давр ҳақида узоқ ва изчил мулоҳазалар асосида юзага келган поэтик формадаги қатъий ҳукмлардир:

Дўстлар, аҳли замондин меҳр умиди тутмангиз;
Мехри гардун бўлсалар, кўз нуридин ёрутмангиз...

Гар шаҳ үлсун, гар гадоким, солмангиз юзига кўз:
Едени балқим кўпгулга ҳар тараф ёвутмангиз... (НШ, 216).

Навоий ижодининг сўнгги босқичи — қарилик даври лирикасида замонга муносабат масаласи ҳар жиҳатдан кенг планда қўйилған. Бу танқид объективининг ранг-бараанглигидаги ҳам, тасвир йўлларининг хилма-хиллигидаги ҳам яққол кўзга ташланади. Зотан мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган шоир ўзининг давр ва давр аҳли ҳақидағи ачиқ мулоҳазаларини нисбатан оператив жаңр — лирик шеърларда юксак пафос билан ифодалашга ҳаракат қиласан. Унинг мана бу байти шу давр шеъриятига яхши изоҳ бўла олади:

Менинг жонимга ўтганларни шарҳ этсам, улус ўлгай,
Ки жон қотилларидин кечтиму жононадин доги (НШ, 737).

Навоийнинг «Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин күрмадим» матлали ғазали ҳам шу даврга мансуб бўлиб, шоирнинг ўз ҳаёти ва замондошлари ҳақидағи чуқур мушоҳадаларининг юксак поэтик ифодасидан иборат.

Навоийнинг бу давр лирикасида мазкур мавзунинг

ёритилиши, асосан, икки йўл билан амалга оширилган: лирик чекиниши сифатида ҳамда яхлит ғазалларда мустақиъл равиша.

Умуман, Навоий ғазаллари учун характерли бўлган биринчи усул охирги давр лирикасида ниҳоятда кенг ишлатилган. Бундай характердаги ғазалларнинг деярли барчасида мақтадан олдинги байт давр ва давр аҳлидан шикоят, уларни танқид қилишга бағишиланади. Бошдан охир ишқий мавзу етакчилик қилган ғазал охирида ана шундай байтнинг юзага чиқиши ва бунинг изчил бўлиши хусусияти шоир услугубининг асосий белгиларидан бири деб хулоса чиқаришга имкон беради.

Бу типдаги байтларда шоирнинг танқид обьекти умумлашган маънога эга сўз ва иборалар орқали ифодаланган («ёр» кенг маънода; улус, фалак, даврон эли, ҳалқ, замона аҳли ва бошқалар).

Навоийнинг даврга муносабати изчил ифодаланган маҳсус ғазаллар ўз моҳияти ва услуби билан алоҳида аҳамиятга эга. Бундай руҳдаги ғазалларнинг ҳар бирида асосий проблема унинг алоҳида жиҳатларини чуқур ва батафсил ишлаш йўли билан ҳал этилади. Натижада шоирнинг даврга бўлган танқидий муносабати унинг барча конкрет томонлари билан биргаликда наамоён бўлади. Характерли томони шундаки, шоир ҳар бир шеърда унинг моҳиятига хос тасвирий йўлни топади ва оқибатда бир муҳим проблеманинг турли томонлари ўзига хос бадиий талқинга эга бўлади.

Қарилик даври лирикаси шу жиҳатдан, айниқса, диққатга сазовор. Аввало, бу даврда шоирнинг замонга муносабати ёрқин акс этган шеърлар анча кўп яратилган. Иккинчи томондан, шу мавзудаги шеърлар тасвир обьекти ва усуслари жиҳатидан хилма-хил. Шунингдек, муайян гуруҳга мансуб ғазалларнинг ҳар бири ўзига хос бўлиб, уларнинг баъзилари фикр ва мулоҳазаларнинг умумлашган ифодасидан иборат бўлса, айримларида авторнинг ҳаётни йўли билан боғлиқ деталлар, конкрет тасвир обьекти яққол кўзга ташланаб туради.

Бир қатор ғазалларда асосий фикр, мақсад «аҳли даврон», «аҳли замон», «олам», «даҳр эли» каби иборалар воситасида баён қилинади. Ижтимоий руҳ асосий ўрин тутган бундай ғазалларни моҳият эътибори билан шоирнинг ўз даври ҳақидаги сиёсий айномаси, мураккаб замон ва унинг вакиллари ҳақидаги шафқатсиз ҳукми деб баҳолаш мумкин.

Жону күнглум, баски, күрди аҳли даврондин малол,
Жонима бўлмиш күнгулдин, күнглума жондин малол.

Бу икав, баским, малол изҳор айларлар, бўлур
Ҳам манга мундин малол, алқисса, ҳам андин малол.

Улки оламдин малул ўлғай, элидин ҳам эрур;
Кимга зинидондин малолат, аҳли зинидондин малол...

Ҳар неча қилдим вафо, жуз бевафолиг кўрмадим;
Не ажаб, кўнглумга бўлса, навъи инсондии малол.

Гар Навоий жони куйгандин бу сўзлар дер vale
Жон малол ўнига кўрмас, етса жонондин малол (ФҚ, 394).

Шоирнинг давр ҳақидаги баҳоси ғазалнинг учинчи байтида, айниқса кескин шаклда кўринади: психологик параллелизм усули маҳорат билан амалга оширилиши оқибатида олам — зиндан, олам аҳли эса зиндан ходимларири деган хулоса бадний шаклда намоён бўлади.

Навоий ғазалларида ифодаланган фалакдан, замон ва замон аҳлидан шикоят мотивларининг юзага келниши турли даврларда турлича ҳаётни шаронт тақозоси билан боғлиқ бўлган бўлиши мумкин. Жумладан, илк даврда бекаслик, йигитлик даврида дарбадарлик, ҳижрои билан боғлиқ бўлиб, биографик асос муҳим роль ўйнаган бўлса, кейинги босқичларда (1469 йилдан кейинги ўрта ёш ва кексалик даврларида) фақат шахсий тақдир эмас, балки ижтимоий мухит — мамлакат, ҳалқ тақдирни ҳақидаги мулоҳазалар, яъни кенг ижтимоий асос етакчи омил бўлиб қолади. Биографик асос ҳам социал масалалар таркибида чуқур ижтимоий моҳият касб этган ҳолда зуҳур этади.

* * *

Алишер Навоийнинг ўз даври ва замондошлари ҳақидаги таҳқидий мулоҳазалари унинг олам ва одам ҳақидаги ижобий идеали билан бевосита алоқадор. Чунки мутафаккир адаб мавжуд турмуш тарзи ҳамда инсонга ўзининг ана шу идеали нуқтаи назаридан баҳо беради.

Навоийнинг ишқ ва ижтимоий темадаги ғазалларида инсон концепциясининг баъзи қирралари билвосита намоён бўлган бўлса, фалсафий-дидактик шеърларда бир қадар конкрет кўринади. Чунки бундай мавзудаги шеърларда лирик қаҳрамон файласуф ва мураббий сифатида олам ва одам моҳияти ҳақида очиқ мулоҳаза юритади.

Навоий шеърниятида бу тематиканинг шаклланиши ва инкишофи иккى муҳим омил — мавжуд адабий ань-аналар ҳамда шонрнинг ҳаётий мушоҳадалари билан бевосита боғланган.

Фалсафий-ижтимоий характердаги бир қатор масалаларда Ҳайём, Ҳофиз ижодиёти билан боғлиқ анъаналарнинг таъсири кўзга ташланиб турса ҳам, Навоий ижтимоий позицияснинг, ахлоқий-тарбиявий принципларининг энг муҳим томонлари акс этган шеърларнинг аксарияти унинг воқелик билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган фикр ва хулосаларининг бевосита инъикосидан иборат.

Шуни таъкидлаш керакки, Навоий олам ва одам муаммосини бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда олади, у одамга оламнинг кичик бир модели сифатида қарайди, улар ўртасида кўп масалаларда умумийлик кўради. Шунинг учун ҳам улар ҳақидаги мулоҳазалар кўп ўринда биргаликда, ёнма-ён келади.

Навоийнинг ғазал жанридаги инсон билан боғлиқ мулоҳазалари иккى аспектга эга: биринчиси — умуман инсон ва унинг моҳияти билан алоқадор бўлса, иккинчиси — конкрет давр, замон одамларига тааллуқли. Лекин кўп ўринда шоир ўз даври кишилари учун хос хусусиятларни, бир томондан, давр характеристи, иккинчи томондан эса инсон табиати билан боғлаб изоҳлайди.

Навоийнинг гуманистик қарашлари фалсафий жиҳатдан расман унинг пантеистик позициясига асосланган. Ҳамд руҳидаги бир ғазалда ана шу қараш ёрқин ифодаланган:

Эй жамолинг жилваси миръоти инсу жон аро,
Лек ўлуб ул жилва комил мазҳари инсон аро (БВ, 10).

Демак, бутун мавжудот (инсу жон) ичиди инсон энг етук ва мукаммал зот — «мазҳари комил».

Навоий бир байтда ўзидағи ички бир дард, оғир кечинмаларни образли формада бўрттириб тасвирлаш учун ғулув (ўта муболага)га асосланган ташбих санъатини қўллайди ва ўзини буюк олам — коинот, яъни макрокосмос деб таърифлайди:

Не тонг, гар олами кубро эсам, ҳар қатра ашқим чун
Тенгиздекдур, ичимда юз тугун ҳар қайси гардундек²⁷.

²⁷ FC, 354-бет. Олами кубро — диний нуқтан назардан у дунё, охират маъносига эга. Бу ўринда фалсафий маънода бўлиб, «макрокосмос» демак.

Навоийнинг ўхшатиш учун маҳсус «олами кубро» атамасини танлаши тасодифий бўлмай, унинг коинот ва инсон борасидаги чуқур мулоҳазалари билан алоқадор.

Навоийнинг инсон табиати ҳақидаги қарашларида уларнинг ниҳоятда чуқур назарий асосга эга эканлигидан далолат қилувчи муҳим бир нуқтага алоҳида аҳамият беришга тӯғри келади. Навоий қўпинча, инсоният ва замон кишилари характерига хос зиддиятли жиҳатларни ана шу назарий нуқтаи назар асосида изоҳлайди. Бу инсон шахсида мужассам бўлган доимий икки муҳим асос — инсоний жиҳат ҳамда ҳайвоний инстинктнинг (биологик жиҳатдан) мувозанати ва зиддияти масаласи.

Маълумки, Навоий нуқтаи назарича, инсонни бошқа жонли мавжудотдан юқори қўйган фазилат — унинг нутқи, қобилияти, бинобарин у «бўлди нутқ ила мумтоз барча ҳайвондин». Лекин Навоий инсонни инсон сифатида шарафлаган фазилатлар қанчалик кучли бўлмасин, ундаги иккинчи бир потенциал куч — ҳайвоний хусусият ҳам вақти-вақти билан бош кўтариб, ўзни намоён қилиши мумкинлигига шубҳа қилмайди ва инсон фаолиятини кузатиш жараёнида ана шу ўзига хос генетик портлашга бўлган ишонч қатъни хуроса даражасига кўтарилади. Инсон ниҳоятда зиддиятли мавжудот бўлиб, у илмда малакдан устун, аммо жаҳолатда девдан ҳам юқори, ёмонликка тарғиб этувчи шайтонга ҳам тубанлик, залиллик ундан етади. Гарчи инсон ўз нутқи билан ҳайвондан мумтоз бўлган бўлса ҳам, маълум пайтларда ундан тубанлашиб кетиши мумкин:

...Гар одами малак ўлсаки, қилмасун таъриф;
Агар киши десаким, етмагай хижолат анго.

Ёмонни демаки излол этар экин шайтон,
Дегил: фасодда мундан етар залолат анго...

Демаки, илмда келмиш малакдин ул афзун;
Ки девдин доғи афзун эрур жаҳолат анго...

Чу бўлди нутқ ила мумтоз барча ҳайвондин,
Ҳам охир ул ҳайвондан эрур мақолат анго (ФК, 8).

Шуни таъкидлаш керакки, инсондаги генетик асоснинг потенциал имкониятларига ишорадек туюлган ана шу газал Навоийнинг ёшлик даърида яратилган.

Навоийнинг кейинги дағер шеъриятида ҳам у ёки бу муносабат билан инсон ҳақида чуқур мулоҳаза юритилган байтлар кам эмас. Лекин муҳими шундаки, мута-

факкир шоирнинг инсон моҳияти ҳақида чуқур мулоҳазалари мураббий-шоирни қўлига қалам олишга руҳлантирган ва натижада дидактик характердаги юзлаб шеърларнинг юзага келишига турткি бўлган.

Лекин Навоий поэзиясидаги дидактика ҳақида сўз боргандা унинг икки муҳим жиҳатини алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Биринчиси, Навоий лирикасида «абадий», умуминсоний характердаги маънавий-ахлоқий масалаларнинг қўйилиши ва ҳал этилиши; иккинчиси, жамиятдаги турли социал табақа ва гуруҳ намояндалари феълу автори билан алоқадор проблемаларнинг қўйилиши. Бундай шеърларда дидактика анча кенг ва чуқур маънога эга бўлиб, социал характер касб этади. Бинобарин, уларнинг биринчисини этик пландаги дидактика, иккинчисини эса социал дидактика деб аташ тўғрироқ бўлади. Ана шу йўналишларнинг ҳар иккиси ҳам шоир ижодининг дастлабки босқичидаёқ пайдо бўлиб, ўз қиёфасига эга бўлган.

Маълумки, Навоий қитъаларида ахлоқ-одоб тушун-часининг умумий ва конкрет томонларига, мутлақ ва нисбий жиҳатларига ҳам катта аҳамият берилган. Ана шу хилдаги мулоҳазаларнинг баъзилари шоир ғазалларни таркибида ҳам кўзга ташланади.

Ахлоқий-тарбиявий характердаги бундай шеърлар (ғазалларда ҳам, қитъа, рубой ва фардларда ҳам) ниҳоятда кўп бўлиб, кўтарилган масалаларнинг рангбаранглиги ва ифода услубининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Навоий лирикасида у ёки бу даражада кўзга ташланадиган, аммо шонрнинг бутун ижодиётida муҳим ўрин тутган масалалардан бири — ҳиммат. Ҳиммат Навоий ижодида кенг қўйилган этик мағҳумлардан бўлиб, ўз ичига инсон маънавий олами билан боғлиқ бир қатор ғазилатларни қамраб олади. Шунинг учун ҳам Навоий лирик асарларида ҳам, «Ҳамса» ва «Маҳбубул-қулуб»ида ҳам бунга алоҳида аҳамият берган. Шоир назаридаги ҳиммат баркамол инсоннинг чинакам етуклигини намойиш қиладиган ҳақиқий мезон. Бу масала бирорта ғазалда яхлит қўйилган эмас. Лекин айрим шеърларга унинг баъзи бир қирралари асос қилиб олинган ва у гоҳо очиқ, гоҳида умумий фонда памоён бўлади.

Агар «Ҳамса»да ҳиммат масаласи ижтимоий-сиёсий планда кенг қўйилган бўлса, Навоийнинг лирик шеърларидаги у маънавий-ахлоқий категория сифатида кўзга ташланади. Лекин бу ерда ҳам у инсоннинг ўзлигини

намоён қилувчи, унинг жамият доирасидаги қимматини белгиловчи муҳим омиллардан бири тарзида талқин қилинган.

Турмушни ўзгалар эҳсонига эмас, балки ўзининг ҳалол меҳнати асосига қуриш, бошқаларга манфаат нуқтаи назаридан қарам бўлмай, ўзининг эркинлигини таъминлашга интилиш ҳимматли инсоннинг муҳим хусусиятларидан бири деб қаралади.

Ҳар қандай инсоннинг қай даражада ҳиммат эгаси эканлиги унинг бойлик ва мансабга муносабатида ҳам ёрқин намоён бўлади. Навоий фикрича, инсон ўз эрки ва мустақиллигидан маҳрум этадиган ҳар қандай дабдаба ва мансабдан воз кечиши лозим. Ҳимматли одам наздида мол ва мансаб эътиборсиз; беминнат қашшоқлик подшоҳликдан афзал. Шонрининг илк ғазалларидан бирига мансуб мана бу байтлар замиринда унинг тожу тахта қаттиқ эътиқод қўйган баъзи бир замондошлирига нисбатан аччиқ таъна ва нафрати ётганлиги ҳакиқатдан узоқ эмас:

...Кўй дуру феруза баҳсинким, нужуми чархни
Нилуфар барги уза шабнамча кўрмас ҳимматим.

Лаълдек бошим осулсун гарқаи хуноб ўлуб,
Лаъл тиккан салтанат тожига бўлса рагбатим... (FC, 411).

Кексалик даврида шонрининг шу масалага доир фикрлари яна ҳам конкрет ифодаланган:

Тут гадолигни, Навоий, мугтаним;
Шоҳлар оллинида бош индурма кўп (БВ, 701).

Навоий шеърларида лирик лавҳа ва поэтик хуносалар тарзида ифодаланган молу мансаб, тожу тахтни юксак ҳиммат нуқтаи назаридан инкор этиш мотиви унинг эпик асарларида кенг планда қўйилган.

Ҳимматиниг муҳим қирраларидан бири инсоннинг инсонига муносабатида намоён бўлади. Муҳтоҷларга мурувват ва эътибор, ожизларга ғамхўрлик ҳақиқий ҳиммат эгаси учун хос фазилат ҳисобланади. Бинобарни:

Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай (БВ, 396).

Навоий фикрича, инсоннинг камолоти унинг ўзига боғлиқ. Ҳар бир инсон ўзидағи салбий хусусиятларининг замини бўлган ҳайвоний ҳирс — нафси ўз иродасига тобе қила олсагина, камолотга эришин имконияти пайдо бўлади. Лекин бунга осонликча эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам тўқайдаги шерни енгиш шижоат

эмас, балки ҳақиқий шижаат инсон вужудида яшаб келаётган кўзга кўринимас бир ваҳший куч — нафс иғи-ни енга олишда:

Беша шерин гар забун қилсанг, шижаатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендеқ шужо (FC, 306).

Навоийнинг шу масалага доир фикрлари уни футувват оқимиининг атоқли намояндалари билан ниҳоятда яқинлаштиради. Чунки илфор ижтимоий-этик оқим бўлмиш футувват (жавонмардлик)нинг талабларидан бири ҳам нафс устидан ҳукмронликни ўрната олиш ҳисобланади.

Шуниси характерлики, Навоийнинг шу мавзуга дахлдор ғазалларининг аксарияти (юқоридаги байт ҳам) унинг йигитлик даврида (1465—1476 йиллар орасида) ёзилган.

Бевосита ўқувчига қаратилган мурожаат-монолог тарзидаги қўйидаги публицистик ғазал ҳам худди ана шу даврга мансуб:

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд;
Кишига чун киши фарзанди ҳарғиз бўлмади фарзанд...

Эшитмай ҳалқ пандин, турфаким, панд элга ҳам дерсан;
Қила олсанг, эшитгил панд, сен ким, элга бермак панд?

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлгил
Гадолиғ нонига хурсанду бўлма шаҳга ҳожатманд.

Булуб нафсинга тобеъ, банд этарсен тушса душмани.
Санга йўқ нафсдек душман: қила олсанг, ани қил банд.

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофини гар истасанг, бордур
Навоий бояи назми шаккаристонида ул гулқанд (FC, 133).

Агар инсоннинг ўз вужудида мавжуд энг қудратли душмани нафс бўлса, унинг характеридаги энг тубан хусусият — бу вафосизлик. Вафо — барча тоифадаги инсон зоти учун зарур бўлган энг олижаноб фазилат. Лекин, афсуски, бундай ноёб гавҳарни замон кишиларида учратиш амримаҳол. Бу масалада ҳам шоир табиат билан жамият ўртасида умумийлик топади.

Демак, Навоийнинг инсон шахсининг турли қирралари билан боғлиқ дидактик фикр ва ғоялари ҳар бир масалада ўзига хос формада ифодаланган. Жумладан, ҳиммат масаласида у бевосита мурожаат тарзидаги ташвиқ-тарғиб усулини қўлласа, вафо масаласида кескин танқид йўлидан боради. Лекин моҳият жиҳатидан олганда, ҳар икки ўринда ҳам шонрининг мақсади ҳим-

мат ва вафо каби юксак инсоний фазилатларни улуттлаш ва тарғиб қилишдан иборат.

Навоий инсон концепциясининг бир қирраса, юқорида кўрганимиздек, маънавий-ахлоқий масалалар фонида намоён бўлса, иккинчи муҳим бир қирраси кенг ва юқори бир даражада — ижтимоий-сиёсий аспектда юзага чиқади. Яъни, Навоий ижодида этик пландаги дидактика социал проблема даражасига кўтарилиган. Бу эса Навоий ижодига хос демократизмнинг ўзига хос шаклларидан ҳисобланади.

Социал дидактика шаклидаги демократизмнинг юзага чиқиш формаси эса, асосан, ҳалқ (эл) билан ҳукмдор, подшоҳни бир-бирига қарама-қарши қўйиш тарзида бўлиб, у ўз ичидаги қатор конкрет кўринишларга эга (шоҳ ва гадо, фақир; жоҳ (манساب) аҳли ва фуқаро шоир ва ҳукмдор ва бошқалар). Лекин шуниси диккатга сазоворки, барча ўринда лирик қаҳрамон (хоҳ бевосита, хоҳ билвосита) ҳалқ — эл томонида туриб мулоҳаза юритади ҳамда подшоҳ ва ҳукмдорлар билан юзма-юз туриб, эл номидан, унинг манфаатлари нуқтати назаридан мунозара қиласди.

Ёш Навоий тасаввурни шаклланиб етган ҳақиқий ҳукмрон образи эса унинг шеърларида ҳам ўз қиёфасини намоён қиласди. Навоий ўзининг дастлабки ғазалларидан бирида шоҳлик билан дарвешлик — фақирликни бир-бирига қарама-қарши қўйиб тасвирлаш орқали, ҳиммати баланд дарвешни ҳашаматли шоҳдан юқори қўяди ва суррати шоҳу сийрати дарвешнамо бўлган ҳукмрон орзуманди эканлигини очиқ изҳор этади. Навоийнинг бу шеъри (унинг қандай фалсафий заминга асосланишидан қатъи назар) тожу тахт учун кураш ниҳоятда авжига чиққан бир шароитда катта ижтимоий аҳамият касб этади:

Ҳар гадоким, бурёи фақр эрур кисват анго,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъят анго.

Шаҳ юруб олам очар, дарвеш оламдин қочар;
Ҳам ўзунг инсоф бергилким, бу не нисбат анго!

Ҳар не шаҳ мақсадидур, дарвешнинг мардувидур;
Кўр не ҳимматдур мунга, не навъ эрур ҳолат анго...

Фақр кўйи туфроғин шаҳ мулкига бермас фақир;
Мулк кўрким, тенг эмас туфроғ ила қиймат анго.

Шаҳ сипоҳ чекса, фақир аҳволига етмас футур,
Бу vale чеккач нафас, барбод ўлур ҳашмат анго...

Шоҳфа шоҳлиғ мусалламдур, агар бўлгай мудом
Шоҳлиғ таркин қилиб, дарвеш ўлур ният анго...

То шаҳу дарвеш бўлгай, айлагил, ё раб, аён
Шоҳдин хизмат мунга, дарвешдин ҳиммат анго...²⁸.

Шоҳ билан фақир (гадо, дарвеш)ни бир-бирига зид қўйиб тасвирлаш Навоий фалсафий-назарий қарашларининг бевосита ҳаётий проблема билан боғлиқ, шунга бўйсундирилган ҳолда зуҳур этиши шаклларидан бири-дир. Унинг бу борадаги мулоҳазалари турли асарларида ҳар хил аспектда ифодаланган.

Ёшлик даври ғазаллари таркибида бевосита шоҳнинг ўзига қаратилган таъна, дашном тарзидағи кескин байтлар ҳам учрайди:

Эйки шоҳсен, лек қилмайсен раво эл ҳожатни;
Үзни ҳам ўздин улуғроқ шаҳфа ҳожатманд бил (БВ, 391).

Навоийнинг ўрта ёш даври ғазалларида эса унинг ҳукмдор ва ҳалқ (умуман, жамият) муносабатига доир қарашлари, кўпинча, ҳаётнинг, турмушнинг умумий оқими ҳақидаги нозик мулоҳаза ёки символик характердаги имо-ишора тарзида кўринади.

Кексалик давридаги ғазалларида бу мавзу анча кенг қиррали. Муҳокама обьекти гоҳ умумлашган формада (ҳусн ва жоҳ аҳли), гоҳ конкрет (шоҳ ва гадо) шаклда кўринса, лирик қаҳрамоннинг мулоҳазалари баъзан этик пландаги ўгит, гоҳида эса танқидий руҳдаги кескин мурожаат тарзида жаранглайди.

Буки ҳоким жоҳилу маҳкум эрур олам анго;
То ҳакими сунънинг не эрди эркин ҳикмати?! (НШ, 600).

Ғурур ҳусн ила жоҳинга қилмаким, қолмас
Жамол оламию олам аҳлиниң жоҳи (ФК, 64).

Умр ўтмагин андиша қил, давронга йўқтур меҳр — бил;
Эй шаҳ, гадони кўзга ил, ким не гадо қолур, не шаҳ (ФК, 527).

Зулм ва золимларни қоралаб, адолатни улуғлаш ғояси қитъа жанрида яна ҳам конкретроқ формада ифодаланган. Навоийнинг мазкур фикрлари унинг юксак гуманистик позицияси билан бевосита алоқадор бўлиб, том маънода инсоният ҳалқ манфаатига қаратилган. Зотан, унинг қуийдаги байти фақат маъшуқага эмас, балки умумга қаратилган ва инсонпарвар шоир қалбининг ҳақиқий садосидир:

Риоят айла судек соғ ҳалқ кўнглиниким,
Синар нафас била ул навъким ҳубоб кўнгул (БВ, 392).

²⁸ И nv. № 564, 26—За варақлар.

Хуллас, Навоийнинг инсон ҳақидаги қарашлари ниҳоятда кенг ва кўп қиррали бўлиб, жамиятдаги деярли барча табақалар учун тааллуқли фикр-мулоҳазаларни қамраб олган.

Ишқ темасидан тортиб социал дидактикагача бўлган ҳар бир мавзуда Навоийнинг инсон ҳақидаги умумий қарашининг муайян қирралари ўзинга хос шаклда кўринади ва уларнинг барчаси биргаликда мутафаккир-шонрнинг инсон концепцияси ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қиласди.

Лирик қаҳрамон — мутафаккир оламнинг хил-хил асрори ва инсон шахсининг ўзига хос табиати ҳақида, сиёсий арбоб сифатида жамият, замон ва замон аҳли борасида чуқур мулоҳазалар юритса, инсоний камолотдан далолат қилувчи юксак фазилатларни улуғлаб, тубанликни кескин қоралаган ўринларда у юксак идеаллар соҳиби бўлган инсонпарвар мураббий қиёфасида гавдаланади.

* * *

Навоийнинг «Бадоевл-бидоя» дебочасидаги қайдларидан бири (юқорида эслатиб ўтилган) бевосита ғазал поэтикасига даҳлдор. У ёзди: «...сойир давовинда расмий ғазал услубидинким шоеъдурур, тажовуз қилиб, маҳсус навъларда сўз арусининг жилвасига намойиш ва жамолига оройиш бермайдурурлар. Ва гар аҳёнан матлае маҳсус навъда воқеъ бўлса, ҳамул матлаъ била итмол хилъатин ва анжом кисватин кийдурмайдурурлар... Ул жиҳатдин саъй қилиндиким, ҳар мазмунда матлаъ воқеъ бўлса, аксар андоқ бўлгайким, мақтаъғача сурат хайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушгай».

Навоийнинг бу танқидий мулоҳазаси жуда кенг маънога эга. Унда ғазалнинг моҳияти ва унга мувофиқ услуг билан алоқадор кўпгина масалалар қамраб олинган. «Маҳсус навъларда» иборасида ғазалнинг тематик доираси ҳамда унинг услуби билан боғлиқ тушунчалар мужассамлашган. Шунингдек, бу ерда ғазал байтларининг мантиқий боғлиқлиги, улар ўртасидаги изчиллик, хуллас, ҳар бир ғазалнинг маъно ва сурат жиҳатидан яхлит асар бўлиши лозимлиги устида сўз бормоқда.

Ҳамма гап шундаки, бундай масалани ғазал жанри билан боғлиқ ҳолда биринчи марта Навоий қўйган. Навоийнинг ана шу мулоҳазаси сўзсиз унинг бадиий асарда шакл ва мазмуннинг муносабати масаласига

доир эстетик позицияси билан бевосита алоқадор. Шүннинг учун ҳам Навоий ғазалиётининг асосий фазилатларидан бири ҳам уларда мазмун ва шаклнинг табиий уйғунылиги, илғор фикр-ғоянишынг унга мос юксак бадиий шаклда намоён бўлишида кўринади. Бу, бир томондан, ҳар бир мазмун учун ўшанга мувофиқ жанрни танлай билишда кўринса, иккинчи томондан, ҳар бир асар ҳажмини асосий фикр — мақсаднинг ёрқин ифодаси учун мос қилиб белгилашда намоён бўлади.

«Навоий лирик асарларнинг ҳажми масаласида таомон традиция рамкасида ижодий позицияда, шеърни сунъий равишида қисқартмаслик ёки чўзмаслик позициясида турган ва маълум қоидалар билан ўзини қатъяни чекламаган»²⁹.

Бу фикр бевосита ғазал жанрига ҳам тааллуқли. Навоий девонида биз 5 байтдан 13 байтгача бўлган ғазалларни учратамиз. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, традицияга айланган жанрлар бўйича тематик сараланиш ҳодисаси Навоий ижодида ҳам ўз ролини йўқотган эмас. Жанр ичида эса ҳар бир шеър ҳажми бевосита мазмуннинг талаби билан белгиланади. Шунинг учун ҳам Навоий ғазалнинг ҳажми масаласида маълум дараҷада стабилликни сақлашга ҳаракат қилган. У бир қитъасида шундай ёзади:

Навоий шеъри тўққиз байту, ўи бир байту ўн уч байт,
Ки лавҳ узра қалам зийнат берур ул дурри макнундин.

Буким, албатта, етти байтдин ўксук эмас, яъни
Таназзул айлай олмас рутба етти гардундин (БВ, 703).

Бу ерда «албатта етти байтдин ўксук эмас» деган изоҳ сабабсиз эмас. Чунки Навоийгача бўлган ғазалчиликда етти байтли шеърлар етакчи ўрин тутса-да, тўрт, беш, олти байтлilarи ҳам кўплаб учраси эди.

А. Ҳайитметовнинг ҳисобига кўра, машҳур форс ғазалнавислари Саъдий, Хусрав, Ҳофиз ва Жомий ғазалларининг ҳажми 5 байт билан 12 байт орасида (Саъдийда 22 байтгача) бўлиб, етти байтли шеърлар кўпчиликни ташкил этган. Жумладан, Ҳофиз девонида 570 ғазалдан 123 таси, Хусравда 1322 ғазалдан 428 таси, Жомийда эса 1494 ғазалдан 1205 таси етти байтли.

Саккокийнинг нашр этилган (тўлиқ бўлмаган) девонида 56 та ғазалдан етти байтлilar 48 та (5 байтли 2 та), Атойи девонида 173 тадан 120 та (5 байтли 43 та), Лутфийда 276 тадан 161 та (беш байтли 91 та).

²⁹ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси, 44-бет.

Навоийнинг илк ижодида етти байтли ғазаллар 54,5 процентни ташкил этган бўлса (9 байтлилар 36 процент), йигитлик даврида 67 (25), ўрта ёш даврида 85 (11,5) ва ниҳоят, кексалик даврида 54 (36) процентни ташкил этади. Шуниси характерлики, Навоий девонларида 5 байтли ғазаллар ўнта атрофида бўлса, 6 байтлилар йигирматага ҳам етмайди (илк девондаги шеърларнинг автор вариантини аниқлаш бу ҳисобларга ўзгартиш киритиши мумкин). Ўн уч байтли ғазаллар эса, бизнинг аниқлашимизча, фақат 4 та.

Навоий ғазалиёти структурасидаги нисбий барқарорлик, юқорида эслатганимиздек, жанрлар борасидаги тематик сараланишнинг сезиларли роли билан изоҳла-ниши мумкин.

Навоийнинг поэтика соҳасидаги новаторлигининг муҳим бир қирраси (мазмун ва шакл масаласи билан бевосита алоқадор бўлган) лирик шеърнинг услуги, унинг композициясига нисбатан ўзига хос ёндашишида ёрқин намоён бўлади. Унинг «Бадоул-бидоя» дебочасида ҳар бир ғазал маъно ва сурат жиҳатидан мутаносиб бўлиб, бошидан охиригача мантиқан изчил бўлган яхлит асар бўлиши лозимлиги ҳақидаги ажойиб мулоҳазаси расман ғазал муносабати билан баён қилинган бўлса ҳам, аслида барча лирик жанрларга тааллуқли. Чунки мазмунан яхлитлик, мантиқий изчиллик ва композицион бутунлик шонр девонидаги барча шеърлар учун хос етакчи хусусият ҳисобланади.

Навоий ғазалиёти поэтикаси учун хос ана шу хусусиятни биринчи бўлиб унинг ўзи, шунингдек, кейинги давр тадқиқотчилари ҳам махсус таъкиллаб кўрсатишиган. Жўмладаи, Мақсад Шайхзода Навоий ғазалларидағи ана шундай хусусиятни бадиий усул сифатида баҳолаган. Ўмурайян ғазаллар таҳлили асосида шундай хуносалар чиқаради: «Ғазалда маълум воқеа (кенг маънода) яратса билиш, байтларни маънан, фикран ва суратан боғлаш, у ёки бу даражада Навоий лирикасига хос бўлган биринчи бадиий усулдур. ...Навоий ғазаллари ва умуман лирикасига хос иккинчи бадиий хусусият образнинг тадрижий (бу тадриж приёми рус поэтикасидаги «нагнетание» терминига бадал бўла олур) инкишофи, такомили ва етилувидир»³⁰.

Бизнингча, муаллиф «усул» терминини тор шеърий приём эмас, анча кенг маънода, яъни «фикрлаш ва баён

³⁰ Мақсад Шайхзода. Асарлар. 4-том. Тошкент, 1972, 202—205-бетлар.

этиш тарзи» сифатида қўллаган. Чунки тадриж маълум маънода поэтик усулга яқин турса-да, байтларнинг мантиқий боғлиқлиги, сюжетлилик бадиий усул (яъни поэтик приём) эмас, балки шоирнинг бадиий асарнинг яхлит ва қисмларининг мантиқий изчил бўлниши ҳақида-ги эстетик принциплари тақозоси билан юзага келган табиий тасвир тарзи.

Бу ҳақда А. Ҳайитметов шундай ёзади: «Бу ғазалларнинг ҳаммасида Навоий ғазалчилигига хос энг характерли бўлган биринчи муҳим хусусият — тематик аниқлик, конкретлик, ҳаётга яқинлик ва шу асосда туғилган иккинчи муҳим хусусият — композицион бутунлик, байтларнинг мазмунан бир-бирига боғланганлиги яқъол кўзга ташланиб туради»³¹. Биз эса бу хусусият жуда эрта — Навоийнинг илк ижодидаёқ вужудга келганлигига (унинг илк девони муносабати билан) диққатни жалб этган эдик³².

Навоий ғазаллари композицияси унинг мазмуни ва тасвир усуллари қаби ниҳоятда ранг-барант. Лекин ғазал композицияси ҳақида гапиргандা композицияни формал ташқи белгилар ёки андаза сифатида тушунмаслик керак.

«Адабиёт назарияси»да ёзилишига қўра: «Асосан арузда ёзилиши, биринчи байтнинг ўзаро қофияланиб «матла», сўнгги байтнинг «мақта» деб аталиб, кўпинча унда шоир номи ёки тахаллусининг дарж этилиши, матла ва мақта оралиғидаги жуфт мисраларнинг ўзаро қофияланиб келиши, ва ниҳоят, уч байтдан кам, ўн тўқ-қиз байтдан зиёд бўлмаслиги — ғазал композициясининг умумий белгиларидир»³³. Юқорироқда муаллиф композицияни андаза сифатида таърифлайди. Андаза юқоридаги тавсифга мос тушади, лекин у композиция эмас. Андаза бир жанрга мансуб барча шеърлар, чун ягона ҳисобланади. Композиция эса ҳар бир асарда, унинг мазмуни ва авторнинг мақсади билан боғлиқ ҳолда, ўзига хос бўлади. Андаза бадиий асарнинг техникасига тааллуқли. «Техникани автор эмас, традиция яратади. Гений, хусусан, Ўрта асрдаги гений мавжуд техника заминида ижод қиласди»³⁴.

³¹ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси, 96-бет.

³² Қаранг: Исҳоқов Е. Алишер Навоийнинг илк лирикаси, 54-бет.

³³ Адабиёт назарияси. 1-том. Тошкент, 1978, 292-бет.

³⁴ Лихачев Д. О статье Андрея Чернова.— «Литературная учёба», 1978, № 6, с. 168.

Умуман, композицияни андаза тарзида тушуниш нафақат Навоий ғазалларини, балки асрлар давомида яратилган барча ғазалларни ягона андазага солишига олиб келади. Ваҳолонки, ҳар бир ҳақиқий шеър ўз семантик структурасига боғлиқ композициясига эга бўлади. Шу масалада А. Ҳайитметовнинг қуйидаги фикрлари ниҳоятда ўринли: «Бироқ Навоий ғазалларидаги композиция масалаларига бир ўлчов билан ёндашиш, уларга бир хил баҳо бериш ўта хато фикр бўлур эди. Бу масалада шуни қайд этиш керакки, Навоий ғазалларининг композицион хусусиятлари ҳам ниҳоятда ранг-баранг ва бой. Аммо шоирнинг ҳар бир ғазалидаги композиция масаласини текшириб чиқиш ҳам бу ўринда қилинадиган иш эмас»³⁵. Ҳақиқатан ҳам, шоир девонидаги 2600 та шеърнинг ҳар бири ўзинча мустақил асар ва ўзига хос семантик структурага эга. Шу жиҳатдан, шоир ғазалиётидаги ғоявий пафос билан боғлиқ тасвир принципларининг асосий типларини кузатиш асосида, уларнинг семантик структураси учун хос бўлган айрим белги ёки тенденцияларни аниқлашимиз мумкин. Бу масалада ҳам Навоийнинг ўз қайдлари муҳим роль уйнайди. У «Хазойинул-маоний» дебочасида шундай ёзади: «Андин сўнгра худ хотирга келмас эрдиким, бир ғазал ҳусн баҳри ғазолалари **таърифида** ё ишқ оташқадаси шароралари **тавсифида** тутатгаймен, балки бир байт шўхнинг жамоли дилфурӯзи бобида ё ўз қўнглумнинг дарду сўзи **шарҳида** қалам силкига кивура олгаймен ё хаёлимға кечура олгаймен» (FC, 8).

«Вақфия»да ўқиймиз: «...Зубдан авқотим ва хulosan ҳаётимни ул ҳаэрратнинг **мадҳи зоти** ва **таърифи сифоти-да** сарф қилсан эрди»³⁶.

Бизнингча, ана шу изоҳларда, тўлиқ бўлмаса-да, шоир ғазалларининг асосий типлари ҳақида ишора мавжуд. Булар — таъриф, тавсиф, мадҳ ва шарҳи ҳолдан иборат. Таъриф билан тавсиф, таъриф билан мадҳ бир-бирига яқин турса-да, лекин Навоийнинг изоҳига қараганда, улар орасида маълум ўзига хослик мавжуд. Буни, бизнингча, шундай изоҳлаш мумкин: таъриф мадҳга нисбатан торроқ тушунча бўлиб, функция жиҳатидан унинг таркибига кириши мумкин. Чунки таъриф, кўпинча, севгилиниң ҳусну жамолига нисбатан қўллангани ҳолда, мадҳда мамдуҳнинг барча зоҳирий ва ботиний фазилатлари мақталади.

³⁵ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси, 97-бет.

³⁶ Алишер Навоий. Асарлар. 13-том, 174-бет.

Шунингдек, таъриф билан тавсиф кўп ўринда қўшилиб кетган ҳолда кўринса ҳам, лекин тавсифнинг қўлланиш доираси кенгроқ: унинг учун инсоний сифатлар ҳам, табиат манзаралари ҳам, ошиқ вужудини ёндириган «ишқ оташкадаси шароралари» ҳам объект бўла олади. Яъни таъриф, асосан, ижобий характерга эга бўлса, тавсиф (описание) анча кенг аспектда қўлланиши мумкин. Шунингдек, таъриф мадҳнинг (восхваление) таркибий қисми сифатида, кўпинча модиҳнинг зоҳирний сифатларини («таърифи сифотида») ўз ичига олса, мадҳ ўша зотни бутунлигича қамраб олади.

Шарҳи ҳол, яъни мулоҳаза баёни ғазалдаги («ўз кўнглумнинг дарду сўзи шарҳида») ғазаллар эса ички кечинмаларнинг тўғридан-тўғри баёни, шарҳидан иборат.

Албатта, ҳар бир ғазалда, у қандай типда бўлишидан қатъи назар, шоирнинг субъектив муносабати у ёки бу даражада ўз аксини топади. Лекин ғазалдаги ана шу объектив ва субъектив моментларнинг (яъни коммуникатив ва эмоционал тасвирининг) ўзаро мувозанати унинг характери—тасвир тили билан чамбарчас боғлиқ.

Навоий ғазаллари **композициясиға** хос асосий қонуниятлар ҳам ғазаллардаги тасвир типларининг тақозоси билан юзага келган. Бинобарин, ҳар бир типга мансуб ғазаллар гуруҳида композицион яхлитликни ташкил этиш принциплари, уларнинг ҳар бирига хос индивидуал жиҳатлар бўлгани ҳолда, маълум даражада умумийлик ҳам бор. Ҳамма гап шундаки, ҳар бир ғазал асосида ягона бир образ, поэтик деталь ёки конкрет бир проблема ёхуд фикр-мулоҳаза ётади ва у марказлаштирувчи куч сифатида шеър структурасини бир бутун қилиб ўюшибарди.

Муҳокама, мулоҳаза типидаги ғазалларда композицион бутунлик, мантиқий изчилликни таъминлайдиган куч—ғазал асосидаги мақсад—ғоянинг ёрқинлиги ва шу билан алоқадор поэтик мазмуннинг яхлитлигига деб айтиш мумкин.

Шарҳи ҳол ёки мулоҳазавий ғазаллар шонр девонида ниҳоятда кўп бўлиб, улар тематик-проблематик жиҳатдан ҳам ранг-баранг (шикоят, танқид, мулоҳаза ва ҳоказо).

Бинобарин, уларнинг семантик структураси ҳам маълум умумийликдан қатъи назар, ниҳоятда хилмажил. Зотан, ҳар бир ғазал мутафаккир шоирнинг олам ва одам билан боғлиқ муҳим проблемалар борасидаги чуқур мулоҳазаларининг ўзига хос поэтик ифодасидир:

Даҳрдин меҳру вафо қилма ҳавас,
Элидин гайри жафо қилма ҳавас... (НШ, 241).

Навоийнинг замона ва давр аҳли танқидига бағишиланган ҳамда марсияомуз ғазалларининг кўпчилиги ана шу типа. Бундай ғазалларнинг аксарияти тӯғридан-тӯғри авторнинг бевосита ўз тингловчисига (иккинчи шахс формасида умумга) қаратилган мурожаати шаклидаги хулосавий фикри, мулоҳазаси тарзида бошланади:

Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме,
Ким замон ошубидин бир-бирга айтишсоқ гаме (НШ, 580).

Лекин бу типдаги ғазаллар учун хос умумий хусусият шундан иборатки, улар лирик кечинмаларнинг чуқур эмоционал ифодаси — ўзига хос поэтик квентэссенциялар даражасига кўтарилган. Лекин шуниси характерлики, бу типдаги ғазалларда ҳам фикр баёни, кўпинча, умумийдан конкретга қараб боради ва ҳар бир масала, қай даражада бўлмасин, замон ва шоир шахси билан боғланган ҳолда хулосаланади.

Ишқий мавзудаги ғазалларда, кўпинча, таъриф, тавсиф ва мадҳ қўшилган ҳолда келади. Агар баъзи ғазаллар бошдан охиригача тавсифий характерда бўлса ҳам, улардаги тавсиф объектив эмас, балки шоир тавсифни маълум бир мақсад: тасвир объектини таъриф ва мадҳ этиш ниятида амалга оширади ва унинг эмоционал муносабати гоҳо билвосита, гоҳо тавсиф билан параллел равишда юзага чиқади. Лекин тавсифий ғазаллар орасида шундай ғазаллар ҳам борки, уларда тавсиф охиригача муайян деталь ёки образ билан боғлиқ ҳолда изчил давом этади ва якунланади.

Навоийнинг **васф** **характеридаги ғазаллари** унинг девонида юзлаб учрайди. Аммо уларнинг тасвир объекти ҳам, тасвир йўли ҳам шундай ранг-барамонги, улар орасида бирор янги фикр, янгича талқин ёхуд оригинал деталдан ҳоли бўлган такрор шеърни учратиш қийин. Айрим мисолларни кўздан кечирайлик.

Кўйидаги ғазалда тавсиф маъшуқанинг либоси билан боғлиқ.

Тўрт ранги мухталифдин ҳуллаким жонон кияр,
Тўрт унсур кисватидур гўёким, жон кияр.

Узбакий гулнорий тўндин куйдум, аммо ўлтурур —
Лемуйи терлик, анинг остидаким жонон кияр (НШ, 184).

Маъшуқанинг лиbosлари тавсифига бағишиланган хилма-хил кўринишдаги ғазаллар шоир ижодий йўлининг деярли барча давларида яратилган бўлиб, улар-

нинг ҳар бирида тасвир муайян бир ранг билан боғлиқ ҳолда боради ва ана шу ранг (ва у билан алоқадор рамзий маъно) ғазал композициясини ягона нуқта атрофига уюштиради.

Таъриф билан тавсифнинг қўшилишидан иборат бўлган васф типидаги ғазалларнинг асосий обьекти кўпинча маъшуқа сиймоси, унинг бутун қиёфаси ҳисобланади. Шоирнинг бу борадаги маҳорати шу қадар юқорики, унинг назаридан идеал маҳбуба қиёфасининг бирорта ҳам детали четда қолмаган. Балки ҳар бир деталь, ҳар бир хусусият ўнлаб кўринишда тавсиф этилади. Бир ғазалда маъшуқанинг барча ташқи сифатлари изчил тавсиф қилинса, бошқа бир шеърда унинг айрим элементларига эътибор қилинади.

Масалан, қўйидаги ғазалда тасвир лўли шахси билан боғлиқ бўлиб, шеър давомида унинг мукаммал образи (ҳам ташқи кўриниши, ҳам феълу автори) яратилган. Шеър асосида ягона образнинг туриши унинг композициясини белгилаган.

Шоир ҳар бир байтда тасвир усулини янгилаб боради (ташбиҳ, тажоҳили ориф).

Лўлившимдин айруки қабримда лоладур,
Ул ўйнағон киби яғоч узра пиёладур.

Гулзор арому лўли этар лаъб тўлғаниб,
Ё гул киби узорида мушкин кулоладур.

Ул турфа чехра доиранинг чамбари аро
Хуршид даврасида, анингдекки, ҳоладур.

Таблу нафир маъракаси ичра демангиз,
Ким ишқида улус иши фарёду ноладур.

Борму ўюн ҳароратида чеҳрасида тер,
Ё равза гулистонида ҳар сори жоладур... (БВ, 189).

Мана бу ғазалда ягона деталнинг тури аспектдаги қаторлама тавсифи (ташбиҳи мусалсал) берилган бўлиб, барча тасвир воситалари, байтларнинг синтактик қурилиши ҳам ана шу мақсадга бўйсундирилган:

Ул сўюлгон барги гул чоғлиқ юзунг бўйстонида,
Бир қизил гул барги бутмиш гўё оқ гул ёнида.

Иўқса Ойнинг ёнида Баҳром бўлмиш жилвагар,
Жилваси Баҳромнинг, не тонг, қамар давронида... (ФК, 571).

Таъриф-тавсиф характеридаги ғазалларнинг бир гурухида васф билан кечинма тасвири ёнма-ён боради. Бундай шеърларда рамзийлик кучли бўлиб, маъшуқа

либосининг ранги шеърда шу ранг билан боғлиқ кайфият туғдиради.

Илк лирикада:

Қаро дастор то чирмоди моҳим,
Бошимға чирмашибдур дуди оҳим.

Йигитлик даврида:

Не тонг сориғ юзумда ашки рангин,
Ки киймиш сабзи талх ул сабзи ширин.

Кексалик даврида:

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил,
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориғ, яшил.

Шу ўринда Навонӣ ғазалиёти поэтикаси учун хос бир хусусиятни таъкидлашга тӯғри келади. Бу хусусиятни шартли равишда поэтик фетиш деб аташ мумкин. Чунки бир қатор ғазаллар асосида ёр билан боғлиқ бирор буюмнинг (ёғлиғи, хилъати, мактуби) тавсифи ётади ва бутун поэтик тасвир ана шу буюм — деталь билан боғлиқ ҳолда боради. Умуман, таъриф-тавсиф характеридаги шеърларда шеърнинг марказида турган ва унинг композицион яхлитлигини таъминлашга имкон берадиган поэтик деталлар ниҳоятда бой ва хилма-хил (ранглар, буюмлар, инсон қиёфаси билан боғлиқ деталлар, инсон типига хос урф-одат ва характер).

Тавсифий ғазаллар композицияси учун хос яхлитлик, поэтик лавҳа тарзидағи хусусиятлар пейзаж характеридаги ғазалларда ўзига хос равища намоён бўлади. Лекин бундай шеърда муайян сюжет кўринмайди, балки табиат манзарасининг муайян ҳолати изчил тасвиридан шоир ўз муддаоси баёни учун фон сифатида фойдаланади ва мақсаднинг изчиллиги шеърий услубда ҳам ўз ифодасини топади.

Гулбун узра субҳидам ҳар сори гул барги тари,
Бир шажар узра магар қўнғондурур хайли пари.

Сув аро тушмиш Қуёш акси, йўқ эрса гайбдин
Кирди гулшаннинг тамошосига меҳри ховарий.

Мактаб фатоли киби булбуллар ўлмиш наъразан,
То насими субҳ илидин очилур гул дафтари.

Гул арўси ҳусн мулкида эрур соҳибқирон,
То юзи даврига зийнат берди шабнам гавҳари.

Жола бирла нилуфар бир навъ тутмиш зебким,
Собиту сайёра бирла гунбади нилуфарий.

Ул киши умри баҳоридин терар гулбарги айш.
Ким кафидан май бирла бүлғай соғары...

Дұстлар бирла тутуб ишрат баҳорин мұғтанам,
Бир нафас осуда бүлғай жони меңнатпарвари... (НШ, 644).

Үз структурасыга күра фалсафий қасидага ўхшаб кетған бу ғазалнинг бош томонидаги 1—5-байтлар ўқувчи хаёлини ғұзаллік оламнга олиб кириб, унда ширин кайфиятлар туғдиради. Шоир тингловчисини реал манзара қаршиисига олиб борғач, ҳақиқий мақсаднинг изҳорига үтади. Натижада, ибратомуз фикрнинг ифодасы қуруқ ташвиқотдан узоқ бўлиб, шоир билан ўқувчининг табиат қучогидаги бевосита сұхбати тарзида боради ва чуқур ижтимоий хулосанинг юзага чиқиши учун имконият яратади.

Навоий ғазалиётіда унинг ўзи әслатиб ўтган шарх, таъриф ва тавсифий типлардан бошқача характеристадағи бир қатор ғазаллар ҳам борки, уларни **тасвирий ёки мушоҳадавий шеърлар** деб аташ мумкин.

Бундай ғазалларда лирик қаҳрамон билан боғлиқ бирор воқеа (ҳаёттій ёки хаёлий) ёки кечинмалар баъзан нозик деталлари билан бирга тасвирланади ва ўзига хос поэтик сюжет вужудга келади. Натижада шоирдаги эмоционал ҳолат, кечинмалар уларни юзага келтирған сабаб билан биргаликда намоён бўлади.

Навоий поэтикасининг ана шундай новаторлик жиҳатлары ўша даврларда ек шеърият шинавандаларининг гина эмас, балки зукко намояндалари эътиборини ҳам ўзига жалб этган ва ижодига бевосита таъсир кўрсатган. Жумладан, Навоий ижодиётининг ҳақиқий муҳлиси ва объектив баҳоловчisi бўлмиш Захириддин Муҳаммад Бобир аruz ҳақидаги асарида ўрни-ўрни билан Навоий поэтикасининг муҳим қирраларини таъкидлаб кўрсатади. У бир ўринда шундай ёзади:

Боштин-аёқ бу ғазалда бир ҳикоят манзум бўлубтур:

Ўтган кека мен эрдиму ул сиймтан эрди,
Гулшан тўрида масканимиз бир чаман эрди...

Гулбин аро иккি кишига сиққуча манзил,
Булбул била гулдек икимизга ватан эрди.

Лола киби ёқут қадаҳ — йўқ тубида дурд.
Бир шиша май андоқки ақиқи яман эрди.

Гаҳ мен тутуб ул ичмаку гаҳ ул тутубон мен,
Тун ёримигача икимизга бу фан эрди...³⁷

³⁷ Мухтасар. Тошкент, 1977, 112 аб варақлар.

Шу асарнинг 136а варағида эса шундай деб ёзади:
«Мир Алишер Навоий ғазали тарзида бу ғазалда доғи
боштин-аёқ бир ҳикоят манзум бўлубтур:

Туно кун бирла бир тун мажлиси асрү хаш эди,
Мажлис аҳли бори дилхоҳу, бори дилкаш эди...»

Навоийнинг мазкур ғазали ҳаётий воқеа ёки фантазия асосидаги тасаввурнинг поэтик тасвиридан иборат. Маълум бир поэтик лавҳа тарздаги сюжетли ғазаллар моҳият эътибори билан ўзига хос шеърий новеллалар бўлиб («манзум ҳикоят»), Навоий девонларида шу типдаги ғазалларнинг ўнлаб намуналари мавжуд. Муҳими шундаки, бундай ғазалларнинг биринчи намуналари шоир ижодининг илк даврига мансуб. Навоийнинг илк девонига киритилган «Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрӯй келмади», «Ҳаво хуш эрдию оллимда бир қадаҳ майи ноб» мисралари билан бошланувчи ана шу типдаги ғазаллар бу фазилат шоир ижодининг дастлабки давларидаёқ шаклланиб етганлигидан далолат қиласди.

Сюжетли ғазалларнинг композицияси ҳам ўзига хос.
Уларда байтларнинг мантиқий изчиллигини юзага келтирадиган омил поэтик сюжетнинг ўзи ҳисобланади.

Воқеа баёни биринчи планга чиқиб, ҳиссий кечинмалар тасвири — эмоционал момент орқа планга ўтади. Лирик қаҳрамон кечинмалари, унинг психологик ҳолати сюжет жараённида, тасвир тарздаги етакчи руҳ, оҳанг билан бевосита боғлиқ равишда юзага чиқади. Бундай ғазалларда, тавсифий ғазаллардан фарқли ўлароқ, ўзига хос динамика — ривож мавжуд. Воқеанинг ривожи ва хulosаси сюжетнинг асосий элементлари сифатида юзага келади.

Тавсифий ғазаллар композицияси учун образнинг босқичма-босқич торая бориши характерли. Уларда тасвир шоирдан ташқари бўлган учинчи шахсадан («шахс» — кенг маънода, масалан, табиат автор ва ўқувчига нисбатан З-шахсада бўлади) шоирнинг ўзига (менига) қараб келади («у», нейтраль ўтиш — связка ва шоир («мен»)). Ёки ғазал бошида тилга олинган нарсалар (масалан, «Уйғотур субҳи баҳор элни фифон бирла саҳоб» ғазалини эсланг) учинчи, тўртингич ёки бешинчи байтдан кейин тушиб қолади. Улар гўё кадр ортига ўтиб, биринчи планга конкрет қиёфа ёки масала чиқиб қолади.

Ҳар бир тип тасвир баён йўсинига мувофиқ ўз интонацияси — оҳангига эга.

Навоийнинг барча тип ғазалларидағи таҳлил объектини шартли равишда икки гурухга ажратиш мүмкін: бир қатор ғазалларда ҳиссиёт, кечинма ифодаси воқеа-ҳодиса, обьект феъл-автори таҳлили орқали билвосита ёки параллел ҳолда ифодаланса, бошқа гурух шеърларда бевосита — ҳиссиёт ва кечинманинг бевосита баёни, таҳлили тарзида амалга оширилади (баён ва шарҳ типидаги ғазалларда). Бундай шеърларда эмоционаллик биринчи планда туради.

Навонй ғазаллари семантик структураси учун типик бўлган яна бир хусусиятни алоҳида таъкидлаш лозим. Аксар ғазалларда мақтадан олдинги байт мазмун ва услугуб жиҳатидан бутун ғазал таркибидаги бошқа байтлардан ажралиб туради. Бундай байт, олдинги байтлардаги тасвир усулидан қатъи назар, иккинчи шахсга (мазмунан ўқувчига ёки умумга) қаратилган мурожаат, хитоб тарзидаги ўғит (шунингдек, таъна, кесатиш) ёки умумлашган ибраторумуз хулосадан иборат. Шоир, кўпинча, ўз фикрини соқийга ёки бошқа бирор объектга (маъшуқага, шоҳга, гулга) мурожаат шаклида изҳор қиласди. А. Ҳайитметов ана шундай байтларни лирик чекиниш сифатидаги байтлар деб атаган. Ҳақиқатан ҳам, шундай. Уларнинг аксарияти ғазал структурасида мустақилликка эга бўлиб, бошқа байтлар билан радиф ва қофия орқалигина боғланиб туради. Улар алоҳида ҳолда ҳам тугал маъно билдиради. Лекин ана шу нисбий мустақиллик барча тип ғазалларда бир даражада эмас. Тавсифий (таъриф, мадҳда ҳам) ғазалларда лирик чекиниш характеристидаги байтларнинг «бегона» ёки қистирмалиги яққол сезилиб туради. Улар тушириб қолдирилса ҳам, ғазал структураси ва тасвир оқимиға зарар етмагандек бўлиб туюлади. Масалан, ёшлиқ даврига мансуб «Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил» деб бошланувчи ғазални эсга олайлик. Маъшуқага қаратилган ва унинг сиймоси билан боғлиқ истиоравий тасвир орасида бирдан боғбонга (рамзий атама) мурожаат тарзидаги қўйидаги байт пайдо бўлади:

Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монеъ,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Агар қофия ва радифни ҳисобга олмасак, мазмунан катта фалсафий умумлашма даражасидаги бу байт конкрет шахс қиёфаси билан боғлиқ тасвир ичиди, чиндан ҳам, тасодифийдек туюлади.

Қўйидаги байтлар ҳам ғазал мақтаидан олдин келган:

Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий:
Бас, эл коминраво айла, ўзунгни комрон кўргач.

Тут мугтанам, ўлдунг эса хушҳол замоне,
Невчунки замон ҳосид эрур, аҳли замон ҳам.

Ишқ агар бўлса ҳавои нафсдин пок, эй кўнгул,
Иўқ тафовут, дилбаринг гар бека бўлсун, гар мирак.

Бундай байтлардаги мисраларнинг бир-бири билан услубий боғланишида ҳам ўзига хос қонуният мавжуд. Улардан бири, кўпинча, хулосавий фикрни ифодалайди. Иккинчиси эса унинг сабабини изоҳлаб келади (сабабий боғланиш). Бундай байтларда мисралар эргаштирувчи боғловчилар (чунки, шунинг учун) ёрдамида ёки интонация йўли билан боғланади.

Шарт маъносидаги байтларда эса (охирги байт) мисралар алоқаси шарт билдирувчи аффикс(-са) ҳамда кўмакчилар (агар, гар) воситасида амалга ошади.

Умуман, лирик чекиниш сифатида келган бундай байтлар, характер эътибори билан, бир томондан, Шарқ адабиётидаги фардларга ҳамда китобаларга (муҳташам бинолар пештоқига битиш учун маҳсус ёзилган миниатюр шеърларга) ўхшаб кетса, иккинчи томондан, эпиграмманинг қадимги грек адабиётидаги (унинг рим шоири Марциал ижодидаги) намуналарини эслатади.

Маълумки, шаклан ихчам (кўпинча икки мисрадан иборат) ва бирор факт ёки ҳодисага бўлган субъектив муносабат ёрқин ифодаланган ана шундай шеърий шаклдан Платон (ўз мулөҳазаларини ифодалаш учун) ва Сафо (эрта жудолик қайғуси), Анакреонт (базмларда қувноқ бўлиш), Симонид Ксосский, Асклециад, Мемагр сингари файласуф шоирлар кенг фойдаланганлар ва баъзилари ана шу жанр туфайли шуҳрат қозонгандар.

Гёте ва Шиллернинг ўз давридаги ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига баҳоси ифодаланган бир қатор шеърлари ҳам қадимги эпиграммаларга яқин туради. Шунингдек, бу жанрнинг XVIII—XIX аср рус адабиётида актив ижтимоий моҳият касб этиши А. Пушкин, П. Вяземский, Е. Баратинский, С. Соболевский ва бошқа ўнлаб ижодкорлар номи билан боғланган.

Навоийнинг муҳим фалсафий, ижтимоий фикр ва хулосаларини юксак эмоционал формада ифода этган эпиграмма байтларини (поэтик жиҳатдан) ғазал ичига жойлашган ўзига хос шеърий жанр деб аташ мумкин. Балки бу ҳодиса шоирнинг жиддий фикр ва ғояларини

ифодалаш усули ёки уларни маълум даражада пардалаш мақсадида қўллаган ўзига хос поэтик усули бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда, шоир ғазаллари поэтикаси учун характерли бўлган бу усул муҳим фалсафий, ижтимоий ғоя учун хизмат қилган.

Навоий ғазалиёти поэтикаси учун хос муҳим жиҳатлардан бири — **тасвирий восита ва усулларнинг бекиёс даражада** бой ва оригиналлигига ҳам биринчилардан бўлиб Бобир эътиборни жалб этган. У аруз ҳақидаги рисоласида Навоийнинг ҳазаж баҳрига мансуб бир ғазали муносабати билан шундай ёзди: «Бу вазнда мусажжаъ ғазал кам айтибурлар. Амир Алишер Навоий бир неча ғазал айтибдири...»³⁸. Бобирнинг бу мулоҳазаси, гарчи бир масала муносабати билан баён қилинган бўлса ҳам, умуман Навоий ғазалиёти бадиияти учун хос тенденцияни объектив ифода этган деб айтиш хато бўлмайди. Чунки поэтикага доир асарларда қайд этилган ва уларда учрамайдиган юзлаб поэтик воситаларнинг ранг-баранг поэтик жилосини биз Навоий ғазалиётида кузата оламиз.

Умуман, Навоий ғазалларининг поэтикаси ҳақидаги мулоҳазаларни шундай умумлаштириш мумкин:

1. Навоий ижодида ўзбек ғазалининг (ва умуман туркий тилдаги ғазалнинг) ўзига хос энг муҳим хусусиятлари назарий жиҳатдан ишлаб чиқилди, асосланди ва унинг хилма-хил имкониятлари амалда намойиш қилинди.

2. Навоий ғазалиёти сон жиҳатидан ниҳоятда кўплиги билан ҳам ғазалчилик тарихида алоҳида ажralиб турди. Бу борада форс ва ўзбек ғазалчилигига (Навоийга қадар ҳам, Навоий даврида ҳам) ҳеч бир ижодкор Навоий билан тенглаша олмайди. Унинг ўзбек тилида яратган ғазаллари 2600 та бўлиб, форс-тожик тилидагилари билан уч мингдан ортиб кетади.

3. Навоий ғазалларининг характерли фазилатларидан бири шундаки, улар арузнинг хилма-хил вазнларида яратилган. Навоий ўзбек тилидаги ғазалларида арузнинг деярли барча асосий баҳрларини маҳорат билан ишга солган³⁹. Бундай ҳолни Навоийга қадар ва Навоий замонида ижод қилган бирорта туркигўй шоир ижодиётida учратмаймиз.

³⁸ Мухтасар, 108-варақ.

³⁹ Филология фанлари кандидати Содиқ Мирзаевнинг аниқлашибча, «Ҳазойинул-маоний»да қўйидаги баҳрлар ишлатилган: ҳазаж, ражаз, рамал, мунсареҳ, музоре, мужтасс, ҳафиғ, мушокил, мутақориб, мутадорик, комил ва тавил баҳрлари.

Шунингдек, Навоий қофияга ғоявий-эстетик функция ташувчи восита сифатида ёндашиб, ғазалда унинг катта имкониятларини намойиш қилди.

Навоий ғазалларида биз фақат шеърий санъатларнинг тўлиқ мажмуасини эмас, балки уларнинг шоир ғоявий-эстетик ниятигининг рӯёбга чиқишида ўйнаган актив ролини кўрамиз.

4. Алишер Навоий ғазалнинг (ва умуман шеърнинг) джамми ва композицияси масаласига жиддий ёндашган. Шоирнинг шакл ва мазмун бирлиги, мазмун ва услубдаги мантиқий изчиллик ҳақидаги ижодий позицияси туфайли унинг ғазаллари композиция жиҳатидан ўзига хос фазилат касб этди. Бинобарин, Навоий ғазаллари яхлитлиги ва структура жиҳатидан изчил, мукаммаллиги билан ғазал жанри тарихида алоҳида ҳодиса ҳисобланади.

5. Навоийнинг ғазалда композицион изчиллик ва яхлитлик ҳақидаги позицияси барча ғазалларда бир қолипда эмас, балки ана шу умумий принцип, тасвир типи билан боғлиқ ҳолда, ҳар бир шеърда ўзига хос равишда юзага чиқади. Бу эса, ўз навбатида, ғазалларда тасвир типларининг бойлиги билан изоҳланади.

Навоий ғазаллари услуби учун якранглик (монотонность) мутлақо ёт бўлиб, уларда тавсиф, таъриф, шарҳ — изҳор, тасвир (сюжетлилик) алоҳида-алоҳида ҳамда қўшилган ҳолда қўлланган. Сюжетнинг пайдо бўлиши ғазал поэтикасида ҳам жиддий янгилик юз беришига олиб келди (макон ва замон, сабаб ва оқибат каби тушунчалар пайдо бўлди). Психологизмнинг моҳияти ва йўллари янада бойиди.

Сабт ўлмаса Навоий, ани назм зайлida
Фаҳм айлар аҳли дард камоли адосидин (БВ, 470).

Навоий ғазаллари поэтикаси учун хос белгилар бевосита уларнинг мундарижаси билан боғлиқ: Навоий ғазаллари услубидаги ўзига хослик улар замиридаги ғоявий пафос ва етакчи мавзунинг тақозоси билан юзага келган.

Маълумки, Навоийга қадар яратилган ўзбек ғазалларида ишқ мавзуи асосий тема бўлиб қолган (фалсафий руҳ шу тема билан боғлиқ ҳолда Атойи ва Лутфийда умумий планда кўринади). Ўзбек адабиёти тарихида фалсафий, дидактик ғазалларнинг вужудга келиши ва тараққий этиши бевосита Навоий ижоди билан боғланган. Энг муҳими шундаки, Навоий ғазалга ижтимоий масалаларни кенг равишда олиб кирди, танқидий-ҳажвий

руҳдаги ғазалнинг юксак намуналарини яратди, ғазал жанрининг социал моҳиятини ошириди. У фақат айрим байтлардагина эмас, балки яхлит ғазалларида ҳам ижтимоий масалалар устида фикр юритди, замона иллатларини танқид остига олди. Умуман, ғазалда шоирнинг ҳаётга ва замонга муносабати конкрет ифодасини топган.

Навоий ғазалларининг муҳим фазилатларидан яна бири — уларда индивидуал-биографик асоснинг муҳим мавқе тутганлигига. Шу жиҳатдан, унинг кўпгина ғазаллари бевосита ҳаётний таассурот заминида яратилганлиги яққол кўзга ташланади. Бундай ғазаллар шоир ҳаётининг муайян даврлари билан бевосита алоқадор бўлиб, услубининг оригиналлиги, ғоявий пафосининг ҳаётний ва жиддийлиги билан ажралиб туради. Бундай ғазалларда шоирнинг шахси ниҳоятда ёрқин акс этган. Зотан, шеъриятдаги табиий ўзига хослик унда ижодкор шахсининг қай даражада намоён бўлганлиги билан изоҳланади. «Шоир ижодий фаолиятининг манбани унинг шахсида ифодаланган руҳидадир. Бинобарин, шоир руҳини ва унинг асарлари характеристининг дастлабки изоҳини унинг шахсидан қидирмоқ керак. Шеър ёзувчи ҳар қандай киши ҳам ўз шахсини ифода эта олмайди — бунга фақат шоир бўлиб туғилган кишигина қодир. Шоирнинг шахси қанчалик чуқур ва кучли акс этган бўлса, у шу қадар чинакам шоирдир»⁴⁰.

Хуллас, Навоийнинг ғазалчилик анъаналарига муносабати ниҳоятда ижодий ва танқидий характерда бўлиб («Бадоевл-бидоя» дебочасида), у ўзининг бу борадаги назарий қарашларини амалда намойиш этиб, ғазалнинг янада мукаммал моделини яратди ва бу жанрни тараққиётнинг юксак чўққисига олиб чиқди.

Навоийнинг жанр поэтикаси билан алоқадор анъаналарга ижодий муносабатини биз яна асосий лирик жанрлардан бўлмиш қитъа ва рубоний поэтикасига дахлдор баъзи масалалар тимсолида ҳам кузатишимииз мумкин.

Навоий девонида ғазалдан кейин асосий ўрин тутган жанр — бу қитъа.

Ўзбек адабиёти тарихида бу жанрнинг ҳам поэтика жиҳатидан, ҳам мундарижа нуқтаи назаридан такомил

⁴⁰ Белинский В. Г. Собрание сочинений в трех томах. Том III. М., 1948, с. 374.

топиши ва кенг қўлланиши бевосита Навоий ижодиёти билан боғланган⁴¹.

Форс-тожик адабиётида кенг ривож топган қитъя Навоийгача бўлган ўзбек адабиётида (ҳозирча мавжуд маълумотларга қараганда) жуда оз қўлланган бўлиб, унинг баъзи бир намуналари «Банг ва чоғир мунозараси» (2 та ўзбекча), «Муҳаббатнома» (1 та) да ҳамда Лутфий, Гадойи, Ҳофиз Ҳоразмий сингарни шоирлар девонидаги учрайди. Саккокий, Атойи, Ҳайдар Ҳоразмий каби шоирларнинг тўлиқ девони ҳозирча маълум бўлмаганиниги сабабли, уларнинг қитъя жанрига муносабати ҳақида қатъий бир холосага келиш қийин.

Сон жиҳатидан оз бўлган ўзбекча қитъаларнинг айримлари баён характерида бўлиб, бир қисми ишқий мавзуда ёзилгандир. Ижтимоий ва фалсафий-дидактик характердаги қитъаларни деярли учратмаймиз. Навоий қитъалари эса ўзининг поэтикаси ва ғоявий пафоси билан шун жанрининг тараққиёти тарихида юқори босқични ташкил этган деб холоса чиқариш мумкин.

Қуйидаги мулоҳазалар ана шундай холоса учун етарли асос бўлиши мумкин:

I. Навоий ижодиётида қитъя йўл-йўлакай ишлатилган шеърий шакл эмас, балки ижодкорнинг бутун ҳаёти давомида ундан муайян муҳит билан боғлиқ руҳий кечинмалар, фикр-мулоҳазаларни ифода этган актив поэтик жанрdir. «Ҳазойинул-маоний» девонидаги қитъалар сони 204 та (ўзи 210 та, лекин 6 таси маснағий) бўлиб, «чиҳил ҳадис» (40 та), девон дебочалари ва бошқа асарлар таркибидағи қитъаларни ҳам ҳисобга олсақ, уларнинг сони уч юздан ортиб кетади. Демак, Навоий ўзбек адабиёти тарихида кам қўлланган бу жанрни бадиий ижод жараёнига кенг жалб этиб, актив жанр даражасиңга кўтарган ва унинг юзлаб классик намуналарини яратган.

II. Навоийнинг қитъя жанри борасидаги улкан хизмати бевосита жанр поэтикасига тааллуқли.

Маълумки, Навоийгача форсий қитъанавислик бир неча асрлик тарихга эга бўлиб, бу борада катта тажриба тўплланган ҳамда қитъя жанрининг барқарор поэтик қонуниятлари шаклланиб етган эди. Қитъя учун хос энг

⁴¹ Қаранг: Бертельс Е. Э. Алишер Навои. М.—Л., 1947, с. 113; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси, 51—57-бетлар; Абдурағуров А. Эрк ва эзгулик кўйичилари. Тошкент, 1979, 75—89-бетлар; Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар, 20—26-бетлар.

муҳим белгилардан бири — унинг қофия системаси эди (аб, вб, гб). Навоий бу масалага жиддий муносабатда бўлганлигини унинг ўз изоҳларидан сезиб олиш мумкин. Шоир маснавий тарзида қофияланган ва қитъалар қаторида берилган иккита шеърий парчанинг устига шундай сарлавҳа қўйган: «Маснавий хожаи Нақшбанд қуддиса сирруҳу каломи таржимасидаким...», «Маснавий машойих каломи таржимасидаким...» (ФК, 739—740). Демак, бири уч ва иккинчиси икки байтли бўлган мазкур шеърлар, муаллифнинг ўз таъкидига кўра, қитъа эмас, балки маснавий. Улар фақат ҳажм эътиборига кўра қитъалар қаторида берилган, холос. Шунинг учун ҳам муаллиф уларга алоҳида изоҳ бериб ўтган. «Фаройибус-сиғар»даги 41, «Бадоевул-васат»даги 3, 18, 52 ва «Фавойидул-кибар»даги 42 ва 44 рақамили шеърлар ҳам қитъа эмас, балки маснавий ҳисобланади.

Шундай қилиб, девоннинг Тошкент нашрида қитъа сифатида келган 210 та шеърдан 6 таси миниатюр маснавийлардир.

Демак, Навоий қитъанинг қофия системасига жанрнинг етакчи белгиси сифатида қараган⁴².

Навоий қитъалари поэтикаси учун хос хусусиятлардан яна бири — уларнинг маҳсус сарлавҳага эга эканлигидир. Ҳар бир қитъага маҳсус сарлавҳа қўйиш ҳодисаси фақат форс-тожик шоирларидан Анварий (1090—1170/75) ва туркий шоирлардан Алишер Навоий девонидагина учрайди.

Маълумки, «Ҳазойинул-маоний»нинг қитъалар бўлимида берилган шеърлардан 207 таси (шундан 6 таси маснавий) маҳсус сарлавҳаларга эга. Навоий қитъаларининг сарлавҳалари масаласида ҳозирча икки хил фикр мавжуд.

1. Қитъа сарлавҳалари «Ҳазойинул-маоний»нинг энг қадимий нусхаларида мавжуд бўлганлиги сабабли, шоир ижодининг тадқиқотчилари бу масалага (объектив ҳақиқат сифатида қараб) маҳсус тўхталиб ўтишмаган. Фақат А. Ҳ. Ҳайитметов ана шу борада маҳсус фикр билдирган. Унинг таъкидлаб ўтишича, «Навоий ўз қитъаларига шундай катта аҳамият берганки, буни уларни эҳтиётлик билан йигиб борганида, ҳар девонига

⁴² Иккинчи девон («НШ»)даги икки байтли 10-қитъанинг биринчи байти ҳам маснавий тарзида (ноб-музоб) қофияланган. Лекин иккинчи байтда бу хусусият сақланмаган, фақат иккинчи мисра олдинги байтга қофиядош бўлган (аро-ҳисоб). Шунинг учун ҳам уни шартли равишда қитъалар қаторига қўшдик.

алоҳида шеър тури сифатида деярли бир миқдордан жойлаштирганида, мазмунига кўра уларнинг ҳар бирига ҳеч эринмай сарлавҳа қўйганлигида яққол кўриш мумкин»⁴³.

А. Абдуғафуров эса Навоий қитъаларининг сарлавҳалари ҳақида маҳсус мақола ёзиб, уларнинг (яъни сарлавҳаларнинг) Навоий томонидан қўйилганлигига жиддий шубҳа қиласди.

Биз ана шу масала билан шуғулланиш жараёнида қитъа сарлавҳалари, ҳақиқатан ҳам, шоир қаламига мансублиги шубҳасиз деган қатъий хуносага келдик. Бинобарин, ўз мулоҳазаларимизни билдиришдан аввал А. Абдуғафуров мақоласида баён қилинган асосий фикрларни келтириши зарур деб ҳисоблаймиз. Унинг далиллари қуйидагилар: «Биринчидан, сарлавҳалар қитъа ғоясини очиш, унинг ёзилиш сабаблари ва авторнинг ундан кузатган мақсадларини кўрсатиш вазифаларини бажарадики, бу фақат тайёр, ёзиб бўлинган қитъалар юзасидан ва кўпроқ иккинчи бир шахс томонидан қилиниши эҳтимол бўлган бир ишдир»⁴⁴. Йўл-йўлакай айрим масалаларга аниқлик киритиб кетайлик: хўш, қитъанинг ғояси, ёзилиши сабаблари ва авторнинг кузатган мақсади нима сабабдан қитъани ёзиб қўйган шоцрнинг ўзи эмас, балки «иккинчи бир шахс томонидан қилиниши эҳтимол бўлган бир иш?» Наҳотки, қитъанинг мазмуни, унинг юзага келиши сабаблари ва вақтни изоҳлаш муваллифнинг ўзи учун эмас (унинг ўзи ҳаёт бўлгани ҳолда), балки бошқа бир шахс учун осонроқ бўлса?! «Иккичидан, бу сарлавҳалар услугуб жиҳатидан Навоийнинг бошқа асарларидаги сарлавҳалардан тудан фарқ қиласди (ҳар бир мустақил асарда услугуб ўзига хос бўлиши табиий! — Е. И.). Қитъа сарлавҳаларида автор «мен»и учинчи шахс «у» сифатида тилга олиниади (ҳаммасида эмас — Е. И.). Сарлавҳа автори шоир қитъаси ҳақида сўз юритиб, уни шарҳлар экан, Навоий айтибдур, дебдур, хабар берур, адо қилибдур, ташбиҳ қилибдур (сарлавҳада учинчи шахсдаги сўзлар ўзи учрайди, лекин «Навоий айтибдур» тарзида эмас. Умуман, сарлавҳада «Навоий» учрамайди — Е. И.) каби учинчи шахсга ишора формаларини қўллайди. Қуйидаги мисолларга диққат қиласйлик. «Бўйнига яшм осилғонни дебдурким...», «Рум тухфаларининг улашинғонни дебту-

⁴³ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси, 52-бет.

⁴⁴ «Ўзбек тили ва адабиёти», 1969, 1-сон, 21-бет.

рур, балки... талашқонни айтибдуур» (II девон, 697), «Эрни хурус дебтур..., дарди сардан шикоят қилур» (III девон, 700—703) ва ҳоказо.

Учинчидан, бир қатор сарлавҳаларнинг ҳам стилистик жиҳатдан, ҳам мазмун жиҳатидан Навоий қаламига мансуб эмаслиги шак-шубҳасиздир. Масалан,

Бу юришда ики улогим бор,
Лек бормен сихиликда яёқ,—

мисралари билан бошланувчи «мен» номидан айтилган бир қитъа шундай шарҳланган: «Қаламнинг сияҳкорлигининг бeroҳлиғи ва ўзининг сияҳрўлиғининг узроҳлиғи» (Ўша девон, 738). (Изоҳ: юқоридаги байт билан бошланувчи қитъа биринчи девонда (FC, 736) 43 рақами остида берилган бўлиб, унинг сарлавҳаси бутунлай бошқа: «Юришда отлари заъфи таърифидаким, муаммо ичидаги отдек пайдо эмас эрдилар». «Қаламнинг» деб бошланувчи сарлавҳа эса ана шу девондаги бошқа шеърга, яъни 50-қитъага тааллуқли бўлиб, унинг биринчи банди қуйидагича:

Илоҳий, ул рақемеким чекибдуур қаламим,
Минаш — шарорати ва ғайриҳо фарарту ладайк...— (Е. И.).

Шу каби сарлавҳалар жуда кўп бўлиб, уларни Навоийнинг ўзи ёзган дейиш мантиқа зид тушади. 207 қитъага берилган сарлавҳалардан фақат биригина 1-шахс номидан ёзилган бўлиб, у ҳам қитъа мазмунининг прозаик шаклидан иборат (III девон, 706). Шу фактдан фақат айримларигина Навоий қаламига мансуб, деб гумон қилиши мумкин. Аммо асос кўпчилик сарлавҳалар, бизнингча, Навоийнинг ижодий лабораториясига яқин турган, қитъаларнинг ёзилиш тарихлари билан бевосита таниш бўлган иккинчи бир шахс томонидан, эҳтимол, шоир асарларини оққа кўчирувчи котиб (котиблар) томонидан Навоийнинг ижозати — маъқуллаши билан қилинган бўлиши мумкин. Бу фикрни «Ҳазойинул-маоний»дан четда қолган қитъаларнинг сарлавҳасиз эканлигига ҳам қувватлайди. Масалан, «Ҳазойинул-маоний» нашрига проф. Ҳ. Сулаймон томонидан илова этилган саккиз қитъага сарлавҳалар берилмаган. Щунингдек, «Девони Фоний»дан ўрин олган Навоийнинг форсий тилдаги қитъаларнинг бирортасига ҳам сарлавҳа қўйилмаган. Айтилганлардан, Навоий ўзбекча қитъаларининг (ҳаммасининг бўлмаса-да) сарлавҳалари

иккинчи бир шахс томонидан шоир ҳаёт давридаёқ қўйилган, деган хулоса чиқариш мумкин»⁴⁵.

Аввало, қитъа сарлавҳалари улар ёзилган пайтда эмас, балки А. Абдуғафуров тўғри қайд этганидек, кеинин қўйилган. Навоийнинг «Хазойинул-маоний»дан олдинги девонларида бирорта қитъага сарлавҳа қўйилмаган. Хўш, нима учун улар «Хазойинул-маоний»да сарлавҳали бўлиб қолди? Бу ҳодиса бевосита «Хазойинул-маоний» девонининг умумий поэтикаси билан алоқадор. Навоий бу девонининг структураси устида жиддий иш олиб бориб, уни девон тузиш тарихида мисли қўрилмаган оригинал девон даражасига кўтаришга ҳаракат қилган. Натижада бу мажмууда унинг олдинги девонларида бўлмаган бир қатор янги хусусиятлар пайдо бўлган. Тўртала девон структурасининг қатъий симметрия асосида қурилганлиги, ҳар бир ҳарфга доир ғазаллар устига маҳсус сарлавҳалар қўйилиши, ва ниҳоят, ҳар бир қитъанинг мазмунга мос бадиий сарлавҳалар билан таъминланиши ана шулар жумласидандир.

Ҳар бир ҳарфга тааллуқли ғазалларнинг ўзига хос сарлавҳага эга бўлиб, ҳамд, наът ёки фалсафий-дидактик характердаги шеър билан бошланиши уларга маълум даражада мустақиллик руҳини бағишлайди ва гўё девон ичидаги девонлар жойлашгандек тасаввур пайдо қиласиди. Девон структурасига хос янгиликлардан бири — қитъа сарлавҳалари ҳам муайян ғоявий-эстетик функцияни адо этиш учун қаратилганлигига.

Иккинчи томондан, қитъага сарлавҳа қўйиш шу борадаги муайян традиция билан, аниқроғи, атоқли форс шоири Анварий анъанасининг Алишер Навоийга кўрсатган бевосита таъсири билан алоқадор.

Маълумки, Анварий (XII аср) девонидаги юзлаб қитъаларнинг барчасига сарлавҳа қўйилган. Бу ҳодисанинг Навоий учун ўrnak ёки туртки бўлганлиги шубҳасиз эканлиги, унинг Анварий меросига бўлган умумий муносабати фонида олиб қаралганда, тўлиқ тасдиқланади. Муҳими шундаки, бу ҳақда Навоийнинг ўз эътирофлари мавжуд. У «Хамсатул-мутаҳайирин» да ўзи билан Жомий ўртасидаги бир мулоқотни эслаб, шундай ёзади: «Бир кун фақир алар хизматида эрдим ва яна киши йўқ эрди. Анварий қасоидиа бобида сўз ўтадур эрди. Алар бу навъ таъриф қиласидур эрдиким:

⁴⁵ Абдуғафуров А. Навоий қитъаларининг сарлавҳалари ҳақида.— «Ўзбек тили ва адабиётн», 1969, 1-сон, 21-бет.

Навоий лирикасидаги тазоднинг туб моҳиятини белгилайдиган ва шоирнинг бу борадаги новаторлигини кўрсатадиган муҳим фазилатлардан бири бу усулининг ишқий тематикадан бошқа социал мазмундаги шеърларда ҳам кенг ва изчил қўлланишидир. Навоийнинг ilk ижодида юзага келган бундай тенденция кейинги даврларда яна ҳам ривож топган. Давр характерига хос зиддиятларнинг айрим томонларини фош этишга бағишлиган яхлит фазаллар Навоий девонларида ўнлаб учрайди. Қуйидаги фазал ана шулардан бири:

Шоҳнинг мунглуг мушаввашлар била не нисбати,
Комронларга балокашларга қойдин улфати.

Улки қаҳр этса, қиличидин дамодам қон томар,
Бағридин қон томғучилар бирла не жинсияти.

Навоий поэтик санъатлар учун «материал» танлар экан, борлиқдаги энг характерли воқеа ва ҳодисаларни, биринчи навбатда, тасвир объектининг моҳиятини тўла ва ёрқин ифодалашга имкон берадиган реалистик деталларни олишга интилган.

Навоий учун ҳеч қачон шеърий санъатлар шунчаки бир санъаткорликни намойиш қилувчи воситалар бўлган эмас. У ҳақиқий новатор, ижодкор сифатида, ўзининг бутун санъаткорлик маҳоратини, муҳим ижтимоий-сиёсий фикрлари, олижаноб ғояларини юксак бадиий савида ифода қилиш учун дадиллик билан ишга солган.

Навоийнинг лирик шеърлари, даҳо санъаткорнинг тилга, сўзга бўлган ижодий муносабати юксак эҳтиром ва талабчанликнинг ҳақиқий намунаси бўла олади.

Бир нечта санъатнинг «Хазойинул-маоний» девонидағи намуналарини тадқиқ этиш асосида биз шундай хуросага келдик:

1. XV асрдаги ўзбек лирикасида шу типдаги санъатларнинг айримлари мавжуд бўлса, баъзилари тўлиқ шаклланмаган ва бир қаторлари умуман йўқ эди.

Навоий мавжуд санъатларни янада ривожлантириди, элементар ҳолдаги усусларни тўлиқ шакллантириб, мукаммал бир шаклга келтириди.

Ўзбек лирикасида бўлмаган шеърий санъатларни (араб ва форсий адабиётларда бўлган) ҳам муваффақият билан қўллади ва уларни туркий шеъриятнинг қонуний усусларига айлантириди.

2. Навоий ўзбек шеъриятида ўзигача пайдо бўлган, лекин ўз канонига эга бўлмаган (айримлари традиция, айримлари антиканон ҳолатида бўлган) санъатларнинг

энг муҳим белгилари етук канон даражасига етиши учун сабабчи бўлди.

3. Навоий у ёки бу санъат соҳасида мавжуд бўлган (жумладан, араб, форс шеъриятида) қонун-қоидаларга нисбатан бутунлай ижодий муносабатда бўлган. Навоий учун поэтиканинг у ёки бу қоидаси қотиб қолган бир ҳодиса эмас, балки умумий йўл-йўриқ. Ҳақиқий ижодкор ана шу умумий кўрсатмалар доирасида иш олиб борар экан, ўзининг истеъоди ва ижодий изланишлари туфайли унинг имкониятларини ривожлантириши ва янги қирраларини кашф этиши мумкин. Бу эса адабий канонни бузиш эмас, балки уни такомиллаштириш ва бойитиш бўлади.

Навоий ана шундай ижодий жасорати туфайли бир қатор санъатларнинг (форсий адабиётда мавжуд бўлган) янги, мукаммал моделини яратди.

Навоий ўзининг ижодий изланишлари билан поэтикага доир асарларда умумий бир қарорга келинмаган ёки турлича баҳолангандай айрим муносарали масалаларга аниқлик киритди (масалан, ито-раддул қофияга икки хил қараш) ва уларни ижодий нуқтаи назардан ҳал этди.

4. Навоийнинг у ёки бу санъатга муносабати унинг асосий эстетик принциплари билан тўла мутаносиблика эга: ҳар бир шеърий усул муайян бир мақсад асосида юзага келган бўлиб, аниқ фикр ва ғоянинг ёрқин бадиий ифодаси учун хизмат қилиши лозим. Мазмуннинг (ёки «маъно»нинг) ёрқин ифодаси учун монелик қиласидан ҳар қандай санъат ёки усул ҳақиқий ижодкор наздида қимматга эга эмас. Шунинг учун ҳам Навоий формал хусусиятлари етакчи бўлган санъатларга камроқ, маънонинг тўлиқ намоён бўлишида кенгроқ имкониятларга эга бўлган санъатларга эса кўпроқ мурожаат қиласиди. Бу ҳолат унинг лирик жанрларга бўлган муносабати билан мос келади (масалан, тарсөъ, ташобеҳул-атроф, тарду акс, раддул-қофия).

Хуллас, Навоийнинг шеърий санъатларга муносабати икки муҳим фактор билан белгиланади: Биринчидан, шеъриятда мазмуннинг ҳаммавақт етакчи роль ўйнаши лозимлиги талаби; иккинчидан, бадиий канонга нисбатан доимо ижодий ёндашиш тенденцияси. Шу жиҳатдан қуйидаги байт шоир ижодий принципи учун эпиграф бўлиши мумкин:

Лафзи зебида Навоийга берур маъни юз;
Қайда маънида топар мунча маҳорат лаффоз.

«Биз аниг ашъорин, батахсис, қасойидин оз кўруб эрдук, бу яқинда бир-икки девони бизнинг илигимизга тушубтур, гоҳи анга машғул бўладурбиз, баъзи ерда айтса бўлғайким, башар қаломидин ўтуб, эъжоз ҳаддиға етмиш бўлғай, ғариб таркиблар ва ажиб адолар назарга келадур».

Чун фақир асҳоб орасида муттаҳам (туҳматланган) мунча борменким, Анварийға мұттақиiddурур ва аниг шеърин кўп ўқур. Фильвоқеъ мундоқдур...»⁴⁶.

Бизнингчча, Анварийға мұттақиид сифатида шуҳрат қозонган ва ўз эътирофига кўра, унинг шеърларини кўп ўқиган ижодкорнинг Анварий шеърлари поэтикасининг оригинал жиҳатларидан илҳомланган бўлиши таажжуб-ланарли эмас.

Қитъа сарлавҳаларининг услуби, унда гап, кўпинча, учинчи шахс ҳақида бориши масаласига келганда, шуни таъкидлаш керакки, аввало, учинчи шахс билан боғлиқ сарлавҳалар сарлавҳаларининг тўртдан бир қисмини ташкил этади (49 та).

Лекин булар ҳам моҳият жиҳатидан З гуруҳга бўлиниади: 1. Шеърда гап бораётган обьектга тааллуқли: «Манзурнинг ҳусн баҳори олу гулидин сапида қилиб, шафтолу гулидин гулгуга қилғони» (БВ, 702).

2. Шоир ёки лирик қаҳрамонга тегишли: «Тожнинг таркин истаб, дарди сардин шикоят қилур» (БВ, 703).

Шоирнинг шеърда ўз номи ёки тахаллусини учинчи шахс сифатида тасвирлаши поэтик усул бўлиб, бошқа жанрларда, хусусан, ғазалда кенг қўлланилади. Бундай усул шеърдаги тасвирга маълум даражада обьективлик бағишлиб, шоирни индивидуал шахс эмас, балки умумлашган лирик қаҳрамон сифатида гавдалантиради. «Навоий шеъри тўққиз байту ўн бир байту ўн уч байт» деб бошланувчи қитъа ҳам худди ана шу усулда ёзилган.

3. Шеър учун асос бўлган фикрнинг манбаига (ўтган улуғлар, конкрет шахс ёки бирор машҳур китоб) ишора қилинади: а) «Фано аҳлини ўз вақтининг подшоҳи дебтур (ўтган улуғлар), балки вақт подшоҳини аниг гадойи» (БВ, 693); б) «Нодоннинг ҳарзасин «анкарал асвот» дебтур («Қуръон»да — Е. И.) ва мунинг далир айтурин аниг савтида анга адами илтифот» (БВ, 698); в) «Алкосибу ҳабибуллоҳ ҳазрати хожай Нақшбанд (конкрет шахс) қуддуса сурруҳу шундоқ

⁴⁶ Алишер Навоий. Асарлар. 14-том. Тошкент, 1967, 24-бет.

баён қилибдур» (БВ, 691). Демак, учинчи шахсдаги «дебтур», «қилур» сўзлари фақат шеърнинг авторига қаратилган бўлмай, анча кенг маънога эга.

Биринчи шахс номидан сўз юритилган сарлавҳа ҳам услугуб жиҳатидан (насри мусажжа) бошқа сарлавҳаларга мутаносиб тушган.

Шуни таъкидлаш керакки, авторнинг ўзини учинчи шахсга нисбат бериш усули фақат қитъаларда эмас, балки эпик асарлари сарлавҳаларида ҳам учрайди. Масалан, «Хамса»да: «Нозимнинг бу жавоҳири самин ва бу лаолийи анжумойин назм силкига тортилғонга кон қозар машаққатидин фарофат топқони ва осойиш уйқусига кўзин ёпқони...»⁴⁷.

«Лисонут-тайр»да: «Бу назм таърихи гуфтори ва ўзининг истироҳати ва истиғфори».

Худди шундай ҳодисани Навоийдан олдинги ва кенинги шоирлар асарларида ҳам учратамиз:

«Китоб назм қилмоққа сабаб баён аюр» (Қутб. Хусрав ва Ширин).

«Шоирнинг сўзга киргони» (Қиссаи Сайфулмулук).

Шунингдек, форс-тожик адабиётида ҳам шундай услугуб ишлатилган асарлар мавжуд.

Қитъа сарлавҳалари оддий поэтик безак эмас. Уларнинг ҳар бирига катта ғоявий-эстетик вазифа юклатилган. Бу ҳақда А. Ҳайитметов шундай ёзган: «Навоий қитъаларининг ҳар бирига сарлавҳа қўйишининг сабаби шундаки, у ўз қитъаларининг ижтимоий аҳамиятини реал тушунар эди ва уларнинг ўз адресатига тўғри бориб етишини, тез англашишини истар эди»⁴⁸.

А. Абдуғафуров эса бир қитъа муносабати билан қитъа сарлавҳаларининг муҳим функциясини адо этишини таъкидлаб ўтади: «Навоий Шарбатийнинг қулоги кар бўлиб қолганлиги учун унга таъна қилмайди, майна этиб обрўсини тўкмайди, балки жуда самимий, беғараз, бениш кулги яратади.

Бу кулги, айтилганидек, сўз ўйини, қўлланилган сўзлардаги турли маъноларни биринчи планга чиқаришт воситасида юзага келади.

Қитъага берилилган сарлавҳанинг ўзидаёқ ана шундай сўз ўйинини кўрамиз: «Шарбатийнинг қулоги оғирлиғи-ға қитъа демак»⁴⁹.

⁴⁷ Хамса. Тошкент, 1960, 606-бет.

⁴⁸ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси, 55-бет.

⁴⁹ Навоий ижодида сатира, 174-бет.

Юқоридагилар билан бир қаторда яна қитъа сарлавхаларига хос етакчи функциялар сифатида қўйидагиларни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

1. Сарлавҳаларнинг бир гуруҳи шеърдаги фикр, мазмуннинг манбаига, генезисига: а) таржима (бирор автордан); б) ҳадис, оят ёки мақолнинг мазмунин асосидаги баён; в) машҳур фикрларнинг, улуғ шахслар фикрларининг поэтик баёни, тафсири эканлигига ишора қиласи (БВ, 8, 25, 28). Шунингдек, «дебтур» конкрет шахсга нисбатан эмас, балки «дейишган» маъносида ҳам келади.

Шу жиҳатдан, қитъа сарлавҳалари билан Навоийнинг «Назмул-жавоҳир»идаги дебоча ҳамда «Девони Фоний»даги («Дар таври Хожа», «Татаббуи Хожа» ва ҳоказо) сарлавҳалар ўртасида ҳам функционал уйғунлик мавжуд. Мазкур асарларда ҳам шоир шеърдаги фикр ёки поэтик образнинг манбанин ўзи кўрсатиб ўтган. «Маҳбуబул-қулуб»да эса фикр генезисига ҳадис, оят ёки машҳур мақолни тўла келтириш ёки ундан ижодий фойдаланиш орқали ишора қилинган.

Масалан, қўйидаги танbihънинг мазмуни «Ал-маръу мафтунун би ақлихи ва ибнихи ва шеъриҳий»⁵⁰ деган машҳур араб мақоли билан алоқадор: «Танbihъ (69): Башар жинсиға ўз хатоси дилпазирдур ва мардуд фарзанди ногузир, ямон шеърдекким, табъ зодасидур...»⁵¹.

2. Қитъанинг юзага келишига туртки бўлган сабабни кўрсатади: кургоқчилик, қорли қиши, ўзи ёки бошкешаҳс номи, фаолияти билан боғлиқ қитъалар ана шула жумласидандир (турли даврларда ҳар хил сабаблар туфайли ёзилган ўнлаб шеърларнинг сабабини котиб қаёқдан билади?).

3. Қитъанинг ёрқин маъноси сарлавҳасиз мубҳам бўлиб қолади: а) бир қатор қитъаларда сарлавҳа асосий фикр, тояни изоҳлашга, таъкидлашга хизмат қиласи; б) фикр ва мазмунни умумлаштиришга ёрдам беради (FC, 46, «Фалон котиб...»).

4. Сарлавҳа билан шеър бир-бирининг айнан такро-ри эмас, балки уларнинг ҳар бири ўзига хос мустақилликка эга. Кўпинча, насрый қисм (sarlavҳa) фикрий тайёргарлик босқичи бўлиб, назм юксак эмоционал босқични (бир-бирининг давоми, яъни ягона тасвирининг

⁵⁰ «Киши учта нарсанинг мафтуни: ўз ақли, ўз фарзанди ва ўз шеърининг».

⁵¹ Алишер Навоий. Асарлар. 13-том, 65-бет.

икки босқичини) ташкил қиласы. Бундай шеърларда тасвир маълум дараражада динамик характер касб этади. Интонация, мантиқий ургу ҳам ўзининг муайян системасига эга. Бундай шеърлардаги тасвирни моҳиятган уч гуруҳга жамлаш мумкин: 1) параллеллик (наср — назм, ФК, 13, 14); 2) босқичма-босқичли (НШ, 27, 47); 3) ягоналик, яхлитлик (яъни бир-бирини тўлдиради: ФК, 15).

5. Сарлавҳада авторнинг эмоционал муносабати, қатъи баҳоси ифодаланади (шеърнинг ўзида нейтрал, умумийроқ планда бўлиши мумкин). Бу баҳо тўғридан-тўғри, очиқ (НШ, 48) ёки қиёсий планда (НШ, 41) бўлиши мумкин.

6. Қитъа сарлавҳаларининг бальзилари маъно ва услуб жиҳатидан тугалликка эга. Уларни алоҳида ҳолда олганда ҳам мустақил маъно чиқади. Бундай сарлавҳаларда муаллифнинг фикри гоҳ қатъий холоса, гоҳ ўқувчига мурожаат, буйруқ тарзида ифодаланади.

7. Деярли барча сарлавҳалар саж билан ёзилган. Сажнинг типлари, қўлланиш характеристи жиҳатидан қитъа сарлавҳалари билан «Маҳбубул-қулуб» таркиби ҳамда бошқа асарлардаги сарлавҳалар ўртасида умумийлик (албатта, конкрет ҳолат билан боғлиқ ўзига хосликлар бўлгани ҳолда) мавжуд.

8. Навоий қитъа сарлавҳаларини ҳам поэтик санъатлар билан безашга ҳаракат қилган. Бундай ижодий ишни Навоий котибининг ихтиёрига ташлаб қўйган дейиш мантиқа зид келади (унинг шеърини таҳрир қиласидан котиб ҳақидаги қитъасини эсланг).

9. Навоий сарлавҳа поэтикаси устида шу қадар жиддий иш олиб борганки, натижада уларнинг кўпчилиги мақол, идиома ёки эпиграмма даражасига кўтарилиган. Масалан:

«Ёмон ёмонлигини қилмаса, яхшилиқча бор
ва бир яхшилиғ қилса, ўн яхши қилиқча» (ФК, 13).

«Ўй равнаки мулойим ҳамзонудиндор ва
рўзгор турфалини турфагў бонудин» (ФК, 738).

«Йигитларга дилбасталиқ йигитликда дилписандур
ва қарилгода бу иш ришхандур» (ФК, 738).

10. Автор учинчи шахс сифатида берилган қитъа сарлавҳалари орасида шундайлари ҳам борки, шоир ўзини (адабиётимиз тарихи ва Навоий ижодида жуда кўп учрайдиган) рўсиёҳ бир гуноҳкор сифатида камситади.

Ўзини камситишиш (фаҳрияниң акси) фақат авторнинг

ўзи томонидан қилинади, бошқа шахс томонидан айтилса, ҳақорат маъносини касб этади. Бизубарин, учинчи шахс формасидаги мана бундай ҳақоратомуз баҳоларни котиб Навоийга нисбатан ишлатиши мутлақо мумкин эмас:

«Ўз тоати сафҳаси таърифидаким, кофир кўнглидин қаророқ ва нопокроқдур ва бу жиҳатдин ўзи дўзахий кофирдин ғамнокроқ»

Мангаки сафҳаси тоат қародурур, нопок
Юзум каби они ҳам қаро қилибдур чум.

Агар сувга ювсалар ёхуд ўтга ташласалар,
Сувдин ориғлигу ўтдин ёруғлуғ ўлғай гум (ФК, 737).

Сарлавҳа шеърий текстдаги мазмуннинг айнан такори эмас, балки икки объект — тоат сафҳаси ва ўзи бошқа аспектда — кофир кўнгли ва кофир кайфияти билан қиёсланган ҳолда тасвир этилган. Текстда эса бошқача аспектда: бу ерда кофир ва унинг кўнгли йўқ. Демак, сарлавҳада мақсаднинг маълум босқичи берилган. Яна: «Ўзининг куфри ниҳонийсин ошкоро ва фисқи пинҳонийсин пайдо қилғони» (НШ, 44; ФК, 5 ва ҳоказо).

11. «Ҳазойинул-маоний» таркибиға киритилмаган қитъаларнинг сарлавҳасизлиги ўз-ўзидан аён. Бу, юқорида эслатганимиздек, «Ҳазойинул-маоний» структураси билан боғлиқ. Навоийнинг олдинги девонларида бирорта қитъага сарлавҳа қўйилмаган (ҳар бир ҳарфда ҳам махсус сарлавҳа йўқ эди).

Хуллас, қитъа сарлавҳалари Навоий санъаткорлигининг маълум қирраларини намойиш этувчи ўзига хос бадиий парчалар бўлиб, муайян ғоявий-эстетик функцияни адо этади.

* * *

Навоий қитъаларининг адабиётимиз тарихидаги юксак мавзеи ва аҳамияти, биринчи навбатда, уларнинг моҳияти, тематик доирасининг кенглиги ва ғоявий патфосининг ўткирлиги билан изоҳланади.

Навоий қитъалари учун мавзу бўлган объект ниҳоятда бой ва хилма-хил. Бир қатор шеърларда лирик қаҳрамон адолат куйчиси сифатида подшоҳ ва ҳукмдорларга қарата мурожаат қилса, бошқа қитъаларда у мураббий сифатида умумга қарата ахлоқ, одоб масалалари юзасидан сўз юритади. Баъзи бир қитъаларда муайян масала ёхуд шахс фаолиятининг айрим томон-

лари устида фикр билдирса, айримларида ўзининг феълу атвори, юриш-туриши ҳамда ижоди ҳақида мулоҳаза юритади.

Навоий қитъаларининг муҳим фазилати шундаки, уларда шоирнинг айрим конкрет шахслар борасидаги фикрлари эмас, балки даврнинг энг асосий гуруҳлари, табақалари ҳақидаги холоса ва баҳолари бадиий шаклда ифодаланган. Зотан, қуйидаги байтда бутун қитъаларниң моҳияти мужассам бўлгандек туюлади:

...Орзу қилдим вафо аҳлин кўрай деб — топмадим:
Хоҳ зоҳид, хоҳ фосиқ, хоҳ сойил, хоҳ шоҳ (НШ, 702).

Навоий қитъалари фақат ўзининг бой мундарижаси билангина эмас, балки ўзига хос услуби, бадиий баркамоллиги билан ҳам ўзбек қитъанавислиги тарихида олий босқич ҳисобланади. Шаклан муҳтасар, аммо муайян бир масалага доир чуқур мулоҳазага ёхуд фалсафий холосаларни ўзида мужассамлантирган бу шеърий дурдоналарда атоқли санъаткор маҳоратининг янги қирралари ёрқин намоён бўлади. Муҳими шундаки, шоир ўзининг санъаткорлик маҳоратини бўлар-бўлмасга кўз-кўз қилмайди, балки жанрнинг талаб ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, уларга сайқал беради. Ҳар бир қитъа учун, унинг мундарижаси ва руҳига қараб, маҳсус вазн, бадиий тасвир воситалари танлаб олинган. Шунинг учун ҳам тематик жиҳатдан бой, ғоявий чуқур бўлган Навоий қитъалари поэтик услуб жиҳатидан ҳам ранг-барангdir. Навоийнинг бошқа асарлари таркибида кўплаб ишлатилган поэтик воситалар унинг қитъаларида ҳам ўзига хос томонлари ва функцияси билан намоён бўлади (бу санъатлар, балки энг олдин қитъаларда ишлатилгандир). Чунки қитъалар маълум бир пайтда эмас, балки умр бўйи ёзилган). Хусусан, тажниснинг мураккаб турлари, ташбеҳ навлари, талмех, ирсоли масал, тарди акс, тематик-психологик параллелизм (тамсил) ва тазод Навоий қитъалари учун энг характерли бадиий санъатлар ҳисобланади.

Қуйидаги қитъада шоир ўз фикрини далиллаш учун бир йўла бир неча усулни қўллаган:

Юз туман нопок эрдин яхшироқ
Пок хотунлар аёғининг изи.

Лут ўғлини кўрки, солди тийралик
Динга нафс илгida таъби ожизи.

Даҳр аро ёқти саёдат машъалин
Покравлиқтин расуллуллоҳ қизи (ФК, 696).

Шоирнинг асосий фикри, ҳаётий хулосаси биринчи байтда ифодаланган. Қейинги байтлар эса асосий мақсаднинг тўлароқ юзага чиқиши учун хизмат қилган (тамсил). Бироқ Навоий бу ерда ўз фикрини асослаш учун зарур бўлган далилни кундалик турмушдан эмас, балки тарихдан олади: ўз қавмини маънавий бузуқликлардан қайтариб, тўғри йўлга сола олмаган Лут пайғамбар тасарруфидаги мамлакат воқеалари ҳамда Биби Фотима ва унинг ўғиллари (Ҳасан, Ҳусайн) ҳаётига мурожаат қиласди. Бири мифологик характерда, иккинчиси эса тарихий бўлган икки воқеа бир-бирига қарама-қарши қўйилган ҳолда, асосий фикрга (далил сифатида) параллел қилиб қўйилади. Демак, бу шеърда ҳам тамсил, ҳам талмех, ҳам тазод санъати ишлатилган.

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкин: Навоий қитъалари ғоявий-бадиий жиҳатдан етук бўлган оригинал асарлар бўлиб, уларда улуғ адабнинг кундалик ҳаётдан олган муҳим таассуротлари, турмушнинг турли масалалари борасидаги фикр ва мулоҳазалари, муҳим хулосалари ўзига хос шаклда ҳаққоний ифодаланган.

Бинобарин, бу шеърлар, Алишер Навоий ўзбек адабиётида қитъани актив поэтик жаирлар қаторига олиб кириб, унинг имкониятларини кенг намойиш этган етук санъаткоргина эмас, балки жанр поэтикаси билан алоқадор анъаналарга ижодий муносабатда бўлган новатор ижодкор бўлганлигидан далолат беради.

Навоийнинг лирик жанрлар билан алоқадор қатъий анъаналарга нисбатан ижодий ёндашиши, мавжуд анъаналарни янгилаш ва кенгайтиришга бўлган интилиши ҳақида **рубоий поэтикасига** дахлдор бир-икки масала тимсолида ҳам ёрқин тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин.

Лекин Навоий рубоий жанрида қалам тебратганда ўзбек адабиётида бу жанр билан боғлиқ анъаналар мавжуд эмас эди. Шунинг учун ҳам Хондамир «Макоримул-ахлоқ»да шундай ёзади: «Кўринишича, ул ҳазратдан илгари ҳеч ким туркий тилда рубоий айтмаган, ҳар тўрт мисран қофиядош ва радифдош бўлганига нима етсин»⁵².

Бу маълумот икки муҳим масалага аниқлик киритишга ёрдам беради. Бири Навоийнинг туркий тилдаги рубоий жанрининг шаклланишида тутган роли, иккин-

⁵² Хондамир. Макоримул-ахлоқ. Тошкент, 1967, 50-бет.

чиси эса Навоий рубоийлари поэтикасидаги ўзига хослик масаласи.

Албатта, ўзбек халқ оғзаки ижодида, шунингдек, насрый асарлар таркибида ҳамда Лутфий девонида (ҳозирча тўлиқ бўлмаган нусха) рубоий шаклидаги шеърлар мавжуд. Лекин ҳамма гап шундаки, рубоий шаклида қофиylanган ҳар қандай тўртлик рубоий бўла олмайди. Бирор тўртликни рубоий деб аташ учун унда тугал мазмун, рубоий шаклидан ташқари, рубоийнинг маҳсус вазни ҳам бўлиши шарт. Бу ҳақда Навоий ҳам ёзган эди: «Рубоий вазниким, они «дубайтий» ва «тарона» ҳам дерлар, ҳазаж баҳрининг «аҳрам» ва «аҳраб»-идан истихроҳ қилибдурлар ва ул вазнедур асру хушоянда ва назмедур бафоят рабоянда»⁵³.

Лутфий девонидаги тўртликларнинг асосий қисми рамал баҳрида ёзилган. Лекин улар ўзбек ёзма адабиётида классик рубоий жанрининг шаклланишида муҳим босқич бўлганлиги, шубҳасиз. Яқинда аниқланган Ҳофиз Хоразмийнинг шеърлари эса Навоийга маълум бўлмаганлиги аниқ.

Демак, Навоий ўзбек адабиёти тарихида классик рубоий жанрининг асосчиси ҳисобланади.

Алишер Навоийнинг «Ғаройибус-сиғар» девонига 133 та рубоий киритилган. Шу девоннинг наср билан ёзилган дебочаси таркибида ҳам 30 та рубоий мавжуд. Шунингдек, унинг бошқа илмий-бадиий асарлари таркибида ҳам кўплаб ўзбекча рубоийлар учрайди. Жумладан, «Бадоевл-бидоя» дебочасида 8 та, «Мажолисун-нафоис»да 8 та, «Маҳбубул-қулуб»да 12 та, «Муншаот»да 58 та, «Вақфия»да 15 та, «Хамсатул-мутахайирин»да 3 та, «Ҳолати Сайд Ҳасан Ардашер»да 2 та, «Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад»да 1 та, «Муҳокаматул-луғатайн»да 3 та, «Мезонул-авзон»да 7 та.

Албатта, «Муншаот» ва баъзи бошқа асарлари таркибидаги айrim рубоийлар девонга ҳам киритилган.

⁵³ Мезонул-авzon (илмий-танқидий текст). Тошкент, 1949, XXXV бет; Рубоий тарихи ҳамда Навоий рубоийлари масаласида қаралсин: Ҳоди Зариф Алишер Навоийнинг рубоий ва туюқлари ҳақида. Фозиллар фазилати (мақолалар). Тошкент, 1969, 95—109-бетлар; Исоқов Е. Навоий ижодида рубоий жанри.—«Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», 1968, 9-сон; Юнусов М. Классика ва ҳозирги замон поэзиясида рубоий.—Барҳаёт анъаналар (мақолалар тўплами). Тошкент, 1969; Ҳаққулов И. Рубоий. ҳақида баъзи мулоҳазалар.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1974, 6-сон; Орзивеков Р. Лирикада кичик жанрлар. 1976, 52—90-бетлар; Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. Тошкент, 1981.

Бу рүйхатга шоирнинг «Девони Фоний» ва бошқа асарлари таркибидаги юзга яқин форсий рубойларини, шунингдек «Назмул-жавоҳир»даги 260 та рубоййни иловава қиссаны, Алишер Навоийнинг мазкур жанр тараққиётидаги бекиёс роли маълум даражада равшан бўлади.

Навоий рубойлари, даставвал, сон жиҳатидан ниҳоятда кўплиги, мавзусининг хилма-хиллиги, мундарижасининг чуқурлиги, ғоявий пафосининг ўткирлиги билан характерланади.

Умуман, Навоий рубойлари учун хос икки муҳим хусусиятни алоҳида таъкидлашга тўғри келади.

1. Алишер Навоий рубойларининг аксарияти муҳим ҳаётий масалалар тақозоси билан юзага келган бўлиб, уларда авторнинг фалсафий, ижтимоий қарашлари муҳим ўрин тутади.

2. Кўпчилик рубойлар шоир ҳаётининг муайян даврлари ва ўша пайтларда содир бўлган воқеа-ҳодисалар билан бевосита боғланган. Бундай шеърларда шоирнинг ўз замонасига муносабати конкрет шаклларда кўринади. Шунинг учун ҳам бундай рубойларда шоирнинг умумлашма фикрлари ҳам конкрет ҳолат билан боғланган ҳолда юзага келади ва уларни баҳолашда ана шу асос назарда тутилиши лозим. Чунки шеърдаги ҳар бир детал, ҳар бир образ уларни юзага келтирган сабаб билан борлиқ ҳолда олингандагина конкрет маъно касб этади (масалан, рубойларда етакчи ўрин тутган ҳижрондан шикоят мотивларини эсланг).

Навоий рубойларининг мавзуи хилма-хил ва кенг бўлиб, уларда шоирнинг ўзини ҳаяжонлантирган давр масалалари ва уларга муносабати, кундалик ҳаётий воқеалардан олган таассуротлари, чуқур кечинмалари юксак бадиий шаклда ифодаланган. Шунинг учун ҳам биз уларда катта ижтимоий масалаларга доир чуқур фалсафий фикрларни ҳам, конкрет ҳаётий масалаларга доир шоирона мулоҳазаларни ҳам кузатамиз.

Навоий рубойлари, энг аввало, бадиий асардир. Уларда муҳим фикр, юксак ғоялар ранг-баранг поэтик приёмлар, тасвирий элементлар воситасида баён қилинган. Бошқа шеърий жанрларда бўлганидек, рубойларда ҳам ижодкорнинг ўзига хос услуби, тасвирлаш воситалари, хуллас, поэтик маҳорати яққол кўзга ташланади.

Умуман, Навоий рубойлари поэтикаси учун хос икки хусусият дикқатни жалб этади:

Бири Навоий рубоийларининг деярли асосий қисмida тўртала мисранинг қофияланиши (шунинг учун ҳам Навоий уларни «рубоия» деб атаган);

Иккинчиси кўпчилик рубоийларда радиф ишлатилиши. Бу эса маълум даражада рубоий замирода ётган асосий фикрга урғу беришга, уни бўрттириб кўрсатишга имкон беради.

Шунингдек, Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асарида⁵⁴ хабар беришича, унга қадар тарсе санъатида тўлиқ рубоий ёзилмаган экан. Мазкур санъат асосида биринчи марта тўлиқ рубоий ёзган санъаткор Алишер Навоий ҳисобланади.

Тарсе санъати фақат унинг мазкур форсий рубоийсида эмас, балки ўзбекча рубоийларида ҳам қўлланган (лекин бу рубоийларда тарсенинг тўлиқ бўлмаган тури ишлатилган).

Навоийнинг ҳар бир рубоийси тематикаси ва ғоявий пафосига боғлиқ ҳолда маҳсус услубда яратилган. Бир рубоийда биз расмий рубоий услубини кўрсак (дастлабки мисраларда фикр билдирилади, кейинги икки ёки охирги мисрада хulosса ясалади), бошқа бирида бунинг аксини кўрамиз.

Навоий рубоийларининг композицияси, бир томондан, шоирнинг ҳар бир рубоий асосига қўйган ғоявий пафоси ва шунга мутаносиб тасвир принциплари билан чамбарчас боғлиқ. Чунки рубоийлар тематик жиҳатидан бой бўлганидек, улардаги тасвир принциплари ҳам хилма-хил. Шоир ишқий мавзуларда кўпроқ тавсиф, таъриф йўлидан борса, шикоят руҳидаги рубоийларда бевосита баён, шарҳ ёки риторик сўроқ усулини қўллади. Фалсафий фикрлар ифодасида эса кўпроқ яхлит поэтик хulosани тамсилӣ асослашга ҳаракат қиласи. Иккинчи томондан, тўрт мисранинг тўлиқ қофияланиши⁵⁵ ҳамда қофия билан бирга радифнинг бўлиши рубоийнинг семантик-синтактик структурасига сезиларли даражада таъсир ўтказади.

Ана шу факторлар биргаликда Навоий рубоийларининг композицион асосларини белгилаган.

⁵⁴ Алишер Навоий. Асарлар. 14-том, 124—125-бетлар.

⁵⁵ Навоий ўзи «рубоия» деб атаган бундай рубоийлар кейинги даврларда бошқача номлар билан ҳам аталган кўринади. Жумладан, усмонли турк олими Муаллим Ножий уни «Рубоий мусарраъдерлар» деб ёзган. Қаранг: Истилоҳоти адабия. Истамбул, ҳижрий 1330, 172-бет.

Рубоийларнинг композицион қурилиши муайян принциплар билан боғланганлиги улар поэтикасига хос маълум бир етакчи тенденцияларни аниқлаш учун ҳам имкон беради.

Муҳим фалсафий хулоса ёки тезисни баён қилиб, уни ҳаётий деталлар ёрдамида асослаш бир қатор рубоийлар учун хос бўлиб, бу ҳол уларнинг семантик структурасига ҳам ўзига хослик бағишлиайди. Масалан, илк даврдаги машҳур рубоийни олайлик:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш⁵⁶.

Биринчи қисмда асосий фикр (тезис) хулоса тарзида баён қилинган. Иккинчи қисм эса тамсил йўли билан (Европа адабиётшунослигига психологик параллелизм) ана шу фикрни исботлаш, далиллашга хизмат қилган. Бундай композицион тип фалсафий, ижтимоий мазмундаги рубоийларда кўпроқ учрайди.

Тавсифий характердаги рубоийларда, кўпинча, тўрттала мисра ҳам мазмунан (кўпинча, грамматик жиҳатдан ҳам) мустақилликка эга бўлиб, ягона объектнинг турли қирраларини очишга хизмат қилади ва улар биргаликда яхлитликни ҳосил қиласиди.

Тавсиф ҳар бир рубоийда ўзига хос равишда юзага чиқиши мумкин. Масалан, бир рубоийда тасвир объекти биринчи мисрада баён қилиниб, қолган учта мисрада унинг конкрет жиҳатлари изчил тавсиф қилинади («Номанг тилабон топти кўнгул иззу шараф» ва ҳоказо).

Бевосита шарҳ, мулоҳаза характеристидаги рубоийларда ҳам композицион бирлик гоҳ бир мисра теварагида, гоҳ дастлабки икки мисра атрофида, гоҳида эса ҳар икки мустақил қисмнинг мазмун ва услуб жиҳатидан ўзаро муносабати асосида юзага келади.

Навоий рубоийларининг ўзига хос хусусияти сифатида Хондамир ҳам таъкидлаб кўрсатган тўртала мисранинг қофиядош бўлиши шоир ижодининг илк давридаёқ етакчи тенденция бўлиб, кейинги босқичларда асосий ўринга чиққан. Қофия ва радиф масаласида ҳам шуни айтиш мумкин. Масалан, Навоийнинг фақат ўзбекча

⁵⁶ «Бераҳмдуур оламу золим афлок» деб бошланувчи рубоийни ҳам эсланг.

девонларига киритилган рубоийларни хронологик тартибда кузатиш натижасида қуйидагича манзаранинг гувоҳи бўламиз:

Ижодий босқичлари	Жами рубоий	Қоғия ааба	тартиби аааа	Қо- фияли	Ра- тифили
I (Илк девон)	41	9	32	15	26
II („Бадоев-бидоя“)	42	6	36	21	21
III („Наводирун-ниҳоя“)	—	—	—	—	—
IV (Кексалик даври даст- лаб „Хазойинул- маоний“га киритилган)	50 133	2 17	48 116	14 50	36 83

«Назмул-жавоҳир»даги рубоийлар ҳам (260 та), бошқа асарлар таркибидаги рубоийлар ҳам, асосан, рубоий мусарра тарзида ёзилган.

Демак, Навоий ўзбек тилида рубоий жанрининг дастлабки намуналарини яратиш билан чекланмай, бу жанрининг анъанавий структурасига ҳам⁵⁷ янгиликлар киритишга интилган ва рубоий поэтикасини янада таомиллаштирган.

Навоий рубоийларидағи ғоявий мотивлар ва поэтик образлар шоир ижодий фаолиятининг турли даврларига мансуб. Унинг рубоийларидағи айрим фикр ва образларга биз шоирнинг бошқа асарлари таркибida ҳам дуч келишимиз мумкин. Албатта, ҳар бир асардаги вариант ўз контексти билан алоқадор талқини ҳамда ифода тарзига эга. Баъзи бир умумийлик фикрий манбанинг (масалан, машҳур мақол, ҳадис каби) умумийлигидан келиб чиқиши ҳам мумкин. Лекин Навоий рубоийларидағи айрим образли тасвиirlар унинг кейинги асарларида ўзига хос поэтик лавҳалар тарзида, янгилача аспектда «жонланган»лигига шубҳа қилиш мумкин эмас. Масалан, Навоийнинг «Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш» деб бошланувчи рубоийси ёшлик даврида яратилган. Саксонинчи йилларда яратилган «Садди Искандарий» достони таркибida эса шундай бир ҳикоя мавжуд: «Ул кабутар ҳикоятиkim, подшоҳнинг қасри зарнигори ҳибсидин қутулди ва ўз бузуқ ошёнини ниши-

⁵⁷ Масъуд Саъд Салмон (ваф. 1121—22) ва Адид Собир Термизий (ваф. 1147) рубоийларининг деярли барчасида тўртала мисра қоғияланган. Фэрс-тожик адабиёти тадқиқотчиларнинг таъкидлашларига кўра, Адид Собир давридаги рубоийнависликда бу ёлғиз ҳодиса бўлмаган.

ман қилди ва бүмдек анга вайронадин фарофат ганжи топилди...».

Бир хат ташувчи чақон кабутар ногоҳ бир подшоҳ бандига тушиб, унинг зарнигор қасрида узоқ муддат қафасда яшайди. Ҳаракатсизликдан ҳатто унинг қанотларига ҳам зарар етади. Ниҳоят у бир кун зиндандан қочади ва ўз маконига етишиш иштиёқида бир неча кунлик йўлни жуда тез фурсатда босиб ўтади.

...Вале зулми даврон солиб инқилоб,
Қилиб эрди ул бўлғон уйни ҳароб.

Қабутар етишгач, уйин топмади,
Валекин учардин қанот ёпмади.

Басе эл бўлуб том уза донарез,
Учуруб кабутар берур эрди хез.

Булар сори ҳеч айламай илтифот,
Урар эрди ўз томин истаб қанот.

Басе давр уруб, эҳтиёт айлабон,
Бузуғ узра қўнди, нишот айлабон.

Ки маънус эрур, гарчи вайронадур,
Нетай шоҳ қасринки, бегонадур.

Эрур қушқа хушроқ, чу боқсанг аён,
Мурассаъ қафасдин тикан ошён (Хамса, 808).

Мазкур рубоий билан бу ҳикоя ўртасида боғлиқлик борлиги, балки бу ҳикоянинг яратилишига ўша рубоий туртки ёки асос бўлган бўлиши ҳақиқатдан узоқ эмас.

Хуллас, ўзбек адабиётидаги рубоий жанрининг юксак намуналари ва мавқеи бевосита Алишер Навоий номи билан боғлиқ⁶⁸. У рубоий жанрида самарали ижод қилиб, унинг поэтикасини янада бойитди ва бу шеърий шаклни ҳам биринчи даражали (ғазал, маснавий каби) жанрлар қаторига олиб чиқди. Унинг тематикасини янада кенгайтириб, ижтимоний салмоини оширди, рубоийга ҳаётий масалаларни олиб кириб, бу жанрни турмуш билан мустаҳкам боғлади.

Жанр қонун-қоидалари ва новаторлик

Биз Навоийнинг у ёки бу лирик жанр билан алоқадор анъаналарга ижодий муносабати ва шу билан боғлиқ ҳолда, шоир маҳоратининг айrim қираларини

⁶⁸ Ҳофиз Хоразмий девонида 11 та рубоий мавжуд (лекин улар Навоий доирасида маълум бўлмаган).

кўрсатишига ҳаракат қилдик. Лекин Навоий лирик шеърларининг поэтикасини тадқиқ этиш жараёнида шоир ижодий даҳосига хос юксак новаторлик қирраларини намойиш этувчи кўплаб нуқталарга дуч келишимиз мумкин.

Ана шундай ўринларда биз Навоийнинг фақат адабий анъаналарга эмас, балки барқарор адабий қонун-қоидаларга (канонга) нисбатан ҳам кескин ижодий муносабати ва шу асосда юзага келган улкан новаторлигини бевосита мушоҳада этишимиз мумкин.

Лекин шуни таъкидлаш керакки, Навоий девонидаги айрим жанрлар ўзбек адабиёти учун янгилик бўлса ҳам, форс-тоҷик адабиётида уларнинг қатъий қонун-қоидалариға эга бўлган намуналари мавжуд эди.

Навоий ана шундай жанрларда қалам тебратганда мавжуд намуналар билан боғлиқ қонун-қоидаларни назарда тутганлиги, шубҳасиз. Зотан, унинг новаторлиги даражаси ҳам ана шу қонун-қоидалар доирасини қанчалик ёриб чиққанлиги, уларни қай даражада кенгайтирганлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам, ана шундай жанрлар масаласида биз уларнинг форсий намуналари асосида фикр юритишимизга тўғри келади.

Ўзбек тилидаги соқийноманинг биринчи намунаси бўлмиш Навоий соқийномасини шу жанрнинг умумий тарихи фонида олиб таҳлил этиш асосида «Шоир ва адабий канон» деган масаланинг муҳим қирраларини изоҳлашимиз мумкин.

СОҚИЙНОМА. Адабиёт тарихида соқийнома бошқа лирик жанрларга нисбатан ниҳоятда кам яратилган. Агар форс-тоҷик шеъриятининг минг йиллик тарихидағи неча юзлаб шоирлар мероси ичидан бир неча ўнлаб соқийномани учратиш мумкин бўлса, туркй тилдаги соқийномалар сони ўнга ҳам етмаса керак. Ҳожи Халифа (XVIII аср) «Кашф уз-зунун» асарида турк тилида соқийнома ёзган фақат тўртта шоирнинг номини келтиради (Навоий асарини кўрмаган ёки фақат усмонли турк авторларини назарда тутган)⁵⁹.

Форсий соқийномаларни тўплаб, нашр этиш борасида маълум ишлар амалга оширилган. XVII аср бошларида Ҳиндистонда (форс, урду тилларида) соқийнома жанри ниҳоятда ривож топади. Шу даврда [ҳижрий 1028—милодий 1618/19] Мулло Абдунаби Фахруззамони

⁵⁹ كشف الظنون 1842—1845, саҳ. 572.

Қазвиний барча форсий соқийномаларни түплаб, урду тилида «Тазкираи майхона»ни тузади. Бу асар 1936 йилда Лоҳурда проф. Мұҳаммад Шафенинг сүз бошиси билан нашр этилган. Бу тазкира эрон олимі Аҳмад Гулчини Маоний томонидан таржима қилиниб, құшымча (18 та шоир) ва изоҳлар билан 1961 йилда нашр этилди⁶⁰.

Жанрнинг поэтика ва эволюцияси масаласи ҳам жиддий тадқиқотта муҳтож. Ҳатто терминология луғатларнинг аксариятида бу жанр ҳақида маҳсус изоҳ берилмаған. Кейинги давр луғатларида учрайдиган айрим тавсифлар эса жанрнинг моҳиятини түғри ва тұлық ифода этмайды. Чунончы, ўзбек тилидаги луғатда соқийноманинг ҳар бир банди ғазал каби қофияланиб боради ва ҳар банд охирида маснавий тарздидаги байт нақоратдек тақрорланади, деб изоҳланади, мисол тариқасида «Харобот аро кирдим ошуфта ҳол» мисрали байт келтирилади. Ҳолбуки, бу соқийнома әмас, балки Навоий таржебандидан олинган ва юқоридаги таъриф ҳам шу жанрга тааллуқли⁶¹.

Проф. Мұҳаммад Шафе мазкур тазкирага ёзган муқаддимасида соқийномани маснавий шаклида, мутақориб баҳрида ёзиладиган маҳсус шеър сифатида таъриф қиласы («Адабиётшунослик терминлари луғати»да ҳам мутақориб баҳри деб күрсатилған). Лекин бу жанрнинг фақат мутақориб баҳрида бўлиши сабаблари бирор ерда изоҳланган әмас. Қолаверса, бу жанрнинг форсий шеъриятдаги асосчиси Низомий ўзининг яхлит соқийномасини ҳазаж баҳрида («Лайли ва Мажнун» достонининг муқаддимасида) яратған. 16 банд ва 136 байтли бу маснавий мустақил асар бўлиб, достон сюжетига ҳеч қандай алоқадор әмас ва фақат охирги бир байт ўқувчи фикрини асар воқеасига қайтаради.

Абдураҳмон Жомий ҳам «Лайли ва Мажнун» дебочасида 70 байтли (етти бандли) соқийнома келтирған.

تذكرة ميخانه، تأليف ملا محمد عبدالنبي فخر الزمانى⁶⁰
قزويني در ۱۰۲۸ هجرى، با تصحیح و تکمیل تراجیم
با هنرمن احمد گلچین از انتشارات شرکت نسبی حاج

محمد حسین اقبال و شرکاء نوروز — ۱۳۴۰

⁶¹ Абдуллаева Ш., Иброҳимова С., Ҳомидий Ҳ. Адабиётшунослик терминлари луғати. Тошкент, 1967, 210-бет.

Туркій тилдаги соқыйноманың бириңчи юксак намунасы ҳисобланған Навоий соқыйномасы ҳам рамал баҳрининг мусаддаси маҳбун тармоқларида ёзилған.

Проф. Е. Э. Бертельс Низомий достонидаги мазкур маснавийни дастлаб «Соқыйнома типидаги асар»⁶² деса ҳам, Кафзоданинг Низомий асарига татаббу сифатида ёзған достони ҳақида сүз юритған пайтда ўша асарни соқыйнома деб атайди⁶³.

Соқыйноманың моҳияти масаласыга келсак, бу шеър, одатда, ўтган яқын кишилар хотирасыга бағишиланади. Шу муносабат билан оламнинг бесабетлиги ва олам аҳлидан шикоят, шунингдек, бефойда ғаму андухни унұтиб, вақтни ғанимат тутиш ғояси ҳам юзага чиқади⁶⁴.

Бинобарин, Низомий мазкур соқыйномага «Дар сифати ҳоли хеш ва ёди гузаштагон» (Үз ақволим тавсифи ва ўтғанлар хотирасида) деб, Жомий ҳам худди шу маънода (баъзи ўтғанлар зикри ва баъзи ҳамнағаслар дуоси маъносида) сарлавҳа қўйған. Низомий асарининг бош қисми ота-онаси ва тоғаси хотирасыга бағишиланған бўлиб, қолган бандларда фалсафий-ижтимоий ва дидактик характердаги проблемалар борасида сўз боради. Жомий маснавийсида ҳам ўтғанларни эслашга икки банд ажратилған. Қолган беш банд эса подшоҳлар масаласи, дўстлар меҳри ва Навоий, ишқ мавзуига бағишиланған. Ҳофизнинг мустақил ҳолда яратған соқыйномаси ҳам ўтган дўстларни эслаш билан бошланиб, даврнинг золимлиги, умрнинг бевағолиги, шоҳларга мурожаат, ғанимат дамлардан оқилона фойдаланиш, жавонмардлик каби темаларга ўтиб кетилади. Худди шундай хусусиятларни бошқа соқыйномаларда ҳам учратиш мумкин.

Лекин «Тазкираи майхона»да Низомий ва Жомийнинг мазкур маснавийлари тилга ҳам олинмаган. Тазкира муаллифи ҳам, проф. Шафе ҳам жанрнинг (форс адабиётида, албаттa) асосчиси сифатида Низомийни эътироф этадилар. Бироқ тазкирада келтирилған шеърлар «Искандарнома» достонидан териб олинган. Ҳар бир боб олдидан лирик муқаддима тарзидан берилған соқийга мурожаат ўқувчини ўша бобдаги воқеа ёки масалалар доирасыга олиб кириш учун хизмат қиласи. Бинобарин, ҳар бир лирик парчанинг моҳияти у таал-

⁶² Бертельс Е. Э. Низами и Фузули. М., 1962, с. 252—253.

⁶³ Ўша асар, 312-бет.

⁶⁴ Проф. Е. Э. Бертельс ҳам соқыйноманың моҳиятини етарли баҳоламаган. Қаранг: Навои и Джами. М., 1965, с. 88.

луқли бўлган бобнинг мазмуни билан чамбарчас боғланган. Уларни достон текстидан узиб олиб, бирин-кетин қўйиш эса сунъийликдан иборат. Шунингдек, бу парчаларда соқийнома учун энг зарурый бўлган бир талаб — ўтганларни хотирлаш гояси ва шу билан боғлиқ бўлган ижтимоий-фалсафий масалалар муентазам бир йўсинда мавжуд эмас (бу масалани шоир қўймоқчи ҳам эмас).

Демак, бизнингча, форсий соқийноманинг дастлабки ҳақиқий намунаси — бу Низомийнинг «Лайли ва Мажнун»и таркибидаги (16 банд — ҳар бир банд соқийга мурожаат билан бошланади) 136 байтли маснавий ҳисобланади.

Шуниси дикқатга сазоворки, проф. Шафе «Искандарнома»дан териб олинган байтларни тизма тарзидаги соқийнома деб атайди. Бироқ шуни ҳам назарда тутиш керакки, улар алоҳида олинганда тугал бир шеър бўла олмайди, уларда фақат соқийнома элементларигина (фирки баён қилиш усули) мавжуд.

Хожу Кирмонийнинг «Ҳумой ва Ҳумоюн» асари таркибида ҳам ҳаётдан шикоят руҳида ёзилган 87 байтли (9 банд) соқийнома типидаги маснавий мавжуд. Алоҳида ёзилган мустақил соқийнома Ҳофиз қаламига мансуб⁶⁵. Лекин Ҳофиз маснавийсининг дастлабки 15 банди муғанийга мурожаат билан бошланади (бу қисмни «муғанийнома» дейиш тўғри бўлади).

Хуллас, Навоийга қадар бўлган форс-тоҷик адабиётида соқийнома жанр сифатида, асосан, икки хил кўринишда мавжуд эди: а) эпик асарлар таркибида («соқийномаи фи-л-жумла»); б) мустақил шаклда. «Искандарнома»лар таркибида эса соқийнома типидаги байтлар (бадиий усул сифатида) кенг қўлланилган.

Навоийгача бўлган ўзбек адабиётида эса фақат соқийнома типидаги байтларгина мавжуд. «Мұхаббатнома» (3 байт), «Латофатнома» (1 байт), «Таашшуқнома» (3—5 байт) каби асарларда поэтик хуносаларнинг ифодаси учун соқийга мурожаат усули қўлланган. Бу усул

⁶⁵ Ян Рипка мустақил соқийнома биринчи марта Салмон Саважий томонидан ёзилган дейди (Қаранг: История персидской и таджикской литературы. М., 1970, с. 252). Бироқ «Тазкираи майхона»да бу ҳақда ҳеч гап йўқ. Биз Салмон Саважий девонининг қадимий нусхасида ҳам (ЎзССР ФАШИ фонди, инв. № 1617, 2506—251а варақлар) соқийномани учратмадик.Faқат биринчи мисраи «Биё, соқий» деб бошланувчи бир маснавий мавжуд. Султон Увайсга багишланган бу яхлит маснавийни шоирнинг ўзи қасида деб атайди.

Навоий «Хамса»сида мунтазам бадиий усул сифатида юксак маҳорат билан ишлатилган. Маълумки, соқийнома типидаги байтлар Низомий, Хусрав ва Жомий «Хамса»ларининг Искандар ҳақидаги достонидагина қўлланган. Низомийда фақат соқийга мурожаат қилинса, Хусрав ва Жомийда боблар охирида 2 байт соқийга ва икки байт мутрибга қаратилган мурожаат тарзида келтирилади. Навоий «Садди Искандарий»сида ҳам соқий (аёқчи) билан муғаний доимо ёнма-ён келади. Лекин муҳими шундаки, Навоий бошқа достонларида ҳам бу усулни («Сабъаи сайёр»дан ташқари) турлича аспектда ишлатган: Ҳайратларда, боблар охирида ҳамда ҳикоят ва мавъизалар охирида, «Фарҳод ва Ширин»да ҳам боблар сўнгига ва хотимада, «Лайли ва Мажнун»нинг X—XX бобларида турли объектларга мурожаат, XXXVIII бобда эса бевосита соқийга мурожаат тарзида учрайди.

Хуллас, Навоий салафлари асарларида маълум доирадагина ишлатилган («Хамса»ларда фақат Искандарга бағишлиланган достонларда, ўзбек адабиётида эса фақат номалар таркибида) бу усул шоир «Хамса»сида моҳият эътибори билан янада инкишоф топди.

Туркий тилдаги соқийноманинг жанр сифатида ташаккули ва ривожи эса бевосита Навоий номи билан боғланган. Чунки «Қашф уз-зунун» муаллифи эслатиб ўтган турк тилидаги соқийномалар XVII асрга тўғри келади. Ўзбек адабиётида эса Навоийга қадар шу жанрда ёзилган бирорта шеър маълум эмас. Шу жиҳатдан Навоийнинг бу асари ўзининг ғоявий-бадиий фазилатлари билан, умуман, соқийнома жанрининг тараққиёти тарихида янги ва юксак босқич ҳисобланади.

* * *

Навоий соқийномаси «Фавойидул-кибар» девонига киритилган бўлиб, 32 банд (458 байт)дан иборат (ФК, 685—721). Соқийномада Жомий марҳум сифатида, «Мажолисун-нафоис» асари мавжуд асар сифатида, шунингдек, Мўъмин Мирзо ҳаёт киши сифатида тилга олиннишига қараб, асар 1492 йилдан кейин ва 1497 йилдан олдин ёзилган деб хулоса чиқариш мумкин.

Ҳажм жиҳатидан кичикроқ достон даражасида, моҳият нуқтai назаридан **синтетик характерда бўлган** бу асар яқин даврларгача тадқиқот доирасидан четда қолиб келган.

Юқорида эслатганимиздек, туркий соқийномалар ҳақида маҳсус маълумот берган Ҳожи Халифа ҳам биринчи туркий соқийнома бўлмиш бу асарни тилга олмаган. Е. Э. Бертельс эса «Навоий» монографиясида бу асарни тилга олиб ўтса-да, унинг моҳиятини юзаки изоҳлайди (яъни «Май ва муҳаббатни куйловчи»). Соқийнома ҳақида биринчи маҳсус баҳо А. Ҳайитметовнинг «Навоий лирикаси» монографиясида берилган⁶⁶.

А. Ҳайитметов бу асар автобиографик характерда ёзилганлигини, унда оптимистик руҳнинг етакчи эканлигини, мазмун билан шаклнинг уйғунлигини таъкидлаб қўрсатади. Кейинчалик, Ф. Набиев бу асарнинг «адабий-биографик манба» сифатидаги аҳамиятига маҳсус мақола бағишилаган⁶⁷. Лекин бу асарни кенг планда олиб текшириш Навоий ижтимоий, ахлоқий қарашларининг эволюцияси, поэтик услубининг ўзига хос томонларини, ва ниҳоят, унинг поэтик жанрларнинг такомили тарихидаги буюк хизматларини кўрсатиш учун ёрдам беради.

Маълумки, соқийноманинг яратилиши учун асосий сабаб ҳаёт бўлмаган ёру биродарларни эслашдан иборат. Лекин бу масала маълум даражада восита характерида бўлиб, бошқа бир қатор масалаларда фикр юритиш учун туртки бўлган. Жумладан, Низомийда («Лайли ва Мажнун»да) дастлабки бандлар яқинлари хотирасига бағишиланган бўлиб, фалсафий-ахлоқий, ижтимоий характердаги мулоҳазалар асарнинг катта қисмини ташкил этади. Ҳофиз асарида эса олам ҳақидаги фалсафий мулоҳазалар, адолат, ҳаётпарварлик гоялари талқини етакчи ўрин тутади.

Навоий соқийномаси ўз моҳиятининг муҳим икки жиҳати билан салафлари асарларидан фарқ қиласди:

1. Навоий салафлари асарларида қўйилган масалалар ниҳоятда муҳим, аммо умумий характерга эга бўлса, Навоийда тарихан конкрет давр ва шароит билан борлиқ ҳолда олинган.

2. Навоий соқийномасида қўйилган масалалар доираси анча кенг бўлиб, айрим ижтимоий характердаги проблемалар конкрет заминда янада чуқурлаштирилган. Чунончи I—XIV бандлар Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғилларига, XVI—XX бандлар жиян, набира ва баъзи яқинларига бағишиланган. XXI—XXVII бандларда На-

⁶⁶ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси, 41—42-бетлар.

⁶⁷ Ҳалқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги. Низомий номидаги ТДПИ илмий тўплами. 99-том. Тошкент, 1972, 157—178-бетлар.

войига шахсан яқин бўлган ижодкорлар (Вафоий, Шайхим Суҳайлий, Туфайлий, Жомий, Сайд Ҳасан, Паҳлавон Мұҳаммад каби) ҳақида сўз боради. XXVIII банд ишқ ва у билан боғлиқ кечинмалар, XXIX банд эса вафо ва замон аҳлига бағишиланган. XXX бандни ўзининг содик дўстлари бўлмиш марҳум шоирлардан айримларига (Муаммойи, Хожа Қамол, Мир Садр, Бадеъий, Ёр Танбал, Сабзаворийга), XXXI бандни эса ҳаёт бўлган ижодкорларга бағишиланган. XXXII банд хулоса ўринида бўлиб, шоҳ мадҳи билан якунланади.

Соқийнома Навоий ижодиётида ўзига хос мавқега эга. Бу асарда Навоийнинг турли характердаги асарларида ҳар хил планда ёритилган айrim масалалар, ўз замондошлари бўлмиш ҳукмронлар, ижодкорларга бўлган муносабати, ўз фаолиятининг айrim босқичлари ҳақидаги мулоҳазалари лирик аспектда ўзига хос ифодасини топган. Бу асар улуғ шоирнинг шахсияти, унинг руҳий дунёси билан боғлиқ фикр ва туйғуларнинг ҳаққоний тасвиридан иборат яхлит бир санъат асаридир.

Соқийнома, энг аввало, Навоийнинг шахси билан бевосита боғлиқ бўлган масалаларни ўзида акс эттирганлиги билан аҳамиятлидир. Гап шоирнинг замондошлари бўлмиш шоҳ ва шаҳзодалар ҳақида борадими, ижод аҳли вакиллари устидами, даврнинг айrim масалалари борасидами — барибир, уларнинг барчаси Навоий шахсияти билан у ёки бу дараражада алоқадор бўлиб, ана шу нуқтаи назардан баҳоланади. Мұхим томони шундаки, асарнинг күпчилик қисми Навоийнинг турли шахсларга, уларнинг фаолиятига муносабатини тасвирлашга бағишиланган бўлса ҳам, тасвир жараёнида шоирнинг даврнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик проблемаларига доир қарашлари ҳам билвосита намоён бўлади.

Соқийноманинг тарихий-адабий аҳамиятини белгиловчи омиллардан бири бу асарга киритилган шахслар фаолияти билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тарихий ҳақиқатга мос келишидир. Бу фазилат асарнинг барча компонентлари учун баб-баробар таалуқлидир. Мисол учун соқийноманинг Султон Ҳусайннинг ўғиллари Абутуроб Мирзо билан Мұҳаммад Ҳусайн Мирзога бағишиланган XIII бандини олиб кўрайлил:

Соқий, жоми ғарифона кетур,
Мен ғариф исчам ани, ёна кетур.
Ким келур кўнглума ул икки ғариф,
Ким ул иккини жало қўлди насиб.

Айру шаҳ янглиғ атодин ҳам алар,
Юз туман коми раводин ҳам алар.
Не экин ҳоллари ғурбат аро,
Бошқа ғурбатта келур шиддат аро?! (ФК, 694—695).

Навоий шаҳзодаларнинг ҳар бирига алоҳида банд бағишилагани ҳолда, мазкур икки подшоҳзода ҳақидаги фикрларини битта бандга жойлаган.

Банднинг бошиданоқ «жоми ғарифона»га иштиёқ билдирилиши ва кейинги тасвирнинг шунга мутаносиб ҳолда бориши («мен ғариб», «ул икки ғариб») ўқувчи диққатини масаланинг моҳиятига йўналтиради. Демак, ҳар икки шаҳзоданинг муайян даврдаги турмуши бир-бирига ўхшаш бўлиб, уларнинг тақдирни ғурбат билан боғланган (асар ёзилган пайтда, албатта). Бу тасвирнинг ҳақиқатга қанчалик тўғри эканлиги ҳамда шоир туйғуларининг нақадар табиий ва ҳаққонийлигини «Бобирнома» маълумотлари ҳам тўла тасдиқлади: «Яна бир Абутуроб Мирзо эди. Бурунлар андин хили рушде ривоят қилурлар эди. Отасининг беҳузурлиги ортконда ўзгача хабар эшишиб, иниси Мұҳаммад Ҳусайн Мирзо билан қочиб Ироққа борди. Ироқда сипоҳийликни тарқ этиб, дарвешлиқ иҳтиёр қилибдур. Яна андин хабаре топилмади»⁶⁸. Умуман, соқийномадаги ҳар бир деталь конкрет ҳаётий материалга асосланган бўлиб, тарихий, адабий асарларда (шоирнинг ўз асари ёки замондошлиари асарларида) мавжуд маълумотлар билан мувофиқ келади. Худди шундай хulosани асардаги шахслар характеристикаси борасида ҳам айтиш мумкин. Бироқ Навоий бу асарда олдинги маълумотларини айнан такрорламайди. Балки ўзининг у ёки бу шахс ҳақида барча қайдларини эътиборга олган ҳолда, бу ерда бутунлай янгича йўл тутади: бошқа ўринларда батафсил характеристикаси берилган шахслар ҳақида бу асарда умумлашма характеристидаги тавсиф мавжуд бўлиб, улар характеристерининг энг муҳим томонлари баён қилинади ҳамда муаллифнинг уларга муносабати, уларни эсга олганда вужудини қамраб оладиган эзгу туйғулари ҳақиқий лирик шеърга хос нафосат билан изҳор қилинади. Бинобарин, соқийномадаги тасвир ва хulosаларни Навоийнинг бошқа асарлари таркибидаги маълумотлар билан қиёслаш, бир жиҳатдан, бу асарнинг моҳияти, унинг услубига хос белгилар ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини берса, иккинчи томондан, Навоийнинг муайян масалалардаги қарашлари

⁶⁸ Бобирнома. Тошкент, 1960, 224-бет.

қанчалик изчили эканлигини күрсатади. Бироқ Навоийнинг соқийномада ўзига замондош бўлган ижодкорлардан баъзи бирлари ҳақидаги таърифлари унинг «Мажолисун-нафоис»даги маълумотларини маълум дарражада тўлдириш ва изоҳлашга ёрдам беради. Масалан, Навоий «Мажолис»да Туфайлий ҳақида мухтасар, лекин тўлиқ маълумот беради⁶⁹.

Соқийномада ҳам унга алоҳида боб бағишланган (XXII банд).

Характерли томони шундаки, Навоий «Мажолис»да Туфайлийнинг шахсияти ва тақдирига кўпроқ эътибор берган бўлса, кейинги асарида шоир ижодиётининг етакчи хусусиятларини кўрсатиш ва унинг давр адабий муҳитидаги ўрнини (мадҳ услуби эди беравнақ) белгилашга ҳаракат қилган. Бинобарин, ҳар икки асардаги маълумотлар бир-бирини тақрорламайди, балки тўлдиради.

Навоий қайдлари ва характеристикаларининг нақадар объектив эканлигини «Бобирнома» маълумотлари ҳам тасдиқлайди⁷⁰.

Соқийноманинг аҳамиятини белгиловчи омилларидан бири унда автор ижтимоий-сиёсий позициясининг айрим томонлари ўз ифодасини топганлигидадир. Навоийнинг лирик шеърлари таркибидаги ўзига хос равишда, ва хусусан, эпик асарларда анча кенг планда қўйилган шоҳлик тузуми ва шоҳнинг шахсияти масаласига бу асарда ҳам ўрин берилган.

Навоийнинг идеали бўлган дарвешсифат шоҳ ҳақидаги қарашлари бу асарда ҳам ўз ифодасини топган:

Шоҳ агар дарвешваш эса, шаҳдур,
Шоҳу дарвеш ишидин оғаҳдур... (ФК, 700).

Бироқ бу хусусиятлар Навоий тасаввуридаги идеал шоҳ характерига хос айрим белгилар, холос. Шоҳнинг ҳақиқий қиёфасини белгилайдиган асосий омил эса унинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳисобланади. Шоҳ мамлакатнинг бошлиғи сифатида унинг ички ҳолати (мамлакат озодлиги, маданият ривожи, ҳалқ оммасининг моддий-маънавий шароити) учун ҳам, ташқи сиёсати учун ҳам шахсан жавобгардир. Навоий ўз тасаввуридагиadolатли, маърифатли, дарвешсифат шоҳни Султон Ҳусайн шахсиятида кўришни орзу қилди ва имкони борича уни шу йўлга тарғиб қилди. Албатта, Навоий

⁶⁹ Алишер Навоий. Асарлар. 12-том. Тошкент, 1966, 148-бет.

⁷⁰ Бобирнома, 237-бет.

ўз мақсади ва ғояларини ҳар бир асарнинг жанр хусусиятлари билан боғлиқ бўлган имкониятлари даражасида тасвир этган. Бу масала, хусусан, унинг «Хамса» сида жуда кенг планда ёритилган. Бироқ соқийномада бу проблема ўзига хос йўсинда ҳал этилади: Навоий ўз муддаосини тўғридан-тўғри муҳтасар баён қиласиди. Шоҳни адлу инсофга тарғиб қиласар экан, ибратли далил сифатида узундан-узун ҳикоя келтирмайди, балки ҳаёт қонунияти, ўтмишдаги подшоҳлар тақдирини бирма-бир эслатиб ўтади. Бинобарин, кичик бир лирик лавҳада Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога бағишлиланган фикр ва туйғулари фалсафий-дидактик заминга эга бўлган сиёсий мурожаатнома тарзида рўёбга чиққан (шоир муқаддимадан сўнг асосий мақсадга ўтади):

Бевафодур фалаки буқаламун,
Созу оҳангига йўқ бир қонун.
Йўқ бақо шоҳ ила шавкатга догои,
Йўқ вафо умр ила давлатга догои...
Кўрки, ҳар шаҳки юруб олди жаҳон?
Барча бордурму қаро ерда ниҳон?
Ҳам Каюмарс ила Ҳушанг қони,
Иккига тож ила авранг қони?!
Қани Жамшиду Фаридун, охир?!
Бирини қўйдиму гардун, охир?!
Не Қаёнй бору не Сосоний,
Не Скандар догои не Ашконий...
То фалак билди таадди фанини,
Қайсидин олмади ўз берганини!
Ким янга қилмади туфроққа паст,
Кимга берди Қуёш авжиди нашаст?!
Чу бу маъни бу сифат топтираво,
Ким не шаҳ қолғуси бақо, не гадо.
Мулку кишвар элига дод айла,
Адл ила иккисин обод айла.
Тенгри ёди чу санга бўлди ҳисор,
Дод ила адл улус бирла шиор.
Чу булар бўлди, ўзунгни хуш тут,
Ҳар баҳона била кўнглунгни овут...
Элга сендин чу етар осоийиш,
Тенгридин айла тамъа бахшойиш...

Ўтган подшоҳлар тақдирини эслатиш орқали,adolat ва яхшиликка тарғиб, ҳаёт қонунларининг шафқатсизлигидан ибратли хулоса чиқаришга ташвиқ Ҳофиз соқийномасида ҳам мавжуд. Лекин Ҳофизда умумга ўйналирилган тасвир тарзидаги бу усул Навоийда конкрет шахсга — замон ҳукмрони Ҳусайн Бойқарога қаратилган мурожаат сифатида кўринади.

Соқийноманинг муҳим фазилатларидан бири унда Навоийнинг бевосита ўз ҳаёти ва замонасига доир айrim қайдлари ҳамда ишораларининг акс этганлиги-

дадир. Гарчи бу асарда Навоий ҳаётининг тўлиқ картинаси яратилмаган бўлса ҳам (бундай вазифа қўйилган ҳам эмас), бироқ шоир ҳаёт йўлининг айрим драматик ҳолатлари ниҳоятда ёрқин акс этган. Шу жиҳатдан ишқ (XXVIII банд) ҳамда вафо (XXIX банд) ҳақидаги қисмлар ниҳоятда характерлидир. XXVIII банд мураккаб ҳаёт гирдобига тушган баҳтсиз ошиқнинг фожиали муҳаббати ҳақидаги ўқинч тўла хотироти — қўшиғи дейиш мумкин. Кейинги бандда эса шоир ҳаётининг мураккаб нуқталари унинг ўз даври ва давр аҳли ҳақидаги хуласалари фонида умумлашган ҳолда намоён бўлади. Бу банд ўзининг умумлаштириш хусусияти етуклиги билан «Маҳбубул-қулуб»нинг дебочасидаги («Гаҳи топтим фалакдин нотавонлик») машҳур шеърга ҳамоҳангдир:

Соқиё, кўнглум этар бода ҳавас,
Лутф қылғилки, эруман бекас...
Ким жаҳон ичра басе сайд эттим,
Дайри беҳадга доги кўп эттим.
Гаҳ тушуб хайли муножот ичра,
Гаҳ қолиб аҳли харобот ичра,
Қавм-қавм ичра кўруб меҳнатлар,
Хайл-хайл ичра чекиб шиддатлар.
Юзланиб шавкату, жоҳу иқбол,
Қисматим бўлди басе мансабу мол.
Ҳарна эл қиди талаб — мен топдим,
Барчадин силкиб этак, кўз ёпдим.
Улча мен топқали бор эрди ҳавас,
Ким топилмади — вафо эрдию бас.
Бир вафо кимгаки мен қўлдим фош,
Юз жафо ўтруда эрди подош.
Қўз анинг йўлиғаким еткурдум,
Қўзда юз неш балосин кўрдум.

Соқийнома шоир фикр ва ғояларининг ёрқин ифода қилинишини таъмин этган ўзига хос услугга эга. Асарнинг услуби унинг мазмуни талаблари асосида шакланган бўлиб, ҳар бир банд унинг моҳияти билан чамбарчас боғланган тасвирий воситаларга эга (поэтик воситалар ҳам, лексик қатлам ҳам ва бошқалар).

Шу билан бирга асарнинг барча компонентлари учун хос поэтик усуллар ҳам мавжуд бўлиб, бундай усуллар турли аспектда ишлатилган. Жумладан, шоир ҳар бир бандни унинг мундаражасига диққатни тортадиган имо-ишоралар билан (барооти истеҳмол санъати) бошлайди ва ўқувчи фикрини босқичма-босқич асосий масаланинг туб моҳиятига олиб киради. Масалан, Суҳайлий ҳақидаги бандни «Соқиё, Жомға қуй майдин сайл, Майи Хуршиду анинг жоми Суҳайл», Жомийга бағишлиган қисмни «Соқиё, жом кетур дарёваш»,

Паҳлавон Мұхаммадға аталған бўлимни «Соқиё, паҳлавий ойин май тут» (ФК, 704—708) деб бошлайди. Бундай хусусият деярли барча бандлар учун хосдир. Ҳатто, айрим ўринларда тасвир ниҳоятда юксак даражага кўтарилиган бўлиб, муаммо даражасига етиб қолган. Бадиуззамон ҳақидаги банд бунга ёрқин мисол бўлади.

Шоҳи жамқадр замон ичра бадеъ,
Ҳар бадеъ ишда макон ичра рафеъ (ФК, 688).

Соқийнома услуги учун хос хусусиятлардан яна бир шоир ўзининг турли масалаларга муносабатини тўғридан-тўғри хulosса эмас, балки хилма-хил тарихий, ҳаётий воқеа-ҳодисаларни далил сифатида келтириш орқали ифода қилишидир (талмех). Бундай хусусият Ҳофиз асарида ҳам мавжуд. Лекин Навоий соқийномаси бу жиҳатдан Жомий маснавийсига яқин туради (Чингиз, Темурлар номи келтирилиши). Шунингдек, «Хамса»даги тарихий шахслар образи бу асарда ҳам янгича аспектда намоён бўлади. Хуллас, соқийноманинг ҳар бир банди маълум маънода мустақил асар бўлиб, улар умумий рух ва услугуб жиҳатидан бир-бири билан боғланган ҳолда яхлит бир асарни вужудга келтиради.

Соқийноманинг аҳамияти, энг аввало, Навоий ҳаёти ва ижодий йўлининг айрим муҳим моментларини, ўз даврининг кўзга кўринган давлат ва маданият арбобларига муносабатини, қолаверса, ижтимоий-сиёсий қарашларининг баъзи жиҳатларини ўзига хос йўсинда изоҳлаб бериши билан белгиланади. Иккинчи томондан, бу асар таркибидаги баъзи бир маълумот ва ишоралар, Навоийнинг йирик асарларида бадиий умумлашма тарзизда қўйилган айрим проблемаларнинг ҳақиқий йўналиши, шоир фикрларининг ҳақиқий моҳиятини тўғри пайқаб олиш, уларнинг эволюциясини кузатиш учун имконият яратади (жумладан, Бадиуззамонга бағишлиган қисм Навоий «Хамса»сидаги айрим ўринларни тўғри тушунишга ёрдам беради).

Хуллас, ўз моҳияти ва бадиий услуги билан ўзига хос бўлган соқийнома Алишер Навоий ижтимоий, эстетик қарашларининг баъзи қирралари, ўз даври ва замондошлари ҳақида мулоҳазаларининг поэтик синтезидан иборат бўлиб, «Маҳбубул-қулуб», «Мажолисун-нафоис» каби асарлари билан ёнма-ён қўйилганда, умуман, Навоий ижодий даҳосининг яхлит манзарасини яратиш учун хизмат қиласди.

Навоийнинг бу маснавийси туркй тилдаги соқийноманинг биринчи етук намунаси бўлиб, ўз моҳияти билан шун жанр тараққиётининг янги ва юксак босқичи ҳисобланади.

Бу жанрда ҳам Навоийнинг жанр қонуниятларига ижодий муносабати яқол намоён бўлган. Шоир жанрнинг асосий белгиларини сақлаган ҳолда, унинг имконият доирасини янада кенгайтирган: ҳаёт бўлган бир қатор шахслар ҳам тилга олинган. Ўзининг шахсий турмуши билан боғлиқ айrim деталлар ҳамда шаҳзодаларга қаратилган панду насиҳатларнинг киритилиши жанрнинг ижтимоий аҳамиятини янада ортириган. Натижада асар соқийнома жанрининг оригинал намунаси бўлиб қолган.

Навоий ижодида лирик жанрларнинг ички динамикаси унинг бадиий канон ва адабий анъаналарга бўлган ижодий муносабати билан изоҳланади.

Маълумки, Навоийга қадар бўлган ўзбек лирикасида барча жанрлар тўлиқ шаклланмаган эди. Фазал, қасида, маснавий, туюқларнинг эса ўз канони мавжуд эди. Шунинг учун Навоий лирикадаги ижодий изланишлари жараёнида фақат туркий шеърият анъаналаринингина эмас, балки барча жанрлар соҳасида тугал канонийликка кўтарилиган форс-тожик шеърияти қонуниятларини ҳам назарда тутиши лозим эди. Умумий хулоса шундан иборатки, Навоийнинг жанрлар масаласида мавжуд канонга муносабати мутлақо ижодий ва айrim масалаларда танқидий характерга эга («Бадоеул-бидся» дебочасини эсланг). Навоий учун ҳар бир жанрнинг тайёр модели абсолют ўзгармас ҳодиса эмас. У жанр структурасига хос умумий ёки асосий белгилардан энг муҳимларини — гоянинг бадиий инкишофи учун монелик қилмайдиганларини сақлаб қолгани ҳолда асар структурасига янгиликлар олиб кирди. Натижада жанрларнинг мавжуд қойдалари Навоий учун қатъий чегара эмас, балки янада юксакликка парвоз қилиш майдони ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Навоий фазал, соқийнома каби жанрларнинг янгича, мукаммал моделини яратди. Шунингдек, ўзбек адабиётида бошланғич даврларда бўлган айrim жанрлар ривожлантирилди ва улар ички тугалликка эришди.

I. Навоийнинг жанр структураси ва умуман адабий канонга муносабати, биринчи навбатда, уларнинг моҳияти билан боғланган. Навоий жанрларнинг тематик-фойий моҳиятини юқори даражага кўтарди: лирикага

фалсафий-дидактик, ижтимоий-сиёсий масалаларни олиб кирди. Натижада:

а) жанр проблемаларини замона билан боғлади ва унинг асарлари маълум маънода замонавийлик касб этди;

б) шоирнинг шахси унинг лирик асарларида олдинги давр шоирларига нисбатан ёрқинроқ намоён бўлди. Хусусан, ғазал, қитъа, соқийномаларда индивидуал кечинмалар ёрқинроқ кўрина бошлади.

II. Навоий асарнинг композицион қурилышига алоҳида аҳамият берди («Бадоевул-бидоя» дебочаси). Бу масалага у асар асосида ётган ҳаётий ёки маънавий асоснинг — поэтик материалнинг характеристи билан узвий боғлиқ ҳолда қаради. Бу эса Навоийнинг эстетик принциплари билан, хусусан, унинг гўзаллик ва гармония ҳақидаги қараашлари билан боғланган (бу соҳада у Аристотелга яқин туради).

III. Навоий лирик жанрларнинг тасвир принципларини кенгайтирди. Улардан асосийлари: тавсифийлик, тасвирийлик ва мулоҳаза-мунозара типи. Кўп ўринларда уларнинг ўзаро комбинацияси аралаш типларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

IV. Тасвирий характер хусусан Навоий ғазаллари учун характерли бўлиб, ғазалчиликда Навоийгача бўлган ғазал анъаналаридан тубдан фарқ қилувчи бир қатор хусусиятларнинг юзага келишига асос бўлди. Ана шулардан энг муҳими ғазалда сюжетлилик ҳисобланади.

V. Лирикага поэтик сюжетнинг кириб келиши унда бир қатор янги белги ва хусусиятларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ана шулардан бири сабабият (каузаль детерминизм) ҳисобланади.

Навоий лирикасида детерминизм (сабабият) элементлари ва мантиқнинг бошқа категориялари мавжуд.

VI. Навоий лирикасида вужудга келган мазкур хусусиятлар лирик жанрларнинг семантик структурасида катта ўзгаришлар ясади ва ҳиссий (эмпирик), фикрий (умумлаштирувчи) моментларнинг ўзаро муносабатида янги комбинациялар юзага келишига олиб келди.

VII. Навоий лирикасида психологизмнинг янги типлари юзага келди.

VIII. Навоийнинг лирик жанрлари ўзбек шеъриятига янги ёки кам ишлатилган вазнларнинг кириб келишига восита бўлди. Биринчи марта Навоий ижодиётида

ўзбек арузи ўзининг ҳам назарий асосларини, ҳам тўлиқ татбиқини (барча ранг-барамгликлари билан) топди.

IX. Ҳар бир жанр учун (ундаги асарларнинг ранг-барамглигига қарамай) инсон кечинмаларининг муайян томонларини ифодалаш мансуб. Бинобарин, тасвирий имкониятлар ҳам уларнинг ҳар бираидаги ўзига хос жиҳатларга эга. Шу боисдан Навоий ижодида бадиий тасвир воситаларининг (поэтик материал, бадиий санъатлар ва ҳоказо) жанрлар бўйича ўзига хос дифференциацияси мавжуд (масалан, қитъа, соқийнома, газал, таржибанд).

Юқоридаги мулоҳазалар лирик жанрларнинг ички динамикасини кўрсатади.

Демак, Навоий лирикаси Шарқ лирикаси тарихида (фақат жанрлар юзасидан олиб қараганда ҳам) мутлақо янги ва юқори босқич ҳисобланади. Бинобарин, Ўрта аср Шарқ адабиёти ҳақида умумий ҳукм чиқарган пайтда фақат Ҳофиз (Гегелнинг эстетикага доир лекцияларини назарда тутмоқдаман) ёки бир нечта араб ва форс шоирлари меросига таянишининг ўзи етарли эмас. Ё терминнинг маъносини чегаралаш (изоҳ билан), ё бўлмаса туркий поэзиянинг юқори чўққисигина эмас, айни замонда Шарқ шеъриятининг улкан ютуғи бўлмиш Навоий лирикасини албатта назарда тутмоқлозим.

* * *

«Адабий жанр категорияси — тарихий категория. Гап баъзи бир жанрлар ўрнига бошқалари келиши ва бирор-бир жанрнинг адабиёт учун «абадий» бўлолмаслигидагина эмас, гап яна шундаки, айrim жанрларни ажратиб олиш принципларининг ўзи ҳам, жанрларнинг типи ва характеристи, уларнинг функциялари ҳам у ёки бу даврда ўзгаради»⁷¹. Шунингдек, «адабиёт жанрларининг барчаси биргаликда муайян системани ташкил этади ва бу система турли тарихий дарвларда турлича бўлади»⁷².

Умуман, у ёки бу жанрнинг айrim ижодкор ёки адабий жараёндаги мавқеи конкрет тарихий шароит билан чамбарчас боғлиқ. Адабиёт тараққиётининг турли босқичларида, мавжуд эстетик тасавурлар системаси билан боғлиқ ҳолда, маълум бир жанрлар доминанти —

⁷¹ Лихачев Д. С. Поэтика древнерусской литературы. Ленинград, 1967, с. 40.

⁷² Лихачев Д. С. Уша асар, 66-бет.

хўқмронлиги юзага келиши мумкин. Шунингдек, ҳар бир миллий адабиётнинг ўз ичидаги жанрларнинг ўзига хос мавқеи бўлиши, шубҳасиз. Айни замонда жанрларнинг «хўқмронлиги»ни белгилайдиган мезоннинг ўзи ҳам, ҳар бир давр эстетик тасаввурининг умумий дараҷаси билан боғлиқ ҳолда, ўзгара боради. Умуман, янги тарихий босқичда, умумий эстетик тасаввурларнинг характеристики билан боғлиқ ҳолда, жанрлар системасида ҳам ўзига хос сифат ўзгаришлари бўлади. Масалан, Навоийгача бўлган лирикада абстракт — романтик тасвир асосий ўрин тутиб, эпик асарларда афсонавий руҳ етакчилик қиласа, Навоий асарларида конкрет деталлар, реал ҳаётий масалалар, реал ҳисстайгулар муҳим ўрин тутганлигини кўрамиз.

Лекин шуни таъкидлаш керакки, адабиёт тарихининг муайян даврларида жанрлар доминанти ва мавқеи ана шу адабий жараённинг фаол кучи бўлмиш атоқли санъаткорлар фаолияти натижасида, уларнинг ижодиёти воситасида юзага чиқади. Шу жиҳатдан XV асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек адабиётида, жумладан лирик поэзияда жанрлар соҳасида юзага келган сон ва сифат ўзгаришлари, мавжуд жанрларнинг ана шу давр адабий жараённида тутган мавқеи бевосита Алишер Навоийнинг ижодий фаолияти билан боғланган. Бироқ яна бир ҳолатни унутмаслик керак: жанрлар устунлиги ва инқизорзи фақат адабий жараён учунгина хос бўлмай, бундай ҳол, айни замонда, айрим бир санъаткорнинг ижодий фаолияти доирасида ҳам юзага келиши мумкин. У ёки бу адаб ўз ижодининг муайян босқичларида маълум бир жанрларга кўпроқ мурожаат қилиши ёки аксинча бўлиши мумкин. Бу, албатта, объектив (умумий адабий жараён, муҳит таъсири) ва субъектив (ижодкорнинг шахсий тамойили) факторларнинг тақозоси билан юзага келади.

Маълумки, Навоий девонини ташкил этган 3132 ташеър ўн олтига жанрга мансуб. Бироқ ана шу жанрларнинг ҳаммаси Навоий ижодиётида бир хил салмоққа эга бўлмаганидек, уларнинг қўлланиш даражаси ҳам шоир ижодий фаолиятининг барча босқичларида бир хил эмас. Масалан, илк даврда (бу девон муаллифнинг ўзи эмас, балки шоир шеърларининг мухлислари томонидан тузилганлигини ҳам назарда тутиш керак, албатта) тўртта (газал, мустазод, мухаммас, рубоий) лирик жанр мавжуд бўлса, йигитлик давридаги шеърлар 13 та жанрда ёзилган (газал, маснавий, қасида,

мухаммас, мусаддас, рубоий, қитъа, мустазод, фард, муаммо, луғз, таржибанд, туюқ). Үрта ёш давридаги шеърлардан тузилган девонга («Наводирун-ниҳоя») саккизта жанрга мансуб шеърлар киритилган бўлса ҳам, ғазалдан бошқалари олдинги девонлардан олинган. Демак, бу даврда (1476—86) Навоий лирик жанрлардан фақат ғазал билан машғул бўлган.

Қарилик даврида эса ўн иккита жанрда қалам тебратган (ғазал, мухаммас, мусаддас, қитъа, рубоий, таркибанд, туюқ, мустазод, мусамман, таржибанд, соқийнома, фард).

Бундай ҳол, албатта, тасодифий бўлмай, объектив ва субъектив (ижодий режаси, мақсади) тақозоси билан юзага келган. Жумладан, ўрта ёш лирикаси фақат ғазалдан иборат бўлиб қолишини объектив сабаб билан (бу даврда Навоийнинг «Хамса» устида жуда қаттиқ иш олиб борганлиги ва ўзининг жиддий мулоҳаза ва бой кечинмаларини ана шу асар таркибига сингдириб юборганлиги билан) изоҳлаш мумкин.

Лекин Навоий ҳеч бир даврда ғазални эътибордан четда қолдирмаган ва унинг ҳаётий таассуротлари ва мулоҳазалари бевосита шу жанрда ўзининг поэтик ифодасини топган.

Демак, Навоийнинг бутун ижодий фаолияти жараёнида ғазал бошқа лирик жанрларга нисбатан «ҳукмрон» мавқеда турган. Ана шу етакчи мавқеда туриш унинг сон жиҳатидан ҳам (2600 та), моҳият нуқтаси назаридан ҳам юқори поғонага кўтарилишига имконият яратган.

Навоий форс адабиётида юксак тараққиёт босқичида бўлган энг муҳим лирик жанрларга (ғазал, қитъа, рубоий каби) бутун эътиборини қаратар экан, ўзбек шеъриятида ҳам шу жанрларнинг савияси ва мавқеини юқори даражага кўтариш, уларнинг туркӣ тил ва у билан алоқадор бадиий тафаккур заминидаги бой имкониятларини намойиш қилиш ва умуман жаҳоншумул поэзия билан бир қаторда турадиган юксак шеърият яратишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Ана шундай олижаноб ният ва катта ташаббуснинг қай даражада амалга ошганлигини эса биз айрим жанрлар мисолида кўриб ўтдик.

II боб

ПОЭТИК ТАСВИРНИНГ БАЪЗИ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

Навоий лирикаси фақат тематик доирасининг кенглиги, ғоявий дунёсининг бойлиги билангина эмас, айни замонда, чуқур фикрлар силсиласининг оригинал ифодасини таъмин этган юксак бадиий фазилатлари билан ҳам диққатга сазовордир. Алишер Навоий араб, форс ва туркий поэзиянинг бой тажрибаларини ўзлаштириб олиш билан чекланиб қолмади, балки мавжуд анъаналарнинг энг илгор жиҳатларини янада юқори босқичга кўтарди, ва энг муҳими, Шарқ шеъриятига хос бадиият хазинасини поэтик дурданаларнинг оригинал намуналари билан бойитди. Навоийнинг лирик шеърлари гуманист мутафаккир ғояларининг гениал санъаткор маҳорати билан мутаносиб тушиши ва табиий равишда қўшилиб кетишининг ҳақиқий намунаси ҳисобланади. Бинобарин, Абдураҳмон Жомий ва Бобир таърифи («қўб ва хўб») ҳар қандай муболагадан холи бўлган адолатли, лекин муҳтасар баҳодир.

Навоий лирикасининг асосий фазилатларидан бири шеърнинг туб моҳиятини ташкил этган мазмун—ғоянинг ўзига хос шаклда намоён бўлишида кўринади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир фикр учун унга мувофиқ кела-диган жанрни танлаш ва унинг ҳажмини ҳам асосий мақсаднинг мукаммал ифодасига мос қилиб белгилашда кўзга ташланади. Навоий ғазаллари орасида 7, 9, 11 байти шеърлар кўпчиликни ташкил қилса ҳам, уларнинг ҳар бири мазмун тақозоси билан танланган. Жумладан, ишқий тематика учун кичикроқ шакл, фалсафий-ижтимоий фикрлар ифодаси учун эса ҳажман каттароқ ғазаллар асос қилиб олинган.

Шоир девонида муҳим ўрин тутган қитъаларнинг кўпчилиги икки байтдан иборат бўлгани ҳолда, мазмун тақозоси билан ғазал ҳажмига teng (7—11 байти) қитъалар ҳам учрайди.

Хуллас, шеърий шакл масаласига Навоий ижодий

ёндашиб, мазмун ва поэтик жанрлар учун хос умумий меъёр талаблари асосида иш кўрган.

Лирик шеърнинг композицияси масаласида ҳам Навоийнинг новаторлиги, лирика тараққиётидаги буюк хизмати диққатга сазовор. Унинг «Бадоул-бидоя» дебочасида ўз ғазалларининг муҳим фазилатларидан бири ҳақидаги қайдидан қўйидаги жумлани эсга олайлик: «... Ул жиҳатдин саъӣ қилиндиким, ҳар мазмунда матлаъе воқеъ бўлса, аксар андоқ бўлғайким, мақтаъгача сурат хайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушгай» (ФК, 469).

Аввало шуни таъкидлаш керакки, Навоийнинг ҳар бир шеър мазмунан ва шаклан мутаносиб бўлиб, бошдан охирига қадар мантиқий изчилликка эга бўлган яхлит бир асар бўлиши лозимлиги ҳақидаги ажойиб мулоҳазаси расмий жиҳатдан ғазаллар ҳақида баён қилинган бўлса ҳам, моҳият эътибори билан барча лирик жанрлар учун тааллуқли. Чунки шоир девонидаги қайси бир жанрга мурожаат қилманг, уларда гениал ижодкор эстетик принципларининг ёрқин ифодасини кўриш мумкин.

Иккинчи томондан, Навоийнинг чуқур маънога эга бўлган мазкур мулоҳазаси умумлашган характеристерда бўлиб, ижод жараёнида у мазмун ва авторнинг шахсий услугини тақозосига кўра хилма-хил аспектда намоён бўлиши мумкин. Бунинг ажойиб исботини Навоийнинг ўз шеърларида, хусусан, унинг ғазаллари мисолида аниқ кўриш мумкин. Характерли томони шундаки, Навоий ғазалиётининг ўзига хос фазилатлари, шоир новаторлининг ёрқин қирралари унинг замондошлари диққатини ҳам ўзига тортган ва улар ижодиётига самарали таъсир кўрсатган. Жумладан Навоий ижодиётининг ҳақиқий муҳлиси ва объектив тадқиқотчиси бўлмиш Заҳириддин Муҳаммад Бобир «Бобирнома»да шоир адабий меросига умумий баҳо берган бўлса, аруз ҳақидаги асарида ўрни-ўрни билан унинг поэтик маҳорати қирраларини таъкидлаб ўтади.

Навоийнинг бир қатор ғазаллари лирик қаҳрамон кечинмалари билан алоқадор воқеанинг поэтик тасвиридан иборат. Маълум бир ҳаётий лавҳа тасвири билан боғлиқ сюжетли ғазаллар моҳият эътибори билан ўзига хос шеърий новеллалар бўлиб (манзум ҳикоят), Навоий девонларида шу типдаги ғазалларининг ўнлаб намуналари мавжуд.

Навоийнинг илк девонига киритилган «Кеча келгум-дур дебон ул сарви гулрӯ келмади», «Ҳаво хуш эрдию

оллимда бир қадаҳ майи ноб» мисралари билан бошланувчи ана шу тиңдаги ғазаллари бу фазилат шоир ижодининг дастлабки даврларида ёк шаклланиб етганигидан далолат қиласди.

Навоий ғазаллари учун хос яхлитлик, поэтик лавҳа тарзи даги ҳусусиятлар унинг пейзаж характеридаги шеърларида ҳам ўзига хос равишда намоён бўлади. Лекин бундай шеърларда муайян сюжет кўринмайди, балки табиат манзарасининг изчил тасвиридан шоир ўз муддаоси баёни учун ўзига хос фон сифатида фойдаланиди ва мақсаднинг изчиллиги шеърий услубда ҳам ўз ифодасини топади.

Маълумки, Навоий ғазалиётiga хос яхлитлик, мантиқий изчилликни таъминлаган омиллардан яна бири ҳар бир ғазалга конкрет бир фикр, деталь ёхуд образнинг (кенг маънода) асос қилиб олиниши ва тасвирий имкониятларнинг барчаси тасвир объективининг тўлиқ ва изчил ифодаси учун сафарбар этилишидан иборатdir.

Мақсад — ғоянинг конкрет бўлиши ҳамда тасвирдаги қатъий изчиллик композициянинг мукаммаллиги ва шеърдаги динамиканинг табиийлигини таъмин этган. Бу ҳусусиятнинг юзага келиши эса ҳар бир шеърда, тасвир объективининг характеристи билан боғлиқ ҳолда, хилманил йўсинда кўринади (бир ғазалда ягона предмет билан боғлиқ ҳусусиятларнинг изчил тасвири, бошқа бирида эса бирор воқеа-ҳодисанинг туб моҳиятини кўрсатиш учун боғлиқ ҳодисаларнинг баёни ва ҳоказо). Ана шу тиңдаги шеърлардан бири бўлмиш қўйидаги ғазалда тасвир саволу жавоб усули асосида амалга оширилган бўлиб, баённинг мантиқий ривожи жараёнида бирорта ҳам ортиқча деталь учрамайди:

Жонға чун дерман: не эрди ўлмаким кайфияти?
Дерки, боис ўлди жисм ичра маразнинг шиддати.

Жисмдин сўрсамки, бу вазънингга не эрди сабаб,
Дер: анга бўлди сабаб ўтлуқ бағирнинг ҳирқати.

Чун бағирдан сўрдум, айтур: андин ўт тушти манга,
Ким кўнгулга шуъла солди ишқ барқи офати.

Кўнглума қилсан ғазаб, айтурки, кўздиндур гунаҳ:
Кўрмайн ул тушмади бизга бу ишнинг тўхмати.

Кўзга чун дерменки, эй тардомани юзи қаро,
Сендин ўлмиш телба кўнглумнинг балою ваҳшати.

Инглаб айтур, кўзки, йўқ эрди манга ҳам ихтиёр,
Ким кўрунди ногаҳон ул шўхи маҳваш талъати.

Эй Навоий, барча ўз уэрин деди, ўлгунча куй,
Ким санга ишқ ўти — ўқ эрмиш азалнинг қисмати (ФК, 601).

Навоий ғазаллари поэтикаси учун хос бўлган муҳим фазилатлардан бирига ҳам биринчи бўлиб Бобир эътибор берган. У аруз ҳақидаги асарида Навоий девонида мавжуд мусажжаъ ғазалларни жиддий ўрганиб, бу усулнинг Навоий ижодидаги қонунияти ҳамда Навоийнинг бу соҳадаги хизматларига муносиб баҳо берган. Бобирнинг шу масалага доир мулоҳазаларидан бош қисми қўйидагилар:

«Бу вазнда (яъни ҳазаж) мусажжаъ ғазал кам айтибурлар. Мир Алишер Навоий бир неча ғазал айтибурлар...»¹.

Бобирнинг кейинги мулоҳазалари бу соҳада ҳам Навоий ижодиёти унинг учун ўrnак бўлганлигини исбот этади.

Хуллас, Навоий ғазаллари мисолида кўрилган шоир бадиий тафаккурига хос фазилатлар, умуман, шоир ижодий принципининг туб асосларини ташкил этиб, ҳар бир лирик жанрда ўзига хос равишда кўринади.

Навоий лирикасининг бадиий қиммати, шоир санъаткорлигининг ўзига хос қирралари унинг тасвир воситалари доираси ҳамда улардан фойдаланиш йўлларида яна ҳам конкрет намоён бўлади. Ҳамма гап шундаки, Навоийнинг ўзбек шеъриятига янги поэтик жанрларни олиб кириш, лириканинг тематик, ғоявий даражасини янада кенгайтириш борасидаги катта ташабbusи чуқур гояларнинг юксак бадиий шаклда ифодаланиши учун хизмат қиладиган бой поэтик воситалар топиш ва уларни кенг жорий қилиш юзасидан олиб борган ижодий изланышлари билан қўшилиб кетган. Бинобарин, Навоий лирикасида, бир томондан, унга қадар бўлган ўзбек шеъритида маълум даражада мавжуд бўлган поэтик воситаларнинг мисли кўрилмаган даражада тараққий этганлигини кўрсак, иккинчи томондан, фақат шоир лирикаси орқали юзага чиққан янги усул ва образларнинг шоҳиди бўламиш.

Навоий девонларида юздан ортиқ шеърий санъатлар мавжуд бўлиб, улар шоир бадиий системасининг изчильтармоқларига айланган. Ана шулардан айримлари мисолида ҳам Навоий бадиий тафаккурининг фавқулодда қудрати ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Маълумки, Шарқ поэтикасига доир асарларда наср

¹ Мухтасар, 108а вараг.

ва назмда қўлланиладиган бадиий санъатлардан 120 га яқини (тармоқлари билан юз эллиқдан ошади) ҳақида маълумот берилган².

Ана шу санъатлар моҳият эътибори билан уч гуруҳга бўлинади:

1. Лафзий санъатлар.
2. Маънавий санъатлар.

3. Муштарак (яъни ҳар иккисининг хусусияти мавжуд бўлган) санъатлар.

Мазкур группаларга мансуб санъатлар бадиий тасвирда турли функцияни адо этиб, хилма-хил услубий аспектни ташкил этади. Агар жиддий эътибор берилса, тасвир жараёнида турли гуруҳга (маънавий, лафзий, муштарак) мансуб бир қатор санъатлар ўртасида функция, характер ёхуд баъзи бир стилистик принциплар жиҳатидан яқинлик вужудга келиши яққол сезилади.

Моҳият жиҳатидан турлича бўлган бир қатор санъатлар контекстдаги услубий хусусиятларига кўра бир-бирига яқин келиши мумкин. Шунингдек, у ёки бу санъатнинг пайдо бўлиши ўз-ўзича бўлмай, бошқа бирорта санъатнинг иштироки билан амалга ошади. Лекин бундай ўринларда текстнинг асосий пафоси ва авторнинг мақсади нуқтаи назаридан етакчи санъат биринчи дланда кўрсатилади.

Биз Навоий лирикасида ишлатилган асосий санъатларни, шеърий текст доирасидаги функцияси билан боғлиқ характеристикини назарда тутган ҳолда, қуйидагича бир неча гуруҳга ажратишни лозим деб топдик (бу, албатта, маълум даражада шартли):

1. Истиоравий-рамзий тасвир усуллари (мажоз, истиора, киноя барооти истехлоҳ, ранглар рамзи каби).
2. Қиёсий-ассоциатив усуллар (ташбиҳ, талмеҳ, тансиқ уссифот, тамсил кўринишлари, лаффу нашр, мурооти назир каби).
3. Фикрни далиллаш (мотивировка) йўллари (хусни таълил, тамсил, ирсоли масал, тасдир каби).
4. Эмоционал-муболагали тасвир усуллари [муболага (таблиғ, ифроқ, ғулув), ташбиҳнинг айрим турлари (маъкус, измор), ружӯй, мурожаат, саволу жавоб, риторик сўроқ].
5. Синтактик-стилистик усуллар (тарсе, тарди акс, радд ул-ажз-илассадр, ташбехул-атроф, мурабба, му-

² Қаранг: Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъ-санойиъ. Тошкент, 1981.

даввар, муздаваж, мумосила, таштири, тажзия, тасре, тазмин, тасме, тардид, такрор, таждиди матла каби).

6. а) сўзнинг ички, ташқи формаси билан алоқадор санъатлар (тажнис, иҳом, иттифоқ, иштиқоқ, қалб, мутазалзил каби);

б) айрим сўз эмас, умуман тугал текст (мисра, байт) билан алоқадор стилистик усуллар (тавжех, таъкид улмадҳ бимо яшбаҳуззам, идмож, таълиқ, тажоҳили ориф, ҳазлун муроду биҳил-жидд каби).

7. Контраст (тазод) санъати.

8. Мураккаб санъатлар (муаммо, таърих, ҳижой ҳуруф, ҳарф билан боғлиқ усуллар).

9. Стилистик мутаносиблик (жам, тафриқ, тақсим, жаму тафриқ, жаму тақсим ва бошқалар).

10. Қофия билан алоқадор санъатлар (эънот, ийто (раддул-қофия), ҳожиб, тажнисли қофия, зулқофиятайн, мусажжа, тасмит каби). Шунингдек, тарсе, таштири, тажзия, тасре каби стилистик усуллар ҳам бевосита қофия билан алоқадор.

Булардан ташқари яна ўнлаб санъат ва усуллар мавжудки, улар моҳият, функция эътибори билан бирор гуруҳга яқин туради ёки улар доирасига сифмайди. Зотан, икки юзга (тармоқлари билан бирга) яқин поэтик усулларни бир неча гуруҳга жамлаш имкондан ташқари бўлиб, маълум даражада сунъийликка олиб келиши табиий ҳол.

Классик поэтикамага доир қўлланмаларда икки гуруҳга (лафзий ва маънавий санъатга), фақат айрим тадқиқотларда уч гуруҳга (муштарак санъатларга ҳам ажратилган) тақсимланган бадиий санъатларни юқоридаги каби тасниф қилиш мажбурияти уларни конкрет манба — Навоий лирикасига татбиқ этиш вазифаси тақозоси билан юзага келди. Лекин ўнлаб гуруҳга мансуб юзлаб санъатларнинг шоир лирикасидаги ўрни ва характеристикасида мукаммал маълумот бериш йирик монографик тадқиқотни тақозо этади. Шунинг учун ҳам биз имконият доирасида мазкур санъатларнинг баъзилари таҳлили тимсолида улуғ шоир бадииятига хос айрим тенденциялар ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин.

Шуни эслатиш керакки, Навоий девонидаги поэтик усулларнинг бир қисми Навоийга қадар бўлган ўзбек лирикасида мавжуд бўлса, айримлари элементар — бошланғич ҳолда бўлган, баъзилари эса мутлақо бўлмаган ва ўзбек шеърияти учун янгилик ҳисобланади (бундай ўринларда биз уларнинг форсий адабиётдаги ҳолатини тафтиш этиб кўрамиз). Биз худди шунга яқин-

роқ манзарани поэтик образлар ва ибораларда ҳам мушоҳада этишимиз мумкин (поэтик образ ва ибораларнинг табиати поэтик санъатлардан фарқ қиласди).

Биз ўз мулоҳазаларимиз обьекти учун мазкур уч гуруҳга мансуб санъатлардан танлаб олишига ҳаракат қилдик.

Истиоравий-рамзий тасвир

Поэзия, хусусан, Шарқ поэзиясида бадиий тасвир воситалари ва усулларининг қай даражада ривож топганлигини алоҳида таъкидлашга эҳтиёж бўлмаса керак. Лекин шуни эслагиб ўтиш керакки, бадиий санъат ва поэтик образларнинг барчаси ҳам ижодий жараёнда бир хил аҳамият ва мавқега эга бўлган эмас: уларнинг баъзилари маълум даврда ёки муайян ижодкорлар билан бирга яшаб ўтган бўлса, айримлари узоқроқ умр кўрган. Аммо шундай поэтик усул ва образлар ҳам борки, улар бадиий ижоднинг муҳим таркибий қисмига айланиб кетган ва у ёки бу жанрни ўшаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбек классик поэзияси ҳақида гап кетганда, кўз олдимизга беихтиёр турлича қарашлар ва ғоялар ифодаси учун асрлар давомида актив хизмат қилган хилма-хил оригинал ташбиҳ ва сифатлашлар (эпитет), нозик истиора ва истиоравий образлар келади.

Булар, гарчи шеърий санъат сирасига кирса-да, аммо улар классик шеъриятнинг қон-қонига сингиб, унинг зарурий элементларига айланниб кетган.

Зотан, эпитет, ташбиҳ ва истиора³ фақат Шарқ адабиётининггина эмас, балки жаҳон бадиий тафаккурининг энг қадимий элементларидан саналади. Аристотель «Поэтика»сида⁴ метафора ҳақида маҳсус мулоҳаза юритганлиги маълум.

А. Н. Веселовский эса сифатлашга маҳсус асар багишлаб, «Агарда мен эпитет тарихи поэтик услуг тарихининг қисқартирилган варианти деб айтсан, ҳеч қандай муболага бўлмайди», — деб ёзган эди⁵.

Сайд Нафисий эса, ташбиҳнинг Шарқ адабиётидаги мавқенин назарда тутган ҳолда, унга шундай баҳо беради: «Ҳар бир шоирнинг катта маҳорати ташбиҳ-

³ Шарқдаги истиора термини «метафора»га нисбатан кенг бўлиб, Европа адабиётшунослигидаги метонимия ва синекдоҳаларни ҳам ўз ичига олади.

⁴ Аристотель. Поэтика. Тошкент, 1980, 42—43-бетлар.

⁵ Веселовский А. Н. Историческая поэтика. Л., 1940, с. 73.

ларда кўринади. Ташбиҳда қудратлироқ бўлган ҳар бир шоир жаҳонтирироқдир»⁶.

Албатта, мазкур мулоҳазалар замирида катта ҳақиқат ётади. Чунки сифатлаш, ташбиҳ ва истиора ўртасида генетик яқинлик (истиора ташбиҳ асосида юзага келади) бўлишидан ташқари, уларнинг ҳар учаласида ҳам авторнинг тасвир обьектига бўлган муносабати намоён бўлади.

Мазкур санъатлар мутлақо иштирок этмаган поэзияни тасаввур қилиш қийин, албатта. Лекин Шарқ поэзияси тарихига келганда, уларнинг мавқеини камситиш мутлақо мумкин эмас.

Албатта, у ёки бу ижодкорнинг шахсий услуби, жанр характеристири ва мавзу тақозосига кўра, уларнинг қўлланиш доираси турлича бўлиши мумкин. Аммо ҳар қандай вазиятда ҳам ташбиҳ, истиора ва сифатлаш бирор поэтик вазифани ўз зиммасига олган ҳолда намоён бўлиб туради.

Шуниси характеристики, истиора Навоий ижодининг фақат маълум даври учунгина эмас, балки бутун ижоди учун характеристири бўлган етакчи поэтик восита ҳисобланади. Истиора шоир поэтикасининг муҳим элементи сифатида барча давр шеъриятида муҳим ўрин тутади. Масалан, Навоий ижодининг ilk даврига мансуб «Қаро кўзим» деб бошланувчи машҳур ғазални эслайлик. Шу ғазалнинг ўзида қанча истиора мавжуд: «юзинг гули», «кўнгил равзаси», «қадинг ниҳоли», «жон гулшани», «жон риштаси», «хазон сипоҳи», «анжумани шавқ», «бошоқли ўқ» (булар фақат — истиорайи бил-киноя). Албатта, бу ғазал бошидан охирига қадар (асосий пафоснинг тақозосига кўра) қўтаринки — эмоционал услубда ёзилган. Истиораларнинг мўллигида ҳам ана шу услубнинг роли, шубҳасиз. Лекин Навоийнинг традицион мавзуда эмас, балки бевосита ҳаётий таассурот маҳсули бўлган (ва ҳатто биографик асосга эга бўлган) ижтимоий руҳдаги шеърларида ҳам муҳим фикр — фояннинг эмоционал ифодаси учун хизмат қилган ёрқин истиораларни учратамиз («ҳижрон дашти», «кўнглум ўти», «тиғи фурқат», «ғамниши», «ҳажр ўти», «фироқ ўти», «олам боғи», «хориҳажр» каби).

Навоий жуда кўп ўринда, истиорани бошқа шеърий санъатлар билан бирга қўллаган ҳолда, тасвир ва

⁶ Рӯдакӣ ва замона ў. Сталинобод, 1958, саҳ. 113.

тавсифнинг ниҳоятда ёрқин намуналарини яратган. Унинг шеърларида мавхум тушунчаларга реал хусусиятлар бахш этиш орқали яратилган ажойиб истиоралар ва ана шундай истиоралар воситасида бир байт доирасида юзага келган ёрқин лавҳа, манзаралар ҳам кўплаб учрайди. Масалан, йигитлик даврига мансуб бир байтда шоир устма-уст «ғам шапалоги»дан (истиора) кўкарган заъфарон юзини «жисм уйининг» (истиора) ложувард ва олтин билан безатилган пештоқига ўхшатган. Оригинал ташбиҳ (ёпиқ ташбиҳ), чиройли муболага, ниҳоятда гўзал реал манзара ҳамда янгича истиоралар — байтнинг поэтикасида етакчи ўрин тутган воситалар ана шулар.

Навоийнинг кексалик даври лирикасида ҳам истиора кучли мавқега эга. Бу даврда шоир лирикасида умумлаштириш янада кучайган. Истиоранинг қўлланиши доираси кенгайганлиги маълум даражада ана шу ҳол билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бу ҳақда маълум тасаввурга эга бўлиш учун тасодифан олинган учта ғазалдаги энг муҳим истиораларнинг ўзинигина келтирамиз (ҳаммаси кексалик даврига мансуб). «Фаройибус-сигар», 572-ғазал (9 байт); сарви гулузор, юзи ўти, тер шабнами, лолазорим, ул ой, жафо тоши, май ўти, тули рухсор, қадаҳ суйи, ул гул; 642-ғазал (9 байт): айшим гулбуни, васл жоми, хумори фурқат, барқи васл, васл гулзори, ҳижрон тифи, жунун ўти; 640-ғазал (7 байт): гулшани ҳусн, гулдафтари, жоми мурод, меҳнат согари.

Бу давр шеъриятида «раз қизи (фарзанди)» сингари традицион ва «хаёл элчиси», «ғам қуёши» сингари оригинал истиораларни ҳам учратамиз.

Маълумки, традицияда «Қуёш» (маъшуқа ҳуснига нисбатан ҳам, май жомига нисбатан ҳам, олам, борлиққа нисбатан ҳам) доимо ижобий рамз сифатида ишлатилган. Лекин Навоийнинг кексалик даврига мансуб мана бу байтида биз бутунлай бошқача ҳолни мушоҳада этамиз:

Ғам қуёшидин куюб эрдим, Навоий, бўлмаса
Зилли рифъат шаҳриёри додгустар бошима.

Байт поэтикаси қатъий таносиб асосига қурилган. Бинобарин, бу ерда ғамнинг куйдириш кучига нисбатан «Қуёш»дан бошқа бирор сўзни (масалан, оловни) қўйиш мантиқан мумкин эмас. Шоирнинг мақсади баланд мартабали, адолатли (додгустар) шоҳни улуғлаш. Агарда ана шундай юксак мартабали шаҳриёри

одилнинг марҳамати сояси тушиб турмаганда, ғам қуёшининг оловли тиглари буни куйдириб кул қилган бўлур эди («зилл» — соя, соя эса юқоридан пастга тушади. Шоҳнинг ўзи ҳам «зилли оллоҳ» — оллоҳнинг ердаги сояси).

Демак, Навоий традицион поэтик образ ва ибораларга ижодий ёндашиб, мақсад — ғоянинг ёрқин ифодаси учун уларга бутунлай янгича мазмун юклайди ёхуд янгича аспектда талқин қиласди.

Навоий шеъриятида биз форсий ва туркий ёзма адабиётда ҳамда ҳалқ жонли нутқида асрлар давомида ишлатиб келинаётган анъанавий истиораларни ҳам, шунингдек, шоирнинг индивидуал услубига хос янги истиораларни ҳам учратишимиш, шубҳасиз.

Лекин масаланинг мураккаблиги шундаки, у ёки бу истиоравий сўз ёки иборанинг традицион ёки янгилгини аниқлаш учун бутун форсий ва туркий (ҳатто-араб ҳам) адабиёт тарихини «элак-элак» қилиб чиқиш лозим. Бусиз қатъий бир хулоса чиқариш мумкин эмас, шунинг учун ҳам биз устод Навоий новаторлигининг қудрати, юксак маҳоратининг бир қирраси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мақсадида унга қадар қариб беш аср давомида форсий ва туркий поэзияда анча машҳур бўлган битта традицион истиорани — қуёшга нисбатан қўйланган (турли вариантларда, албатта) истиоравий атамани танлаб олдик.

Мъалумки, Ўрта асрлардаги форсий адабиётда тонг отиши ва қуёш чиқиши пайтини истиоравий, яъни кўтаринки тарзда тасвирлаш анъана тусига кирган эди. Шу асосда қуёшнинг турлича истиоравий атамалари (буларда авторнинг тасвир обьектига бўлган ижобий муносабати ниҳоятда ёрқин акс этади) вужудга келган. «Хусрави рўз» (Х аср), «шаҳи Шарқ» (Манучехрий), «шоҳи Чин» (Низомий), «султони анжум» (Хожу), «Хусрави Ховар» (Ҳофиз), «султони чорболиши анжум» ва «шоҳи анжум» (Шоҳий), «Хусрави субҳ» (Жомий) кабилар ана шулар жумласидандир.

Навоийга қадар бўлган ўзбек шеъриятида Қуёшнинг «турки ховарий» (Хоразмий), «субҳ шунқори», «исфандиёри Рум» (Сайфи Саройи), «хусрави Чин», «шоҳи Машриқ» каби истиоравий атамалари учрайди.

Шуни таъкидлаш керакки, тонг отиши ва қуёш чиқиши билан алоқадор истиоравий иборалар поэтик этикет даражага етиб қолган бўлиб, уларнинг моҳияти бир — позитив (ижобий) характерда; Қуёш — ғо-

либ, қоронғулик — зулмат (салбий) лашкарини мағлуб
этган құдратли шоҳ сифатида талқин қилинади.

Навоий лирикаси ҳамда достонларида тонг манзараси (ёруғлик — яхшиликнинг түн, зулмат устидан тантанаси) билан боғлиқ истиоравий тасвирнинг ўнлаб варианлари мавжуд. Ана шуларни поэтик анъана-налар фонида ўрганиш шоир поэтик образларининг генезиси, унинг новаторлыги ва санъаткорлыги сирларининг айрим томонларини очишга имкон беради. Лекин Навоийда «Чекди» радифли бир ғазал борки, унинг юзага келиши Ҳофизнинг худди шу радифли (яъни тожикча «Зад» радифли) ғазали билан бевосита алоқадор. Аниқроқ қилиб айтганда, Ҳофиз ғазалининг биринчи мисрай — «Саҳар чун хусрави ховар алам бар кўҳсорон зад» (Саҳар пайтида Шарқ подшоҳи тоғлар устига байроқ тикканда) шоирга илҳом бағишилаб, уни айнан шу услубда ғазал битишга рафбатлантирган (бу мисрада «хусрави ховар», «алам зад» истиоранинг «киноя» ва «табъия» турига киради).

Навоийнинг Ҳофиз ғазалига ижодий муносабати икки хил кўринишда юзага келган.

Биринчи босқич — бу татаббу тарзида кўринади. Навоий Ҳофизнинг мазкур ғазалига форс тилида татаббу қиласди. Мана Ҳофиз ғазали:

Саҳар чун хусрави Ховар алам бар кўҳсорон зад,
Ба дасти марҳамат ёрам дари уммеворон зад.

Чу пеши субҳ равшан шуд, ки ҳоли меҳри гардун чист,
Баромад, хандай хуш бар фурури комгорон зад...

Нигорам дўш дар маҷлис ба азми рақс чун барҳост,
Гиреҳ бикшуд аз абруву бар дилҳои ёрон зад.

Ман аз ранги салоҳ он дам ба хуни дил бишустам даст,
Ки чашми бодапаймояш сало бар ҳушёрон зад.

Қадом оҳандилаш омӯҳт ин оини айёрӣ,
К-аз аввал чун бурун омад, раҳи шабзинدادорон зад.

Дар обу ранги рухсораш чи ҷон додему хун хўрдем,
Чу нақшаш даст дод, аввал рақам бар ҷонсупорон зад.

Манаш бо хирқаи пашмин кучо андар каманд орам,
Зиреҳмёе ки мижгонаш раҳи ханчаргузорон зад.

Назар бар қуръаи тавфиқу юмни давлати шоҳаст;
Бидеҳ коми дили Ҳофиз, ки фоли баҳтиёрон зад.

Мазмуни:

Саҳар пайтида Шарқ подшоҳи тоғлар устига байроқ тикканда, Ерим марҳамат қўли билан орзумандлар эшигини қоқди.

Фалак меҳрининг (қуёшининг) ҳоли тоғ учун равшан бўлгач,
У (ёrim) чиқди-да, комронлар (хушбахтлар) ғурури устидан
чиroyли қилиб кулди.
Нигорим ўтган кеча мажлисда рақс тушишга азм этиб,
ва қошлар тугунини ечиб, уни ҳамроҳлар қалбига ўрнатди.
Мен ўша дамда юрак қонн билан қўл ювишни афзал кўрдим.
Унинг хумор кўзлари хушёрларни даврага даъват этди.
Унга бу қадар айёрлик йўлларини қайси бир тошбагир
Пайдо бўлган заҳоти, аввало, бедор ошиқларга форат
каелтириди.
Унинг рухсори таровати учун жонни ҳам бердиғу қон ютдик.
У ўз суратини намоён қилгач, дастлаб фидойиларни кўз
остига олди.
У жингалак сочли гўзалнинг киприклари ханжаргузорларни
мендек бир жўлдур кийимли ожиз қандай қилиб уни ўз
Шоҳ давлатининг иқболи ва муваффақияти қуръасига бинодан
Ҳофиз дилининг комини бер, чунки у ҳам баҳтиёрларнинг
Фоний ғазали:

Чу шоҳи занг чатри санҷарӣ бар кўҳсорон зад,
Ба ҳафтум қальбаи Қайвони аббосӣ шиорон зад.

Шуд аз хуни шафақ рўи уфуқ гулбун ба сўги меҳр,
Ки гардун нохуни анҷум ба рух чун сўгворон зад.

Ба ҳоли тираи ушшоқ абри тира ҳар соат
Ба рўи даҳри дун обе зи чашми ашқборон зад.

Ман аз навмедни васлаш ба рўи ҳалқ дар баста,
Ки ёр аз марҳамат ногаҳ дари уммеворон зад.

Дари дайри мугон бикшодаму омад дарун сармаст,
Ки шамъи оразаш оташ ба они бекаророн зад.

Чунон ғавғо ба дайр афтод, к-аз ошўби сармasti
Фалак сад таъни хомуши ба гўши шаҳриёрон зад.

Зи мижгонаш хазорон неши заҳролуд ҳар соат
Қашид, аммо ҳама болои реши дилғигорон зад.

Зи чини турра сад марғули мушкинро гиреҳ буқшод
Вале бар риштаҳон сабҳай шабзинадорон зад.

Чу акси ҷоми лаъли оташинаш ҳар тараф афтод,
Ҳазорон барқи расвои ба они тавбакорон зад.

Зи хуни ҳалқ агарчи лолазор ангехт дар олам,
Ба ёрӣ як-ду ҷоми лолагун лекин ба ёрон зад.

Ҳамон ҷоми фано, к-он шаб гадой кард аз ў Фонӣ,
Дамо-дам аз май боқӣ сало бар комгорон зад.

Маэмунни:

Хабаш подшоҳи ҳашаматли чодирини тоғлар устига тиккач,
Қора кайвоннинг (Сатурн) еттинчи қалъасига белги (нишона)
ўрнатди.
Қуёшга мотам тутган уфқнинг юзи шафақ қонидин қип-қизил
бўлди
ва осмон азадорлар каби юзига юлдузлар тирноини урди.
Ошиқларнинг ғамгин ҳолатини кўрган қора булутлар
бу пасткаш олам юзига ҳар соатда ёшли кўзларидан сув сепди.
Мен васлидан ноумид бўлиб, одамлардан хилватга чекинган
эдим,
ногоҳ ёр марҳамат юзасидан орзумандлар эшигини қоқди.

Мўғлар хароботининг эшигини очдиму [у] сармаст ичкарига
кирди ва унинг жамоли шамъи бекарорлар жонига ўт ёқди.

Хароботда шундай ғавро кўтарилдики, фалак бундай
сармастлик ғавфосидан подшоҳлар қулоғига хомушлиқдан юзлаб
таъна-маломат қилди.

У ҳар соатда киприкларидан минглаб заҳарли неш тортди-ю,
бироқ уларни дилафгорлар ярасига урди.

Зулфи ўрами билан юзлаб мушкни чигалликлар тугунини ечди,
лекин уларни уйқусиз ошиқларнинг тасбехи илига ўрнатди.

Лаълдек (қизил) оташин жомининг акси ҳар тарафга тушгач,
тавба қилганлар вужудига минглаб расволик алансини урди.

Гарчи ҳалқ қонидан олам юзида лолазор ҳосил бўлса ҳам,
лекин мадад қилиб, бир-иккита лолагун жомни ўз дўстларига
тутди.

Уша кечада Фоний гадоси бўлиб тилаган фано жоми
абадийлик майдан ҳар замонда баҳтиёрларни баҳраманд этди.

Фоний Ҳофиз ғазалининг вазни, радифи ва бешта
қоғиясини (янги контекстда) сақлаган. Лекин ғазалга
янгича мазмун, фалсафий руҳ киритган. Ана шу янги
мазмун ўзига хос композицияни тақозо этган.

Ҳофиз ғазали Қуёш чиқишини тасвирлаш билан
бошланади. Шунга параллел ҳолда ёр ҳам пайдо бўлади
ва дастлабки икки байтда Қуёш ҳаракати билан
ёрнинг фаолияти синхроник равишда боради.

Кейинги байтларда ёрнинг тавсифи биринчи планга
чиқади ва асосий тасвир шунга қаратилади. Унинг
фаолиятини қуёшга қиёслаш сезиб олиш қийин бўлган
бир даражага ўтади. Ғазалнинг хulosаси ҳам олдинги
байтлардан мустақил бўлиб, маълум даражада нейтрал
кўринишга эга (биринчи байт билан эса руҳан
боғланади). Ғазал бутунлай тасвир асосига қурилган
бўлиб, шоирнинг субъектив муносабати («ман», «ма-
наш» орқали) 4- ҳамда 7-байтлардагина очиқ кўри-

нади. Ҳофиз ғазалини композиция жиҳатидан тўрт қисмга (1—2, 3—6, 7, 8), Фоний ғазалини эса 3 қисмга ажратиш мумкин.

Фоний ғазалининг 1—3-байтларида тун тасвири боради. 4—10-байтлар эса ёрнинг пайдо бўлиши (бу тонг отиб, қуёш чиқиши) ва унинг борлиққа ва ошиқлар қалбига кўрсатган таъсири тасвирига бағищланади. Гап ёр ҳақида борса ҳам, ҳар бир байтдаги мазмун ва поэтик деталь бутун тасвир қуёш билан боғлиқ эканлигидан далолат қиласди. 11-байт эса шоирнинг фалсафий холосасидан иборат.

Бу ғазалда ижтимоий руҳ яна ҳам чуқурлаштирилган («фалак подшоҳлар қулогига юзлаб таъна-маломат қилди» (6-байт); «у ўзининг киприкларидан минглаб заҳарланган нешни фақат қалби жароҳатланганлар ярасига урди» (7-байт); «халқ қонидан ер юзида лолазор пайдо қилса ҳам, бир-икки лолагун майни ўз яқинларига тутди» (10-байт) ва ҳоказо).

Фоний ғазалидаги тун тасвирига бағищланган дастлабки уч байт гўё қасиданинг бош (насиб) қисмини эслатади ва лирик қаҳрамон — ошиқ руҳий ҳолатини асосли, изчил ҳолда кўрсатиб, унинг кечинмаларини янада бўрттириб, шеърга динамик руҳ бахш этади. 4-байтда эса Ҳофиз тасвирлаган ҳолатга етиб келинади ва Фоний унинг ғазали матлаидаги иккинчи мисра ни ўзига хос тазмин сифатида ишлатиб, кейинги воқеалар тасвирини давом эттиради.

Хуллас, ана шундай ижодий муносабат оқибатида шеърдаги тасвир янада кенг ва тадрижий характер касб этади.

Ҳофиз шеъридаги кўтаринки услугуб Фонийда янада ривожлантирилади.

Навоийнинг ўзбекча ғазали эса унинг Ҳофиз ғазалига бўлган ижодий муносабатининг янгича аспектини намойиш этади.

Навоийнинг форсий шеъри татаббунинг ижодий на-мунаси бўлиб, унда шоир иҳтизо⁷ ва тазмин санъатини (салх шакли) ишлатган бўлса, ўзбекча ғазални тўла маънода татаббу деб бўлмайди. Бу ғазал Ҳофиз ғазалининг радифи (ўзбекча шакли), вазни ва биринчи байтнинг дастлабки мисрасини ташкил этган образли тасвир таъсирида яратилган оригинал фалсафий ғазалdir:

⁷ иҳтизо — бирор асарнинг тарзу услугуга татаббу қилиб, ўшнга ўхшаш асар яратиш санъати.

Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайлу ҳашам чекти,
Шиойи хат била кўҳсор уза олтун алам чекти.

Казо фарроши чекти субҳнинг симин супургусин,
Музаҳҳаб парларин андоқки товуси ҳарам чекти.

Қитоба сунъ килки «Сураи ваш-Шамс» тафсири
Фалак тоқи ҳавошисида зарҳалдин рақам чекти.

Муаззин Қаъба тоқи узра гулбонги самад урди,
Бараҳман дайр айвонида оҳанги санам чекти.

Яқо чок этти гоҳи субҳ ул мотамғаким, ошиқ
Бу муҳлиқ шоми ҳижрон ичра юз хуноби ғам чекти.

Замона кулди ул ғофилғаким, даврон ситам тифин
Анга урмогни англаб, ўзгага тиги ситам чекти.

Алар кўнглида бир гул ҳажридин хори фироқ ўлса,
Баҳона йиғламоққа бир неча жоми алам чекти.

Ва гар худ васл иқболи мұяссар бўлса бир соат,
Фаридун тахти узра базм тузди, Жоми Жам чекти.

Бўлуб матлуб руҳкорига маҳву жомдин сармаст,
Юзин туфроққа қўйди, бошини олиға ҳам чекти.

Навоий шояд ул раҳравға бу мақсад насиб ўлғай,
Ким ул дашти фано қатъ эткали йиллар рақам чекти.

Бу ғазалнинг биринчи байтида «салҳ» санъати усталик билан қўлланган⁸.

Ҳофизда «Шарқ подшоҳи тоғлар устига байроқ тикканда» ибораси келгуси воқеаларнинг (бутун ғазал-даги) бошланиш пайтини билдирувчи истиоравий гап сифатида битта мисрани ташкил этса, Навоийда у барча тафсилотлари билан кенгайтирилиб, бутун бир байтда берилади ва тантанали манзара сифатида на-моён бўлади.

Ҳофиздаги истиоравий поэтик тасвир Навоий учун туртки бўлган. Навоий вазн ва радифни («чекти» — «зад»нинг ўзбекчаси, лекин мазмунан кенг) сақлаган ҳолда, ҳам мазмунан, ҳам композиция жиҳатидан ўзи-га хос бўлган янги типдаги ғазал яратган.

Ҳофиз ғазалидаги ихчам образли тасвирни Навоий ўзининг фалсафий-поэтик мулоҳазалари асосида кен-гайтириб, поэтик образнинг моҳияти ва имкониятлари-ни янада чуқурлаштирган.

Агар Ҳофиз ғазалида тасвир бевосита ёр образи

⁸ салҳ — бошқа шоир асаридан айрим парчани маъно ёки тар-кибан бироз ўзгартириш орқали келтириш санъати.

билин боғланган бўлса, Навоий шеърида ёр образи деярли йўқ, балки табиат ҳодисаларини, унинг муайян бир бўлганини фалсафий талқин қилиш унинг асосини ташкил этади.

1—6-байтлар тонг манзарасининг истиоравий мусалсал (силсилали) тасвиридан иборат. 1-байтда — тонгнинг умумлашган, кўтаринки тасвири берилади: Қуёш (Шарқ подшоҳи) бутун аскару навкарлари билан осмон (кўк) устига юриш қилиб, тоғлар силсиласи устига байроқ (олтин алам) тиккан ғолиб шоҳга, кейинги байтларда тонг пайтидаги ҳолат қазо фаррошининг кумуш супургисига, мавжудотнинг ранг-барагн товланиши товуснинг алвон парларига ўхшатилади (2-байт), осмон гумбази, қирғоғига битилган «Қуёш сураси» («Сураи ваш-Шамс»)нинг тафсирига (3-байт), муаззиннинг Қаъба гумбази устидан эшитилган ёқимли садосига (4-байт), ҳижрон шомида ғаму андуҳ чеккан ошиқнинг мотамсаро ҳолига ачинган тонгнинг ёқасини чок этиб ташлашига (5 байт) ўхшатилади, ва ниҳоят, тонгга нисбат берилган ана шундай истиоравий сифатлар 6-байтда энг юқори нуқтага чиқади. Дастлаб қараганда, бу байтнинг мазмуни олдингилар билан боғланмагандек туюлади. Гўё шоир тонгнинг кетма-кет тасвирини тугатиб, янги мавзу бўёнига ўтгандай кўринади. Бироқ жиддий эътибор қилинса, тонг билан боғлиқ изчил тасвир ҳали тугамаган, балки янги босқичга кўтарилиб, чуқур ижтимоий маъно касб этган. Бироқ бу босқичга ўтиш кескин «сакраш» тарзида рўй берган деб бўлмайди. Бундан олдинги байт ҳам (5-байт) олдингиларига нисбатан моҳият эътибори билан бир даража юқори бўлиб, бунда ижтимоий рух ҳозирча ишқий (шоми ҳижрон ичра юз хунобаи ғам чеккан ошиқнинг аҳволи билан боғлиқ) аспектда кўринади ва бу, ўз навбатида, кескин ҳукм шаклида ифодаланган чуқур ижтимоий хулосани баён қилиш учун замин ҳозирлайди.

Хўш, «Замона кулди» деганда шоир нимани назарда тутмоқда? Аслида у ҳали ҳам тонгни сифатлашдан узоқлашган эмас. Маълумки, «чеҳраси ёришмоқ ёки очилмоқ» каби иборалар табассум ва кулги билан боғлиқ тушунчаларни ифодалайди. Шунингдек, «кулги»ни (жумладан, Навоийнинг ўзида ҳам) тонгнинг муҳим ижобий сифати тарзида қўллаш (ташхис — жонлантириш усули орқали) анъана ҳолига кирган. Лекин шуниси характерлики, бу байтда кулги майин табассум

Эмас, балки кескин заҳарханда бўлиб, ижтимоий маъно касб этган. Содда қилиб айтганда, тонг — бу даврнинг ўзига ситам тифи тегмасдан бурун бошқалар — уриб қолиш пайида бўлган ғофиллар (ғафлат — бу қоронғилик, зулмат маъносид) устидан истеҳзо тўла аччиқ кулгиси. Шундай қилиб, тонг пайтининг бадиий тасвири ҳақиқий маънода ижтимоий-фалсафий мазмун касб этади. Кейинги уч байт (7,8,9-байтлар) шоирнинг фалсафий-поэтик мулоҳазаларидан иборат. Навоий энди тонгнинг силсилали таърифидан у билан боғлиқ ҳолат тасвирига ўтади. Тонг ҳар кимга, унинг вазияти ва руҳий аҳволига боғлиқ ҳолда, ўзига хос кайфият бағишилади: кимdir ҳижрон тиканидан азоб чекиб, шабнамдек кўз ёш тўкади (қуёш кўтарила бошлаганда гул юзидағи шабнам доналари томиб, гул косасига йиғилиб қолган сув ҳам йўқолади — сипқорилади). Лекин кимга васл иқболи мұяссар бўлса, Қуёш авж нуқтасига чиққанидек, юксак таҳт устида Жамшид жомидан май ичади. Бироқ (тасаввуф фалсафаси бўйича) висолга эришиш — бу ўз вужудини матлуб вужудида маҳв этиш (мистик камолотнинг «фақру фано» босқичи) орқали амалга ошади. Шунинг учун ҳам шоир ёзади:

Бўлуб матлуб рухсорига маҳву жомдин сармаст,
Юзин туфроққа қўйди, бошини оллиға ҳам чекти.

Агар шеърни бошидан охирига қадар изчил кузатсак, бутун тасвир Қуёшнинг чиқиши, унинг авжга етиши (висолга етишиш палласи) ва ниҳоят ботиши (фано, яъни йўқ бўлиши) билан мутаносиб эканлигига қаноат ҳосил қиласиз. Муҳими шундаки, ғазалнинг матлаи билан унинг асосий воқеа тасвири тугаган 9-байти ўз руҳи жиҳатидан бир-бирига зид, лекин айни замонда, 9-байт 1-байтнинг (ҳам табиат ҳодисаси сифатида, ҳам фалсафий маънода) изчил хulosасидан иборат: Қуёш ҳашаматли ғолиб шоҳ сифатида бош кўтарди, энг юксак чўққига эришди (висол), ва ниҳоят, тупроққа бош қўйди (фано бўлди).

Охирги байтда шоир ана шу йўлни (тасаввуф фалсафаси нуқтаи назаридан) инсоннинг ҳаёт йўли учун бир идеал йўл деб билади ва хulosса ясади.

Ғазал қасиданинг табиат тасвирига бағищланган бош қисми — ташбиб сингари бошланиб, кейинроқ ижтимоий мазмун* касб этади (бу 6-байтда кульми-

* Умуман, шеърга ижтимоий руҳдаги фикрлар сингдиришга интилиш Фоний татаббулари учун характерли ҳол. Масалан, у Ҳо-

национ нүктага чиқади) ва ниҳоят фалсафий умумлашма даражасига күтарилади.

Демак, Ҳофизнинг, асосан, ишқий руҳдаги ғазалидаги образли бир тасвир (биринчи мисра) Навоийни том маънода фалсафий-ижтимоий руҳдаги янги бир шеър яратишга илжомлантирган. Ғазалнинг тасвир йўсини ҳам ўзига хос: агар Ҳофиз ғазалида тасвир асосида «ёр» ва унинг фаолияти турса (Фоний татаббусида ҳам), бу ғазалда «ёр» образи учрамайди. Табиат ҳодисасини ижтимоий ҳаёт воқеалари асосида таҳлил ва талқин этиш диққат марказида туради. Шеърнинг поэтик композицияси унинг семантик структураси талаби билан юзага келган.

Шеърнинг услуби ниҳоятда кўтаринки руҳда ва уни кўпгина қасидалар учун хос бўлган монументал услуб деб айтиш мумкин.

Шеърдаги динамизмни унинг замирида ётган ва маълум даражада мавҳум бўлган фикрий асосни (Қўёшнинг ҳаракат йўли) тушуниб етиш натижасида пайқаб олиш мумкин.

Умуман, шеърдаги кўтаринки услуб унинг мазмуни — шоирнинг ғоявий мақсади тақозоси билан юзага келган бўлиб, ифоданинг мазмун билан тўла мутаносиблигидан далолат қиласи.

Хуллас, ҳар бир поэтик деталь ёки образ муайян адабий оқим ёхуд индивидуал поэтик услуб доирасида ўзининг хилма-хил функционал имкониятларини намоноишиш этиши мумкин.

Навоий шеъриятидаги бой поэтик образлар ва образли ибораларни қиёсий ўрганиш шоир поэтик услубининг шаклланишига таъсир кўрсатган адабий анъаналарнинг ролини объектив баҳолашга имкон яратади.

РАНГЛАР РАМЗИ. Навоий поэзияси учун характерли бўлган поэтик усуллардан бири — рангларнинг рамзий қўлланишидир. Бу усул шоир лирикасида бир система ҳолига кирган бўлиб, ўзининг маълум қонуниятига эга.

Физнинг «Агар он турки шерозий ба даст орад дили моро» деб бошланувчи машҳур ғазалига қўлган татаббусини тутгатиш олдидан подшоҳларга нисбатан кесатиш-таъна руҳидаги қўйидаги байти келтиради:

Бигу к-оранд Жоми Жам зи маҳзан, эй шаҳи динӣ,
Ки бинмоям ба шоҳон бевафоиҳо дунёро.

(Мазмуни: Эй эътиқодли подшоҳ! Буюр, ҳазинадан Жамшид жомини олиб келсинлар, токи шоҳларга дунёнинг бевафоликларини кўрсатиб қўйяй).

Навоий бу усулдан лирик қаҳрамоннинг хилма-хил-кечинмаларини тасвирлашда, бошқа поэтик воситалар билан бирга, унумли фойдаланган.

Навоий ижоди учунгина хос бўлган ана шу усулнинг ҳақиқий намунасини биз унга қадар бўлган ўзбек ва форс-тожик лирикасида (тўғрироғи, ғазалчиликда) деярли учратмаймиз. Тўғри, баъзи форс-тожик шоирларининг шеърлари орасида тасвир у ёки бу ранг билан боғлиқ ҳолда борган айрим ғазаллар ҳам мавжуд. Лекин ана шундай ғазалларда маълум ранг тасвири шеърнинг ички моҳиятидан кўра кўпроқ радиф талаби билан амалга оширилган. Ваҳолонки, биз Навоий лирикасида мутлақо бошқача ҳолатни кўрамиз.

Мавжуд фактларни кўздан кечирайлик:

1. Тасвир бошдан охирига қадар бир ранг доирасида борадиган ғазални биз, дастлаб, форс-тожик шоири Аҳмади Жомийнинг «Чаҳор парӣ» (тўрт пари) номли асари таркибидаги ғазаллар орасида учратамиз.

Биринчи ғазал:

Сурх пўшидӣ ба қатли ман хиромоне, ту гул,
Чон ба лаб наздик, мемирам ба армони ту, гул.
Дар гулистони парӣ рафта, ки сайри гул кунам,
Фунча-ғунча гул шукуфта, ман нигаҳбони ту, гул,
Тахти ту гул, бахти ту гул, чор атрофи ту гул,
Ин ҳамиданҳо ҳама бо даври домони ту гул...
Аҳмади Чомӣ агар тақсирӣ беҳад кардааст,
Авф кун, дилбар, ки мо ҳастем меҳмони ту гул⁹.

Иккинчи ғазал:

Сурх пўшидӣ ба қатли ман хиромоне, ту гул,
Чилва гул, рафтор гул, атрофи зулфони ту гул.
Банда Чомӣ чун қалам аз дида хун афшонду гуфт:
«Ханда гул, гуфтор гул, лаъли сухандони ту гул»¹⁰.

Бу ғазалларда (شاҳзода ва вазир ўғли томонидан бирин-кетин айтилган) радиф «гул» бўлиб, ғазал охирига қадар тасвир шунга боғлиқ равишда (яъни, қизил ранг атрофида) боради. Лирик қаҳрамон Гуландом исмли канизакни кўриб қолади ва унинг қалбида дастлаб ғойибона (аслида бунга нисбатан эмас) пайдо бўлган муҳаббат учқуни аланг олиб, бутун вужудини қамраб олади. Ғазал охирига қадар лирик қаҳрамоннинг муайян ҳолати, кечинмалари очила боради ва шу

قصه احمد جامی چهار پری در مطبع منشی نول کشور⁹
واقع لکهنو، ۱۸۹۶، ۶۴

¹⁰ Уша асар, 65—66-бетлар.

холатни бўрттириш мақсадида махсус рангга урғу берилади (қизил-ранг — гул, ишқ ўти ва қон).

Тўғри, тасвирнинг бир ранг атрофида давом этиши «гул»нинг радиф бўлиб келишига ҳам боғлиқ. Аммо мазкур ғазалларда авторнинг «гул»ни радиф қилиб олиши ҳам унинг асосий мақсади — қизил либос кийган гўзалнинг кўриниши ва унинг шаҳзодалар кайфијитига кўрсатган таъсирини тасвирлашга интилиши билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳар икки ғазал маъшуқа либосининг қизиллигига урғу бериш билан бошланади.

Хуллас, мазкур ғазалларда лирик қаҳрамоннинг маълум бир вақтдаги ҳолати, кечинмалари билвосита (маъшуқанинг либоси, ташқи кўринишини тасвирлаш орқали) очилади¹¹.

2. Амир Хусрав Декловий (1253—1325) девонида «Сафед» (Оқ) радифли ғазал мавжуд¹².

Лекин ана шу ғазалда тасвирнинг бир ранг атрофида бориши радиф («сафед»)нинг талаби билан юзага келган. Бошқача қилиб айтганда, мазкур ғазалда лирик қаҳрамоннинг муайян ҳолати, кечинмалари билвосита очила бормайди, балки автор ўзининг ҳолати ва муносабатини тўғридан-тўғри баён қиласди. Радиф талаби билан ишлатилган у ёки бу ранг (мазкур ғазалда оқ) унинг муайян ҳолати, кайфиятини бўрттириб тасвирлашга ёрдам беради. Аниқроғи, маълум рангни ифодаловчи сўз — радиф авторнинг ҳолати, кечинмаларини ўзига бўйсундиради. Шунинг учун ҳам бундай ғазалларда ранглар тасвири лирик қаҳрамон кечинмаларининг билвосита юзага чиқишида восита ролини ўйновчи поэтик приём даражасига кўтарила олмайди.

Умуман, Хусрав Декловий ғазалида оқ ранг икки вазифада — гўзаллик, поклик (маъшуқага нисбатан) ҳамда кексаликнинг (лирик қаҳрамонга нисбатан) рамзи сифатида ишлатилган (приём сифатида эмас):

Бо ман бавақти субҳ чунин гуфт шаб, ки мо
Кардем мўй дар ҳаваси рўй у сафед.

¹¹ Лекин биз мазкур ғазалларга эпик асарнинг таркиби қисми сифатида қарасак, у ҳолда ранглар тасвирида изчилликнинг йўқлигини кўрамиз («Ҳамса»га нисбатан). Яъни «Ҳафт пайкар», «Ҳашт биҳишт» ва «Сабъан сайёр» достонларидағи ҳар бир ҳикояда табиат, мұхит ва персонажлар тасвири ана шу ҳикояда тасвир учун асос қилиб олинган ранг билан ҳамоҳанг бўлиб тушади. Аҳмади Жомий асаридаги мазкур ғазаллар, маъшуқанинг қизил рангда намоён бўлишини тасвирлагани ҳолда, «Сабз парий» (яшил пари) ҳикояси таркибида келади.

¹² УзССР ФАШИ, инв. № 7070, 636-бет.

Умре ҳавои зулфи ту пухтему оқибат
Қардем мүй хеш дар ин орзу сафед...

3. Форс-тожик шоири Ҳасан Деҳлавийнинг ҳам
«Сафед» радифли ғазали бор.

Соқиё, май деҳ, ки абре хост аз соғар сафед,
Сарвро сар сабз шуд, садбаргро чодар сафед...¹³.

Бу ғазал услубига кўра Амир Хусрав ғазалидан тубдан фарқ қиласди. Бу пейзаж лирикасининг намуналаридан бири бўлиб, муаллиф табиатнинг баҳор пайтидаги манзараларидан бирини тасвирилашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу мақсадда «сафед» сўзи радиф қилиб олинган. Тасвирининг шеър охирига қадар изчил давом этиши эса, ўз навбатида, радифнинг талаби билан амалга ошган. Масалан, қўйидаги байтларга назар ташланг:

Абр чун чащми Зулайҳо баҳри Юсуф ҷолабор,
Чолаҳо чун дидай Яъқуб пайғамбар сафед.

Анкабўти горро гуфтам, ки ин печат чи буд?
Гуфт: «Меҳмони азиз ояд, ки кардам дар сафед».

Умуман, бу ғазалда оқ ранг рамз сифатида эмас, балки табиат, буюм хусусиятларидан бири сифатида ишлатилган. Демак, бу ғазалда ҳам ранг тасвири поэтик приём сифатида қўлланилмаган.

4. Навоий замондошларидан Жомий ва Биноий шеърлари орасида ҳам «сафед» радифли ғазаллар учрайди. Лекин Жомий ғазали ҳам, Биноий ғазали ҳам, бизнингча, Ҳасан Деҳлавийнинг мазкур ғазали таъсирида, унга жавоб тариқасида ёзилган бўлиши керак. Чунки Ҳасан Деҳлавий, Жомий ва Биноий ғазаллари бир вазнда (рамали мусаммани мақсур) ёзилган бўлиб, уларнинг радифи ва қофияланиши ҳам бир хил. Шунинг учун бўлса керак, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти фондидағи 1109 рақамли қўллёзма баёзда учала муаллифнинг мазкур шеърлари бирин-кетин жойлаштирилган (радиоф-ул-ашъор тарзида).

Шунингдек, Бинойининг Ҳасан Деҳлавий ижодига бўлган муносабати ҳам (унинг ғазали Жомий ғазалидан олдин ёки кейин ёзилишидан қатъи назар) бизнинг юқоридаги фикримизга асос бўла олади. Маълумки, Биноий ғазалчиликда дастлаб Хусрав Деҳлавий изидан борган бўлса-да, кейинчалик у ўз ғазалларида Ҳасан

¹³ ЎзССР ФАШИ, инв. № 5028, 371a варақ; инв. № 1109, 1546 варақ.

Деҳлавий услубини ўзлаштиради ва унга эргашади¹⁴.

Унинг ўзи ҳам бу ҳақда очиқ фикр баён қиласди:

Биной дар тариқи шеър мерафт аз пай Ҳусрав,
Ки дар тарзи ғазал ҳамроҳ шуд тарзи Ҳасан бо ё.

Жомий ва Биной ғазаллари матлаи:

Дур аз он лаб ашки ман сурх аст, чашми тар сафед,
Қим-фитад з-ин сон шароби лаълро соғар сафед¹⁵.

Хез, соқӣ, к-аз фурӯғи субҳ шуд ховар сафед,
Зоғи шабро соҳт гардун чун ҳавосил пар сафед¹⁶.

Хез, соқӣ, к-аз фурӯғи субҳ шуд ховар сафед,
Қ-аз ғамат (жамъи) малоик гашта сар то сар сафед¹⁷⁻¹⁸.

Жомий биринчи ғазалида ўз баҳти қоралигини бўрттириб кўрсатиш мақсадида тасвирида оқ рангдан фойдаланади (контраст сифатида). Иккинчи ғазал эса пейзаж лирикасининг гўзал намунаси ҳисобланади. Бу ғазал реал воқелик таъсирида юзага келган бўлиб, қиши манзараси реал тасвирий элементлар ва поэтик метафоралар воситасида кўтаринки руҳ билан тасвирланади.

Лирик қаҳрамондаги реал воқелик таъсирида ҳосил бўлган қўвноқ ва кўтаринки руҳ ғазалдаги тасвирининг содда, ўҳшатишларнинг эса табиий бўлиб чиқишига олиб келган:

...Бас, ки ояд обу собун ҳар дам аз борону барф,
Сабзўшони чаманро чома шуд дар бар сафед.

Биной ғазалида эса «сафед» радифи лирик қаҳрамоннинг муайян ҳолати, кайфиятини (ҳижрон азоблари ва ундан шикоятини) бўрттириб тасвирлашга хизмат қиласди (қоранинг контрасти сифатида).

Умуман, юқоридаги ғазалларга хос хусусият (Аҳмади Жомийнидан ташқари) шундан иборатки, уларда лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, муносабати тўғридан-тўғри баён қилинади ва ранглар ана шу маълум томонни бўрттириб кўрсатишда бўёқ бўлиб хизмат қиласди. Шунинг учун ҳам биз уларда том маънодаги поэтик приём — ранглар символизациясини кўрмаймиз.

Абдураҳмон Жомийнинг қуйидаги ғазалида эса, юқоридагилардан фарқли ўлароқ, ранг тасвири маҳсус

¹⁴ Мирзоев А. Биной. Сталинобод, 1957, саҳ. 388.

¹⁵ УзССР ФАШИ, инв. № 3683, 63-вараЕ.

¹⁶ Уша қўллэзма, 97а варақ.

¹⁷⁻¹⁸ УзССР ФАШИ, инв. № 1109, 155а варақ.

усул сифатида қўлланган: ғазалда тасвир битта ранг (маъшуқанинг либоси рангида — ҳавранг) билан боғлиқ ҳолда боради ва лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари шунга боғлиқ ҳолда (бильвосита) очила боради:

Дар либоси нилгун чун ҷилва кардй, эй парй,
Маҳ дигар нанмуд рух з-ин пардаи нибуфарй.

Бо либоси осмонӣ ҳар ки дид, эй маҳ, туро,
Шуд бар ў чун рӯз равшан, к-офтоби дигарй...¹⁹

Шуни айтиш керакки, биз Жомийнинг бу ғазали Навоийнинг шу типдаги ғазалларидан олдин ёки кейин ёзилганини аниқлаш имкониятига эга эмасмиз. Шунинг учун ҳам ҳозирча шундай хulosага келишимиз мумкин. Навоийга қадар бўлган ғазалчиликда лирик қаҳрамон кечинмаларини бильвосита ифода этиш учун ранглар тасвиридан бадиий восита сифатида фойдаланиш элементар ҳолда бўлиб, махсус поэтик усул даражасига бориб етмаган эди.

Биз бу ҳодиса Навоий ижодида муайян бир система ҳолига кирганлигини унинг шеърлари мисолида кўришимиз мумкин.

«Хазойинул-маоний»да тасвир бошидан охирига қадар изчил ранглар билан боғлиқ ҳолда борган 31 та ғазал («Фаройибус-сиғар»да 9 та, «Наводируш-шабоб»да 7 та, «Бадоевул-васат»да 8 та, «Фавойидул-кибар»да 7 та) мавжуд. Мазкур ғазалларда рангларнинг бир неча хил ва туслари (оттенкалари) қўлланган (қизил, арғувоний, яшил, сабз, бинафш, оқ, сариқ, сиймобий, савсаний каби).

Мазкур ғазалларни, уларнинг етакчи хусусиятларига кўра (рангни қўллаш усулига кўра), уч группага бўлиш мумкин:

I. Навоий бир қатор ғазалларда муайян бир ҳолат, кайфиятни тасвиirlар экан, ана шу ҳолатни бўрттириб кўрсатишга ёрдам берадиган бирор рангга мурожаат қиласи ва ғазалнинг бошидан охирига қадар тасвир ана шу рангга боғлиқ ҳолда боради. Лекин у ўз кечинмаларини тўғридан-тўғри баён қиласи (албатта, турли ўхшатиш ва сифатлашлар орқали).

Масалан, қўйидаги матлали ғазалларда шоир лирик қаҳрамоннинг ҳижрон кунларидаги руҳий ва жисмоний ҳолатини сариқ (ошиқнинг ҳазин ҳолати), қора (бахти қоралик), оқ (қорага контраст қўйиб, бахти қораликни бўрттириш) ранглар воситасида ёрқин тасвир этади:

¹⁹ Куллиёти Чомӣ. Тошкент, № 1325, 397—398-бетлар.

Сориқ оғриқ бўлдим, эй соқий, ҳазони ҳажр аро,
Қони асфар майки, бор ҳар қатраси бир қаҳрабо... (ФК, 43).

Беҳи рангидек ўлмиш дарди ҳажрингдин манга сиймо,
Димофим ичра ҳар бир тухми янглиғ донаи савдо... (БВ, 34).

Ярақондин манга гар бор эса руҳсор сариг,
Турфа кўргилки, эрур дидай хунбор сариг... (БВ, 301).

Ашкдин бўлди қарорғон кулбай вайроним оқ,
Кулбай вайрон демайким, дидай гирёним оқ... (НШ, 323).

Тифллар тошини жисмим қилди сар то сар қаро,
Бўлди савдоға саводи аъзам ондин ҳар қаро... (НШ, 36).

II. Бир қатор ғазаллар реал воқелик таъсирида яратилган бўлиб, уларда табиат манзаралари тасвири асосий ўрин тутади. Пейзаж лирикасининг ҳақиқий на- муналари ҳисобланган ана шундай ғазалларда шоир табиат тасвиридан лирик қаҳрамоннинг руҳи ва кечин- маларини очиб беришда бир фон сифатида фойдалана- ди. Аниқроғи, табиат тасвирида ҳар бир деталь лирик қаҳрамон ҳолатининг маълум томонини очиб беришга хизмат қиласди. Жумладан, куз фаслидаги табиат тас- вири фонида лирик қаҳрамоннинг ҳазин ҳолати баён қилинади:

Ҳар ҳазон барги эрур зорики даҳр озоридин,
Сорғаріб мендек тушар айру сиҳи қад ёридин... (FC, 468).

Еки:

Қўрма сориқ баргу қил наzzора руҳсорим сари,
Қўй ҳазон богин, гузар қил заъфарон зорим сари... (ФК, 621).

III. Бир группа ғазаллар ўзининг символик харак- тери жиҳатидан юқоридаги ғазаллардан тубдан фарқ қиласди.

Буларнинг хусусияти қўйидагича:

Маъшуқа ғазал бошиданоқ бирор рангдаги либосда намоён бўлади. Маъшуқа тўнининг ранги гўё ошиқнинг кўз пардасини ўз рангига киритади. Натижада ошиқ борлиқдаги ҳамма нарсани ана шу рангда кўради. Бошқача қилиб айтганда, лирик қаҳрамон табиатга рангли ойна (маъшуқа либосининг рангига) орқали боқади ва бутун мавжудот унинг кўз олдида ана шу ойна рангига намоён бўлади. Ана шу рангга боғлиқ ҳолда, лирик қаҳрамоннинг ҳолати, ички кечинмалари очила боради, яъни ҳар бир ранг рамзий равишда ли- рик қаҳрамоннинг маълум бир ҳолатини ифодалайди. Қўйидаги ғазалда маъшуқа қора рўмолда (мотамсаро кўринишда) намоён бўлади ва лирик қаҳрамоннинг кечинмалари шу хилда очила боради:

Қаро дастор то чирмоди моҳим,
Бошимға чирмашибдур дуди оҳим...
Анга ҳамранг ўлай деб мотамимен,
Қарорғон рўзгорим бор гувоҳим...
Қўзимдур тийра, яъни, эй Навоий,
Қаро тўн кийди мотам ичра шоҳим (ФК, 404).

Қуйидаги ғазалда эса маъшуқа қизил либосда на-
моён бўлади. Буни кўрган ошиқнинг вужуди ишқ ўти-
да ёнади. Натижада унинг кўз олдида барча нарса
қизил бўлиб кўринади:

Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур,
Хилъат эрмас, ул бир ўтдурким, менинг жонимдадур...

Мана бу ғазалда эса тасвир симобий ранг билан
боғлиқ ҳолда боради:

Кирди сиймобий либос ичра яна ул гулузор,
Ул қуёшдекким, анга онеъ бўлур абри баҳор.
Ул булат янглиғ либос узра сизилғон хатлари
Бор анингдекким, ёғин тушгай булатдин тор-тор.
Бу либоси симгун ичра сенинг нозук танинг
Ул кумушдекдурким, ул сиймоб аро тутқай қарор... (FC, 169).

Умуман, бундай ғазаллар кўпчиликни ташкил қи-
либ, уларнинг ҳар бирида маълум ранг лирик қаҳрамоннинг муайян бир ҳолатини рамзий тарзда ифода-
лайди (масалан, қора — баҳти қоралик, сариқ — ҳазин-
лик, ҳижрон).

Бу гуруҳга мансуб ғазаллар ўз услубига кўра бошқа
гуруҳдаги ғазаллардан ажралиб туради. Бу тафовут,
энг аввало, шунда яққол кўзга ташланадики, биз учин-
чи группа деб атаган ғазалларнинг деярли барчаси
«тажоҳули ориф» санъати билан бошланади. Бу эса,
маъшуқани маълум либосда тасвирлаш тасодифий ҳо-
диса бўлмай, балки муаллиф томонидан онгли равиши-
да қилинган иш, тўғрироғи, лирик қаҳрамон кечинма-
ларини тасвирлашда қўлланган маҳсус бадиий усул
эканлигига шубҳа қолдирмайди. Масалан:

Кофоргун либос аро ул сарвиноз экинму,
Ё шоми ҳажр дафъига шамъи тироз экинму? (НШ, 512)

Сарви раъно ҳулламу киймиш бинафша баргидин,
Ё либосин айламиш ул чобуки раъно бинафш? (FC, 267).

Аргувоний тўнмудурким киймиш ул сарви равон,
Ё магар сарви равон қилмиш либосин аргувон? (FC, 447)

Ёр гулгун тўн енгинму юзга айлабтур ҳижоб,
Ё ёшурмиштур қуёш руҳсорини гулгун саҳоб? (БВ, 41)

Шуни таъкидлаш лозимки, Навоийнинг бу хилдаги ғазаллари, асосан, интим-ишқий характерда бўлса-да, муаллиф ўрни билан ижтимоий масалаларга усталик билан тил тегизади. Масалан, у маъшуқани яшил-бинафша рангидаги кийимда тасвирлар экан, йўл-йўлакай, усталик билан (ўхшатиш йўли билан) фалакдан, унинг қора қилмишларидан норозилигини изҳор этади:

Навоий, чархи ахзардур сияҳкор:
Тамаъ сарсабэз бўлмоқ қилма андин (FC, 446).

Истамас бўлса қаро эл рўзгорин ул қуёш,
Хулласин, бас, невчун этмиш чархи ҳазродек яшил? (БВ, 388)

Навоий девонларида ҳар бир рангга доир бир нечтадан ғазал мавжуд. Лекин уларнинг ҳар бири ўз ҳусусиятига эга. Яъни шоир бир рангнинг турли тусларига (оттенкаларига) алоҳида-алоҳида ғазал бағишлиайди ва бунинг учун у ана шу оттенкаларни тўғри ифодалайдиган синонимлардан фойдаланади.

Навоийнинг ранглар тасвири билан боғлиқ ғазаллари, умуман, бадиий нуқтаи назардан диққатга сазовор. Бу ғазалларда шоирнинг ҳис-туйғулари, нозик кечинмалари хилма-хил ташбиҳлар, оригинал истиоралар ва автор мақсади, муносабатининг ёрқин очилишига имкон берувчи маънавий ва лафзий санъатлар воситасида ўзининг табиий ва гўзал ифодасини топган:

Сарғ либос аро ул нўшлабки хандондур,
Эрур Масиҳки, хуршид ичинда пинҳондур.
Либосу жисм ила ул гулузор кўргузди
Хазон ичиди баҳореки, ақл ҳайрондур.
Либоси ўт киби асфар, тани ҳаёт суви,
Ажойиб ўтки, аросинда Оби ҳайвондур.
Ўшулдур орзусидинким, зарварақ киймиш,
Юзумнинг олтунида дурри ашк ғалтондур.
Фироқ даштидаги лола гар сариқ бутмиш,
Магарки додлари барча доди ҳижрондур.
Юз ул этакдин агар олмасам, не тонгки, сомон
Чу қаҳрабога етар, кўймоги не имкондур.. (НШ, 183).

Шоир бу ғазалнинг бошидан охирига қадар ўз фикрини ниҳоятда оригинал ташбиҳлар (ташбиҳи сарир, ташбиҳи музмар ёки мураккаб), истиора ва тазод воситасида ниҳоятда равон, таъсирили ифода этган.

Лекин шуни таъкидлаш керакки, мавжуд синонимларнинг ҳар бирини қўллашда маълум ўрин ва система бор ва ана шу ғазалларнинг ҳар бирида лирик қаҳрамоннинг бирор ҳолати, ички кечинмаларининг муайян томони очилади. Масалан, қизил ранг ва унинг синонимларини олиб кўрайлик.

Тасвирда «қизил», «лолагун» сўзи қўлланса, албатта қон тушунчаси пайдо бўлади ва ғазалда «қон» ёки қон тушунчасини ифодаловчи сўз келади. Лирик қаҳрамоннинг ҳолати ҳам шунга мос ҳолда намоён бўлади («қон тўкилмоқ», «юрак қон бўлмоқ» каби).

«Гулгун» сўзи ишлатилган шеър кўпроқ пейзаж лирикаси тусини олади ва шу фонда лирик қаҳрамон, кўпинча, қадаҳ ичишни тарғиб қилувчи, ҳаётни севиб, ундан завқланувчи киши сифатида намоён бўлади.

«Оташин» сўзи эса кўпроқ ўт (ишқ ўти) билан боғлиқ тушунчаларни чақиради ва лирик қаҳрамон қалбидаги ўт туғёнга келиб, унинг алангасида ўртанаётган ошиқ сифатида гавдаланади. Шунингдек, «аргувоний», «лолагун» ва бошқа синонимлар ҳам ана шундай ўзига хос оттенка ва услубга эга.

Биз қўйидаги ғазалларда ана шу фикрнинг исботини кўрамиз:

Қуруди чеккали қондин кўзум ниқоб қизил,
Бале, ёғинсиз ўлур, чун бўлур саҳоб қизил.
Кўзумда лоладек ул юз ғариб эрур қон ёш,
Ки бўлса гул қизил, ўлмас анга гулоб қизил.
Бошим сипехрдек ўлдию қон ёшим сари боқ,
Ки ҳар замон югурур анда бир шиҳоб қизил... (НШ, 376).

Хуштуур гулгун қадаҳ давринда гул барги тари,
Хосса байрам аввали бўлғай дого гул охири... (FC, 590).

Бу ҳол фақат ранглар тасвири изчил бўлган яхлит ғазаллардагина эмас, балки бошқа ғазаллар таркибида учрайдиган ранг тасвири билан боғлиқ айрим байтлар учун ҳам характерлидир. Масадан:

Қилса кул жисмимни ўртаб оташин ораз гули,
Ҳар овуч кул даҳр бўстонида бўлғай булбуле (FC, 622).

Бу ҳумрат бирла эрмас оташин гул, оқ гул эрдиким,
Юзунг барқидин ўт тушти ангаким, бўлди гулнорий (FC, 625).

Кўз қонидин дема этагим лоловордур,
Ким кўхи дарднинг этаги лолазордур (НШ, 188).

Лоладек юзунг хаёлидин тўла қондур кўзум,
Балки лола жомидек қон ичра пинҳондур кўзум (НШ, 399).

Ашк қонида Навоийдур сўнгак жисми била
Ул муборизким, қизил жинс ичра бўлғай жавшани (FC, 604).

Хуллас, Навоий ўз шеърларида ишлатган ҳар бир ибора, ҳар бир сўзга жиддий муносабатда бўлган ва улардан ўринли фойдаланган. Бу ҳол унинг ранг, тус билдирувчи сўzlар ва уларнинг синонимларига бўлган

муносабатида ҳам яққол намоён бўлади. Бу фикр шоир лирикаси учунгина эмас, балки унинг бутун бадиий асарлари, жумладан, «Хамса»сига ҳам бевосита алоқадордир. Навоий лирикаси билан унинг монументал «Хамса»си орасида фақат ғоявий нуқтаи назардангина эмас, шу билан бирга, бадиий усуслар ва умуман услубий жиҳатдан ҳам табиий боғланиш мавжудки, бу шоирдаги етакчи эстетик принципларнинг ниҳоятда изчилигидан далолат қилади. Биз шу ўринда йўл-йўлакай, ғазалларда кўриб ўтганимиз «қизил» тушунчаси билан боғлиқ бўлган синонимларнинг «Сабъай-сайёр»да ишлатилишига бир назар ташлаб ўтмоқчимиз.

Маълумки, Низомий достонида ҳам, Навоий достонида ҳам тўртинчи ҳикояни Баҳром (сешанба куни) қизил рангдаги қасрда эшигади ва бу бобда бутун воқеалар шу ранг билан боғлиқ ҳолда давом этади. Ана шу бобдаги ҳикоянинг сарлавҳаси Низомийда қуидагича:

«Нишастани Баҳром рўзи сешанбе дар гунбади сурх ва афсона гуфтани духтари подшоҳи иқлими чаҳорум»²⁰.

Навоийда:

«Сешанба куни Баҳромнинг гулгун либос билан қасри гулнорийға таважжӯҳ қилиб, шафақгун ҳуллалик хурshed била соғари ёқутфом ичинда лаълранг май ичгони ва ул ёқут ва лаълдин уйқу учун муфарриҳ тартиб қилиб, майдин қизорғон кўзин юмғони»²¹.

Кўриниб турибдики, Низомий қасрни фақат «қизил» (сурх) деб қўяқолгани ҳолда, Навоий ана шу тушунчани англатувчи «гулгун», «гулнорий» синонимларини қўллаган. Бу ҳолни бутун ҳикоя давомида ҳам кўрамиз:

Шоҳ Баҳром кийди гулгун раҳт,
Тикди гулгун уй ичра гулгун таҳт.
Қасри гулгун сари қилиб оҳанг,
Истади исча бодаи гулранг...²²

Бизнингча, Навоийнинг «қизил» ўрнига «гулгун» ва «гулнорий» сўзларини танлаб олиши ҳикоядаги ғоявий мақсаднинг талаби билан юзага келган. Чунки, биз юқорида кўриб ўтганимиздек, Навоий «қизил» сўзи ни кўпроқ тасвир қон билан боғланган ўринларда ишлатади. Бу ҳикоянинг мазмуни эса бутунлай бошқа-

²⁰ Хамсаи Низомӣ. Текрон, 1314, саҳ. 341.

²¹ Хамса. Тошкент, 1958, 1058-бет.

²² Уша ерда.

ча: саҳоват ва адолат — мангулик ва гўзаллик тимсоли бўлиб, ҳеч қандай куч олдида маҳв бўлмайди ва доимо барча гўзалликлар манбаи бўлмиш ҳаёт бўстонига оройиш беради. Шунинг учун ҳам бу ҳикоя шоир ижодининг энг характерли томонини ниҳоятда ёрқин инфада этган қуидаги байт билан тугайди:

Хушдуур бояни коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули²³.

Ҳикоя адолатнинг зулм ва истибдод устидан ғалабасини, эзгу ниятларнинг тантанасини ёрқин намойиш этади. Ҳикоя охирида биз мангу баҳор — гўзал ҳаётнинг ўз изида давом этишини кўрамиз. Ундаги муаттар гулларнинг тароватини ҳис этамиз. Муаллифнинг «гулгун» сўзига урғу бериши, уни кўп ишлатишнинг боиси ҳам (бизнингча) худди ана шунда — ҳикоянинг юксак оптимистик рӯҳда бўлишида.

Низомийда эса ҳикоя давомида асосан «қизил» сўзи ишлатилади. Зотан, ҳикоянинг мазмуни шуни тақозо этса керак: Рус мамлакати маликасига этишиш орзусида минг-минглаб кишиларнинг қони тўкилиб, калласи бозор деворларига осилади. Ҳатто Низомий VII ҳикоядан кейин хулоса сифатида бир неча байт битади ва гап қизил рангга келганда, яна тасвирини қон билан боғлади:

Котиб-ал-ваҳий кулли боби ҳаёт
Бар шафоиқ баҳун навишта барот²⁴.

Албатта, Низомий ва Навоий достонларини ҳар бир шоирнинг ўз олдига қўйган мақсади ва эстетик принциплари нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил этиш маҳсус илмий тадқиқотни тақозо этади. Лекин биз, қаламга олган мавзумиз муносабати билан, йўл-йўлакай шуни айтишимиз мумкин: Низомий ҳикоясида ишқий саргузаштлар етакчи ўрин тутса, Навоий асарида саҳоват ва адолатпарварлик, яъни ижтимоий масалалар биринчи планда туради.

Навоийдан кейинги давр ўзбек шеъриятида мазкур усулга доир айрим ғазалларнинг учратамиз. Лекин бирор шоир ижодида у маълум система ҳолига кирмаган. Айрим шоирлар бир ёки бир нечта ғазалида тасвирида рангларга мурожаат қилган. Шу соҳага доир мавжуд ғазаллар, асосан, икки хил кўринишга эга. Бир қатор ғазалларда рангни инфодаловчи сўзлар радиф бўлиб келган. Албатта, бундай шеърларда тасвирининг

²³ Уша асар, 1088-бет.

²⁴ Ҳамсан Низомий. Текрон, 371-бет.

бевосита бирор ранг атрофида бориши маълум жиҳатдан радифнинг талаби билан амалга ошади. Лекин, бундан қатъи назар, биз Навоий лирикасидаги мазкур усулнинг у ёки бу шоир ижодига таъсири борми ёки йўқми деган масалани ҳал этишимиз лозим.

XIX асрнинг ўрталарида Бухорода яшаб ижод этган ва ўзбек ҳамда тоҷик тилларида шеърлар битган шоир Шукурий девонида бошдан охирига қадар тасвир ранглар билан боғланган ўзбекча ғазаллар учрайди. Ана шу ғазалларнинг матла ва мақтаи қуидагича:

Жилва азмин қилди мен сори, кийиб жононим оқ,
Улди ҳижрондин қароргон кулбай эҳзоним оқ...
Тийра шомим субҳ янглиғ равшан ўлса, не ажаб,
Эй Шукурий, гар кийиб чиқса маҳи тобоним оқ²⁵.

Гулшан ичра юзга ёпган гулшани жонон сариф,
Бир гули раънодур: бир ён қизил, бир ён сариф...
Ушбу кун ғам бирла сорғорди Шукурий, тонгла ҳам
Қилмагай, ёраб, бу қулни суҳбати ҳурмон сариф²⁶.

Биз мазкур шеърлар бевосита Навоий ижоди таъсирида яратилган деб айтишимиз мумкин. Чунки ана шу ғазаллар билан Навоийнинг шу хилдаги ғазалларида услуб жиҳатдан яқинлик бўлишидан ташқари, Шукурий девонидаги кўпгина шеърлар устида уларнинг Навоий ғазалларига татаббу сифатида ёзилганини ҳам қайд этилган. Жумладан, тасвир ранглар билан боғлиқ ғазалларнинг деярли барчаси Навоий ғазаллари таъсирида ёзилган. Бу ҳол Навоий ижодидаги мазкур усул умуман унинг ижоди учун характерли бир ҳол бўлиб, шоир ижодининг мухлислари дикқатини ўзига жалб қилганлиги ва улар ижодига таъсир кўрсатганлигидан далолат қиласи.

Қуидаги ғазаллар ҳам ана шундай шеърлар гуруҳига киради. Аммо биз бу шеърлар бевосита Навоий таъсирида ёзилганми ёки йўқми деган масалада ҳозирча бирор аниқ фикр айтиш имкониятига эга эмасмиз:

Эй юзу, холу лабинг оқу, қарою қизил,
Сен қуёшу кавкабинг оқу, қарою қизил...
Ул пари шаҳло кўзин айла, Ҳумулий. ҳаёл,
Бўлса агар матлабинг оқу, қарою қизил.

Гул ҳуснининг ламъотидин бўлмишмудур гулшан қизил,
Ё эгнига киймишмудур дилдор пироҳан қизил²⁷

²⁵ СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими фонди, инв. С. 1581, 606—61а варақлар.

²⁶ Уша қўллэзма, 158а варақ.

²⁷ УзССР ФАШИ, инв. № 264, 105б варақ.

Огаҳий девонида «Либос» радифлі бир ғазал мавжуд. Бу ғазалда ҳам тасвир яшил ранг билан боғлиқ ҳолда боради. Лекин бу ғазалда тасвирнинг бир ранг атрофида бориши, юқоридаги шоирлардагидек, радифнинг талаби билан эмас, балки шоирнинг шеърдан кўзлаган мақсади, ғояси натижасидир. Лекин мазкур ранг ғазалнинг охирига қадар эмас, фақат биринчи ва учинчи байтдагина тилга олинади ва «либос» сўзининг радиф бўлиб келиши ғазал бошида яшил либосда кўринган маъшуқани шеър охирига қадар ўқувчи тасаввуридан узоқлаштирамайди:

Чиқти ул симин бадан уйдин кийиб ахзар либос,
Атласи гардундин этгондек маҳи анвар либос...
Хилъатин айлабмудур ул сарви мавзун қад ёшил,
Иўқса ахзар айламишдур Хизр пайғамбар либос...
Бўлма маҳзун, Огаҳий, сен догои урён қолмагунг,
Журм ила ҳақ лутфидин кийган чоги маҳшар либос²⁸.

Яна бошқа шоирлар шеърлари орасида ҳам шу мавзуга доир биз кўрмай қолган баъзи бир ғазаллар бўлиши мумкин. Лекин умуман олганда, ўзбек классик адабиётида бирор шоир ижодида ранглар тасвири Навоийдагидек маҳсус поэтик усул даражасига кўтарилимаган.

Композицион-стилистик усуллар

Навоий девонидаги бир қатор санъатлар бевосита шеърнинг композицияси ва услуби билан алоқадор. Шу жиҳатдан биз уларни характер эътибори билан композицион-стилистик усуллар деб аташимиз мумкин. Лекин бу атама умумий ва маълум даражада шартли бўлиб, шу гуруҳга мансуб усулларга хос хусусий жиҳатларни инкор қилмаган ҳолда, уларнинг умумий хусусиятларигагина асосланган. Чунки айрим санъатлар фақат шеърнинг умумий композициясига дахлдор бўлса, баъзилари унинг синтактик структураси билан, баъзи бирлари эса семантик-синтактик структураси билан алоқадор. Умуман, бу гуруҳга мансуб санъатларнинг ўзини ҳам яна маълум принцип нуқтай назаридан табақалаш мумкин.

Биз ана шу санъатлардан айримларининг Навоий поэтик тасвири доирасидаги функционал хусусиятларини белгилашга ҳаракат қиласиз.

²⁸ УзССР ФАШИ, инв. № 903, 112б варақ.

Раддул-матла — қасида ва ғазал учун хос бўлган ~~ва шеърнинг~~ семантик-синтактик структураси билан алоқадор шеърий санъат. Бу санъат X—XV асрларда яшаган атоқли форс шоирлари (Рӯдакий, Носир Хисрав, Анварий, Сўзаний, Сайфи Фарғоний, Ҳасан Деклавий, Ибн Ямин, Ҳофиз ва бошқалар) шеъриятида учраса-да, бироқ ана шу даврларда яратилган поэтикага доир асарларда қайд этилмаган. «Раддул-матла» термини биринчи марта Қамолиддин Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Бадоев-афкор фи саноеъ ул-ашъор» (1489) асарида тилга олинади. Кошифий таърифининг ўзбекча мазмуни қуйидагича: «Раддул-матла — сўнгги даврдагилар бу амални (ишни) санъатлар жумласидан ҳисоблаганлар ва у шундан иборатки, шоир матладаги мисранинг қоғиясини кейинги байтда келтиради»²⁹.

Аввало, Кошифий таърифи, «раддул-қоғия»га дахлдор бўлиб, бу санъатнинг моҳиятини ифода қилмайди.

Бу санъатда фақат қоғия эмас, балки бутун мисра тақорланади. Шунингдек, мисра фақат матладан кеининг байтда эмас, балки мақтада ҳам тақорланиши мумкин.

Шу жиҳатдан ҳозирги замон тадқиқотчиларидан эрон олими Доий Жаводнинг шеърий санъатларга бағишиланган асарида раддул-матлага берилган таъриф анча тўлиқ ҳисобланади: «Раддул-матла шуки, қасида ёки ғазалининг биринчи мисрасини мақтада ва шеърнинг охирида тақорлайдилар»³⁰.

Биз Навоий ғазалиётида қўлланган раддул-матла намуналари асосида шу санъатга қуйидагича таъриф беришимиз мумкин:

Раддул-матла — ғазал ёки қасида матлаидаги мисралардан бирини кейинги байтлардан бири таркибида ёки мақтада муайян мақсад билан янгича стилистик аспектда тақорлаш санъатидир.

Лекин шуни таъкидлаш лозимки, бу санъат матла ва мақта ўртасидаги бандларда, асосан, иккинчи байтда учрайди. Шунингдек, «раддул-матла» терминининг ўзи ҳам шартли. Чунки бутун матла эмас, балки мат-

²⁹ كمال الدين حسين واعظ كاشفي، بدایع الافکار فی صنایع الاشعار

Москва, 1977, 726 варақ (Р. Мусулмонқулов нашри).

³⁰ Доий Жавод. Зебоиҳон сухан ё илми бадеъ дар забони форсӣ. Исфаҳон, 1956, саҳ. 90.

ладаги икки мисрадан бири, ва асосан, биринчи мисра тақрор келади.

Биз Навоийгача бўлган ўзбек шоирларидан Атойи ва Саккокий девонларида (тўлиқ бўлмаган девонлар, албатта) шу санъатга хос хусусиятлар мавжуд бўлган иккита ғазални учратдик.

Атойи ғазалида:

Севди хўбларни, айирди хонумонимдин кўнгул,
Узга не истар менинг бу қилча жонимдин кўнгул...

Жон берур маҳбуб учун ошиқ, Отойи, неча сен
Хар дам айтурсен: айирди хонумонимдин кўнгул.

Саккокий ғазалида:

Кўруб гултек юзунг жон пора-пора,
Жигар ҳам қилди ул жон пора-пора.

Кўнгул Саккокитеқ жон бирла рози,
Жигарни қилса ул жон пора-пора.

Атойи ғазалидаги тақрорни шартли равища ярим раддул-матла деб айтиш мумкин («кўнгул» радд эмас, чунки у радиф).

Саккокийда эса «ҳам» дан бошқа барча сўзлар тақрорланган. Лекин мазмун тақозоси билан грамматик шаклда ўзгариш содир бўлган (ўтган замонга мансуб маъно келаси замон шарт формасига айланган). Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам тақрор мазмун талаби билан амалга оширилган бўлиб, мантиқан табиий чиққан. Навоий девонида ҳам ана шу типдаги қайтариш намуналари мавжуд. Бу, албатта, шоирнинг доимо мазмун талаби билан иш кўрганлигини кўрсатади. Лекин биз шоир ғазалиётида раддул-матланинг ўнлаб етук намуналарини учратамизки, бу ҳол Навоий ана шу санъатни ҳам ўзбек шеъриятидаги етук санъатлар даражасига олиб чиқиши учун жиддий киришганлигидан ва поэтик тасвирда унинг ранг-баранг қирраларини намойиш қилишга ҳаракат қилганлигидан далолат қилади.

Навоийнинг ўзбекча ғазалларида раддул-матланинг икки типи мавжуд: бу санъат матла билан иккичи байтда ҳамда мақтадагина ишлатилган. «Хазойинул-маоний»да учрайдиган 35 га яқин (тўлиқ «радд»нинг ўзи) «радд»нинг фақат учтасигина (биттаси тўлиқ, иккитасида бир сўз ўзгарган) матла ва ундан кейинги байтга тааллуқли. Қолган 31 тасида санъат матла ва мақтада ишлатилган. Мазкур учта ғазалнинг биттаси

шоир ижодиётининг илк даврига, иккитаси эса йигитлик даврига мансуб.

Қуйидаги байтлар билан бошланувчи ғазал Навоийнинг ёшлиқ даврида яратилган бўлиб, унинг ижодидаги (ҳозирча умуман ўзбек ғазалчилигидаги ҳам) раддулматла санъатининг дастлабки етук намунаси ҳисобланади.

Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур,
Хилъат эрмас, ул бир ўтдурким, менинг жонимдадур.

Оташин лаъледурким, анда музмар бўлди жон,
Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур (БВ, 198).

Шоирнинг мақсади маъшуқанинг олов-оташдек ёниб турган ва гўё «оташин гул баргидан» тикилган либосини муболағали равишда тасвирлаш ва унинг кучли таъсири натижасида ошиқ (шоир ўзи) руҳий ҳолатида юз берган чуқур ўзгаришларни бўрттириб кўрсатишдан иборат. Шунинг учун ҳам шоир ғазалнинг бошидан мусалсал (занжирли) ташбиҳни қўллайди: биринчи мисрада маъшуқанинг либоси чўғдек қизил гул баргига нисбат берилади, иккинчи мисрада эса шоир ружуъ санъатини қўллаб, ўзининг дастлабки фикрини рад этауди ва ундан ҳам муболағали ташбиҳни келтиради: унинг эгнидаги хилъат — либос эмас, балки шоир жонига тушган ўт — аланга.

Кейинги байт мусалсал ташбиҳнинг давоми — янги ҳалқаси ҳисобланади. Қўтаринки руҳдаги тасвир янада юқори поғонага қўтарилади: маъшуқа эгнидаги хилъат — бу чўғдек лаъл бўлиб, унинг ичига жон (маъшуқа вужуди) яширган. Учинчи мисрада бадиий абстракция юқори чўққига чиқади ва дастлабки мисранинг қайтарилиши билан тавсифнинг биринчи босқичига якун ясалади. Эндиғи вазифа тавсифни ана шу даражасидан туширмай, тасвир пардаларида юзага келган тарангликни сақлаган ҳолда, давом эттиришdir. Бинобарин, шоир кейинги бандда бошқа санъат — тажоҳили ориф усулини ишга солиб, занжирли ташбиҳни давом эттиради ва кейинги бандларда ана шу асосий принципни сақлаш (занжирли ташбиҳни узмай, изчил давом эттириш) учун янги усувларни қўллайди:

Жон қуши хунобидин тутмиш малоҳат нахли ранг,
Ё либоси лолагун сарви хиромонимдадур...

Юқорида эслатилганидек, шу типдаги раддул-матланинг иккитасида биттадан сўз ўзгарган. Улардан бири қўйидагича:

Оқким, ғам тиғидин күксумни қилди чок ишқ,
Дуди охымдин күсумни айлади ғамнок ишқ.

Дард кирмак бирла жон чиқмоққа гар йўл қилмади,
Не учун ғам тиғидин күксумни қилди чок ишқ?.. (FC, 331).

Биринчи мисра мазмунан дарак гап бўлиб, фикр (хабар) эмоционал руҳда баён қилинган. Худди шу мисра кичик бир ўзгариш билан кейинги байтда такрорланган, лекин бу ўринда бутунлай янгича аспектда бўлиб, ошиқнинг риторик сўроғи шаклини олган. Ишқ ғам тифи билан ошиқ күксини чок этган. У қатъий хулосага келади: ишқнинг мақсади ошиқни ўлдириш. Унинг күксидаги чок эса дард ошиқ баданига кириб, жонни ҳайдаб чиқариши учун очилган йўл. Бас, шундай бўлмаса, нима учун ишқ ошиқ кўнглини ғам тиғи билан чок этди?

Мазкур мисоллар моҳият жиҳатидан бир типга мансуб. Лекин қўлланиш характеристи жиҳатидан улар орасида маълум даражада тафовут мавжуд. Дастрлабки шеърда хабар (коммуникатив қисм, яъни 1-мисра) билан уни таъриф, тавсиф этиш (2-мисра) параллел боради (кейинги байтда тартиб аксинча). Иккинчи ғазалда эса бошқачароқ ҳолни кўрамиз: бошланғич байт тўлиқ коммуникатив характеристерда. Унинг поэтик муҳокамаси эса иккинчи байтдан бошланади.

Юқоридаги иккى мисолдан шундай хулосага келиш мумкин: ғазал композициясида амалга оширилган усул — стилистик характеристидаги комбинация формал сўз ўйини эмас, балки шеърнинг семантик структураси талаби билан юзага келган ҳодиса, семантик структуранинг ташки ифодаси ҳисобланади.

Матладан кейинги байт билан боғлиқ раддул-матла учун хос бўлган бир хусусиятни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Бу ана шу санъатнинг шеърнинг умумий оҳанги, оқимиға кўрсатган таъсиридан иборат. Дастрлабки учта байтда тасвир шиддат билан ривожланиб, юқори нуқтага чиқади. Тўртинчи мисрада эса маълум даражада тўхталиш ҳосил қилинади. Гўё шоир (демак, ўқувчи ҳам) юқорига чиқиб олгач, бир оз нафасини ростлаб олади ва ўша юксакликда йўлини давом эттиришга киришади.

Раддул-матланинг энг кўп учрайдиган иккинчи тури — матла ва мақта билан боғлиқ турида эса бошқача манзаранинг шоҳиди бўламиз. Бунда ана шу санъат ғазалнинг биринчи ва охирги мисрасидан иборат бўлиб, шеърнинг бутун қисмларини ўз ичига олган ҳалқага ўхшайди. У бир байнинг ўзида ҳам шеърдаги маз-

муннинг бошланиши, ҳам хулосаси — якунидан иборат.

Раддул-матлада семантик структура билан унинг ифодаланиши формаси ўртасидаги мутаносиблик кўзга ёрқин ташланиб туради. Чунки бу санъатнинг ҳар икки кўринишида унинг шеър структурасидаги ўрни мазмун доирасидаги мавқеи билан ниҳоятда мувофиқ келади.

Маълумки, ҳар бир етук ғазалда асосий ғоя бутун шеърни бир бутун сифатида уюштирувчи етакчи куч ҳисобланади. Шеърда асосий марказлаштирувчи куч ҳисобланган ана шу таянч ғоя ёки фикр турлича шаклда ифодаланиши мумкин (бир мисрада, бир байтда ёки ортиқроқ байтда). Шеърдаги бош фикрнинг ифодаланиши ўрни эса шеърнинг характеристи билан бевосита боғлиқ: тавсифий, тасвирий ва мулоҳазавий характеристердаги ғазалларда у турли формаларда намоён бўлади (биринчи байтда тезис сифатида, кейинги байтларда хуласа сифатида ва ҳоказо).

Раддул-матлага ғазалдаги етакчи фикрга муносабати нуқтаи назаридан ёндашсак, унинг туб моҳияти ҳамда ҳар икки типига хос етакчи хусусиятлар аниқроқ кўзга ташланади.

Ғазалнинг биринчи байтида ишлатилган раддул-матла тасвир жараёнининг дастлабки бир босқичига мансуб бўлиб, шеърдаги асосий фикрни таъкидлашга эмас, балки тасвир, тавсиф ёки фикр-мулоҳазанинг муайян бир томонини бўрттириб кўрсатишга хизмат қиласди.

Бу санъатнинг матла ва мақтадаги типи эса бошқача характеристерга эга: унинг вазифаси ғазалдаги етакчи фикрни ёки фикр, тасвир билан алоқадор бўлган асосий объектни ёки унинг муҳим бир қиррасини алоҳида таъкидлаб, бўрттириб кўрсатишдан иборат.

Бу санъатнинг асосий функцияси — таъкидлаш, албатта. Лекин ана шу функция, ҳар бир шеърнинг туб моҳияти, характеристи билан боғлиқ ҳолда, турлича аспектда намоён бўлиши мумкин. Бу, бир жиҳатдан, ғазалнинг характеристи (тавсиф, тасвир, мулоҳаза ёки иккитаси қўшилган ҳолда), иккинчи томондан эса шеър замаридағи воқеанинг асосий типлари билан (ассоциатив, сабаб-оқибат, контраст) бевосита алоқадор.

Бир нечта ғазал мисолида биз ана шу санъат ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин.

Қўйидаги ғазал Навоий ижодининг иккинчи даврига (йигитлик даврига: 1465—1476) тааллуқли бўлиб, дастлаб «Бадоул-бидоя» девонига киритилган.

Хүштүрүр гулгун қадаң давринда гулбарги тари,
Хосса, байрам аввали бўлғай доги гул охири.

Ҳар варақ бир номаи ишратдуур — фаҳм айлагил,
Тонг елидин абтар ўлмастин бурун гул дафтари.

Ғунчага худи бирла гул қолқонига етти шикаст,
Бўлғали пайдо сариғ савсаннинг олтун шашпари.

Гул адам шомига юзланган учун занбақ гули
Бор кумуш машъал додгию хурдалардур ахгарни.

Лола қон узра бўёлиб, ўт уза анбар қуюб,
Бор парихон, чиқмағон гойиб чечаклардур пари.

Нилуфар тутмиш сипеҳри ложувардий ҳайъатин,
Жолалар юзинда андоқким нужуму ахтари.

Үкса лаълингни Навоий, санга хуш келмас вале
Хүштүрүр гулгун қадаң давринда гулбарги тари (FC, 608).

Матланинг биринчи мисраси тезис характерида бўлиб, унда шоирнинг асосий фикри муҳтасар ифода этилган. Иккинчи мисра эса ғазалнинг асосини ташкил этган ана шу таянч фикрни замон ва макон жиҳатидан конкретлаштиради. Гулгун май тўлдирилган қадаҳ теварагида яшнаб турган гул япроқларининг бўлиши ниҳоятда ёқимли. Бу нарса, хусусан, қизил гул мавсумининг охири-ю ёз фаслининг бошланишида («байрам» сўзи бу ерда кенг маънода бўлиб, фақат ҳайит маъносида эмас, умуман фаровонлик фасли бўлмиш ёзни ҳам ўз ичига олади) ўзгача нашъя бахш этади.

Шоир кейинги байтни ўз фикрини оригинал истиоравий тасвир воситасида далиллашта бағишлайди: сен ана шундай жозибали ва айни замонда, мұваққат фурсатни ғанимат бил. Зотан, идрок этган киши учун гул — бамисоли ҳар бир вараги ишрат номасидан иборат бўлган бир дафтар. Тонг ели ана шу нозик дафтарни барбод қилиши, шубҳасиз. Бинобарин ана шундай ғанимат айёмни беҳуда ўтказиш — бу ғофиллик.

Кейинги байтларда шоир ўз фикрини далиллар асосида шарҳ этиш учун конкрет тасвирга ўтади. Кейинги тўрт байт ана шу конкрет фаслнинг (қизил гул даврининг тугаши) энг характерли жиҳатларини намойиш қилишга қаратилган. Натижада ҳар бир байт тамсилӣ характердаги лирик лавҳага айланган. Қаранг: сариқ савсаннинг «олтин гурзиси» (пайдо бўлиши — очилиши) ғунчанинг учли жез қалпоғи билан гулнинг қалқонига шикаст етказди (3-байт).

Қизил гул йўқлик шомига кирганлиги учун занбақ гули (пиёз бўтали, барглари узун сафсаргул) бамисоли ўша шомдаги кумуш машъалга ўхшайди (4-байт).

Лола эса қонга бўялган ҳолда олов устига анбар (қора доғларига ишора) сепаётган парихон (5-байт).

Нибуфар тўқ кўк тусли осмон суратига кирган. Унинг юзидағи шудринглар эса бамисоли осмон саҳнидаги юлдузлар. Шоир қизил гулнинг инқирози давридаги гуллар олами учун характерли бўлган манзаранинг энг характерли жиҳатларини танлаб олиб, истиоравий тасвирини беради. Лекин бу ғазалда шоирнинг мақсади табиат манзарасининг оддий тавсифини бериш эмас. Ғазалда манзара тавсифи билан шоирнинг мулоҳазаси ёнма-ён боради. Унданда ҳар бир деталь муайян функцияга эга бўлиб, шоирда ўзига хос ассоциация ўйғотади ва шоир мулоҳазаларининг барчаси унинг биринчи байтдаги холосавий фикрини ҳамда иккинчи байтдаги даъватини қувватлашга хизмат қиласи. Шундан кейин шоир бутун тасвири яқунлаб, умумий хулога ўтади.

Маълумки, шоирнинг асосий ғояси ва, умуман, ғазал марказида турган холоса тарзидаги фикри биринчи мисрада тезис сифатида берилган эди. Ғазал холосасида эса ана шу фикр яна тақорланади. Лекин оддий тақрор сўнгги байтни шеърнинг олдинги узвидан ажратиб қўйиши ва тасвирдаги мантиқий изчилликка пуртур етиши мумкин. Мантиқий тақрор учун эса сабаб керак. Шу мақсадда шоир тасвири маъшуқа билан боғлайди: Навоий лаълдек қизил лабингни мақтаса, сенга у қадар хуш келмайди. Ваҳолонки, «хуштуур гулгун қадаҳ давринда гул барги тари». Бу фикрнинг исботи, шарҳи эса олдинги байтларда батафсил келтирилган. Шоир асосий фикр, ғояни тезис сифатида бериб, кенг изоҳлаш ҳамда уни яна холоса тарзида таъкидлаш ва бунда мантиқий изчилликни сақлаш учун катта маҳорат кўрсатган. Шеърий санъат сифатидаги мисра ҳар иккала байтда айнан бўлса-да, лекин уларнинг ҳар бири мансуб бўлган байтлардаги фикрий ва услубий муҳитлар бир-биридан тафовут қиласи. Биринчи байтда поэтик фикр тўғридан-тўғри баён қилинган бўлса, мақтада энди истиоравий характерга эга. Яъни бу ердаги «гул барги тари» иборасида маъшуқанинг лаълига — қизил лабига ишора ҳам бор. Демак, шеърнинг бошида умумий тезис сифатида келган мисрага шеърнинг холосасида, дастлабки маъносини сақлагани ҳолда, янги вазифа юклатилган. Демак, шоир

ўзининг асосий ғояси — фикрини таъкидлаш учун уни айнан тақрорлаш йўлидан бормайди, балки унинг янги қирраларини намоён қилиш ва янгича фикрий-услубий вазият яратиш орқали ўз муддаосига эришади.

Ғазалнинг семантик композицияси, бизнингча, уч қисмдан иборат: Булар — тезис ва ундан чиқадиган холоса (матла ва мақта) ҳамда ана шу тезиснинг исботи — шарҳидан иборат (2—6-байтлар). Ғазал асосидаги бош фикр бир пайтнинг ўзида ҳам тезис, ҳам холоса сифатида келган. Бу, албатта, мазкур ғазалнинг характеристери билан боғлиқ ҳодиса. Чунки ғазалнинг бош томони тўғридан-тўғри мулоҳаза — фикр баёни билан бошланади ва кейинги байтларда ассоциация асосий позицияни эгаллайди. Охирги байтда тасвир яна дастлабки ҳолига қайтади.

Тасвирнинг характеристи турлича бўлган шеърларда бу санъатнинг (гарчи асосий функцияси ўзгармаса-да) конкрет функцияси билан боғлиқ моҳияти турлича бўлиши мумкин.

Масалан, Навоий ижодининг тўртинчи босқичи — қарилик даврига мансуб бўлган қўйидаги ғазални кўздан кечирайлик:

Кимсани дард аҳли деб сирримға маҳрам айладим;
Уз-ўзумни куч била расвои олам айладим.

Аҳли роз эл оллида одам деса бўлмас мени,
Менки ўз розимға маҳрам жинси одам айладим.

Бул ажаб сирримни маҳфий асрароқ душвор эди,
Барча гар Фарҳод ила Мажнунни ҳамдам айладим.

Уз ғамим ифшосидин оламниким қилдим қаро,
Иш, ўзумга демаким, оламға мотам айладим.

Айладим жонимға юз бедод, лекин ўлмаги
Сиррим ифшоси била эрди, ани ҳам айладим.

Элга расво бўлмоғи бўлдум, не суд эмди, агар
Юз туман мисмор ила оғзимни маҳкам айладим.

Кофири ишқ ўлмоқ эрмиш фош қилмоқ сирри ишқ,
Номусулмонлиқни кўнглумга мусаллам айладим.

Шодмен аҳли замон бирла замондинким, ўзум
Айладим ўз қисматим, андуҳ агар ғам айладим.

Эй Навоий, дема сирринг кимсага, мундоқки мен
Кимсани дард аҳли деб, сирримға маҳрам айладим (НШ, 413).

Замон ва замон аҳлидан шикоят ғазалнинг асосий мавзуси ҳисобланади. Шоирнинг асосий холосаси, ўқув-

чиға қаратылған ўғит-насиҳати мақтанинг биринчи мисрасида мурожаат тарзидан келади: «Эй Навоий, дема сирринг кимсага...».

Шоирни ана шундай қатъиі хулоса чиқаришга мажбур этган шарт-шароитлар эса юқоридаги байтларда изчил изохланған. Шоир бошига түшгап оғир кулфаттарнинг, «расвои олам» бўлишининг сабаби нимада? Бунга ҳам унинг ўзи: «Кимсани дард аҳли деб, сирримға маҳрам айладим» ва натижада «Ўз-ўзумни куч била расвои олам айладим»,— деб жавоб беради. Шоирнинг асосий мақсади — номақбул замон ва замон аҳлини қоралаш, қаттиқ танқид остига олиш. Лекин у ўз муддаосига тўғридан-тўғри эмас, билвосита эришади. Яъни ўз-ўзини маломат қилиш (ўз замонаси ва замондошларига ўринсиз ишонч билдирганлиги учун), ўз шахсиятига хос айрим жиҳатларни (аслида тўғри фазилат — кишиларга ишонч, очиқ кўнгиллилик) қоралаш орқали ноаҳл кишилар ва уларни етиштириган замонани қоралайди. Шу жиҳатдан эпиграмма характеридаги 8-байтдаги биринчи мисра (Шодмен аҳли замон бирла замондинким, ўзум) замирида аччиқ кесатиқ, заҳархандалик ётади. Зотан, бу замонда бирор кимсага юрагини очиб, сирдошлиқ қилиш мумкин эмас. Мен била туриб ана шу ишни қилдим. Демак, барча ташвишлар учун бошқалар эмас, менинг ўзим сабабчиман. Чунки уларнинг феълу автори ўз-ўзидан маълум-ку. Шеър шоирнинг бошқалар учун ибратли бўлган муҳим хулосага келиши учун турткни бўлган асосий сабабни баён қилиш билан бошланади. Шундан кейин ана шу сабабнинг оқибати ва ниҳоят, шоирнинг хулосаси келади. Шоир шеърни ўзининг муҳим хулосаси (шеърдаги бош фикр ҳам шу) сабабини яна бир карра эслатиш ва алоҳида таъкидлаш билан якунлайди. Демак, мазкур ғазалда раддул-матла шоирнинг асосий ғояси, шеърдаги бош фикрнинг пайдо бўлиши учун асос бўлган сабабни таъкидлашга хизмат қилган. Йигитлик даврига мансуб қўйидаги ғазалда мазкур санъат яна бошқачароқ мақсад учун ишлатилган. Шеър мулоҳазавий характерда бўлиб, шоирнинг ўз аҳволи ва руҳий кайфияти баёнига бағищланған:

**Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх:
Ҳар киши заҳр исса, бўлғай ком анга ноком талх.**

**Ҳажр етса, май била дедим овунғайман валек
Ёрсиз бор эмиш ичмак бодай гулфом талх.**

Шоми ҳажримдин не оғаҳ, улки ҳижрон тунлари
Тонға тегру түкмади шўробани бир шом талх.

Шарбати сабр отини тутмангки, бир ой ҳажридин
Оғзима ҳайвон зулолин айламиш айём талх.

Оғзидин аччиқ сўз айтиб, зоҳир этса заҳрчашм,
Айб эмастур: писта шўру тонг эмас, бодом талх.

Жоми ҳижрон чеккали, билдимки, жаврунг саъб эмас:
Май неча талх ўлса, кўрмас они заҳрошом талх.

Носабур ўлмас, кўнгулга етса хуноби фироқ,
Не учунким, талх май ичгандин ўлмас жом талх.

Умр шаҳди бас чучукдур, лекин охир қилмаса
Марг заҳри бирла они даҳри нофаржом талх.

Васл жомидин, Навоий, элга бўлди баҳра нўш,
Ваҳқи, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх (FC, 128).

Ғазал асосида ёр васлидан маҳрум ошиқнинг ҳижрондаги оғир кайфияти ва аччиқ кечинмалари ётади. Шеър тўғридан-тўғри ана шу муддаонинг истиоравий («ҳижрон шарбати») баёни билан бошланади. Лекин барча байтдаги тасвир бир хил баёндан иборат эмас. Поэтик тасвирнинг жозибали бўлиши учун шоир турлича усулларни ишга солади. Жумладан, биринчи байтда қўлланилган тамсилӣ тасвир — психологик параллелизм (иккинчи мисра биринчи мисрадаги фикрнинг реал ифодаси учун тамсил сифатида параллел келтирилган) санъати 5, 6 ва 7-байтларда ҳам маҳорат билан ишлатилган. Эпиграмма тарзидаги 8-байт лирик чекиниш характерида бўлиб, катта умумлашма сифатидаги хулоса ҳисобланади ва у радифга тааллуқли мазмун воситасида умумий фон билан боғланиб туради.

Лирик қаҳрамоннинг аччиқ қисмати баёни ғазалнинг бошида тўғридан-тўғри изҳор-хабар тарзида берилган бўлса, унинг мақтаида контраст (тазод) усули билан келтирилади (эл ва биз): эл васл жомидан баҳраманд бўлди, бизга эса насиба комимизни ҳижрон шарбатидан аччиқ қилмоқ. Ана шу контраст усули дастлабки хабар — баённинг янгича тарзда кучлироқ жаранглаши учун имконият яратган.

Йигитлик даврига мансуб қуйидаги ғазалда раддулматла шеърдаги бош фикрни эмас, балки етакчи фикрнинг маълум бир жиҳатини таъкидлаш ва бўрттириш учун хизмат қилган:

Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун,
Нишона ҳар бирига дермен ушбу хаста бош ўлсун...

Навоий ашк дурридек, тиларким, кўзда ер бергай,
Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун (НШ, 508).

Шоирнинг нияти ўзининг ёрга нисбатан кучли севгиси ва садоқатини изҳор ва исбот этиш. Шунинг учун ҳам у шеърни ана шу мақсаднинг ёрқин поэтик ифодаси учун имкон берувчи муболагали тасвир билан бошлайди ва худди ана шу моментни хотимада такрорлайди. Лекин кейинги ўринда муболага олдингисига нисбатан янада нозикроқ ва юксакроқ даража касб этган (биничи байтда шоир ёр ишқи ҳавосида ёғадиган тошларга бошини нишона қиласа, охирги байтда у ана шу тошларга кўз ёши доналаридек ўз кўзларидан жой бермоқчи). Мана бу ғазалда эса «рад» санъати шеърдаги бош фикрнинг ўзини эмас, балки ана шу **фикр йўналтирилган**, шоирдаги **фикр-мулоҳазаларнинг юзага келиши** учун сабаб **бўлган асосий объекти**н (бу ерда мурожаат объектини) таъкидлашга қаратилган. Лекин асосий фикр матлада умумий планда, мақтада эса конкрет шахс (Навоий) билан боғлиқ ҳолда ифодаланган:

Эй гадойингнинг гадойи барча аҳли тахту тож!
Ким гадойингдур, анга йўқ тахт ила тож эҳтиёж...

То гадойингдур Навоий тахт ила тож истамас,
Эй гадойингнинг гадойи барча аҳли тахту тож! (FC, 111).

Навоий девонида мурожаат объектини таъкидлашга қаратилган раддул-матланинг ўнга яқин намунаси мавжуд. Лекин уларнинг аксарияти маълум мақсадга қаратилган расмий шеърлардан иборат.

Хуллас, Навоий ғазалиётидаги қўлланган раддул-матла санъати шеърдаги бош гоя — фикр, хулоса ёки унинг айрим жиҳатларини, етакчи фикр, хулосанинг юзага келиши учун туртки бўлган асосий сабабни, шунингдек, шоирнинг фикр, мурожаат объектига нисбатан эмоционал муносабатини таъкидлаш ва алоҳида бўртириш учун хизмат қиласи. Айни замонда бу санъат ғазалга ўзига хос оҳанг ва тугаллик бағишлиайди.

Навоийнинг бу санъатга муносабати ижодий фаолиятининг барча босқичларида бир даражада эмас. Қуйидаги жадвал бу ҳақда тўлиқ тасаввур ҳосил қиласи (фақат матла ва мақтадагилари):

	7 байтли ғазалда	8 байтли	9 байт- ли	10 байт- ли	Жами
I—ёшлик даври:	4	—	1	—	5
II—йигитлик даври:	11 ³¹	2	2	1	16
III—ўрта ёш даври:	8	—	—	—	8
IV—қариллик даври:	4	—	1	—	5
	27	2	4	1	34

Кўриниб турибдики, мазкур санъат ишлатилган ғазалнинг 50 процентга яқини йигитлик даврига тўғри келади. Энг асосий қисми эса етти байтли ғазалларга мансуб. Бу ҳол, албатта, бир томондан, шоирнинг ижодий изланишлари ва эволюцияси, иккинчи томондан, жанрнинг ўзига хос спецификаси билан узвий алоқадор. Демак, Навоий ижодий фаолиятининг ана шу даврида (1465—1476) мазкур санъат унинг эътиборини кўпроқ жалб этган. Бу тасодифий ҳол эмас, балки шоирнинг поэтика соҳасидаги ижодий изланишларининг бир қирраси ҳисобланади.

«Хазойинул-маоний»да раддул-матлага яқин бўлган яна бир санъат мавжуд. Бу санъатда бутун мисра тўлиқ эмас, балки унинг ярми (баъзан ярмидан озроғи, баъзан ортиқроғи) такрорланади. Раддул-матла билан раддул-қофия оралиғида бўлган бу санъатни шартли равишда ярим раддул-матла деб аташ мумкин. Бинобарин, бу санъатда, бир томондан, ғазалнинг семантик структураси билан боғланган композицион усул, иккинчи томондан эса раддул-қофия учун характерли бўлган стилистик комбинация қўшилган ҳолда намоён бўлади.

Девондаги ўн битта ярим раддул-матланинг саккизтасида (биз учратган) синтактик-стилистик комбинация ғазалнинг матлаи ва иккинчи байтида, учта шеърда эса матла билан мақтада ишлатилган.

Шеърнинг умумий мазмуни доирасида тутган ўрни, ундаги тасвирнинг оқимига кўрсатган таъсири жиҳатидан олиб қараганда, бу санъат билан раддул-матла

³¹ «Фаройibus-сиғар»даги 134-ғазалнинг такрорий мисрасида фақат бир сўз ўзгарган:

Кема оғзи демаким, ишқингда кўксум чокидур...
Кема оғзи гўё ишқида кўксум чокидур.

орасида маълум даражада яқинлик кўзга ташланади. Чунончи биринчи ва иккинчи байтларда у тасвир жараёнидаги муйайян бир босқични ифодаласа, матла билан мақтада тасвирнинг бошланиши ва хотимаси тарзида кўринади. Мана айрим намуналар:

Ёшлик даври лирикасидан:

Еғлиғинг илгимда, ашкимни равона айларам;
Кўзга суртуб, ашк аритмогни баҳона айларам.

Ул кўзумга чун етиб, таскин топиб гирёниги,
Кўздин олғач, ёна ашкимни равона айларам.

Ёна еткач кўзга, ашким турса, олурмен они;
Ёна борса, чорасин бу навъ ёна айларам (ФК, 434).

Лирик сюжетли бу ғазалда мазкур санъат ҳаракатнинг давомийлигини кўрсатади ва лирик қаҳрамон ҳолати билан боғлиқ характерли бир жиҳатни янада бўрттириш, таъкидлашга хизмат қиласди.

Иигитлик даври лирикасидан:

Менда бир ўтдуркӣ, гар дам урсам, афлок ўртанур;
Асрасам кўнглумда, жону жисми ғамнок ўртанур.
Меҳр эмас, оҳим ўтидин кўкка етмиш бу шарар;
Айб этмастур, гар десам: дам урсам, афлок ўртанур (НШ, 199).

Биринчи мисра қатъий хulosса тарзидаги баён-хабардан иборат. Мисранинг эргашган қўшма гап шаклидаги такрорланувчи ярми унинг бош қисмидаги фикрни («менда бир ўтдуркӣ») изоҳлашга хизмат қиласди.

Иккинчи байтда эса у маълум даражада мустақил, нейтрал ҳолатда бўлиб, ҳусни таълил санъати ишлатилган олдинги мисра («меҳр эмас») уни изоҳлашга хизмат қиласди ва натижада у лирик қаҳрамоннинг умумий вазиятини ифода қилувчи объектив хulosса характерига эга бўлган.

Қариллик даврига мансуб қўйидаги ғазалда яна бошқачароқ манзарани кўрамиз:

Ўпай олсан эшикинг туфроғини ёстанибон,
Салтанат тахтиға чиқмоқ тиламон уйғонибон.

Ит киби ҳар неча қавсанг, урубон тошу кесак,
Ёна келгум эшикинг туфроғини ёстанибон (НШ, 156).

Ғазалда тасвир контраст асосига қурилган. Лирик қаҳрамоннинг асосий мақсади ёрга нисбатан ўз муҳаббати ва садоқати қудратини исботлаш. Бунинг учун у тазод асосига қурилган муболағали тасвир усулини қўллайди. Матлада шоирнинг мақсади умумий тарзда ифодаланган. Кейинги байтда у ўз фикрини бошқача

аспектда (конкретроқ ҳолда) яна ҳам күчлироқ муболаға тарзида давом эттиради. «Рад» шаклидаги ибора биринчи мисрада шарт маъносидаги эргаш гап таркибиде келган бўлса, кейинги байтда у лирик қаҳрамоннинг қатъий қарорини билдирувчи бош гапни ҳосил қилишда иштирок этган. Энди бу санъатнинг иккинчи типи — матла ва мақтада ишлатилишига доир айрим намуналарни кўздан кечирамиз. Ёшлик даври лирикасидан:

Майда бўлса манга ул лаъли шакарханд газак,
Заҳр бўлсун, тилар ўлсам шакару қанд газак...
Эй Навоий, май агар заҳрдуур, ичса бўлур,
Кимсага гар бўлур ул лаъли шакарханд газак (ФК, 337).

Матладаги маъно конкрет шахс (I шахс) шоирнинг «мен» билан боғланган бўлиб, асосий фикр конкрет шахснинг ўз кечинмалари билан узвий боғланган хуросаси тарзида намоён бўлган («манга», «тилар ўлсам»). «Рад» ишлатилган мақтада эса етакчи фикр умумий хуроса сифатида келади («кимсага», «ичса бўлур»).

Матладаги конкрет мазмуннинг асосини ташкил этган фикр — ибора мақтада умумий хуросанинг асоси сифатида, лекин бўрттирилган ҳолда қайтарилган. Мана бу машҳур ғазал қариллик даврига мансуб:

Мени ишқдин манъ этар сода шайх;
Дема сода шайх, айтким: лода шайх.

Май устидаги хасча қилма ҳисоб,
Агар сув уза солса сажжода шайх...

Эранлардин ўзни тутар гарчи, бор —
Ўкуш зебу зийнат била мода шайх.

Навоий тилар сода юзлук йигит;
Не ғам, гар ани манъ этар сода шайх (НШ, 116).

Коммуникатив характердаги биринчи мисра шоирнинг шайх ҳақидаги танқидий мулоҳазалари изчил ифодаланган кейинги байтларнинг юзага келиши учун туртки, асосий сабаб ҳисобланади. Кейинги байтларда шайх шахси учун хос салбий жиҳатлар кескин фош этилади ва мақтанинг биринчи мисрасида қатъий бир фикрга келинади. Биринчи мисрада кейинги фикрларни қўзғатган сабаб тарзида келган хабар-мазмун охирги байтда шоирнинг қатъий хуроса тарзидаги фикрини бўрттиришга хизмат қилувчи сифатида қайтарилади.

Бу ўринда энди у оддий хабар тарзида эмас, балки шоирнинг конкрет муносабати билан боғлиқ ҳолда такрорланган.

Демак, бу санъат раддул-матла билан раддул-қофия ўртасидаги ўзига хос поэтик комбинация бўлиб, шеърнинг семантик структураси билан бевосита алоқадор композицион-стилистик усуллардан бири ҳисобланади. Бу санъат ишлатилган ғазалларнинг тўрттаси Навоий ижодининг илк даврига, учтаси йигитлик ва яна учтаси қарилек даврига (ўрта ёшда йўқ) тўғри келади. Демак, **бу санъат раддул-матлага нисбатан оз ишлатилган** ва шоирнинг унга муносабати ҳам бошқачароқ характерда.

Раддул-қофияда биз яна ҳам бошқачароқ манзаранинг гувоҳи бўламиз.

Раддул-қофия. Шеърий санъатларнинг ўнга яқини бевосита қофия билан алоқадор: эънот (ёки лузуми моло ялзам), зуқоғия — тайн, мусажжа (ёки муважжаҳ), тажзия, таштир, тажнис³², тарсе, ито (ёки раддул-қофия) ва ҳожиб ана шундай санъатлардан.

Лекин мазкур санъатларнинг барчаси характер жиҳатидан бир типда эмас. Улардан айримлари бевосита қофия структурасига таалуқли (масалан, эънот) бўлса, бошқалари қофиянинг умумий контекстдаги ўрни ва функцияси билан алоқадор. Шеърнинг умумий структураси ва қофия билан боғлиқ поэтик усулларнинг энг қадимийларидан бири **раддул-қофия** ёки **ито** деб аталади. XVI асрга қадар бўлган манбаларда бу санъат «ито» деб юритилган. Ито ҳақидаги мулоҳазалар Саккокийнинг «Мифтоҳул-улум», Шамсиддин Муҳаммад ибни Қайси Розийнинг «Ал-мўъжам фи маори ашъорул-ажам», Насириддин Тусийнинг «Меъерул-ашъор», Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Бадоул-афкор фи саноеул-ашъор» асарларида учрайди.

Шамси Қайс («ито хонанд»—«ито дейдилар») ва Насириддин Тусий («қудамо гуфтаанд-ки»—«қадимгилар айтишганки») асарларидаги баъзи ишораларга қараганда, ито ҳақидаги фикрлар яна ҳам қадимиyoқ бўлган (балки гап араб манбаларига бориб тақалар).

Шамси Қайс итони шундай таърифлайди (таржимаси): «Ито (луғавий маъноси) йўлда биравнинг қадами ўрнига қадам қўймоқдир ва ишда (амалда) ҳамда сўзда мутеъ ва мувоғиқ келишдир; олдинги қофия-

³² Тажнис фақат қофия билан боғлиқ эмас, текстнинг турли жойида ишлатилиши мумкин.

ни бошқа қофия ўрнига ўтказишса ва битта қофияни, шакл ва маъно жиҳатидан ўзгармаган ҳолда, бошқа қофия сифатида келтиришса, уни ито дейдилар»³³.

Бошқа бир жойда ёзади: «Ито бир қофияни иккинчи марта яна қайтаришdir ва у икки хил: жалий ва хафий»³⁴.

Кошифий асаридаги таъриф ва тавсиф ҳам Шамси Қайснигиа мос келади³⁵.

Шамси Қайс ва Кошифий асарларида ито қофия билан боғлиқ нуқсонлардан бири сифатида изоҳланган. Лекин классик қофия назарияси битта қасида ёки ғазал доирасида қофиянинг бир марта такрорланишини жоиз ҳисоблайди. Шунинг учун бўлса керак, мазкур авторлар ана шундай такрор учун имкон берувчи турли шартларни олға сурадилар. Шамси Қайс фикрича, йигирма уч ва ундан ортиқ байтли қасидада қофия такрорланиши мумкин. Ёки қасиданинг ўртасида матла келса, янги матладан кейинги қисмда олдинги қисмдаги бир-икки қофия такрорланиши мумкин³⁶. Саккокийга кўра, итонинг айби такрорланувчи сўзлар орасидаги масофа билан боғлиқ. Улар орасидаги масофа узоқ бўлса, яъни бири қасиданинг насибida ва бири мадҳ қисмида бўлса, ито нуқсон саналмайди. «Меъёрул-ашъор»да Тусий қадимгиларнинг шартини айнан келтиради: такрор қитъя ва ғазалда 7 байт, қасидада эса 14 байтдан кейин келиши мумкин³⁷. Демак, итони мутлақо инкор этиш мумкин эмас. Қолаверса, мазкур манбаларда яна бир зиддиятли изоҳ мавжуд: аруздаги қофияни, яъни биринчи мисранинг қофиясини такрорлаш ито ҳисобланмайди (Шамси Қайс). Кошифий эса уни ито эмас, раддул-матла деб атайди (мазкур асар, 726 в.).

Ваҳдолонки, раддул-матла алоҳида санъат бўлиб, фақат қофия эмас, балки матладаги мисралардан бирининг тўлиқ такрорланишидир³⁸.

³³ كتاب المعجم في معابر اشعار العجم... ٢١٧

³⁴ Ўша асар, 214-бет.

³⁵ ... بدأيَعُ الْفَكَارَ R. Мусулмонқуловнинг факсимиле нашри.

Москва, 1977, 726 варақ.

³⁶ Ўша асар, 216-бет.

³⁷ Ҳусайн Воиз Кошифий. Юқоридаги асар, 726 варақ.

³⁸ Бу ҳақда қарानг: Исҳоқов Е. Раддул-матла.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1973, I-сон, 77-бет.

Шунингдек, Шамси Қайс ўз асарининг «Қоғиянинг айблари» ҳақидағи бобини «қадимда ўтганлар бу ҳақда тадқиқотлар қилиб, сүз маъноси ва таркиби билан боғлиқ камчиликларга махсус номлар беришган, биз эса бу ерда устозлар санъат деб атаганлар билан чегараланамиз» деб бошлайди ва саккизта масалага, жумладан итога махсус тўхталади.

Демак, қадимгилар итони шеър санъатларидан бир ҳисоблаганлар.

Эрон олим Сайийд Мұхаммад Ризо Доий Жавод кўп манбалар асосида ёзган «Илми бадеъ дар забони форсий» номли асарида қоғия такорри билан боғлиқ ҳодисани (раддул-матла билан бирга) раддул-қоғия (қоғиянинг такрорланиши) номи билан алоҳида санъат сифатида изоҳлайди³⁹. Шамси Қайс ва Кошифий асарларида ито учун келтирилган мисолларга эътибор берилса, бир ҳақиқатни англаш мумкин. Уларда келтирилган қоғиялар мустақил сўзлардан эмас, суффикслардан иборат. Масалан: батар — ториктар — росстар: балогустар — сухангустар. Демак, қоғиянинг асоси бўлмиш «равий» сўзниң ўзагида эмас, балки қўшимчада ва фақат битта аффикс қоғия сифатида такрорланмоқда. Ваҳолонки, бу радиф учун хос хусусият. Бинобарин, бундай ҳодисани қоғиянинг нуқсони сифатида баҳолаш мумкин. Лекин уларнинг таърифи фақат аффиксдан иборат қоғия эмас, балки умуман ҳар қандай формадаги қоғиянинг такрорига тааллуқли бўлиб қолган (жумладан, мустақил сўз — қоғияларга ҳам). Шунинг учун ҳам биз бу ҳодиса учун ишлатилган терминларга аниқлик киритиш лозим деб ҳисоблаймиз: қоғиянинг нуқсони ҳисобланган мазкур ҳодисаларга нисбатан ито, шоир томонидан махсус ишлатилган қоғия такорри — поэтик усулга нисбатан эса раддул-қоғия атамасини қўллаш лозим. Шуниси дикқатга сазоворки, шеърий практикада қоғиянинг ўринли такрори нуқсон эмас, балки шеърий санъатdir. Форс-тожик адабиётининг улкан намояндалари ундан маҳорат билан фойдаланганлар (мазкур назарий асарларда Дақиқий, Хотуний, Манучеҳрий, Рашиди Ватвот, Саъдийлардан мисол келтирилган).

Ўзбек ғазалининг устозлари Атойи, Саккокий, Лутфий ва Навоийлар ғазалиётида ҳам бу санъатнинг ўнлаб, ҳатто юзлаб ажойиб намуналарига дуч келамиз.

Доий Жавод раддул-қоғияга шундай таъриф берган (таржимаси): «Раддул-қоғия шундан иборатки,

³⁹ Доий Жавод. Мазкур асар, 229-бет.

қасида ёки ғазалдаги биринчи мисранинг қофияси иккинчи байтнинг охирида такрорланади».

Доий Жавод келтирган иккита мисол (Ватвот ҳамда Манучехрийдан), ҳақиқатан ҳам, ана шундай характерда. Бу санъатга ўзбек ғазалиётидаги намуналар асосида қуйидагича таъриф бериш мумкин: **раддул-қофия** қасида ва ғазал матлаидаги ёхуд бошқа байтлардаги қофиялардан бирини ундан кейинги байтлардан бирида ёки мақтада муайян поэтик мақсад билан такрорлашдан иборат.

Ито ҳақида сўз юритилган мазкур манбаларда қофия такори икки қисмга ажратилади: **итои жалий** (очиқ, равшан такрор) ҳамда **итои хафий** (ёпиқ, яширин такрор). Биринчи қисм қофиянинг ўзгаришсиз — айнан такроридан иборат. Агар қофия бўлган сўзларда қофия ҳосил қилувчи суффикснинг айнан такрорланганилиги тездан кўзга ташланмаса, итои хафий бўлади. Масалан, **посбон**, **дидбон**, **мехрибон** сўзларида қофия элементлари «бон» аффиксига тўғри келади. Лекин унинг такори (турли маънодаги сўзлар таркибида бўлганлиги сабабли) аниқ кўринмайди. Ўша даврларда бу масалага икки хил қараш мавжуд бўлган ва бальзилар ана шундай ҳолни ито эмас, балки **қофия шойгон** (ноқис, паст қофия) деб аташган. Аксар шоирлар (ҳатто атоқли шоирлар ҳам) бундай қофияларни қонуний қофия сифатида ишлатганлар. Алишер Навоий асарларида ҳам ана шу типдаги қофиялар учрайди. Масалан, ўрта ёш даври шеърларидан:

Кўзгу ҳар дам судур ул рухсори оламсўздин...
Чора оҳи жонгудозу нолаи дилсўздин (БВ, 468).

Қофияни қўшимча сифатида келган «сўз» ҳосил қилган. Демак, Навоий қофияга формал ҳодиса сифатида қарамаган. Бинобарин, у сўзни маъно англатувчи тўлиқ бирлик сифатида олган. Шунингдек, «ковози — саровози»да ҳам қофиялар «ковоз»дан иборат. Лекин иккинчи ўринда у мустақил эмас, сўзниң таркибида келган ва янгича маъно яратишда иштирок этган. Биз ҳам ана шу типдаги қофияларни такрор ёки шойгон қофия эмас (бу формализм), балки етук қофия деб ҳисоблаймиз (оламтоб — обу тоб ҳам ана шу типда)⁴⁰.

⁴⁰ Лекин қофия-сўз иккинчи ўринда такрорий сўз бўлиб келса, унга қофия такори сифатида ёндашиб тарафдоримиз (чок ва чокчок, зор (йиглади) ва зор-зор каби). Бизнингча бундай ҳодисани хафий-махфий, ёпиқ такрор деб аташ тўғрироқ бўлади.

XV асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек шеъриятида ҳам раддул-қофия санъати ишлатилган. Масалан, Саккокий (4—5), Атойи (7—8) ва Лутфийларнинг нашр этилган шеърий мажмуаларида ҳам (элликка яқин) бу санъатнинг ёрқин намуналарини учратамиз. Лутфий девонида тўртта қўш раддул-қофия (битта фазалда иккита қофия тақрорланган) мавжуд. Албатта, бу оддий тақрор эмас. Шоирнинг юксак маҳорати ҳар икки тақрорнинг ўринли чиқишини таъмин этган ва поэтиканинг қатъий талабларига нисбатан жасорат билан ижодий ёндашиши муваффақиятли якунланган.

Поэтика қоидаларига ижодий муносабатнинг ажойиб маҳсулларини биз Навоий девонида яна ҳам кўпроқ учратамиз.

I. «Рад»нинг шеър структурасидаги ўрни масаласида Навоий эркин йўл тутган. У «рад» санъатини мазмун ва фикрнинг мантиқий йўналиши тақозо этган ҳар қандай ўринда ишга солади. Лекин тақрорнинг асосий қисми матла билан иккинчи байт (45 процентга яқин) ҳамда матла билан мақтага (30 процентдан ортиқроқ) мансуб. Матла билан ўртадаги байтларга тахминан 20 процент ва ўртадаги байтларнинг ўзига 5 процентча тўғри келади.

Бу ҳол фазал структурасидаги ана шу икки ўрин (албатта, Навоий фазалларининг ўзига хос композицияси эътиборга олиниши лозим) «рад» санъати учун кўпроқ имкон беришини кўрсатади.

II. ТАҚРОРНИНГ АСОСИЙ ФОРМАЛАРИГА КЕЛГАНДА, НАВОИЙ «РАД»ЛАРИНИ, АСОСАН, ИККИ ГУРУХГА АЖРАТИШ МУМКИН:

1. Фразеологик тақрор. «Рад»га мансуб қофиялардан бири оддий сўздан иборат бўлса, иккинчи (биринчи қофия ё бўлмаса тақрор сифатидаги қофия) фразеологик ибора⁴¹ таркибида келади. Шунингдек, ҳар икки ўринда ҳам фразеологик бирликлар таркибида келиши мумкин:

Васият қилди қабри бошида Фарҳод ила Мажнун,
Жунун саҳросида ул тошларким кўксума урдум...

Ҳаволам қиласа пири дайр бут ё муғбача зуннор,
Не чора чун қўйиб масжид, фано дайриға юз урдум (ФК, 408).

Дарди ишқинг уйла зор этмиш мени, эй бағри тош,
Ким қўярман йиғлабон ҳар нотавон оллида бош...

⁴¹ Бу терминни биз кенг маънода ишлатамиз.

Чун мени қилди бало тоғи жунун, тош отмангиз;
Негаким ердин олиб отмас киши тоғ узра тош (ФК, 270).

Қуйидаги байтларда биринчи қоғия икки марта тақрорланган. Шулардан иккитасида фразеологик ибора таркибида, биттасида эса маъно оттенкаларидан бирини ифодаловчи сифатида (нима қилибди, нима бўпти маъносида).

Лабингни сўргали муҳри сукут оғзима тушмиш,
Ки ул шаккар била эрним бир-бирига ёпушиш...

Не бок, пок кўнгул сори чарх солса кудурат;
Зулол кўзгусини соя тийра қилса, не тушмиш?

Навоиё, дема ишқинг сўзин чиқарма оғиздин,
Ёшурмогим не осиг, чун халойиқ оғзига тушмиш? (НШ, 265)

Фразеологик тақрор ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, *сўз-фразеология вариантида* сўз-қоғия ўзининг аслий маъносига эга бўлса, кейинги ҳолатда у кўчма маънода намоён бўлади.

Фразеология-фразеология тарзида эса ҳар икки ўринда ҳам кўчма маънони ҳосил қилувчи компонентлардан бири сифатида кўринади. Умуман олганда, фразеологик тақрорда иккала контекстдаги мазмун (тақрорланувчи қоғия билан боғлиқ) оддий тақрордагига нисбатан анча узоқ бўлади. Бу шоир учун анча эркин ҳаракат қилишга имкон беради.

2. *Лексик тақрор* бир неча кўринишга эга:
а) қоғиянинг мустақил сўз тарзидаги тақрори (сўз-сўз); б) изофа тарзидаги тақрор (сўз-изофа, изофа-сўз, изофа-изофа); в) ибора ва сўз бирикмаси шаклидаги тақрор (сўз-ибора, ибора-сўз, изофа-ибора, ибора-ибора, ибора-изофа ва ҳоказо). Мисоллар:

Мустақил сўз тарзидаги тақрор (сўз-сўз):

Юзини кўрди бадан чокидин **хароб** кўнгул,
Узулди, баски аён қилди изтироб кўнгул.

Чу бўлди жилвагар ул ганжи ҳусн, ҳасратидин
Хароблиғ қиласидур ҳар замон **хароб** кўнгул (БВ, 396).

Изофа тарзидаги тақрор (сўз-изофа):

Оразинг субҳидин эл айшини **жовид** айладинг...
...Эй кўнгилким, орзўйи **умри** **жовид** айладинг (БВ, 365).

Изофа-сўз: ушшоқи зор-зор (БВ, 145), аҳли насим-насим (БВ, 396), тоби мул-мул (FC, 401). Гарчи форсий изофа кўпроқ қўлланган бўлса ҳам, туркий изофа (қаратқичли бирикма)лар ҳам анчагина учрайди: васл боғинда — рухсори боғинда (FC, 48).

Изофа-изофа: сарви равоним — руҳи равоним (БВ, 512), нахли раънодек — сарви раънодек (БВ, 392), санами раъно — гули раъно (БВ, 265).

Бундай бирикмаларда, одатда, асосий маъно билдирувчи қисм бошқа-бошқа сўзлардан иборат бўлади.

Ибора ва сўз бирикмаси тарзидаги такрор: тоб — печу тоб (БВ, 539), зору мубтало — мубтало (ҒС, 36), бир ён — ҳар ён (БВ, 377), гулгун варақ — гулгун варақ (НШ, 543), ул икки лаб — ул икки лаб (БВ, 51), руҳу равон — руҳу равон (БВ, 135).

Ибора тарзидаги такрорнинг ўзига хос хусусияти шундаки, кўп ҳолларда ибора ёки бирикма ўз ҳолича — таркибида ўзгариш бўлмаган ҳолда такрорланади.

Навоий девонида ана шу такрор формаларининг ўзаро комбинация натижасида ҳосил бўлган ўнлаб кўришилари мавжуд (сўз-ибора, изофа-ибора, ибора-изофа ва ҳоказо).

Муҳим томони, уларнинг барчаси мазмун талаби билан маълум бир поэтик мақсаднинг ифодаси сифатида юзага келган.

Такрорнинг ҳар бир типи фақат шакл эмас, балки характер жиҳатидан ҳам ўзига хос томонларга эга.

Агар мазмун жиҳатидан оладиган бўлсак, мазкур типларнинг айрим хиллари ўртасида яқинлик кўзга ташланади ва уларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Айнан таクロр. Сўз такрорда асосан шундай, лекин изофа ва ибораларда компонентлардан бири ўзгариши мумкин, шунингдек, ўз ҳолича такрорланиши мумкин (сарви равон — сарви равон, ул икки лаб — ул икки лаб).

2. Бирикма таркибида (изофада, ҳам, иборада ҳам) айрим ўзгаришлар билан қайта келиш (ғами ишқ — дарди ишқ, васл боғинда — руҳсори боғинда ва ҳоказо).

Ана шу такрорларнинг ҳар бири ўзи мансуб бўлган контекстдаги маъно ўзгаришларининг бевосита ифодаси ҳисобланади. Мазмундаги ўзгариш эса мисрадаги тасвирнинг оқими, ва айниқса, поэтик ургуга таъсири этади. Масалан, оддий сўз такрорида асосий эътибор қоғия бўлган сўзнинг ўзига йўналтирилган бўлса, изофада мантиқий ургу биринчи қисмга — аниқланмишга кўчади (дард — аҳли дард, равон — сарви равон). Ибораларда эса, сўзларнинг боғланиш типлари билан боғлиқ ҳолда, янада бошқачароқ ҳол юз беради.

III. Раддул-қофия муайян шеър доирасида, шоирнинг нияти ва маҳорати билан боғлиқ ҳолда, ўзига хос поэтик функцияни адо этади. Юзаки қараганда оддий тақорордек туюлган бу санъат аслида шеърдаги ортиқча деталь эмас, балки умумий структуранинг табиий бир элементидир (биз Навоий ижоди асосида холоса чиқармокдамиз).

Шуни таъкидлаш керакки, қофияларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида бандга тааллуқли бўлиб, турли нутқий ситуациялар доирасида намоён бўлади. Бинобарин, унинг функцияси ҳам, характеристи ҳам ана шу ситуация билан боғлиқ. Тақорорнинг моҳияти ҳамда услубий асослари нутқий ситуациянинг характеристи тақозоси билан турли аспектда турлича оттенка касб этади. Шунинг учун ҳам, такрорий қофия мансуб бўлган нутқий ситуацияга боғлиқ ҳолда, қофиялар ўртасида мазмун, замон, фикрнинг боғланиш йўллари жиҳатидан тафовут бўлиши мумкин. Айрим мисолларга эътибор қиласлик. Фикр-мазмуннинг характеристига кўра (конкрет-умумий).

Баҳор сенсиз ўлубтур манга ажаб дўзах:
Қизил гул анда ўту оқ шугуфалардур ях.

Баҳор сенсиз агар дўзах ўлса, тонг эмас,
Биҳишт ичинда лиқо бўлмаса, эрур дўзах (FC, 126).

Бошимга шуълаи ҳижрон туташқондин эмас оғаҳ,
Бисол авжи уза бошиға олтун тож қўйғон шаҳ...

Тут эй соқиӣ, фано жомики, ишқ оллида яксондур:
Агар фосиқ ва гар зоҳид, ва гар бўлсан гадо, гар шаҳ (БВ, 571).

Биринчи мисрада қофия «дўзах» конкрет мазмуннинг ифодаси (шахсда ҳам, замонда ҳам) учун хизмат қиласа, иккинчи байтда у умумий холоса сифатидаги фикрнинг рўёбга чиқишида иштирок этади.

Одатда, тақорор қофияларнинг аксарияти ана шундай услубий муҳит (конкрет — умумий ёки аксинча)га тааллуқли.

Замон нуқтаи назаридан:

Дам-бадам жоми тараб гайр ила ул моҳ чекиб,
Мен йироқтин боқибон, қон ютубон оҳ чекиб...

Не ғамим ит киби ўлмактин, агар элтур эса,
Бўйнума ип солибон кўйига ул моҳ чекиб (FC, 83).

Биринчи байтдаги воқеа ўтган ва ҳозирги замонга тааллуқли (ул моҳнинг ҳозирги пайтдаги феъл-автори). Иккинчи байт эса шарт формасида бўлиб, амалга ошмаган, лекин ошиқ учун орзу бўлган ҳолат баёнидан ибо-

рат. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Такрорий қофиялар мансуб бўлган байтлар маъносига кўра (дарак-хабар, хабар-риторик сўроқ, хабар-даъват, даъват-сўроқ ва ҳоказо), улардаги воқеа фикрларнинг боғланиши усуулларига кўра ҳам (тамсилий, ташбиҳий, сабабий) турли кўринишига эга.

Нутқий ситуация ўзгариши — ҳам мазмун, ҳам унинг ифодаланиш воситаси учун умумий ҳодиса. Мазмуннинг ўзгариши грамматик комбинациялар орқали юзага келар экан, бу, сўзиз, мисра ва байтнинг синтактик қурилишида намоён бўлади. Демак, қофия **такрори бевосита** нутқий ситуация билан боғлиқ экан, бу ҳол қофияларнинг ҳар бири янги контекстда ўзига хос мазмун, маъно мұхитида ҳамда услуб доирасида ҳаракат қилади деган қатъий хулоса чиқариш учун асос бўлади.

Таъкидлаш керакки, қофиянинг ўрни шеър структурасида қатъий бўлганлиги учун мисрадаги синтактик комбинация ундан олдинги сўзларда амалга оширилади. Сўз-қофияга хос грамматик функция, ундаги маъно ўзгариши билан бутунлай ўзгариб кетиши (кесим эга, эга кесим ёки бошқа гап бўлаги) мумкин. Бироқ қофия ана шу функцияни ўз ўрнида туриб адo этади. Масалан:

Хатинг сипоҳи чу чиқти начукким мўру малах,
Демаки, қочмасун арбоби ишқ — урма занах.

Қуруди мазраи шавқум, чу зоҳир эттинг хат,
Ки дона оғатидур мазра ичра мўру малах (НШ, 117).

Бу парчада қофия ўз ўрнида турган бўлса ҳам, унинг маъно ва синтактик функцияси ўзгарган: биринчи байтда у ҳол (поэтик жиҳатдан ўхшатиш) бўлса, кейинги байтда эга (субъект) бўлиб келган.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, қофиянинг грамматик функцияси унинг маъно функцияси билан доимо мос келавермайди. Кўйидаги парчада тақорорланувчи қофия (синтаксис жиҳатидан) ҳар икки ўринда ҳол бўлиб келган. Маъно жиҳатидан олганда, биринчиси «май» билан, кейингиси «оғзим» билан боғланган.

Гарчи ул ширин лаб ичган май эрур **бисёр** талх,
Лек мен ичган майи ҳажри юз онча бор талх...

Ҳажри заҳри ичганимдинму экан, оё, буким
Набзи соқий бўлмишу оғзим эрур **бисёр** талх (БВ, 114).

Умуман, кесимга боғланган қофия билан бошқа гап бўлаги бўлиб келган ёки эга билан боғланган қофия

ўртасида (функционал ўзгариш жиҳатидан) ўзига хосликлар мавжуд.

Бундай масалада, хусусан, **поэтик инверсиянинг роали ниҳоятда сезиларли.**

Хуллас, Навоий ғазалиётида раддул-қофия шоирнинг мақсади, тасвир жараёни билан бевосита алоқадор шеърий санъат бўлиб, маълум бир фикрнинг тақорори учун эмас, балки янги нутқий ситуация доирасида янгила услубий аспектда хизмат қиласди.

Навоий девонида раддул-қофия актив санъатлардан бири ҳисобланади. Девонда унинг 450 дан ортиқ турлича намуналари мавжуд. Шундан 50 га яқини илк даврга, 120 га яқини йигитлик даврига, 70 дан ортиғи ўрта ёш даврига ва 210 дан ортиғи қарилек даврига тўғри келади. Ўз-ўзидан нима учун ўрта даврда озроқ яратилган деган савол туғилади. Бизнингча, бу даврда Навоий «Хамса» устида жиддий ишлаган ва асосий эътиборни ана шу асарга қаратган. Бу масалага бошқа санъатларни ҳам қиёсий ўрганиш асосида аниқлик киритиш мумкин.

Навоийнинг бу соҳадаги маҳорати яна шундаки, у бир ғазал доирасида қўш тақорорни ишлатган. Лутфий девонида ҳам 4 та қўш «радд» мавжуд. Лекин Навоий бу усулни ўзига хос маҳорат билан янгича маъно ва аспектда ишлатади. Натижада қўшрадд тақорор эмас, мутлақо янги қофиядек жаранглайди. Бунда, бир томондан, қофияларнинг таркибли сўзлардан иборат бўлиши ҳамда мисранинг умумий қурилиши муҳим роль ўйнаган (НШ, 64, 302, 349; FC, 288; БВ, 180, 429 ва ҳоказо).

Шу санъат билан боғлиқ баъзи фактларни Навоийнинг умуман поэтика соҳасидаги новаторлигини исботловчи далиллар қаторига қўшиш мумкин. Ҳамма гап шундаки, у «радд»ни фақат алоҳида ҳолда эмас, балки бир қатор бошқа санъатлар билан бирга, ҳатто уларни чатиштирган ҳолда ишлатади (радд ва тажнис, радд ва иттифоқ, радд ва иҳом ҳамда тажнис каби).

Масалан, қуйидаги парчада иккинчи байтдаги қофия «аёқ» иҳом бўлиб, бир пайтнинг ўзида икки хил маънога эга (оёқ ва май қосаси). Унинг биринчи маъноси олдинги байтдаги сўзга нисбатан «радд» ҳисобланса, иккинчи маъноси тажнис бўлади. Демак, бу парчада раддул-қофия, тажнис ва иҳом санъатлари бир-бири билан боғлиқ ҳолда ишлатилган:

Яқодек құрб агар топмон сенинг сиймин сақоқингға,
Этакдек ҳам ёмон әрмас, туша олсам **аёқингға...**

Ажаб әрмас, агар, әй мүгбача, майдың күттармон бөш,
Ұлуб мен ташналабнинг боши бир етмиш **аёқингға** (БВ, 535).

Умуман, Навоий қофияга формал ҳодиса сифатида қаралады, балки шеърдаги мазмун, маънени юзага чиқарувчи муҳим восита сифатида ёндашади. Шунинг учун ҳам у сўз-қофияни маъно берадиган ибора, бирикма тарзидаги олиб, контекст билан узвий боғлиқ ҳолда қарайди ва такрорда ҳам маънонинг этакчилик роли доимо унинг диққат марказида туради. Навоий шеъриятидаги бу санъатлар ўз хусусиятларига кўра муштарақ характерда бўлиб, мазмун билан алоқадор ҳодисанинг шаклий ифодасидан иборат. Бу типдаги санъатлар Навоийда оддий стилистик «ўйин эмас», балки шеърий мазмуннинг узвий қисми ва поэтик тасвир занжирининг ўзига хос бир ҳалқаси ҳисобланади.

ТАШОБЕҲУЛ-АТРОФ. Ўзбек шеърияти учун янгилик бўлган поэтик санъатлардан бири сифатида ташобеҳул-атрофни кўрсатиш мумкин.

Синтактик-стилистик комбинациянинг ёрқин намунаси бўлган бу санъат анча мураккаб бўлиб, унинг намуналари Ўрта аср форс адабиётидаги ниҳоятда оз, Навоийдан олдинги ўзбек адабиётидаги эса мутлақо учрамайди. Шунинг учун бўлса керак, поэтикага доир машҳур асарлар ҳамда луғатларда бу ҳақда бирор маълумот берилмаган (Родуёний (XI), Ватвот (XII), Қайс Розий (XIII) ва XV — XX асрларга доир бошқа асарларда).

Фақат Доий Жаводнинг «Зебоиҳои сухан ё илми бадеъ дар забони форсий» (Исфаҳон, 1956) номли асарида бу санъат ҳақида маълумоти ва намуна (Фурсатудавла Шерозий мухаммаси ҳамда Салмон Соважий рубойиси) берилган⁴².

Доий Жаводнинг бу санъатга оид маълумоти қўйидагича (мазмуни): «Ташобеҳул-атрофни тасбиф ҳам дейдилар ва у шундан иборатки, ёзувчи ёки шоир ёзган жумласининг охиридаги сўзларни ёнки мисра охиридаги қофияни кейинги жумла ёки мисра бошида айнан келтиради» (120-бет).

⁴² Атоуллоҳ Ҳусайнин мазкур терминни йўл-йўлакай ишлатган, лекин ўзи бу санъатга маҳсус тўхтамаган. Атоуллоҳда келтирилган мисол Доий Жавод таърифига ва мисолига тўғри келмайди. Қаранг: Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъ-с-санойиъ. Тошкент, 1981, 233-бет.

Бизнингча, Доий Жаводнинг умуман тўғри таърифи га жузъий ислоҳ киритишига тўғри келади.

Аввало, бу санъатнинг шеъриятдаги кўриниши фақат қофиянинг кейинги мисра бошида тақрорланишидан иборат бўлмай, балки мисралар муайян қисмининг мунтазам тақрорланиб келишидан (Доий Жавод мисоли ҳам шундай) иборат. Натижада мисраларнинг маълум қисмлари ўртасида ўхшашлик юзага келади.

Шунингдек, ўзбек адабиётида мазкур санъатнинг бошқача намуналари ҳам мавжуд. Яъни мисра охиридаги сўзлар гуруҳи навбатдаги мисранинг бош томонида тақрорланишдан ташқари, байтнинг иккинчи мисраи навбатдаги байтнинг биринчи мисраи сифатида (ғазалнинг охирига қадар) тўлалигича тақрорланиб боради.

Бунда ташобеҳул-атроф мисралараро эмас, балки байтлар ўртасида вужудга келади. Устод Навоийнинг йигитлик даврига мансуб қўйидаги ғазали ана шу типда бўлиб, айни замонда ўзбек адабиётидаги ташобеҳул-атроф санъатининг дастлабки ёрқин намунаси ҳам ҳисобланади:

Ердин айру кўнгул мулкедурур — султони йўқ;
Мулким, султони йўқ, жисмедурурким — жони йўқ.

Жисмдин жонсиз не ҳосил, эй мусулмонларки, ул
Бир қаро туфроқдекдурким, маҳи тобони йўқ.

Ул қоронғу кечаким, йўқтур маҳи тобон анга,
Зулматедурким, анинг сарчашмай ҳайвони йўқ.

Зулматеким, чашман ҳайвони онинг бўлмагай,
Дўзахедурким, ёнида равзани ризвони йўқ.

Дўзахиким, равзани ризвондин ўлғай ноумид,
Бир хуморидурки, анда мастиғи имкони йўқ.

Эй Навоий, бор анга мундоқ уқубатларки, бор
Ҳажрдин дарди валекин васлдин дармони йўқ.

Бу ғазал устод Шайхзода томонидан, Навоий ғазалиёти поэтикаси учун характерли жиҳатларни очиб бериш мақсадида, жуда яхши таҳлил қилинган. Чиндан ҳам, «ғазалдаги байтлар фикран, жисман ҳам воқеан бир-бирига чамбарчас боғлангандир. Ғазал бошдан-оёқ ташбиҳ (ўхшатиш) приёми асосида қурилган»⁴³.

Бизнинг назаримизда мазкур ғазал поэтикасининг

⁴³ Мақсад Шайхзода. Асаллар. Олти томлик. 4-том. Тошкент, 1972, 200-бет.

яна баъзибир жиҳатларини таъкидлаб ўтиш лозимга ўхшайди.

Аввало, бу ғазал, ташбиҳ санъати етакчи ўрин тутгани ҳолда, бир нечта поэтик санъатни ўзида мужассамлаштирган. Ана шулардан бири — шеър услубини қатъий мантиқ асосида уюштириб турган усул — мурооти назир санъатидир. Ташбиҳ учун келтирилган барча мағҳум ва деталлар бир-бири билан бевосита алоқадор бўлиб, бир-бирини мантиқан тақозо этади (султон ва мулк, жон — жисм, гулу райҳон — туфроқ, моҳ — кеча ва бошқалар).

Иккинчидан, газалнинг бошидан охирига қадар занжирли (мусалсал) ташбиҳни изчил қўллаш, бир томондан, тасвирнинг давомийлигини таъминлаб, уни тобора кучайтириб борса (бу шоирнинг маҳорати, албатта), иккинчи томондан, янги бир эригинал санъат — ташобеҳул-атрофни юзага келтирган.

Ташбиҳнинг характеристига келсак, шоирнинг асосий мақсади — ёрдан айрилиб, ҳижронга мубтало бўлган кўнгилнинг ниҳоятда аянчли аҳволини муболағали йўсинда тасвирлашдан иборат. Дастрлаб қараганда, барча ташбиҳ фақат ана шу мақсад учун хизмат қилади. Лекин тасвир замирига жиддийроқ назар ташласак, шоир фақат ҳижронзада қалбининг ҳолатини таърифлаш билан чекланмайди. Унинг тасвирида икки муҳим жиҳат — мунгли кўнгил ва шундай ҳолатнинг сабаби ҳамда билвосита сабабчиси бўлмиш ёрнинг самимий тавсифи ҳам ёнма-ён боради. Лекин ёрнинг таърифи айрилиқ таърифидек очиқ бўлмай, тасвир замирида ётади (шунинг учун ҳам буни ташбиҳи киноя сирасига киритамиз). Ерга нисбатан ишлатилган таърифлар ижобий ва қатъий баҳо характеристида бўлиб, айрилиқ ташбиҳлари билан ёнма-ён келади. Мана улар: мулкнинг султони, бадандаги жон, ерга тароват баҳш этган гулу райхон, зулматдаги чашмаи ҳайвон, равзай ризвон, хуморни даф этувчи мастлик.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ғазалда мавҳум тушунча (жудолик) реал, яъни ҳиссий нарсалар билан қиёс қилинган, бу эса ташбиҳ санъатида катта фазилат ҳисобланади.

Ғазал поэтикасида бўртиб турган яна бир санъатни таъкидлаб ўтмаслик мумкин эмас: занжирли ташбиҳ бошдан охирига қадар муболаға асосига қурилган. Муболаға эса актив маънавий санъатлар жумласидан бўлиб, қўпроқ қўтариинки эмоционал тасвирда етакчилик қилади.

Хуллас, Навоий бир ғазал доирасида бир нечта маънавий санъатни ҳамда синтактик-стилистик усулни муваффақият билан қўллаб, асосий фикр, етакчи пафоснинг ёрқин намоён бўлишига эришган.

Биринчи марта Навоий ижодида кўринган ташобеҳ-ул-атроф санъатнинг ўзига хос намунасини биз фақат XIX асрга келиб Огаҳий девонида учратамиз. Буни эса XIX асрнинг биринчи ярмидаги адабий ҳаётда буюк устод анъаналарига бўлган қизиқишининг ниҳоятда ортганилиги билан изоҳлаш мумкин⁴⁴.

Совет даври ўзбек шоирларидан Ҳабибий девонида ҳам мазкур санъатнинг Огаҳий вариантига ўхшаш ягона вариантини учратдик. Умуман, бу санъатнинг ўзбек шеъриятига кириб келиши Навоий номи билан боғланган.

Биз Навоий лирикасида учрайдиган поэтик санъатлар денгизидан фақат бир нечта қатранигина имконият доирасида намойиш қилдик. Ундаги ўнлаб етакчи санъатлар (ташибиҳ, тазод, ирсоли масал, иҳом, тажнис ва бошқалар) шоир маҳоратининг ўзига хос қирралари ҳақида янада мукаммалроқ тасаввур пайдо қилиши мумкин. Лекин биз Навоийнинг поэтик санъатларга муносабати ва уларни қўллашдаги принципларига доир баъзи моментларни қайд этиб ўтишимиз зарур.

Аввало, бадиий санъатларнинг қўлланиш усули ҳар бир шеърнинг характеристири (тавсифий, тасвирий, мулоҳазавий) ҳамда тематикаси билан узвий алоқадор. Масалан, бир образ ёки деталь асоснiga қурилган якорпа (М. Шайхзода термини) ғазалда бошдан охирига қадар бирор санъат етакчилик ролини бажаради, кўзга бўртиб ташланади (қўлланиш усуллари ўзгариб бориши мумкин).

Иккинчидан, кўпгина ғазалларда шеърий санъатлар навбат билан ўзгариб боради (бир-биридан қабул қилиб олади) ва натижада, битта шеър доирасида ўнлаб санъат ва уч-тўрт хил усул ишлатилади.

Учинчидан, бир қатор шеърлар учун (хусусан, ғазал) бир нечта усулнинг қўшилиб кетган ҳолда — мураккаб шаклда ишлатилиши характеристири (шеърнинг асосий мақсади зиддиятли ҳолатни кўрсатиш, амалга ошириш усули эса радд ёки тарди акс бўлиши мумкин).

Биз Навоий девонидан ана шундай характердаги шеърлардан ўнлаб намуна келтиришимиз мумкин. Би-

⁴⁴ Қаранг: Исҳоқов Ё. Ташобеҳул-атроф.— «Ўзбек тили ва адабиёти», 1972, 1-сон, 90—92-бетлар.

роқ фақат шуни таъкидламоқчимизки, фақат бутун бир шеърда эмас, ҳатто битта байтда ҳам шоир шундай мураккаб санъатларни қўллайдики, натижада улар муаммо даражасига бориб қолади ва шоирнинг ниҳоятда кузатувчанлиги ва фикр парвози маҳсули бўлмиш бир байтнинг мъиносини англаб етиш учун фақат кенг фантазияга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Масалан, турли ғазаллар таркибидағи мана бу икки байтга эътибор қиласайлик:

Давр ҳам қилди қадингни, гўшае тут — йўқ асо;
Негаким, «дард» — ўқ бўлур зоҳир, «алиф» ёндашса, «дол».

Келишган, тўғри қоматни «алиф»га (ا), эгилган гавдани эса «дол»га (د) ўхшатиш машҳур анъана. Лекин шоир анъанага бутунлай янгича ёндашган. У қўлида ҳасса тутган қадди букик одамга қараб хитоб қилмоқда: сен эгри қаду ҳасса билан одамлар кўзига кўрина берма. Чунки сенинг гавданг «дол» ҳарфини, ҳассанг эса «алиф»ни эслатади. «Дол»нинг олдига «алиф» ўтгач, ўз-ўзидан «дард» пайдо бўлади. (دا — «доъ» — араб тилида «беморлик, мараз» демак).

Сенинг ҳолатнинг ўзи ҳам шаклан, ҳам суратан беморликни билдиради. Иккинчи байт:

Бистунғаким стун Фарҳод бўлди, «қоғ»и «ишқ»
Ул стунни Бистун остидаги «нун» қиласило.

Бистун (тоғ номи, шунингдек, «стунсиз» деган маънога ҳам ишора)га Фарҳод устун бўлди. Лекин ишқнинг «қоғ»и (ق — «ишқ» сўзидаги охирги ҳарф ҳамда Қоф тоғи — Кавказ тоғи) уни эзиб, Бистун — بیستون (ҳам тоғ, ҳам унинг номидаги охирги, яъни остидаги ҳарф «нун» — ن) остидаги «нун» ҳарфига айлантириди («нун» ҳам букилган қадга ишора).

Лекин ана шундай мураккаб, аммо санъаткорона тасвир қуруқ сўз ўйини учун эмас, балки жиддий фикрни ифодалаш учун ишлатилганлиги ўз-ўзидан аён. Лекин у ўқувчини ўйлашга, хаёл қанотида юксак парвоз қилишга даъват этади.

Тўртинчидан, Навоий қайси бир шеърий санъатни қандай жанр ва қандай мақсадда қўлламасин, ҳар доим қатъий таносиб талаблари асосида иш кўради. Маъно, тасвир ва тасвир элементларининг ўзаро мантиқий мутаносиблиги унинг поэтик системаси учун темир қонун.

Бешинчидан, Навоий шеърий санъатлардан барча мавзуларда, хусусан, дидактик ва ўткир ижтимоий

рат билан фойдаланади. Ана шу хулосамизнинг исботи учун маънавий санъатлардан иккитасининг Навоий шеъриятида қўлланилишига хос баъзи бир принципларни эслатиб ўтамиз. Масалан, ташбиҳни олиб кўрайлик. Инсон бадиий тафаккурининг энг биринчи элементларидан бири бўлган бу бадиий восита ижодкорга ўз таассуротлари, фикр ва кечинмаларини ёрқин, образли шаклда ифодалаши учун чексиз имкониятлар беради. Санъаткорнинг борлиққа муносабати, мавжудот ва ҳодисалар орасидаги алоқа ва нозик боғланишларни идрок эта билиш қуввати, ўзига хос мулоҳаза усули ҳамда поэтик маҳорати унинг ташбиҳларида, айниқса, яққол кўринади⁴⁵.

Навоий ташбиҳлари учун хос муҳим фазилатлардан бири уларнинг изчил таносиб асосига қурилганлигидир. Бадиий ижод, хусусан, шеъриятнинг энг муҳим талабларидан ва Навоий шеъриятининг энг биринчи фазилати бўлмиш тасвирдаги (ички ва зоҳирий) таносиб унинг ташбиҳларида ҳам етакчилик қиласди. Ташбиҳ учун танланган ҳар бир лавҳа ёхуд деталь тасвир объекти билан қандайдир йўл билан (ташқи хусусияти ёки функцияси жиҳатидан) боғланган бўлиб, унга хизмат қиласди. Масалан:

Токи қилдим раз суйидин тарки ҳуш, эй бобон,
Хам бўлуб, қўл ҳар тараф солғон нечукки токмен (ФҚ, 473).

Лўлившимдин айруки, қабримда лоладур,
Ул ўйнағон киби ёғоч узра пиёладур (БВ, 189).

Шоир майни тарк этгандан кейинги ҳолатини бошқача тасвирлаши ҳам мумкин эди. Бироқ у атайлаб ток ёғочини танлаган. Бу эса мазкур образ фақат ўз ҳолати тасвирига мос тушганлиги учун эмас (бу ҳолатга мос бошқа ўҳшатишлар ҳам топиши мумкин эди), балки биринчи мисрадаги образ — раз қизи (май) билан бевосита боғланишли бўлгани учун ҳам олинган.

Қабрдаги лоланинг ташбиҳи эса маъшуқа тасвири (у лўливш, ёғоч учида пиёла ўйнатиш эса лўлиларнинг ҳунари) билан ниҳоятда мутаносиб бўлиб, ташбиҳ йўли билан келтирилган этнографик характердаги бу деталь бир байтда жонли бир манзара яратиш учун имкон берган.

⁴⁵ Ташбиҳнинг структураси ва турлари ҳақида маълумот олиш учун қаранг: Исҳоқов Е. Ташбиҳ.— «Ўзбек тили ва адабиёти», 1970, 4-сон.

яна бирн үлар орасыда реалистик характердаги деталларнинг кўплигидир. Реал ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар, урфу одатлар ичидан ташбиҳ учун танлаб олинган материаллар шу қадар хилма-хилки, шоирнинг санъаткорона тасвири кўп ҳолларда бир байтнинг ўзида давр учун характерли бўлган яхлит картина ёхуд ҳаётий лавҳанинг ёрқин манзарасини яратади. Шоирнинг илк девонида шу хилдаги байтларнинг ўнлаб ажойиб намунаси учрайди:

Югурур ҳар кипригимга ортилиб бир қатра ёш,
Шўх ёшлардекки, ўйнарлар чубуқ маркаб қилиб.

Орзуи васлдан ранжур эрур мунглув кўнгул,
Қут учун тазвир ила бемор бўлғондек гадо.

Кўйига киргач мени мунглув, ҳужум этти рақиб,
Ўйлаким, итлар гадо кўрганда ғавго қилдилар⁴⁶.

Бундай характердаги байтлар шоир ижодининг кейинги даврларида ҳам сон, ҳам тематик доира нуқтаи назаридан янада кўпайган.

Лекин ташбиҳнинг бир шеър доирасида қўлланиши масаласида Навоийнинг новаторлиги яна ҳам диққатга сазовор. У бутун бошлиқ ғазалларда тасвири ташбиҳ асосига қуради. Бу хусусият шоир ижодининг илк даврида шаклланган бўлиб, кейинги босқичларда ҳам ривож топган. Худди ана шу типдаги қуидаги ғазал унинг илк ижодига мансуб:

Қўз ёшим бўлди равон бир нарғиси жоду кўруб,
Тифл янглиғким, юргургай ҳар тараф оҳу кўруб.

Қолди ҳайрон зоҳид ашкимда кўруб ҳар ён ҳубоб,
Рустоидекки, ҳайрат айлагай ўрду кўруб.

Жон аро тифинг кўруб, кўнглум қуши тузди наво,
Тўтиедекким, такаллум айлагай кўзгу кўруб.

Водин ишқинг макон қилди кўнгул кўргач юзунг,
Эл биёбон ичра манзил айлагандек сув кўруб.

Жонда ўз доғин кўруб, ошиқлиғимни англади,
Ул қишидекким, таниғай ўз қулун, белту кўруб.

Бода тутқач, дема бехуд бўлдиким ул кўзгудин;
Борди ҳушум, ёр ҳусни жилласин ўтру кўруб.

Эй Навоий, дафъ ўлур холин кўруб, кўхи ғамим,
Фил янглиғким, ҳазимат айлагай ҳинду кўруб (FC, 58).

⁴⁶ Инв. № 564, 19а, 26а, 46а варақлар.

Ташбиҳнинг Навоий лирикасидаги юксак тараққиёти бу санъатга хос деярли барча қирраларнинг (сареҳ, машрут, тафзил, акс, музмар, тасвия, мусалсал, киноя, муъкад) тўлиқ намоён бўлишида кўринади. Муҳими шундаки, Навоий ташбиҳнинг турли кўринишлари муваффақият билан ишлатилган юзлаб байтлар яратибигина қолмайди, айни замонда у бу санъатнинг кашф этилмаган имкониятларини очишга, улардан муҳим ғояларни ифодалашда фойдаланишга интилади. Масалан, ташбиҳи мусалсал (кетма-кет ўхшатиш) бир предметни бир неча сифатлар билан кетма-кет тасвирлаш асосига қурилган. Навоийда бунинг ажойиб намуналари мавжуд. Лекин у йигитлик даврида ёзган қўйидаги ғазалида мазкур ташбиҳнинг ўзига хос намунасини яратган. Яъни бу ерда мусалсал ташбиҳни бир предметга нисбатан олинган ташбиҳларнинг щунчаки кетма-кет ифодаси эмас, балки бир қатор ташбиҳларнинг бир-бiri билан мантиқий алоқага киритилиши ҳосил қилган. Бунда мушаббаҳ-мушаббаҳунбих муносабати боғланишли, изчил тасвир асосида ривожланиб (ўзидан олдингига нисбатан мушаббаҳунбих бўлган предмет ёки ҳолат ўзидан кейингининг мушаббаҳи бўлиб қолади) боради ва бу изчиллик мантиқий хуросага қадар ривожланиб, ниҳоят ўз интиҳосига эришади:

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур — сultonи йўқ;
Мулкким, сultonи йўқ, жисмедурурким, жони йўқ...⁴⁷

Юқоридаги мулоҳазаларнинг ўзи ҳам ташбиҳ Навоий лирикасида сон ва сифат жиҳатидан жиддий тараққиётга эришган деб хуросага чиқаришга ҳуқуқ беради.

Навоий лирикасида том маънода янги моҳият касб этган анъанавий санъатлардан бири тазод ҳисобланади⁴⁸. Етакчи бадий тасвир усулларидан бири сифатида бадий адабиёт тарихида ўзига хос мавқега эга бўлган бу санъат Навоийдан олдинги ўзбек лирикасида ҳам лирик қаҳрамон кечинмаларини тасвирлашда қўлланиб келган. Бироқ Навоий лирикасида у катта социал мазмунни ифодалаш учун кенг жорий қилиниб, хилмажил стилистик имкониятлари билан юзага чиқди.

⁴⁷ FC, 328. Бу шеър ҳақида «Ташбехўл-атроф» бўлимига қаралсин.

⁴⁸ Тазод санъати ҳақида қаранг: Мақсад Шайхзода. Тазод. Асарлар. IV жилд. Тошкент, 1972, 262-бет; Исҳоқов Ё. Тазод.— «Ўзбек тили ва адабиёти», 1970, 5-сон.

«Маҳбубул-қулуб»нинг бош қисмидаги қўйидаги мәс-
навийга эътибор қиласайлик:

Гаҳе топтим фалакдин нотавонлиғ,
Гаҳе кўрдим замондин комронлиғ.

Басе иссиғ-совуғ кўрдим замонда,
Басе аччиғ-чучук тоттим жаҳонда.

Воқеа-ҳодисаларни қарама-қарши қўйиш орқали тас-
вираш шоирга шу кичик шеърий парчада ўзининг тур-
ли зиддиятлар билан ўтган мураккаб ҳаёт йўлининг
бадиий картинасини яратиш имкониятини берган.

Тазод Навоийнинг илк шеърларидаёқ руҳий ҳолат,
вазият ва кечинмалар тасвирида кенг ишлатилган
Масалан:

Тонгға солма вайдаи васлингни боре бу кеча,
Ким мени ўлтургуси тонг интизори бу кеча⁴⁹.

Чоқлик жон қолур ўту сув аро,
Чун май олуда бўлур ул икки лаб⁵⁰.

Биринчи байтда ошиқнинг интилиши, хоҳиши билан
мавжуд имконият ўртасидаги зиддият акс этган бўлса,
кейинги байтдаги тазод лирик қаҳрамоннинг зиддиятли
кечинма ва кайфияти тасвири асосида юзага келган.

Шоир маъшуқа лабини қип-қизил чўққа, лаблардаги
май юқини эса ўт устига қўйилаётган сувга ўхшатган.
Ўт билан сув эса бир-бирига зид. Уларни алоқага кири-
тиш эса тазод санъатини ҳосил қилган. Шунга параллел
ҳолда лирик қаҳрамон ҳам қарама-қарши кайфиятга
тушади: унинг тили билан айтганда, жони «ўт билан сув
орасида» қолади.

Навоий лирикасида тазоднинг қўлланиш характеристи-
шешердаги мазмун, фикрнинг моҳияти билан бевосита
боғлиқ бўлиб, гоҳ айрим байтларда, гоҳ кетма-кет бир
неча байтда кўринса, кўп ўринларда бошидан охирига
қадар тазод асосига қурилган ғазалларни ҳам учратиш
мумкин. Бундай ғазалларда асосий маънонинг етакчи
усул орқали ифодаланиши шакллари ҳам хилма-хил
(ҳолат, воқеликнинг контраст тасвири, асосий фикрни
ифода қилувчи сўз ёки ибораларни радиф қилиб олини-
ши ва ҳоказо). Қўйидаги матлали ғазалларда ана шун-
дай услубий йўллар жуда яхши намоён бўлган:

Чархким, Ою Қуёши бору юз минг анжуми,
Поймолу тийра туфроғ эмгакидин не ғами (НШ, 642).

⁴⁹ Изв. № 564, 119^а варақ.

⁵⁰ Изв. № 564, 122^а варақ.